

Фарғона вилоят маънавият-марифат кенгаши,
«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Фарғона вилоят
бошқармаси

Нодирбек Абдулаҳатов, Исмоилжон Тўхтабоев

ТОШЛОҚ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

«Янги аср авлоди»

Тошкент – 2011

Масъул муҳаррир:

**АҲМАДЖОН САЛМОНОВ,
тарих фанлари номзоди**

Тақризчи:

**БАҲРИДДИН УСМОНОВ,
тарих фанлари номзоди**

Мазкур китобда Тошлоқ тумани қишлоқлари тарихи ва ундаги муқаддас зиёратгоҳлар ҳамда улар билан боғлиқ халқона қарашлар ҳақида ҳикоя қилади.

© Н.Абдулаҳатов., И. Тўхтабоев.

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

*Ушбу китоб иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва
меҳнат фахрийси Тўйчибой Тўхтабоевнинг
ёрқин хотирасига бағишланади.*

Ўтмишда яшаб ўтган улуғ донишмандлардан бири «Ишнинг энг қийини уни бошлаб олишдир» деб айтган эди. Дарҳақиқат кўп ҳолларда бир ишни бошлашга журъат қилмай турли баҳоналарни сабаб қилиб кўрсатишдан нарига ўтмаймиз. Натижада кўп нарсани, айниқса вақтни бой бериб қўйганлигимиздан пушаймон бўлиб юраверамиз. Тошлоқ тарихини ўрганиш борасида ҳам худди шундай бўлди. Аввалига китобни қандай ва қайси йўналишда ёзиш борасида кўп ўйландик. Ваниҳоят ўй-фикр суришдан кўра, Тошлоқ тўғрисида маълумотларни тўплаш, ёзилажак китоб сари биринчи қадам эканлигини тушундик.

Тошлоқ туманида тарихий аҳамиятга эга бўлган ўндан ортиқ археологик ёдгорлик ва меъморий обидалар сақланиб қолган. Бундан ташқари туман ҳудудида йигирмадан ортиқ зиёратгоҳлар мавжудлиги аниқланган. Биз айнан ушбу ёдгорликлар ва зиёратгоҳларни ўрганиш мақсадида Тошлоқ тумани бўйлаб дала тадқиқотларини олиб борар эканмиз тўпланган маълумотларни айримларини қоғозга тушириш давомида бўлажак китобимизнинг номини «Тошлоқ тарихидан лавҳалар» деб номлашни маъқул кўрдик. Чунки биз вақтимиз ва имкониятимизни ҳисобга олган ҳолда Тошлоқ тарихи билан боғлиқ маълум бир қисқа даврни ҳамда шу даврларга доир баъзи бир маълумотларнигина китобга киритдик, холос. Шу сабабдан Тошлоқдаги қишлоқ ва маҳалла номларни келиб чиқиши ва ундаги зиёратгоҳларга эътибор қаратишимиз билан бирга унда ўсиб улғайган тарихий шахслар ҳаёти ҳақида қисман бўлсада, маълумот беришга ҳаракат қилдик. Бунинг учун муҳтарам китобхонни биздан гинахонлик қилмаслигини сўрар эдик.

Маълумки, ҳар бир ёзилган китоб иккинчи бир китобнинг ёзилишига сабаб бўлади. Шу аснода дастлабки китобларда йўл қўйилган камчилик ва хатолар кейинги китобда кўзга

ташланмайди. Ҳайлаймизки Тошлоқнинг қадимги тарихидан айрим лавҳаларни ҳикоя қилувчи мазкур китобни ўқиган китобхон ўзи яшаб турган ҳудудда ҳам биз билмаган ва эшитмаган маълумотлар мавжуд эканлигини англаб, янги китоб ёзишга жазм қилар. Ҳеч бўлмаганда, бу ҳақда бизни хабардор қилар, деган умиддамиз. Агар иш шу тарзда давом этса, келгусида Тошлоқ тарихи тўғрисида кенгроқ маълумотларни қамраб олган китоб тайёрланиши шубҳасиз. Нима бўлганда ҳам бошланган хайрли ишнинг ниҳояси ҳам хайрли бўлиши муқаррар.

Қадимдан ҳар бир ёзилган ва ёзилажак китоблар дили пок, эзгу ниятли инсонларнинг яқиндан кўмаклари туфайли дунё юзини кўрган. Сўзимиз ниҳоясида биз ҳам ушбу китобни чоп этишда яқиндан ёрдам берган Ҳалимжон Умаровга, Ҳайдарали Юлдашевга, Турсунбой Ҳалиловга, Ихтиёржон Эгамбердиевга, Султонбой Мамиталиев, Тожиали Раҳмонов, Шоҳсанам Одилжон қизи ҳамда таниқли журналист Набижон Собиров сингари ана шундай эзгу қалб соҳибларига Аллоҳдан беҳисоб ажру-мукофотлар тилаб қоламиз.

ҚАДИМГИ ТОШЛОҚ

Тошлоқ номи тош сўзига ўзақдан англашиладиган предмет, нарсанинг мўллигини, кўплигини билдирадиган ўрин-жой оти ясовчи – лоқ кўшимчасини кўшиш орқали ясалган. Тошлоқ – тошли, тоши кўп, сертош ерларда ерларда вужудга келган, ташкил топган қишлоқ маъносини ифода қилади. Аввал қишлоқ номи сифатида шакланган Тошлоқ топоними кейинчалик туман номига кўчган.

Тошлоқ номи билан юритилувчи жой номлари юртимизда оз эмас. Андижон вилоятининг Қўрғонтепа, Избоскан, Андижон, Жалолқудук, Балиқчи, Наманган вилоятининг Уйчи, Янгиқўрғон, Норин, Косонсой, Тўрақўрғон, Фарғона вилоятининг Қўштепа, Тошкент вилоятининг Бўка, Қуйи Чирчиқ туманларида Тошлоқ номида қишлоқ ва маҳаллалар мавжуд¹.

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда تاشلاق – Тошлоқ номи билан тилга олинади.

Мазкур ҳужжатлар турли мазмунда бўлиб, уларнинг айримларида 1872-1874 йиллар давомида Тошлоқ бозорини ривожлантириш учун дўконлар, карвонсаройлар барпо этилганлиги ҳамда Тошлоқда Содиқбек ўрдаси ва қозихона қурилиши хусусида маълумотлар учрайди. Бундан ташқари Тошлоққа доир ҳужжатларнинг бирида қизиқ маълумот келтирилади. Унга кўра, Тошлоқдаги ўрдада айиқ сақланган ва бу айиқ занжирини узиб юборганлиги учун Муҳаммад Али исмли шахс Марғилон беги Султон Муродбек² номига Тошлоқ ўрдасидаги

¹ Охунов Н.Жой номлари таъбири. –Т.: «Ўзбекистон», 1994. 50-б.

² Султон Муродбек – Худоёрхоннинг укаси бўлиб, Худоёрхон уни Марғилонга ҳоким этиб тайинлаган эди. 1871 йили Қўқонга ташриф буюрган рус географ олими А.П. Федченко Султон Муродбек хонадонида меҳмонда бўлиб, хоннинг укаси тўғрисида самимий илиқ сўзларни ёзиб қолдирган: «Султон Муродбек ипақдан тўқилган заррин чопон кийган бўлиб, ёши 35-40 атрофида. Юз тузилиши келишган, ўта мулойим, кишини ўзига жалб қилувчи ажойиб инсон эди». Бу ҳақда қаранг: Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. – М., 1950.

1873 йили Тошкент атрофида қозоқлар кўзғолон кўтарганда Султон Муродбекни Дўстмуҳаммад додхоҳ билан сафарбар этиб, кўзғолонни бостиради. 1873 йили

айиқни ушлаб туриш учун йўғонроқ пишиқ занжир беришларини сўраб мурожаат қилади. Шунингдек, Тошлоқдан келган меҳмонларни хон саройида қай тарзда илтифотлар кўрсатилганлиги ҳам ҳужжатларнинг бирида ўз ифодасини топган³.

Маълумотларга кўра, Тошлоқ маркази ҳудудида ХХ асрнинг бошларида марғилонлик бой савдогар Муҳаммад Каримбек (Мадкаримбек) томонидан барпо этилган мадраса ҳам мавжуд бўлган. Бу ҳақда Муҳаммад Азиз Марғилоний «Тарихи Азизий» номли китобида жумладан қуйидагиларни келтиради:

«Муҳаммад Каримбек отлиг савдогар одам бор эди. Тошлоқ маҳалласида бир яхши хишдан мадраса бино қилиб кетти»⁴.

1909 йили Фарғона шаҳрида (ўша вақтда Скобелев номи билан юритилган – муаллифлар) чоп этилган «Фарғона вилоятининг аҳоли яшашдиган жойлар рўйхати» номли китобдаги маълумотларга кўра бу вақтда Тошлоқ қишлоқ сифатида Марғилон уездининг Марғилон волост (бўлис)и таркибига кирган бўлиб, унда жами 1739 нафар аҳоли истиқомат қилган.

Тошлоқ тумани Фарғона вилояти ҳудудида 1935 йил 9 февралда ташкил топган. Туман ўша давргача Марғилон туман таркибида бўлган. 1959 йил 14 декабрда Марғилон, Ёзёвон, ва Тошлоқ туманлари қўшилиб Қўштепа (собиқ Охунбобоев) тумани ташкил этилди. 1973 йил 12 апрелда эса Тошлоқ тумани қайта ташкилланди.

Тошлоқ туманнинг ер майдони 243 кв. км бўлиб, аҳолиси 2010 йилнинг декабр ҳисобига кўра 158200 кишини ташкил этади.

Худоёрхоннинг «марҳум мерос» фармойишидан кейин яна кўзғолон кўтарилади. Шунда Мусулмонқул мингбошининг ўғли Абдурахмон офтобачи Мулло Исо авлиё билан тил бириктириб, Султон Муродбекни қипчоқларга топширишга ваъда беради ва Султон Муродбекни Иккисув орасига юборишади. Улар Султон Муродбекни хон кўтармоққа ваъда берадилар. Ўзаро урушлар авж олгач, Султон Муродбек Қўқонга борганда, фуқаролар уни ушлаб Пўлатхонга топширадилар. У Пўлатхон буйруғи билан Асакадаги катта қабристонга олиб бориб ўлдирилади. Бу ҳақда қаранг: Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. –Т.: «Маънавият», 1999.

³ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С.143, 329, 333, 345, 353, 415.

⁴ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва зоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. –Т.: «Маънавият», 1999. 88-б.

Тошлоқ тумани Марғилон шаҳри билан ёнма-ён, Фарғона шаҳрининг саноатлашган Қиргули тумани билан туташиб кетган. Тошлоқ Қувасой шаҳри, Қува, Ёзёвон, Қўштепа туманларига қарашли хўжаликлар билан чегарадош. Бир чети Андижон вилоятининг Бўз тумани ҳудудига бориб тақалади.

Яқин темир йўл станцияси – Қўштепа (5 км). Фарғона шаҳридан 16 км узоқликда жойлашган.

Тошлоқнинг Шимолидан Катта Фарғона канали, жанубдан эса Жанубий Фарғона канали кўндалангига кесиб ўтади. Туманнинг жанубидан Тошкент-Жалолобод темир йўл магистрали ҳамда туман ҳудудидан бир нечта Республика ва вилоят аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўллари ўтган. Андижон – Марғилон, Марғилон – Бўз йўллари шулар жумласидандир. Юқоридаги саноатлашган шаҳарларнинг яқинлиги, магистрал йўлларнинг ва мамлакат аҳамиятига эга бўлган иккита каналнинг ўтиши Тошлоқ туманини ривожлантиришнинг қулай омилларидан бўлиб хизмат қилади⁵.

Туман маъмурий жиҳатдан 10 та шаҳарча посёлкалари, Арабмозор, Ахшак, Бирлик, Варзак, Найман, Найман-бўстон, Садда, Қўрғонча, Тўхтабоев, Қумариқ сингари 10 та қишлоқ фуқаролар йиғинига ҳамда 53 та маҳалла фуқаролар йиғинларига бўлинган.

ТОШЛОҚ ШАҲАРЧАСИ

Тошлоқ туманидаги Тошлоқ шаҳарчаси 1974 йилнинг 10 декабрида ташкил этилган. 2010 йилнинг декабр ҳисобига кўра Тошлоқ шаҳарчасида 3586 та хонадон мавжуд бўлиб, унда 16 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Тошлоқ шаҳарчасида туман ҳокимлиги биноси, маъмурий, давлат ташкилотлари, пахта тозалаш заводи, Марғилон «Атлас» фирмаси филиали, нон комбинати, тикувчилик фабрикаси, қурилиш ташкилотлари, автокорхона, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мусиқа мактаби, марказий

⁵ Ўринов Р. Тошлоқ тумани табиати, иқтисодиёти, тарихи, ижтимоий ҳаёти. Тошлоқ, 2009. 11-б.

кутубхона, маданий ва истироҳат боғи, марказий касалхона, поликлиника, дорихона ва бошқа тиббий муассасалар фаолият кўрсатади. Тошлоқ – Фарғона йўналиши бўйича автобуслар қатнайди⁶.

Тошлоқ шаҳарчининг ижтимоий-маданий ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда 4 та даволаш муассасалари, 2 та мактаб, 4 та болалар боғчаси, 1 та касб-хунар коллежи, 23 та сартарошхона, 17 та ошхона, 51 та савдо шахобчалари, 15 та қассобхона, 2 та ёғочни қайта ишлаш цехи, 3 та хусусий тегирмон, та 7 оталар чойхонаси фаолият кўрсатмоқда. Тошлоқ шаҳарчасидан шу кунга қадар 5 нафар доктор ва фан номзоди даражасини олган олимлар етишиб чиққан.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Тошлоқ шаҳарчасидан кўплаб олимлар ва санъаткорлар етишиб чиққан бўлиб, ўзига хос маҳорат билан томошабинларни лол қолдиришдек туғма қобиллат соҳибаси, Зайнаб Садриева, Сора Эшонтўраева, Амин Турдиев, Наби Раҳимов, Аброр Ҳидоятловлар каби эл суйган санъаткорлар билан ёнма-ён туриб театр сахнасида ўнлаб ўлмас образларни яратган Тошхон Султонова (1909-1989) ҳам ҳозирги Тошлоқ шаҳарчасидаги маҳаллаларнинг бирида дунёга келган.

Тошлоқ шаҳарчаси Нонвой маҳалла, Қашқар, Фурқат, Баҳор, Боймаҳалла, Дўстлик, Сувбоши сингари маҳаллалардан иборат.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Қашқар маҳалласи Марғилон уездининг Марғилон волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 569 нафар аҳоли истиқомат қилган⁷.

⁶ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8 жилд. –Т., 2004. 559 - б.

⁷ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 101.

САДДА

Тошлоқ туманида жойлашган қишлоқ. Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг маркази Садда қишлоғи ҳисобланади. 2010 йилнинг декабр маълумотига кўра, Садда қишлоқ фуқаролар йиғинида 3661 та хонадон мавжуд бўлиб, унда 20 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Умумий майдони 2433 гектарни ташкил этади.

Қишлоқнинг ижтимоий-маданий ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда 2 та даволаш муассасалари, 5 та мактаб, 3 та болалар боғчаси, 14 сартарошхона, 1 та ошхона, 4 та савдо шахобчалари, 7 та қассобхона, 3 та ёғочни қайта ишлаш цехи, 4 та хусусий тегирмон, 13 та оталар чойхонаси фаолият кўрсатмоқда. Садда қишлоқ фуқаролар йиғинидан шу кунга қадар 2 нафар доктор ва фан номзоди даражасини олган олимлар етишиб чиққан.

Садда қишлоқ фуқаролар йиғини Баланқўприк, Боймаҳалла, Пастки маҳалла, Конизар, Қақир, Катта кўча, Сўфилар, Тожик қишлоқ, Терак таги, Қиртаги, Қўқонлик сингари маҳаллалардан иборат бўлиб, қуйида уларнинг айримлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтамиз.

Сўкчилик

Сўкчилик маҳалласининг келиб чиқиши тўғрисида Бегали Жўрабоев қуйидагиларни ҳикоя қилади:

«XIX асрнинг ўрталарида маҳалламизда яшаб ўтган аҳоли жумладан Тошболта ота оиласи каби хонадонлар тариқ уругини туйиб, Маргилон бозорида сотганлар. Кун сайин уларнинг бозорлари чаққон бўлиб, сўк оши бутун маҳалла пишириб тирикчилик қилганлар. Улар шу тарзда очарчиликдан оилаларини сақлаб қолганлар. Маргилонликлар шу донги кетган сўк ошини ичиш учун Тошлоққа келаётганларида сўк

оши маҳалласига кетяпмиз дер эканлар. Вақтлар ўтиши билан Сўк оши маҳалласи Сўкчилик тарзида айтиладиган бўлган»⁸.

Сўкчилик маҳалласида XIX асрнинг охирида Қосимбой томонидан барпо этилган масжид ва шу масжид майдонида кекса чинор сақланиб қолган⁹.

Сўкчилик маҳалласининг номини машҳур бўлишида миллий озодлик ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири Мадаминбек (асли Муҳаммадаминбек) ҳамда Ўзбекистон халқ ҳофизи Маматбува Сатторовларнинг хизматлари катта бўлган. Шу сабабдан улар ҳақида мухтасар маълумот бериб ўтмоқчимиз.

Мадаминбек

Болалик кезларимизда «Фавқулода комиссар» фильми орқали Ўзбекистон халқ артисти Ҳамза Умаров (1926 – 1987) ижросидаги Мадаминбек образи билан танишган бўлсак-да, бироқ шарқона ҳарб илмини билимдони, моҳир саркарда Мадаминбек тўғрисидаги асл ҳақиқатни фақат мустақилликка эришганимиздан сўнггина воқиф бўла бошладик.

Ўтган асрнинг 90-йилларини ўрталари эди. Фарғона вилоят ўлкашунослик музейига Япониянинг Осака шаҳридаги этнология музейининг илмий ходими Чико Обия хоним ташриф буюрди. У бир неча муддат вилоятимизнинг тарихий ёдгорликлари билан танишиб чиқиш давомида, Мадаминбек ва Шермуҳаммадбекларнинг ҳаёти ва фаолиятига ҳам эътиборини қаратди. Чунки унинг тадқиқот мавзуси айнан 20-йиллардаги Фарғона водийсида юз берган миллий озодлик ҳаракатлари билан ҳам бевосита боғлиқ эди. Шу аснода музейнинг илмий ходими сифатида япониялик ҳамкасамимиз билан Мадаминбек ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида музей фондидаги илмий материалларни бирма-бир кўздан кечиришга тўғри келди. Айниқса, Марғилон шаҳри ҳамда Тошлоқ, Ёёзвон туманларида

⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сўкчилик маҳалласида яшовчи Бегали Жўрабоевдан (1941 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сўкчилик маҳалласида яшовчи Даврон Шерматовдан (1934 йилда туғилган) ёзиб олинди.

бўлиб, Мадаминбек ва Шермухаммадбекни яқиндан билган хонадонлардаги суҳбатларимиз жуда самарали кечди¹⁰. Ўша вақтдаги илмий изланишларимиз давомида Мадаминбекнинг музей фондида сақланаётган фотосурати бизни ғоят ҳайратга солди. Чунки суратда собиқ совет даврида адабиётларда таърифланган «қонхўр, ваҳший киши»нинг эмас, балки ўз даврини зиёлиси бўлган инсон сиймоси кўриниб турар эди. Бу сурат тўғрисида таниқли ёзувчи Алишер Ибодинов шундай ёзган:

«1920 йил 7 март. Скобелев¹¹ шахри 2-Туркистон ўқчи дивизияси штабида кечагина бир-бирига ўқ отган ҳарбийлар ярашиш битимини имзолаш тантанасидан сўнг суратга тушишди. Тарих бу суратни биз учун асраб қолди. Фарғонадаги 2-Туркистон ўқчи дивизияси қўмондони Н.Веровкин-Рохальский, комиссар Слепченко, дивизия штаби офицери Буйлин ва бошқа қизил командирлар билан ўзбек кўрбошилари, шунингдек А.Ненсберг, капитан Половцев, штабс капитан Никольский сингари сафдошлари даврасида ўтирган Мадаминбек сиймоси ана шу суратга абадий муҳрланган... Инглизча френч кийиб, елкага тортиб олган чарм тасмага зарҳал қинли қилич осиб осиб олган, бошига Марғилон дўпписини кийган Мадаминбек аллақандай ўйчан қиёфада ўтирибди. Унинг ақлли кўзлари тубида билинар-билимас мунг ҳам зоҳир. Аммо ўзини тутиши далил, мағрур. Бамисоли рақиб устига сакрашга чоғланган шер ҳолати барқ уради бу қиёфада. Кенг пешона, яхшилаб тарашиланган калта соқол-мўйлови эса суратдаги шахснинг зиёлинамо киши бўлганидан далолат беради.

Бу сурат ботир жангчи, омилкор саркарда, айна пайтда шоиртаъб, Қуръонни ёд биладиган чин мусулмон бир зот – миллат, Ватан учун азиз жонини тиккан буюк ўғлон ҳақида энг тўғри тасаввур уйғотади»¹². Дарҳақиқат ушбу ноёб суратда Мадаминбекнинг улўғвор ва жанговар кўриниши унинг ўзига ярашиб турганлиги барчамизда ғурур ва ифтихор ҳиссини уйғотади¹³.

¹⁰ Бу ҳақда қаранг: Obiya Chika. Feruganani okeru basumachi undo 1916-1924, Shiru Muhanmedo Beguwo chushinto shita «Korubashu» tachino hanran // Roshiashi kenkyu, 1992. No.51, pp.15-30.

¹¹ 1907 йилдан 1924 йилга қадар Фарғона шахри Скобелев номи билан аталган бўлиб, маҳаллий аҳоли орасида Искобил деб юритилган.

¹² Ибодинов А. Кўрбоши Мадаминбек. – Т.: «Ёзувчи», 1993. 14-15-б.

¹³ Зоҳидов Т. Марғилонлик Мадаминбек кўрбоши фаолияти ва суратига чизгилар // Марғилон асрлар силсиласида (Республика илмий-амалий семинари материаллари). Фарғона, 2005. 84-б.

Маълумотларга кўра, 1892 йили¹⁴ Мадаминбек асли насаби беклардан бўлган Аҳмадбек хонадонида таваллуд топган¹⁵. Иброҳим Каримнин ёзишича, Аҳмадбек оиласи билан Сўкчилик маҳалласида, кенгина ҳовлида уйда яшашган ва асосан ёғоч қошиқ, чўмич ясаб уларни сотиб, оиласини бир нав билан тебратиб келган¹⁶. Шундай экан унинг Алишер Ибодинов ҳақи равишда таъкидлаганидек Мадаминбек беклик унвонини кўрбоши бўлганидан сўнг олган эмас, балки насл-насаби жиҳатидан ҳам бек бўлган¹⁷.

Айтишларича, Мадаминбек болалигида хийлагина шўх бўлгани билан Қуръони каримни яхши ёдлаб, чиройли тиловат қилгани учун уни баъзан Қори бола деб ҳам чақиришган. Мумтоз адабиётлар, жангнома китоблар Мадаминбекнинг жони-дили бўлган. Кейинчалик улғайгач Фузулийни севиб ўқиганигини унинг турмуш ўртоғи Саодатхон ая (тахм. 1902-1997) шундай ҳикоя қилган:

«У ўрта бўйли, икки юзи қизил, қора кўз, жуда бақувват одам эди. Оилада ўзини жуда баъмани, босиқ тутарди. Жуда художўй намозхон эди. Ҳар қандай шароитда беш вақт намозни канда қилмасди. Вақт топилди дегунча китоб ўқирди. Эсимда қаерга бормасин ёнида албатта Фузулийнинг девонини олиб юрарди. Фузулий ўқишни жуда яхши кўрарди, раҳматли»¹⁸.

Маълумотларга кўра, Мадаминбек оилада кенжа ўғил бўлиб, Мамадали исми бир акаси ва ҳамда икки опаси бўлган. Ҳозирча унинг опаларидан бирининг исми Меҳринисо эканлиги маълум, холос. Мадаминбекнинг акаси ота касби қошиқчилик билан шуғулланганлиги боис «Мамадали қошиқчи» деб ҳам аташган¹⁹. Мадаминбек илк саводини эски мактабда чиқариб, сўнгра Марғилон шаҳрининг Хўжа Муҳаммад Порсо маҳалласидаги домла Мирҳайдар исми муаллимдан таълим олган.

¹⁴ Айрим адабиётларда Мадаминбекни 1889 йили туғилганлиги таъкидланади.

¹⁵ Мадаминбек туғилиб ўсган хонадонда (Сўкчилик маҳалласи № 63 уйда) ҳозирги вақтда унинг жияни, яъни Мадаминбекнинг акаси Мамадалининг қизи Турғунбибининг ўғли Даврон Шерматов (1934 йилда туғилган) оиласи ҳаёт кечирмоқда.

¹⁶ Иброҳим Карим. Мадаминбек. – Т.: «Шарқ», 2000. 21-б.

¹⁷ Ибодинов А. Кўрбоши Мадаминбек...15-б.

¹⁸ Ўша асар. 20-б.

¹⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Сада қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сўкчилик маҳалласида яшовчи Зокиржон Холдоровдан (1928 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Мадаминбек 1914 йили тухматлар гирдобига тушиб қолади ва натижада чор Россияси судининг чиқарган ҳукмига кўра 14 йилга (баъзи адабиётларда 20 йилга) Сибирга сургун қилинган. 1917 йилда Россияда юз берган сиёсий ўзгаришлар чоғида бошқа маҳбуслар қатори Мадаминбек уйига қайтади. У тез орада нотинчликларни бошидан кечираётган Марғилонга шаҳардаги «Уламо» жамиятининг тавсиясига биноан милиция бошлиғи этиб тайинланади. Қисқа вақт ичида ўзидаги ҳарбий маҳорати билан шаҳардаги тартибсизликларга барҳам беради. Аммо бу лавозимда бир йилдан ортиқ ишламайди. Чунки большевикларнинг Фарғона водийсида тинч аҳолига нисбатан ваҳшиёна ҳарбий ҳаракатларидан ғазабга келган Мадаминбек 1918 йили ўз отряди билан курашга отланади. Бу курашда эл унга ишонгани учун ортидан эргашади²⁰.

Ўш атрофларидаги рус қишлоқлари аҳолисини талончи тўдалардан мудофаа этиш мақсадида ташкил этилган деҳқонлар армияси кўмондони И.Монстровга 1919 йили 27 августида юборган мактубида Мадаминбек большевикларга қарши қурол кўтаришининг асл сабабини тўла тўкис баён этган. Унга кўра, большевиклар одамларни бор-будини тортиб олиб аҳолини очликка гирифтор қилганлар. Қачонки халқ очликдан қирила бошлаган бир пайтда большевиклар бир бурда нонни ҳам беришни раво кўрмаган эдилар²¹. Дарҳақиқат Мадаминбекнинг бу борада ҳақ сўзни ёзган эди. Чунки ўша вақтларда Фарғона аҳолисининг аҳвол чиндан ҳам жуда оғир бир ҳолатда бўлган. Бу ҳақда Фарғона вилоят очарчиликка қарши кураш комиссиясининг маълумотномаларида куйидагилар қайд этилган:

«Очарчилик йилларида...очларнинг кўпчилиги турли сунъий маҳсулотлар ўтлар билан тирикчилик қилишар, бунинг оқибатида айниқса болалар ўртасида касаллик ва ўлим ҳоллари кучаярди... Шаҳарлар очлар билан тўлиб кетган бўлиб, уларнинг бир қисми қабристонлардаги мачитларда туришарди, шунингдек кўчаларда ётишарди. Буларнинг ҳаммаси очлик ва хонавайронликдан қочиб келган... маҳаллий аҳоли эди»²².

²⁰ Мардонов М. Туркистонлик саркардалар. Бухоро, 1993. 25-б.

²¹ Ниалло А. Очерки истории революции и гражданской войны в Киргизии и Средней Азии // Басмачество. – М.: «Эксмо» «Алгоритм», 2005. С. 106.

²² Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари (1865–1990 йиллар) / Лойиҳа раҳбари ва масъул муҳаррир Д.А.Алимова. – Т.: «Шарқ», 2000. 229-б.

Халқнинг бу қадар оғир аҳволга тушиб қолганлиги Мадаминбекни большевикларга қарши курашга мажбур этган. Дарҳақиқат большевикларнинг ўлкада олиб борган қонли сиёсати ҳар қандай диёнатли ватанпарвар киши қалбида ғазаб ва нафратни уйғотиши шубҳасиз эди. Зеро, ўша вақтларда ўлкада озиқ-овқат маҳсулотларини мусодара қилиш, зўрлаш, тортиб олиш большевиклар сиёсатида одатий ҳолга айланган²³. Чунончи, большевиклар ҳукуматининг «Ҳарбий коммунизм сиёсати» туфайли озиқ-овқат развёрсткаси аҳолини очикдан-очик талашга олиб келди ва бу тез орада мамлакатда бир неча йилдан бери давом этиб келаётган очарликни янада даҳшатли тус олишига сабаб бўлди. Ўша даврда пахта ва буғдой етиштиришнинг издан чиқиши бозорлардаги нарх-навонинг кўтарилишига олиб келган²⁴. Очлик деҳқонларни уйидаги бор-будини ҳам сотишга мажбур қилган. Шу боис деҳқонлар ёпинчиғидан тортиб кетмонигача бозорда сотиб дон олганлар²⁵. Бу ҳақда ўша вақтда Фарғона вилояти инқилобий қўмитаси раиси бўлган И Хидиралиев 1922 йил 12 майда Туркистон КП МК тасининг V пленумида сўзлаган нутқида таъкидлаб ўтган эди:

«Ўртоқ Отабоев ўзининг қисқа маърузасида Фарғонада юз бераётган даҳшатларнинг юздан бир ҳиссасинигина келтирди. Фарғонадаги ҳозирги аҳвол бизнинг хатоларимиз натижасидир. Аввалари пахта ва гурунчнинг базаси ҳисобланган бир қатор йирик қишлоқлар эндиликда қаҳатчиликни бошидан кечирмоқда. 20-нчи йили босмачилик жойларидан қизил аскарларнинг овқатланиши учун олиб чиқиб кетиш методи қабул қилинганди. Шунинг учун ҳам у ерда қаҳатчилик, экин экиш учун ҳатто уруғ етишмаяпти. Шундай қилиб, натижада биз аҳолини очликка дучор қилдик»²⁶. Бу ҳам етмаганидек очлик кетидан

²³ Режабоев Н. Фарғонада озиқ-овқат муаммоси // «Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда» мавзуидаги Республика анжуман материаллари. Фарғона, 2009. 347-б.

²⁴ Расулов А. Фарғона вилоятида очарчилик ва унга қарши кураш (1917-1919 й.й.) // «Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда» мавзуидаги Республика анжуман материаллари. Фарғона, 2009. 343-б.

²⁵ Набиев Ф.Х 1921-1924 йилларда Туркистонда озиқ-овқат сиёсатининг таснифига доир // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Т.: «Фан», 1994. №8. 29-б.

²⁶ Шамсутдинов Р. Тарихий меросимизга бир назар. Андижон: «Мерос», 1994. 51-б.

тарқалган юқумли касалликлар 1917-1920 йиллар мобайнида Туркистонлик 1 млн. дан зиёд аҳолини ёстиғини қуритган эди²⁷.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Мадаминбекнинг большевиклар ҳокимятига қарши кураши бу халқнинг талаб ва истаги асосида юзага келган.

Қадимий турк саркардаларига хос гўзал фазилат – ботиний шоирлик ва асл жангчиликни ўзида мужжасамлаштира олган Мадаминбек орадан бир йил ўтар – ўтмас 28 ёшидаёқ 25 минг кишилиқ кўшинга қўмондонлик қилади. Натижада Фарғона водийсида энг йирик куч Мадаминбек армияси бўлиб қолади²⁸. Унинг қаҳрамонликлари тўғрисида Шаҳобиддин Яссавий «Туркистон аччиқ ҳақиқатлари» китобида жумладан куйидагиларни ёзган эди:

«Муҳаммадаминбек, Марғилон, Сувчи (Сўкчи) маҳалласидан. Ниҳоят сиёсатдон, ботир тадбиркор, қаҳрамон. Озод Туркистон қурувчи номдор бўлган бахтсиз бу буюк тоймос, қўмондонни танитмоқ учун ҳар қанча сўзласак арзишга эгадир. Ҳақиқатан дин, ватан ва миллат фидоси бўлди»²⁹.

Большевикларнинг мустабид тузумига қарши курашган истиқлолчилик ҳаракатининг йўлбошчиси Мадаминбек ҳақида ўша пайтларда ўтказилган халқ ўтказилган халқ сайларида турли қўшиқлар айтилган³⁰. Афсуслар бўлсинким, Мадаминбек ҳақидаги қўшиқнинг айримлари ёзиб қолинган, холос. Шу сабабдан қўшиқнинг сақланган вариантыни беришни маъқул кўрдик.

*Аста аста йўл бўлсин,
Тупроқ майда бўлмасин.
Бек акамнинг йўлида,
Душман пайдо бўлмасин.
Замбаракдин отайлик,
Соясида ётайлик.*

²⁷ Семенюта В.А. 1917-1918 йилларда Туркистонда озиқ-овқат танқислиги ва унинг бартараф этилиши // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Т.: «Фан», 1989. №12. 35-б.

²⁸ Қосимов . Қора кўзойнак билан ёзилган тарих. Наманган, 1993. 71-б.

²⁹ Иброҳим Карим. Мадаминбек...131-б.

³⁰ Климович Л. Ислам в Царской России. – М., 1936. С. 118.

*Болшавойлар келганда
Кўкрагидан отайлик.
Замбаракни овози,
Гумуллайди парвози.
Сапоновни қочирган
Бек акамни сарбози.
Бек акамлар сув кечти,
Шойи тўнини ечти.
Болшовойни кўрганда,
Азиз жонидан кечти.
Тахта кўприк битдиму?
Бек акамлар ўтдиму?
Бек акамлар арзиси,
Омонуллахонга етдиму?³¹*

Мадаминбек бошчилик қилган қўшин большевикларнинг қизил армиясини бир неча бор мағлуб этди. Аммо енгилган курашга тўймас деганларидек душман кундан кунга янги қўшин ва турфа найрангларини ишга солиб Мадаминбекни мағлуб қилиш пайида бўлди. Бундай пайтда халқнинг аҳволи янада танг бир ҳолатга келиб қолган. Бу ҳақда Алишер Ибодинов жумладан қуйидагиларни келтиради:

– Фаргона ҳолдан тойди, Саодат,– дея умидсизланиб сўзлаб қолди бир куни Мадаминбек. – Кексалар, аёллар ва болалар очликдан ўлик кетяпти. Ариқлар кўмилган, ерлар даштга айланган. Кундан-кунга большевикларнинг қўли баланд келяпти. Колчак, Деникиндек юз-юз минглаб лашкалари бор саркардалар ҳам мағлуб бўлишди. Бизда эса 5–10 минг чапани йигит бор. Фарғонага худди ўша Колчагу Деникинларни енгган, большевикнинг энг ақлли, қўрқмас, тадбиркор саркардаси Фрунзе келяпти. Бу бежиз эмас. Зеро, қизиллар менинг бу кичик армиямдан унча чўчишмайди. Фрунзе ёлғиз Мадаминбек билан эмас, бутун бошлиқ

³¹ Боровков А. Дорвоз (Бродячий цирк в Средней Азии) // Известия Средне-Азиатского комитета по делам музеев и охраны памятников старины, искусства и природы. Выпуск третий. Ташкент, 1928. С.182-183.

халқ билан олишиш учун келяпти. У бунни яхши тушунади. Агар мен урушни давом эттирсам, муқаддас урушда балки шаҳид бўларман. Балки номим келгуси авлодлар хотирасига қолар. Аммо халқ...– босиқ, одатда дилидагини юзига кам чиқарадиган бек қахрли хўрсиниб юборди. – Халқ хонавайрон бўлади! Шундоқ ҳам хароба Фарғона улкан қабристонга айланади. Ўнг минглаб, балки юз минглаб бегуноҳлар қилич тигидан, ўқ захридан, очлик ва хорликдан ўлиб кетадилар. Уларнинг оҳлари кимни тутуди ахир?!³².

Шу аснода 1920 йилнинг 6-7 март кунлари Фарғона шаҳрида Мадаминбек кучлар нисбати тенг келмаслигини ҳисобга олиб, маҳаллий халқ қирилиб кетишини олдиндан пайқаб, большевиклар билан тичлик сулҳини тузади. Чунки Мадаминбек юртда бир соат бўлса ҳам тинчлик ва адолат қарор топишини истаган эди. Бинобарин, И.Монстровга 1919 йили 27 августида юборган мактубида Мадаминбек «Шахсан мен ҳокимиятга интилмаман, тинчлик қарор топиши билан деҳқончилик билан машғул бўламан», деган сўзларни ҳам ёзган эди³³. Шарқ мумтоз адабиётидан яхши хабардор бўлган Мадаминбек юртда адолат қарор топиши ва халқ осойишталиги нақадар улуғ неъматлар эканлигин жуда яхши билган. Чунончи, Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошфий «Аҳдоқи Муҳсиний» асарида юртда тинчлик ва адолатнинг барқарорлиги хусусида жумладан қуйидаги ҳикояни баён этган эди:

«Хабарда келтурубдурларким, бир соатлик адолат мезон тарозусида етмиш ҳажжи комилнинг савобидан ортиқдур. На учунким, ҳажнинг натижаси ҳожиларнинг ўзидан ўзгага етмайди. Адолатнинг натижаси хосу-омга баробар етади. Дин ва давлатнинг ривожини ва шавкати адолатнинг барокатидандир. Мулк ва миллат асбоби адолатнинг барокотидан барпо бўлур. Адолатнинг савоби ҳисоб ва ҳаддан ташқаридур.

Хабарда келтурубдурларким, подшоҳлардан бирининг кўнглига ҳаж қилиб, ҳожиларнинг мартабасини топмоқлик тушиди.

Умаролар дедиларким: «Эй, малик, ҳаж адо қилмоқнинг шартини йўл тинч бўлиши керак. Подшоҳларнинг душмани кўп бўлади. Агар кўп лашкар билан борсангиз, йўл жуда узоқ. Машаққати кўпдур. Агар озроқ

³² Ибодинов А. Қўрбоши Мадаминбек...51-б.

³³ Ниалло А. Очерки истории революции и гражданской войны в Киргизии и Средней Азии...С. 106

мулозим билан борсангиз йўл хатаридан омон қолиши мушкул. Бундай узоқ сафарга кетганингизда, ўзга шоҳ мамлакатга ҳужум қилса, саросималик бошланади. Хосу-ом турмушининг жавоҳири интизом риштасидан айрилуру».

Подшоҳ деди: «Бўлмаса ҳажнинг савобидан қандай қилиб баҳраманд бўлайин?».

Вазирлар дедилар: «Мамлакатингда бир дарвеш бор. Ҳарамии шарифда кўп вақт истиқомат қилиб, олтмиш марта ҳаж қилгандур. Ҳозир узлатда ўтирибди.

Шоядки шу кишидан бир ҳажнинг савобини сотиб олмоқликни муяссар қилсанг ва анинг савоби бирла улуг даражага етсанг».

Подшоҳнинг аҳлуллоҳга ҳурмати бор эди. Дарҳол дарвешнинг олдига келди. Бир оз сўзлашиб ўтиргандан кейин: «Эй бузруквор, мен учун ҳаж ибодатини қилиш душвор бўлиб қолди. Умаролар мени ҳажга кетишимга монелик қилдилар. Эшитдимки сиз кўп ҳаж қилган эмишсиз. Бир ҳаж савобини менга сотсангиз, деб келдим», деди.

Дарвеш: «Ҳамма ҳажимнинг савобини сенга сотаман. Фақат ҳаж йўлида босган ҳар бир қадамимни дунё бойлигига сотаман», деди. Шоҳ айди: «Мендаги бойлик бир қадамингизнинг баҳосига ҳам етмас. Бас, бир ҳажни қандай сотиб олайин».

Дарвеш деди: «Эй, шоҳ, мени ҳамма ҳажларимнинг баҳоси сен учун осондур. Бир марта зулмасидани додига етиб, шунинг савобини менга берсанг, мен сенга ҳамма қилган ҳажимнинг савобини сенга бераман. Бу савдода кўп фойда бўлуру», деди.

Бас маълум бўлдики, адолатнинг савобидан вожиброқ, нарса йўқ. Қайси мамлакатда адолат йўқ бўлса, қувватлилар заифларни эадилар. Охири иш шунга етадики, қувватлиларнинг ҳам ҳоли забун бўлади. Нечунки, аҳоли билан улуглар турмушида боғлиқлик бордур».

Маълумотларга кўра, Мадаминбек ва большевиклар ўртасида сулҳ тузилгач Фарғона водийсида бир қадар тинчлик қарор топган. Бу ҳақда Иброҳим Карим қуйидагиларни келтириб ўтади:

«Деҳонлар ўз далаларида бемалол ишлайдиган, шаҳарликлар «босмачилар» ва «қизиллар»нинг беҳос талотўп ҳужумидан қўрқиб, томларда ёнларига тош тўплаб ётишдан қутилдилар. Мадаминбек ўз тарафдорларига сулҳнинг аҳамиятини тушунтиришда давом этди. Унинг бир қисм қўшинлари Гарбувада ва Балиқчидаги истеҳкомларда бўлса, асосий қисми шаҳар ва қишлоқларда қурол-аслаҳаларини эҳтиёт

қилиб, ўз касб-корлари билан машгул бўлдилар. Улар исталган пайтда Мадамминбек ихтиёрига келиши мумкин эди»³⁴.

Мадамминбекнинг фикрича, сулҳ унинг юрт тақдирини ўйлаб тузилган келгуси режалари учун пойдевор бўлиб хизмат қилиш керак эди. Аммо у большевикларнинг қабиҳ режалар асосида тузилган битимдан мутлақо беҳабар эди. Чунки, большевиклар айнан ўша тузилган сулҳ орқали Мадамминбекни сафдошларига қарама-қарши қилиб қўйишни режалаштирган эдилар. Донишмандлар таъбири билан айтганда «Душман қўли билан илон бошини янчи, ўлса ҳам сенинг фойданг, чақса ҳам сенинг фойданг» деган мақол большевикларнинг шиорлари эди. Большевиклар шу сабабдан қандай бўлмасин Мадамминбекни йўқотиш фикрида бўлганликлари учун сулҳ тузиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Бу ҳақда дин ва давлат арбоби Алихонтўра Соғуний (1885–1976) «Туркистон қайғуси» асарида афсус надоматлар ила қуйидагиларни баён этган:

«Буларнинг ичида бир оз бўлса ҳам замонасига тушунган, халқ олдида ҳурмати бор, ишончлиги ортган Мадамминбекни ўртадан кўтариш зарур бўлди. Қандайдирки, бу масалани қурол кучи билан эмас, баки макр-ҳийла орқалик ҳал қилишга киришганликдан тубандаги моддаларни қабул қилган бўлиб, у билан битим тузмиш эдилар:

1. Фаргона мухториятини тасдиқлаш.

2. Шароитга қараб ўн мингдан қирқ минггача Мадамминбек қўл остида миллий аскар сақлаш ва буларнинг қурол-яроқларини марказий ҳукумат томонидан таъминлаш.

3. Ўқув-ўқитув ишлари ерлик ҳукумат ихтиёрида бўлиб, ўз она тилларида юрғатиш.

4. Мусулмонларнинг диний ва ўзаро даъво ички ишлари бутунлай ўз қўлларида бўлиш ва шарият буйруғича амалга ошириш.

Мана шулар каби эшитишга анча фойдали кўринга ишлар билан келишим тузилган сўнггида (1920 йиллар) Мадамминбек Тошкентга чақирилади. Унинг келиш ҳурмати учун, чет давлатдан келаётган ҳукмдорларга қилгандек кўчалар безатилган ҳолда тантана билан қарши олиниб, катта маросим ўтказилмиш эди. Буни кўрган мусулмонларни руҳлари кўтарилиб, тарихий анъаналари қўзғолганликдан миллий озодлик умиди билан ҳукуматларини эскармиш (ёдига туширмиш) эдилар. Бундан фойдаланган Ватан босқинчилари ўзларининг олдиндан

³⁴ Иброҳим Карим. Мадамминбек... 113-б.

ўйлаб қўйган макр-ҳийлалик режаларини тезлик билан амалга ошириш сиёсатига киришди. Йўқ эса ҳар икки томон ризолигича тўхтам қилинган битим моддаларини халқаро қонун бўйича амалга оширишлари лозим эди. Бунга қарамай бекка илтимос қилган бўлиб, Фарғонада қолган Кўршермат, Холхўжа каби қўзғолончиларни ҳам Тошкентга келтиришни унга таклиф қилдилар. Бу ҳам «Улар менинг сўзимдан» чиқмайди деб, ишонганликдан эҳтиёт йўлини ўйламай тўғри булар олдига келмишдир. Ҳолбуки маккорлар аллақачон ўз қўллари билан чуқурлар тайёрлаб қўймиш эдилар. Шундоқки, «Мана, сизлар ишонган Мадаминбегинлар кофирга сотилиб, ўз фойдаси учун сизларни тутуб бермоқчи бўлди. Бу ишни бажариш вазифаси унга топширилмишдир»³⁵.

Дарҳақиқат маккор большевикларнинг тузган қабиҳ режалари иш берди. Миллат учун курашган юрт фарзанди Мадаминбек фитна қурбони бўлиб, ўз сафдошилари қўлида ўлим топди.

Халқимизда «Куёв қайинотага ўхшайди», деган нақл мавжуд. Бу нақлнинг қанчалик ҳақиқатга мос келиши борасида аниқ фикр айта олмасакда, аммо Мадаминбек билан унинг қайинотаси Абдураззоқ Сиддиқовнинг тақдири қайсидир маънода бир-бирига ўхшаб кетади.

Маълумотларга кўра, Мадаминбекнинг қайинотаси Абдураззоқ Сиддиқов ҳалол-поқ, имонли, камбағалпарвар, элпарвар одам сифатида ҳар доим маҳаллий халқ ҳуқуқларини ҳимоя этиб келганлиги учун Абдураззоқ закўнчи номини олган эди. Чунки, айнан шу одам 1916 йилдаги чор ҳукуматига қарши Марғилонда кўтарилган қўзғолон ёвузларча бостирилгач, сўнги чоралари кўриляётган кезде кўпгина бегуноҳ одамларни ноҳақ жазодан сақлаб қолган³⁶. Мана шундай диёнатли Абдураззоқ закўнчини Марғилонинг товуқ бозоридаги катта масжид саҳнида бўлган йиғилишда, юрт қайғусида нутқ сўзлаётган бир пайтда қотиллар жонига қасд қиладилар. Уни алдаб ташқарига чақиришади ва масжид таҳоратхонасида бошини танасидан жудо этишади. Бунини қарангки орадан икки йил ўтиб унинг куёви Мадаминбек ҳам худди шу тарзда ҳалок бўлади.

Маълумотларга кўра, Мадаминбекни Фарғона шаҳар атрофларида қўлга тушириб, ҳозирги Қирғизистоннинг Новқат

³⁵ Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. Т.: «Шарқ», 2003. 73-74-б.

³⁶ Иброҳим Карим. Мадаминбек... 30-б.

худудига олиб кетганлар. Бу ҳақда Алишер Ибодинов шундай ёзади: «Бек у ерда икки кун ҳисбсда ётади... Худди шу кун Марғилондаги Мадамминбекнинг уйига бир гуруҳ номаълум отлиқлар бостириб кириб, уйига ўт қўяди. Шаҳарда оммавий тартибсизликлар бошланади. Кўршермат ва Холхўжа бошчилигидаги қўшинлар Скобелевга хужум бошлайдилар. Қисқа муддат ичида Фарғонада яна уруш оловлари гуриллай бошлайди. Ҳозиргача расман амалда бўлган тарихга кўра 1920 йил 14 май кунини³⁷ Учқўрғон шаҳри ёнидаги Қоровул қишлоғида Холхўжа Мадамминбекнинг бошини танасидан жудо қилади»³⁸.

Машғум қотил Холхўжа Мадамминбек калласини бошқа хиёнатчи кимсаларга кўз-кўз қилгандек юборган. Улар эса бу «тухфани» большевикларнинг махсус бўлими ходимларига кўрсатиб, ҳатто улардан ҳатто бунинг эвазига «суюнчи» ҳам олганлар. Аммо Мадамминбекнинг азиз бошини бу тарзда хор қилиб қўймаслик учун бекнинг ихлосмандлари Холхўжадан бошни сотиб олганлар ва калласини танасига тикиб, иззат-икром билан дафн этадилар. Ҳозирда Мадамминбекнинг қабри Олай тоғ тизмалари оралиғидаги Шиғай қишлоғида жойлашган бўлиб, қабр тошида қуйидагилар битилган:

*Муҳаммадамминбек Аҳмадбек ўғли
1892–9.04. 1920.*

*Туринг бегим гуноҳларни ювайлик,
Босқинчини Она юртдан қувайлик.*

Шу ўринда ўқувчиларимиз «Мадамминбекнинг фарзандлари бўлганми?», деган савол беришлари табиий. Биз эса бу саволга қуйидагича жавоб бермоқчимиз.

Мадамминбек икки марта уйланган. Биринчи аёлининг исми Қумрихон бўлиб, ундан фарзанд кўрмагач ажралишган. Кейинчалик 1918 йили марғилонлик Абдураззоқ закўнчининг тўнғич қизи 16 ёшли қизи Садоатхонга уйланган. Бироқ бу аёлидан ҳам фарзанд кўриш унга насиб этмаган. Табиатдан жуда соғлом ва бақувват бўлган Мадамминбекнинг икки аёлидан ҳам фарзанд

³⁷ Баъзи адабиётларда, жумладан қабр тошида ҳам Мадамминбекнинг ҳалок бўлган куннинг санаси 9 май деб кўрсатилган. Аслида 14 май бўлса керак.

³⁸ Ибодинов А. Қўрбоши Мадамминбек...51-б.

кўрмаганлиги кишини ҳайрон қолдиради, албатта. Бироқ бунинг биз билмаган фақат Яратган Аллоҳга аён сир-асрорлари бўлса керак. Зеро, бефарзандлик аввалдан унинг тақдирида битилгандек. Бу ҳақда Иброҳим Каримнинг келтирган маълумотларига эътибор берайлик:

«Собиқ Шўролар даврида Мадаминбекнинг барча қариндош-уруғларини қувғин қилиш, камситиш хўрлаш одат тусига кирган эди. Мадаминбекнинг севакли ёри Саодат она ҳарёқларда қочиб юрар, кўпинча Мадаминбекка рафиқа бўлганини яширар эди. Мадаминбекнинг опаси Меҳринсо аянинг турмуш ўртогини қамашди. Мадаминбекнинг акаси Мамадали ака Ёзёвон чўлларига қочиб кетиб, жонини сақлаб қолди. Умуман саркарданинг барча қариндошлари Шўролар даврида ўнгли-кўкси ўксик, елкаси эгик, тили қисик яшашга мажбур бўлишди. Нега? Чунки уларнинг огалари ўз миллати шани-шавкатини ҳимоя қилиш мақсадида қўлга қурол олгани учун»³⁹.

Тасаввур қилинг, агар Мадаминбекнинг фарзанди бўлган тақдирда ҳам мустабид тузум даврида унинг ҳоли қандай кечган бўлар эди. Ахир Саодатхон бошқа кишига турмушга чиққан вақтларда ҳам аввалда Мадаминбекнинг рафиқаси бўлганлиги учун доимий тайзиқлар остида яшашга мажбур бўлган эди-ку?! Демак, Мадаминбек фарзандининг ҳоли аянчли кечиши турган гап эди. У албатта «халқ душманнинг фарзанди» сифатида 30-йилларда олиб борилган қатағонлик сиёсатининг биринчи қурбонига айланган бўларди. Шундай экан Мадаминбекнинг бефарзанд бўлишида ўзига хос бир ҳикмат мавжуд бўлсак керак.

Маматбува Сатторов

Машҳур санъаткор асл исми Муҳаммад бўлган Маматбува ҳофиз (Маматбобо, Мамадбобо деб ҳам аталади) 1885 йили Садда қишлоғининг Сўкчилик маҳалласида Саттор ота оиласида туғилган. Айримлар унинг отасини ҳофиз бўлганлигини таъкидласаларда⁴⁰, аммо маҳалла аҳли унинг отасини косиблардан бўлганлигини

³⁹ Иброҳим Карим. Мадаминбек... 153-б.

⁴⁰ Бу ҳақда қаранг: Мирзаев Т. Мамадбобо Сатторов // Ўзбекистон халқ созандалари. –Т.: «Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1974.

айтадилар⁴¹. Юсуфжон қизик Шакаржоновнинг хотираларига кўра, Маматбува туғилиб йиғлаганида овози бутун Сўкчилик маҳалласини тутиб кетганидан, катта-ю кичик Саттор ҳофизни уйига чошиб борган эканлар. Шу тарзда бўлғуси Ўзбекистон халқ ҳофизини Маматбуванинг овози илк бор одамларнинг қулоғига тушган. Айтишларича, Маматбува чақалоқлигидан кеча-кундуз куй оҳангида ўсиб улғайган. Бинобарин, Юсуф қизик таъбири билан айтганда «Маматбувани кечқурун онаси алла айтиб ухлатар, эрталаб отаси ялла айтиб уйғотарди»⁴².

Айтиш жоизки, гарчанд адабиётларда ҳофизнинг исми Маматбобо тарзида келтирилсада, бироқ аҳоли орасида айнан Маматбува номи билан машҳур бўлгалиги боис биз ҳам ҳофиз номи айнан шу тарзда келтирмоқдамиз ва куйида тарих фанлари номзоди Имямин Қирғизовнинг куйидаги сўзларини ҳавола этмоқчимиз: «*М. Сатторов ёшлигиданоқ Аллоҳ берган ноёб истеъдоди, кенг кўламли овози, мафтункор ижроси, ўзига хос услуби билан Марказий Осиёдаги кўплаб давлат, вилоят ва шаҳар ҳамда қишлоқларда хизмат сафариди бўлиб, теран дунёқараш соҳиби бўлди. Шу боис исмидаги «бува» қўшимчаси билан ишни кўзини биладиган, ҳодисанинг сабаб-оқибатини тез илғай олиш салоҳиятига эга мазмунида «Маматбува» дея эъзоз топган экан*»⁴³.

Дастлабки пайтларда бўлғуси халқ ҳофизини айрим тенгдошлари камситган ҳолда «Мамат қора» деб ҳам атаганлар. Аммо уларнинг Маматбува тўғрисидаги ўйлаган фикр ва айтган сўзлари бари чиппак чиққан. Зеро, улар айтган «Мамат қора» йиллар ўтиб шу ном билан яшаб қолмади. Аксинча, Маматбува ҳофиз номини олиб эл-юрт орасида катта обрў - эътиборга сазовор бўлди.

Маматбува олти ёшида отадан етим қолади, ёшлигидан тенқурлари билан базмларга бориб, ҳофизларнинг ашула ва қўшиқларини эшитиб юради. «Кунлардан бир кун зўр тўй базмига

⁴¹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сўкчилик маҳалласида яшовчи Зокиржон Холдоревдан (1928 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴² Бу ҳақда қаранг: Мирзаев Т. Мамадбобо Сатторов // Ўзбекистон халқ созандалари. –Т.: «Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1974.

⁴³ Қирғизов И. Ҳофизлик – айна саодат (Ўзбекистон халқ ҳофизини Маматбува Сатторов таваллудининг 120 йиллигига бағишланади). Мазкур матннинг қўлёзма нусхасидан фойдаланилди.

бориб қолдим – деб ҳикоя қилган эди Маматбува, – қарасам катта ҳовлида майдон ўртасида катта гулхан ёқилган. Қирқинчи осма лампалар ярқираб турибди. Доиралар гумбирляпти. Ҳофизларнинг қўшиқларини палослар-кўрпачалар устида ўтирган катталар ҳам, деворларга «миниб» олган болалар ҳам завқланиб тинглашяпти». Мен ҳам деворга миндим. Хонандаларнинг қўшиқларини эшитганимда юрагим орзиқиб, ҳавасим келди. Мен шулардай қўшиқ айтсам, деб ният қилдим. Жума куни Мамажон қори – Юсуф қизик шеригининг самоварига чиқдим. Бу самовар – чойхонада хониш қилиш мусобақаси бўларди. Йигитлар қўлимга патнис беришди: «Сен ҳам қўшиқ айт», – дейишди. Иккита қўшиқни билардим. Ўшанда ўн уч ёшда эдим. «Алимқул» деб аталган қўшиқни айтиб бердим. Овозим жаранглаб чиққанидан, кўнглим кўтарилди. Кейинчалик Болтабой Ражабов ва Мақсудхўжа ҳофизларга эргашиб бошқа ашулаларни ҳам айта бошладим»⁴⁴.

Маматбува Сатторов ёшлик чоғларида бўлиб ўтган йиғинларда Худойберди Устоз билан Тўйчи Мирзалар ижросида ашулалар тинглаб, бу устозларнинг ижро услубларидан баҳраманд бўлган. Маматбува Сатторов машҳур қўшиқчи шоир Ҳазинийдан таълим олган. Чоргоҳ, Ушшоқ, Муножот ашулаларининг патнисаки йўллари Ҳазинийдан ўрганган.

Маматбува Сатторов ўн тўрт ёшидан Марғилон атрофларидаги йиғинларда ўз ашулалари билан қатнаша бошлаган. Шу йиллари у «Жамшид», «Хуноб», ва «Терма» қўшиқларини айтиб юрарди.

Маматбува Сатторов 1900 йиллар бошидан Фарғона водийсида танила бошлайди. Мадумар ҳофиз, Ҳамроқул қори, Маъдалибек, Тўйчи ҳофиз сингарилар билан бирга кўрғазмаларда, сайилларда, ҳар турли йиғинларда қатнашади.

Маматбува Сатторов Тошкентга биринчи марта келганини шундай ҳикоя қилади: «1912 йилнинг ёз фасли эди. Марғилондаги бир чойхонада ашула айтиб ўтирувдим. Бир мингбоши икки миршаб билан ўтиб қолди. Чойхонадаги ўтирган кишиларнинг ҳаммаси ўринларидан туриб унга қўл қовуштирдилар. Мен ашуламни бузгим келмади ва ўрнимдан турмадим. Кейин мингбоши «ўша ашулани олиб кел!»– деб бир миршабни

⁴⁴ Бу ҳақда қаранг: Мирзаев Т. Мамадбобо Сатторов // Ўзбекистон халқ созандалари. –Т.: «Ғафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1974.

юборибди. Йигитлар «Қоч!» – дейишди. Мен қочиб қутулдим. Горчаков станциясига чиқдим. Андижон–Тошкент поездига дарров билет олдим, зип этиб поездга чиқиб олдим. Тошкентга келиб, вокзалга тушганимда, «қаёққа борсам экан?» – деб гангиб турувдим, марғилонлик Раҳмат ака рўпара келиб қолди.

Маматбува, бу ерда нима қилиб юрибсан?– деб сўради Раҳмат ака.

Ҳозир поезддан тушдим. Нима қилишимни билмай турибман – дедим.

– Бу ёққа юр, – деди-да, Раҳмат ака мени конка аравага ўтқазиб, эски шаҳарга олиб кетди. Қўштут маҳалласида Рўзи ака деган самоварчи бор экан. Мени ўша киши билан таништирди-да, «Сизга ашулачи олиб кедим», – деди.

Мен ҳар куни ўша самоварда ашула айтиб юрдим. Маҳалланинг одамларига ёқиб қолган эканман ўша ерда роса бир йил истиқомат қилдим. Кейин жўраларим мени Чорсудаги Шоюсуф ҳожининг такясига олиб келишди-да, Тошкент санъатчиларидан Мулла Тўйчи ҳофиз, Шораҳим ака, Шожалил ака, Мирсоат ака, Низомхон акалар билан таништиришди. 1913 йил охирида марғилонлик мингбошининг амалдан тушганини эшидим, Марғилонга қайтиб бордим...»

Маматбува ҳофиз жарангдор, ёқимли овози билан Тошкентда баланд авжли қўшиқларни ва патнисаки ашулаларни айтарди. Тўйчи ҳофиз ўша пайтларда Маматбува Сатторовни ёш Зебо Пари деб айтган эди⁴⁵.

1913 йилнинг қиш чилласида бўлиб ўтган бир воқеа Маматбува Сатторов шухратининг янада ошувига сабаб бўлди: Қўқондаги бир йиғинда Мадумар ҳофиз, Ҳамроқул қори ва Маматбува Сатторовлар навбатма-навбат ашула айтишарди. Мадумар ҳофиз «Сегоҳ»ни айтганида меҳмонлар орасидаги ўрта бўйлик, кўк мовут пўстинлик бир шинаванда ўрнидан туриб, ҳофизлар олдига келади-да, қўлни кўксига қўйиб, ҳамма ҳофизлар билан қўл бериб кўришади-ю, «Сегоҳ»ни айтган Мадумар ҳофизни кучоқлайди ва эгнидаги янги пўстинни ечиб, унга кийдиради. Навбат Маматбува Сатторовга етганда, у Қори Пиримнинг «Келибман даргоҳинга...», деб бошланадиган шеърини «Патнисаки «Чоргоҳ» йўлида ўқийди. Мадумар ҳофиз эса ўрнидан туриб ёш

⁴⁵ Зебо Пари Муқимий замондоши, исфаралик ҳофиз.

хофизнинг елкасига қоқади ва ҳалиги пўстинни Маматбува Сатторовга кийдиради.

Таниқли хофиз Мўсажон Орифжоновнинг айтган ҳикоясига кўра, Хонободдаги йиғинлардан бирида бир неча хофизлар куч синашади. Шартга кўра ҳар бир хофиз ўзи билган ашулани тўхтамай айтиши керак бўлган. Ким кўп ашула айта олса, ўша ғолиб ҳисобланган. Натижада хофизлар ўз санъатини намойиш этиб уч кеча-ю кундуз ашула айтишиб, Маматбува хофиз ғолиб чиққан экан⁴⁶. Шу сабабдан ҳам Маматбува Сатторовни «Катта ашула» мактабининг пири комилларидан бири сифатида эътироф этганлар⁴⁷.

1918 йилда Марғилон шаҳрида «Санойи нафиса» тузилади. Маматбува Сатторов Юсуфжон қизиқ, Болта хофиз, уста Олим Комилов, Отахўжа Саидхўжаев, Қўзихон Мадраҳимов, Муҳаммадсаид чангчи, Йўлдош махсум найчи, Абдурахмон гижжакчи, Жўрахон Султоновлар аъзо бўлиб кирадилар⁴⁸.

1923 йили Москвада Биринчи қишлоқ хўжалиги кўрғазмаси ташкил этилганда Маматбува Сатторов, Тўйчи хофиз, Тамарахоним, Ўктамхон яллари, Юсуфжон қизиқ, Аҳмаджон қўшнаи, Абдуқодир найчи, Рустам Меҳтар, Ашурали Сурнай, Тўхтасин Жалилов каби атоқли санъаткорлар билан бирга Ўзбекистон павильонидаги концертда қатнашади.

1924 йили Қўқон шаҳри ўрда биносида Туркистон қишлоқ хўжалиги кўрғазмаси очилганда Маматбува Сатторов бошқа кўпгина санъаткорлар қатори ўз санъати билан у ерда «Бир келиб кетсун», «Кўп эрди ҳасратим жоно», «Қулинг», «Айладинг», «Эй дилбари жононим», «Адашганман» сингари қўшиқларни айтиб халқнинг олқишига сазовор бўлган.

Маълумки, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Ҳожимурод Муҳаммедов, Исақжон Ҳусанов, Саид Музаффар Азимов сингари катта ашулачилар Маматбува хофизни ўзларига

⁴⁶ Қодиров С. Довруғи сўнмас диёр... 1995. 75-б.

⁴⁷ Умаров А., Долимов Ш. Марғилон – Санъаткорлар шаҳри // «Марғилон шаҳри ўтмиши, бугуни ва эртаси» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Фарғона, 2007. 90-б.

⁴⁸ Маннопов С. Марғилон–маданият ва санъат маркази // «Марғилон шаҳри ўтмиши, бугуни ва эртаси» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Фарғона, 2007. 91-б.

устоз санаганлар⁴⁹. Чунки мазкур ҳофизлар Маматбуванинг берган маслаҳатлари асосида ўз қўшиқчилик маҳоратини ошириб борганлар. Бу ҳақда Т. Мирзаев жумладан қуйидагиларни келтиради:

«Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Саттор Ярашев каби шогирларига берган маслаҳатларида Маматбува ака доим: «Санъаткор учун ховлиқиш ярамайди» деб қўярди. У ҳар бир шогирдининг ўзига хос хислатларини назарга олиб, айрим-айрим маслаҳатлар берарди. Йўлдош қори, Ҳасан қори, Мадамминжон, Эрмамад, Худойберди каби ҳофизларга доим текис нафас олиш, созга яқинроқ бўлиб, пардадан ва усулдан чиқмасдан куйлаш зарурлигини, юракдан, куй ва шеър тексти руҳидан таъсирланиб айтиш ҳақида насиҳатлар қиларди»⁵⁰.

Маматбува Сатторов 1937 йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбек санъати ўн кунлигида иштирок этган. Бироқ шу йили Маматбува Сатторовни «Босмачилик йиллари кўрбошиларга ашула айтиб бериб юрган» деган айблар билан икки йилга яқин Фарғона қамоқхонасида ушлаб турганлар. Унинг яқинларини юқорига қайта-қайта ёзишмалари натижасида Маматбува озодлик юзини кўрган. Қамоқдан қайтиб келганидан сўнг эл-юртнинг сеvimли ҳофизи Маматбува атрофдагиларни унга нисбатан чўчиб муомила қилаётганларини кўриб, Ёзёвон чўли сари йўл олади. Бу ерда бир оз вақт дала ишлари билан машғул бўлади. Айтишларича, ўша пайтларда Болтабой ҳофиз ҳам қовунчилик шуғулланган. Қисқаси деҳқончилик уларнинг овунчоғи бўлиб қолган эди.

Маматбува қўшиқларининг ихлосмандлари уни Тошкентга боришга кўндирганларидан сўнг яна у қўшиқлар куйлай бошлайди. Кейинчалик у Катта Фарғона, Жанубий Фарғона, Шимолий Фарғона канали қурилишларида Оҳангарон кўмир кони очилишида ўз санъати билан хизмат қилган. Ўша пайтларда шоир Ҳабибийнинг «Каналимга келинг» шеърини, Собир Абдулла, Камтар, Чустий каби шоирларнинг сув ва каналга атаб ёзган шеърларини халқ ашулаларига солиб айтган⁵¹.

⁴⁹ Бу ҳақда қаранг: Шокиров Ў., Ашрафий Ф., Шокирова И. Ўзбекистон маданияти намояндалари. – Т.: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», 2001.

⁵⁰ Мирзаев Т. Мамадбобо Сатторов // Ўзбекистон халқ созандалари. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1974. 46-б.

⁵¹ Мирзаев Т. Мамадбобо Сатторов...44-46-б.

Айтишларича, Катта Фарғона канала қурилишдан сўнг ҳукумат йиғилишларининг бирида канал қазिश чоғида ўз қўшиқлари билан халқимизга улкан хизматлар қилган машҳур ҳофизлар Жўраҳон Султонов ҳамда Маъмуржон Узоқовларга «Ўзбекистон халқ ҳофизи» деган унвонга тавсия қилинадилар. Бироқ уларнинг иккиси ҳам бир овоздан бу унвонни дастлаб устозлари Маматбува Сатторовга берилиши кераклигини таъкидлайдилар. Шу тарзда юртимизда биринчилардан бўлиб, «Ўзбекистон халқ ҳофизи» деган унвонга 1939 йили Маматбува Сатторов сазовор бўлади⁵².

Маматбува Сатторов уруш йилларида Янгийўл шаҳрида ташкил этилган Тошкент вилояти мусиқали драма ва комедия театрида ишлайди. Мадраҳим Шерозий, Уста Рўзиматхон, Абдулла Файзулаев Юнус Ражабий, Муҳиддин ҳожи Нажмиддинов, Отавали Нуриддинов сингари атоқли санъаткорлар қатори театр ёшларига устозлик қилади. Таъкид жоизки, Маматбува Сатторовдаги овоз имкониятларининг ўзига хослиги, диапозони кенглиги, тембри жиҳатидан кучли эканлиги билан ҳар қандай мусиқий асарни куйлаб келган. Шу боис ҳам мана қанча вақт ўтмасин Фарғона қўшиқчилиқ мактаби хусусида сўз очилганда биринчилардан бўлиб Маматбува ҳофиз номи фахр билан тилга олинади.

Айтишларича, Маматбува қўшиқ куйлаганда овози тўрт маҳаллага етар экан. Халқ орасида ҳозирга қадар «Маматбуванинг қўшиғи 4-5 чақиримдан баралла эшитиларди. Ҳатто бешиқда ухлаб ётган чақалоқлар ҳам уйқусидан уйғониб кетишарди», деган хотиралар сақланиб қолган⁵³. Бунга улар Маматбуванинг қамоқдан озод бўлган кунда, Марғилон шаҳрининг истироҳат боғида қўшиқ айтганини мисол келтирадилар. Чунки, ўша кун Сўкчилик маҳалласидагилар 4-5 чақирим нарида туриб Марғилон боғида куйлаётган Маматбуванинг овозини эшитган эмишлар.

Маматбува кексайган чоғларида ҳам ёш ҳофизлардек қўшиқ айта олиши билан барчани ҳайратда қолдирган. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ артисти Султонали Маннопов «Сўнмас наволар» асарида жумладан қуйидагиларни келтириб ўтади:

⁵² Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тошлоқ шаҳарчасида яшовчи Нуриддин Мамажоновдан (1959 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵³ Ҳамид Усмон. Марғилон фарзандлари. – Ф.: «Фарғона», 2000. 33-б.

«Мамадбобо ҳофиз жуда кўп шогирдларга катта санъатга йўлланма берди. У доим бежирим, озода кийиниб юрар, санъаткор кийинишида, юриш-туришда ҳам ҳаммага ўрнатилган бўлиши кераклигини доимо шогирдларига уқтирарди. Менга устозни 1963 йилда Маргилонда созанда Оллоёр аканикадаги базмда кўриш насиб қилган эди. Ушбу базмда Жўрахон Султонов, Ҳожихон Болтаев, Таваккал Қодиров Қувондиқ Искандаров сингари машҳур ҳофизлар ҳам қатнашган эдилар. Ўшанда шинавандалар 78 ёшли устоздан «Ёввойи чоргоҳ»ни айтиб беришни илтимос қилганларида, ёнларига шогирдлари Жўрахон Султонов, Назарали ака, Ҳожимурод ҳофизни олиб, шинавандалар илтимосини бажарган эдилар. Бу ижро ҳозиргача мени ҳайратга солиб келади. Чунки бу ижро анъанавий қўшиқ ижрочилигимизни энг юқори чўққиси бўлиб, тўртта буюк ҳофизнинг муборак нафаслари бир жойдан чиқиб жаранглаганида, шинавандалар «дод» деб юборишган, қўшиқ тугагандан сўнг узоқ вақт олқишлаб туришган эди. Ҳофиз умрининг охиригача куйлашдан қолмади, сўнгги нафасигача ўз касбига содиқ қолди»⁵⁴.

Маматбуванини нафақат машҳур ҳофиз балки саҳоватпеша олийжаноб инсон сифатида эл ёдга олади. Бу ҳақда Имяминжон Қирғизов қуйидагиларни ҳикоя қилади:

«У кишининг бундай фазилатлари XX аср ўрталарида мамлакат аграр саноатида бошланган ислохотлар, жумладан Тошлоқ туманидаги кўплаб майда ерларни йириклаштириш, кичик хўжаликларни бирлаштириш авжига чиққан паллада айни ибратли бўлди.

Жамоа хўжалиги бошқаруви раис Ҳадятилла Раҳматовнинг элпарвар режаси янгитдан ташкил бўлган жамоа хўжалигидан туман маъмурий маркази томон замонавий йўл иншооти қурилишини англатар, янги йўл эса туб аҳолининг бир неча хонадонлари кесиб ўтишни тақозо этарди. Аҳолида бундай ғояларни қўллаб-қувватлаш анча қийин кечар, баъзида кескин зиддиятни келтириб чиқарарди.

Янги раис Сўкчилик маҳалласининг хирмонига барча маҳалла аҳлини чорлаб кенгаш ўтказишга қарор қилди ва бунда илғор фикрли, келажакни кўра оладиган, аҳоли орасида обрў-эътиборли кишилар мададига таянмоқни ният қилди.

Халқ кенгашига барча аҳоли жам бўлди. Бошқарув ходим халққа мурожаат қилиб, маҳалла ҳудуди туман маркази билан

⁵⁴ Маннопов С. Сўнмас наволар. – Ф.: «Фарғона», 2002. 38-б.

яқин масофада жойлашганлигига қарамасдан маъмурий марказга бир неча тор кўчалар орқали ўтиб бориш анча мураккаблик қилаётгани ва маҳсулотни давлат омборига етказишга ноқулайлиги, ёзда тизза баравар тупроқ, қишда эса лой кечиб ўтиш лозимлигини уқтиришга ҳаракат қилди. Бироқ бу даъватга хайрихоҳлик бўлмай, даврада ғала-ғовур кўтарилди. Ўша вақт даврага Маматбува Сатторов чиққанда ҳамма жим бўлиб қолди.

Маматбува Сатторов «Хурматли ҳамқишлоқлар, халқ учун йўл чиқарган, ариқ қазиган, кўприк қурган киши бу дунё обрў-эътиборига, у дунё саодатига мушарраф бўлади. Савоб йўлдаги бу хикматлар муқаддас ҳадиси шарифларда, мумтоз адабиётимиз намуналарида ҳам кўплаб таъкидланади.

Ҳазрат Алишер Навоий:

Одами эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ, халқ ғамидин ғами

деганларидек, бу ўзгаришлар халқ манфаати, давлат равнақи учун бўлаяпти. Баланд–паст бўлса ҳам тўғри йўл яхши. Чунки, кўтариласан-пасаясан эгриликка юрмайсан деб халқимиз тўғри айтган. Фоний дунёда ўз йўлини тўғрилаган, банданинг охират йўли ҳам равон бўлади. Ҳамқишлоқларим! Гувоҳ бўлинг. Мен шахсий ҳовлимни кесиб ўтаётган йўл чегараси ёнидан 5 сотихлик ер майдонини маҳалла гузари учун инъом этдим», дея

Кўп эрдим ҳасратим жонон,
Қилай изҳор деб келдим

кўшиғини ҳар галгидан кўра баландроқ, авжлироқ, таъсирчанроқ даражада куйлаб юборди. Катта ашула таъсиротидан шинавандаларнинг қалблари ҳайратдан қалқир, кўзларидан эзгулик мақсадлари порлаб, вужудларида бунёдкорлик шиддати жўш урарди»⁵⁵.

1969 йилнинг қишнинг аёзли кунларининг бирида Маматбува Сатторов маҳалла гузарида йиғилганларга алламаҳалгача кўшиқлар айтиб беради. Унинг кўшиқларидан ҳузур олган одамлар

⁵⁵ Қирғизов И. Ҳофизлик – айна саодат (Ўзбекистон халқ ҳофиси Маматбува Сатторов таваллудининг 120 йиллигига бағишланади). Мазкур матннинг қўлёзма нусхасидан фойдаланилди.

уйларига ярим кечда тарқаладилар. Афсуски уларни эрта тонгда Маматбуванинг жарангдор овози эмас, балки унинг уйидан чиқаётган йиғи товуши уйғотиб юборган. Айтишларича, Маматбува тонг саҳарда таҳорат олиб бўлган заҳоти жон берган экан. Шу тарзда Маматбува Марғилон шаҳридаги кўплаб улуғлар сокин топган Хўжа Порсо қабристонига дафн этилган.

Конизар

Маълумотларга кўра, ўтмишда мазкур маҳалла Конизар, Эшимбойтўпи, Файзуллоҳожи сингари маҳаллалардан иборат бўлган⁵⁶.

Эшимбой маҳалласини номини келиб чиқиши бевосита Эшимбой исмли саховотли бой номи билан боғлиқ бўлиб, у ўз маҳалласини обод қилишда кўп хайрли ишларни амалга оширган. Эшимбой қурдирган ҳашаматли масжид XX асрнинг 50-йилларига қадар сақланиб турган. 1958 йили бошқа меъморий обидалар қатори ушбу Эшимбой масжиди ҳам бузиб ташланган⁵⁷.

Айтишларича, Конизар аҳолиси қадимда ўрик қуришти билан машғул бўлганлар. Улар қуритган ўриклар савдогарлар томонидан турли ўлкаларга олиб кетилган.

Файзуллоҳожи маҳалласининг номи Файзулло исмли киши номи билан боғлиқ бўлиб, у маҳаллада ҳажга бориб келган илми ўткир биринчи ҳожи киши экан⁵⁸.

Конизар маҳалласида 1937 йилда қатағон қилинганлардан бири Собиржон Саминов яшаб ўтган. Бу ҳақда унинг фарзанди Нўъмонжон Собиров қуйидагиларни ёзган эди:

⁵⁶ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг Конизар маҳалласида яшовчи Иброҳимжон Мамажоновдан (1958 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг Конизар маҳалласида яшовчи Оқилжон Фозиловдан (1934 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг Конизар маҳалласида яшовчи Нўъмонжон Собировдан (1927 йилда туғилган) ёзиб олинди.

«Отам Собиржон Саминов миришкор деҳқон бўлган. Аммо, шу оддий меҳнаткашнинг ҳаётини қатагон зарбаси остин-устун қилиб ташлаган.

Бунга сабаб шуки, у йигирманчи йилларда ҳаж зиёратини ният қилиб, йўлга чиққан. Лекин уни чегарадан ўтказишмаган. Ўттиз еттинчи йилга келиб, ана шу воқеани рўкач қилиб, ҳибсга олишган ва «халқ душмани», деб айблашган, қатагон қилишган. Биз – тўрт гўдак–онамнинг этагида чирқираб қолганмиз. Ўша мустабид даврдаги очарчилик туфайли икки укам нобуд бўлишган...»⁵⁹.

Конизар маҳалласи тарихи юзасидан олиб борган изланишларимиз давомида биз Нўъмонжон ота Собиров билан учрашиб отаси Собиржон Саминов ҳақида яна қўшимча маълумотлар олишга муяссар бўлдик.

Маълум бўлишича, Собиржон Саминов дастлаб чамаси 20 ёшида 1916 йили мардикорликка олиб кетилган. Орадан бир йилдан сўнг у она юртига қайтишга муяссар бўлган. Фронт ортидаги кўрган азоб-уқубатлардан омон қолганлигини шукронаси эвазига ҳажга боришни ният қилади. Аммо давлат тепасига келган большевиклар ҳукуматининг чегарачилари уни чегарада ўтказмайдилар. Натижада орзулари саробга армонга айланиб, чегарадан ортига қайтишга мажбур бўлади. Бироқ у шу билан тинч ҳаёт кечирмайди. 1937 йили Собиржон Саминовни НКВД ходимлари «Сен Совет ҳокимиятига қарши курашиб, чегарани бузиб ўтишга урингансан» деган айблов асосида қамаб юборадилар. Собиржон сингари яна 800 нафар фарғоналиклар бир поезднинг эшелонига чиқарилиб, Россиянинг совуқ ўлкаларидан бири Кемерова вилоятига жўнатилади. Собиржон отанинг кейинчалик фарзанди Нўъмонжонга сўзлаб берган хотираларига кўра, 800 нафар қатагон қилинган фарғоналикларнинг аксарияти уламолар ва юртнинг тадбиркор бойларнинг илмли, ақл-фаросатли фарзандлари эдилар. Улар чекка ўлкада айни қаҳратон қиш пайтлари, яъни ҳаво – 40-50⁰ даражада совуқ бўлган чоғларда темир йўл ётқизиш ишларига сафарбар қилинганлар. Натижада кўп ўтмай 800 кишидан фақат 6 киши жон сақлаб қолган, холос. Собиржон ота айнан ўша ерда

⁵⁹ Собиров Н. Ҳажга бораман, деб... // Халқ хотираси олдида бош эгамиз: Хужжатлар, маърузалар, хотиралар, хатлар. – Т.: «Шарқ», 2001. – 68 б.

ҳамюрти шоир Усмон Носирнинг оғир касал бўлиб ётган ҳолатини гувоҳи бўлган эди.

1946 йили бахтли тасодиф туфайли Собиржон ота яхши инсонларнинг кўмаги билан фарзанди Нўъмонжонга ўзи тўғрисида хабар етказади. Шу тарзда Нўъмонжон отасини излаб топиб, отаси билан Тошлоққа қайтиб келишга муяссар бўлганлар.

Тўғрисини айтсак, суҳбатдошимиз Нўъмонжон ота Собировнинг қатағонлик йиллари тўғрисидаги ҳикояси бизни ҳам қаттиқ ҳаяжонга солди. Тасаввур қилинг юртимизнинг не-не сара мард ўғлонларининг тақдири қатағонлик сиёсати туфайли нақадар аянчли бўлди. Чунончи, Собиржон Саминов сингари маърифатпарвар, саховатли тадбиркор мусулмон кишиларни ёмонотлиққа чиқариш большевикларни юрт ичида ўзларининг нотўғри сиёсат олиб боришлари учун ниҳоятда зарур ташвиқот воситалардан бири бўлган. Шу сабабдан ўша даврларда миллат тақдири учун қайғурган ҳамюртлармизни қисмати аянчли кечди. Бу ҳақда Алихонтўра Соғуний қуйидагиларни ёзган эди:

«Ўтган улуғ файласуфларнинг айтишларича ҳамда тарихий тажрибаларнинг кўрсатишича, қайси бир миллат ўз миллий давлатидан ажраб, унинг ҳукумати йўқолар экан, ҳукумат эгаси бўлган келгиндилар ҳисобига йил сайин насллари озайиб бориб, энг сўнггида бутунлай ютилиб кетиши тажрибада кўрилмишдур. Ўз ҳокимиятидан ажради, демак — инқирозга юз тутди демакдир. Шу сабаблик дунёдаги онгли, маданий миллатлар ўз ҳокимиятларини сақлаш учун неча миллионлаб қурбон беришга тайёрдирлар. Ҳолбуки, ҳар бир миллатга иймон — исломини сақлаш Қуръон ҳукмича қандай фарз бўлса, шу ўхшаш ўзлигини ва ўз миллатини сақлаш ундан ҳам фарзроқдир. Чунки пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллам қайси бир киши ўз отасини ташлаб, бошқа бировнинг боласиман деса ёки бир миллат тили, дини, расм-одати бошқа иккинчи бир миллатга ютилса, мана шундай ишга норозилик билдириб, уларга лаънат ўқидилар. Миллий ҳиссини йўқотиб, ўз миллатидан ажраш Қуръон ҳукми бўйича ҳаромдир.

Ер усти учмоҳи (жаннати) бўлгудек, жаннат каби ноз-неъматлик, яйловлари кўп, оқар сувлари мўл, бог-бўстонлик гўзал Ватанимиз Ўзбекистон ўлкаси атрофимиздаги очкўз ганимлар томонидан ҳар вақт

ҳужум остида бўлиб турганлиги машҳур тарих китобларида ёзилмишдир. Ҳозирги кунимиздан 780 йилларча аввал дунёга даҳшат солган ўрта аср йиртқичлари, қуюндек қоплаган Чингиз аскарининг биринчи зарбаси биз Туркистон улусининг устига тушган эди. Ер юзи инсонлари учун яхшилик кутилган йигирманчи асрда чиққан большевикларнинг биринчи навбатдаги оғир зарбаларига яна биз Туркистон мусулмонлари учрадик. Чунки, юқорида айтилганича, бу маданият даврининг тотлиқ емишларидан фойдаланиб, дунё инсонлари ўз ҳуқуқларига бутунлай эга бўлдилар. Ва ҳам бу орқали илм, маданият, ҳунар-саноат ер юзига тарқалиб, Африка чўлларигача кира бошлади. Бизлардан бошқа ҳар ердаги озу кўп миллатлар эса Ватан босқинчиларидан қутулиб, ўз эрки миллий ҳукуматларини қуриб олдилар.

Биз бўлсак, ҳақиқатда большевиклар ҳукумати қурилган кундан бошлаб ёлғиз миллий, диний, ватаний ҳақларимиз эмас, балки инсоний ҳуқуқларимиздан ҳам бутунлай ажраган сўнггида эркин ҳайвонлар қаторида ишламоққа мажбур бўлдик. Бир миллатнинг ўз ҳуқуқлари бутунлай ўз қўлига топширилмагач, Ўзбекистон оти қозғоғ устида ёзилиши билан ёки бошқаларнинг юкини кўтарган, аравасини тортиган эшак-отлардек бирмунча ўзбек номидаги виждонсиз, қуруқ ҳайкалларни ўз мақсадларини қўлга келтириш учун ўриндиқ устига ўлтиргизиб қўйиши билан у миллат қандай озодликка чиқдик дея олади? Балки, бундай миллатлар шу каби хиёнат пардалари остида бутун ҳиссиётларидан ажраган ҳолда ем бўлиб ютилиб, охири инқироз чуқурига юзтубан йиқилиб ҳалок бўлишлари шубҳасиздир»⁶⁰.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «қатағон» сўзига қуйидагича изоҳ берилган: «Қатағон – тақиқ, ман».

Ажаббо! Минглаб ҳалол ва покиза, беайб ва соддадил инсонларни жаҳаннам гирдобига тортиб кетган, минглаб мурғак гўдакларни кўчаларда сарсон-саргардон қилиб, ота-онасидан маҳрум айлаб, очликдан ўлишга маҳкум этган қатағонлик сўзининг маъноси шу қадар қисқа бўлса?! Орадан етмиш йилдан зиёд вақт ўтсада, қатағон сўзни эшитган кишилар ҳали-ҳануз ларзага тушадилар. Чунки унинг хотираларидан қолган асоратлар киши баданига теккан ўқнинг азобидан минг чандон ёмон десак

⁶⁰ Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси...58-59-б.

янглишмаймиз. Ахир ҳар қандай танадаги жароҳатни даволай олишга қодир малҳамлар бор. Лекин қалб жароҳатиничи...

Шу хусусида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукруллонинг сўзларига қулоқ солсак:

«Ўттизинчи, эллагинчи йилларда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари бегуноҳдан-бегуноҳ сургун қилинди, ҳибсга олиниб, отиб ташландилар.

«Қамалдилар, отиб ташландилар», – дейиш осон! Аммо бу-қамалган, отиб ташланганларнинг оҳу ноалари, азоб-у хўрликлари, уларнинг хонавайрон бўлган оилалари, бола-чақалари, эридан айрилган фарёдлари, дарбадарликларини ҳамма ҳам бир дам кўз олдига келтириб, юракдан ҳис қила олади дейсизми?

«Отиб ташланди!» Бегуноҳ қатл қиланаётган одамнинг ҳолатини ҳис қила оласизми? Йўқ! Унга ачинасиз, албатта, «аттанг» дейсиз, аммо унинг ноласини-чи!?»⁶¹.

Агар хонадонимизда тўсатдан чироқ ўчиб ёхуд газ ўчиб қолса, худди кўзимизга олам зимистонна ўхшаб туюлади. Ўз уйимизда ота-онамиз, фарзандларимиз қуршовида бўлиб туриб, мана шундай икир-чикирларга асабийлашиб, дилимиз хуфтонга айланади. Бу ҳам етмаганидек, шу соҳага таалуқли кишилар устидан нолишни бошлаймиз. Шундай дамларда ўтган асрнинг 30-йилларида ойлаб ёруғликни кўрмай, зах-совуқ хоналарда миллатимиз тақдирини ўйлаб қайғурган, охир оқибатда кафансиз кўмилган бегуноҳ ватандошларимизнинг аҳволи қандай кечганлигини тасаввур қилиб кўринг. Ахир улар минглаб чақирим ватанидан олисда айрилиқда, ўн йиллаб хўрликда, тутқинлик азобида кун кечиришга мажбур эдилар. Шундай экан бугунги дорилмон кунларда яшаётганлигимиз учун биз қанча шукроналар айсак шунча кам. Зеро. тинчликнинг қадрига ета олган одамга турмушнинг айрим икир-чикирлар арзимасдек туюлади.

Таъкид жоизки, Конизар маҳалласининг номи хусусида суруштирувларимиздан шу нарса маълум бўлдики, маҳалла

⁶¹ Шукрулло. Ҳақиқатни айтмаслик – хиёнат // Халқ хотираси олдида бош эгамиз: Хужжатлар, маърузалар, хотиралар, хатлар. – Т.: «Шарқ», 2001. – 86 б.

дастлаб «Конизарар» деб аталган эмиш. Жойни бундай деб аталиши хусусида аҳоли орасида қуйидаги ривоят мавжуд.

Нақл қилишларича, қадимда Қошғар томонидан кўчиб келаётган кўп сонли аҳоли шу ердан ўтаётганда, кўкариб турган дов-дарахтлар шохларни уларнинг чорваси еб юборади. Бу ҳолатни кўрган маҳалла аҳли «Бизга Конизарар бўлди», деб афсуснамо тарзда бошларини чайқаган эканлар. Ўша-ўша маҳалла Конизарар деб аталиб вақтлар ўтиши билан Конизар номини олган экан⁶².

Жойнинг Конизарар эмас балки Конизар эканлиги хусусида Ўзбекистон журналистар уюшмаси аъзоси Набижон Собиров қуйидагиларни келтириб ўтади:

«XIX асрнинг иккинчи ярмида Марғилонлик бир гуруҳ бой кишилар Тошлоқ туманининг ҳозирги Амир Темур ўйингоҳи жойлашган жойда ов қилиш учун сунъий кўлни барпо қилишади. Бу сунъий кўлга сув олиб келиш учун Исфайрамсойнинг Беш олиш мавзейидаги тўғондан ариқ қазилиб, ҳозирги Қақир. Эшимбой, Конизар маҳаллалари жойлашган қир-адирлар бўйлаб сув олиб келинади. Бу ариқдан доимий сув оқиб турганлиги ҳамда ариқнинг атрофи асосан унумдор ерлардан иборат бўлганлиги учун ҳам бу ерларга аҳоли кўчиб келиб, ҳовли-жой, экин майдонлари, боғ-роғлар барпо қилишади. Яқин вақтларгача шу ерларни ўзлаштирган кишилар номи билан кичик-кичик мавзелар атаб келинган. Жамоа хўжалиги даврида аъзолар Қозоқбойвучча, Мулла Собиржон ота номи билан боғлиқ ерларга ишга чиқамиз деб айтиларди. Ҳозир бу ерларнинг барчаси аҳолига томорқа сифатида бериб юборилган. Қишлоқни пайдо бўлишига сабаб бўлган Конизар ариғи ҳам қишлоқни иккига бўлиб оқиб турибди.

Бобом Собиржон Масолиевнинг айтишича, оталари Мамасолибой Қашқар-Шарқий Туркистонда юз берган қонли воқеалардан қочиб келиб, 1881-1883 йилларда янги қазилган ариқ бўйида маскан тутишган экан. Кейинчалик уларнинг атрофига одамлар ўрнашиб ҳозирги Конизар қишлоғи пайдо бўлган экан. Бу ернинг ерлари унумдор, боғлари ҳосилдор бўлганлиги дастлаб

⁶² Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг Конизар маҳалласида яшовчи Оқилжон Фозиловдан (1934 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Марғилон шаҳрини энг сархил мевалар, сабзавот, полиз маҳсулотлари билан таъминлаб туришгани учун ҳам Конизар, яъни Заркони деб аташган. Уни Конизарар деб талқин қилиш мутлақо нотўғридир».

Дастлаб маҳаллани Конизарар деб аталиши борасидаги мазкур ҳикояни дастлаб эшитганимизда биз бу одамларнинг уйдирмалари бўлса керак деган фикрга бордик. Аммо изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўтмишда Фарғона водийсида Конизарар номли қишлоқлар ҳам мавжуд бўлган экан. Масалан, худди шу ном билан аталувчи Конизарар қишлоғи Зодиён волости таркибида бўлиб, 1909 йилдаги маълумотга кўра, у ерда 49 нафар аҳоли яшаган⁶³.

Тошлоқнинг Конизар худудидан бир ярим аср даврида Фарғона заминида ўзига хос ном қолдирган тарихий шахслар, зиёли ва санъаткорлар етишиб чиққан бўлиб бу ҳақда Набижон Собиров қуйидагиларни келтиради: «Узоқ йиллар Самарқанд медицина институтига раҳбарлик қилган медицина фанлари доктори, профессор Ўктамхон Ваҳобова, Тошкент тўқимачилик институти кафедра мудирини, техника фанлари доктори Каримжон Турсунов, Ҳамза номидаги давлат мукофоти лаурияти, Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадсоли Юсупов, узоқ йиллар вилоят сил касалликлари шифохонасига раҳбарлик қилган Одилжон Фозилов, машҳур қизиқчи Сулаймон қори таниқли педогог ва жамоат арбоби Комилжон Собиров ва бошқа ўнлаб таниқли кишилар шу қишлоқ фарзадлари ҳисобланишади»⁶⁴.

Пастки маҳалла

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда ققئر – ۋҚақир номи билан тилга олинувчи жой номлари тўғрисида маълумотлар

⁶³ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 33.

⁶⁴ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг Конизар маҳалласида яшовчи Набижон Собировдан ёзиб олинди.

учрайди⁶⁵. Биз айнан Қақир номи фақат Тошлоққа нисбатан бермоқчи эмасмиз. Фақат шу ном билан аталувчи жой номлари тўғрисида айрим маълумот келтириб ўтмоқчимиз, холос.

Мазкур ҳужжатлардан бирида келтирилган маълумотларга кўра 1867 йили Марғилон ҳокими Султон Муродбек Мулла Абдурахмон исмли шахнинг Қақир қишлоғида полиз экинларидан олинадиган танобона⁶⁶ солиғини ярмидан озод этилганлиги ҳақида ёрлиқ берилган. Бундан ташқари 1874 йилда Ҳожи Муҳаммад Ёқуб Мирзо Бухорийга Домулла Хожа Назар томонидан берилган ҳужжатда айрим ҳарбий кўшин бошлиқларининг Қақир қишлоғида жойлашган ерларидан танобона солиғи олиниши лозимлиги баён этилган. Таъкид жоизки, Худоёрхон замонида Қақир қишлоғида баъзи ерларлар Муҳаммад Қосим оқсоқол исмли шахсга тегишли бўлган.

Қақир номи билан аталувчи ой номлари юртимизда кўплаб учрайди. Қақир сув етиб бормайдиган, қақраб ётган ер деган маънони билдиради⁶⁷.

Сўфилар

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Сўфилар қишлоғи Марғилон уездининг Ёзёвон волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 474 нафар аҳоли истиқомат қилган⁶⁸. Мазкур маҳалла тўғрисида Равшанбек Усмонов қуйидагиларни ҳикоя қилади: «Айтишларича, нақшбандия тариқатига мансуб Олим Калтатой ва Салим Калтатой исмли сўфилар бошчилигида бир қанча хонадон тахминан XVIII асрнинг ўрталарида Бухородан Марғилон томон йўл оладилар. Уларга марғилонлик Тоир қози исмлик юрт катталаридан бири ҳозирги Сўфилар маҳалласи

⁶⁵ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: “Наука”, 1968. С.143, 145, 146, 148, 151, 170, 216, 268, 275.

⁶⁶ Танобона – экинлардан олинадиган солиқ тури. Таноб (арабча) – арқон– чодир ўрнатишда ишлатиладиган пишиқ арқон; сатҳни (узунлик ва кенгликни ўлчашда ишлатилган ўлчов), узунлиги ўртача 60 газ (39,9 м) бўлган ва сатҳи 60 х 60 га, яъни 3600 кв.га тенг бўлган ер майдони. Шундай экан танобона солиғи миқдори ер майдонига қараб белгиланган.

⁶⁷ Набиев А. Тарихий ўлкашунослик. – Т.: «Ўқитувчи», 1996. 261- б.

⁶⁸ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 97.

худудидаги ерларидан жой беради. Шу тарзда Сўфилар маҳалласи вужудга келади»⁶⁹.

Нақл қилишларича, Тоир қози ҳар гал сўфилар жойлашган маҳалладан хабар олгани йўл олган чоғида йўлда учраганларнинг саволларига «Сўфиларимдан хабар олгани кетяпман», деб жавоб берар экан. Ўша-ўша одамлар оғзида сўфилар яшаган маҳалла Сўфилар деб айтилган экан⁷⁰.

Бизнингча, Олим Калтатой ва Салим Калтатой номларидаги Калтатой сўзи бу аслида уларни ўзбек уруғларидан бири Калтатойга мансуб эканлигидан далолат берса керак. Маълумотларга кўра, калтатой уруғлари Фарғона водийсида, Нурота ва Моғузар тоғларининг шимолий ёнбағрида, Зарафшон дарёсининг юқори ва ўрта оқимларида, Афғонистоннинг тоғли ҳудудларида яшашган⁷¹.

Шуниндек, Сўфилар маҳалласи Сўфи этноними билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Зеро, 92 ўзбек қабиласининг бири бўлган сарой қабиласига мансуб уруғнинг бир бўғини Сўфи деб аталган⁷².

Тожикқишлоқ

Тожикқишлоқ номини ўзи бу ерда тожикзабон аҳоли яшаганлиги боис ҳам қишлоқ шу ном билан аталганлигидан далолат беради. Айтиш жоизки, юртимизда бундай ном билан аталган қишлоқлар бирмунча⁷³. Бу ҳақда топонимист олим Н.Охунов жумладан қуйидагиларни келтиради:

⁶⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сўфилар маҳалласида яшовчи Равшанбек Усмоновдан (1964 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁷⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сўфилар маҳалласида яшовчи Дилшод Шокировдан (1975 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁷¹ Бу ҳақда қаранг: Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? –Т.: «Ўзбекистон», 1970; Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: «Ўқитувчи», 1977.

⁷² Задыхина. К. Л. Некоторые вопросы изучения этнического состава // Краткие сообщения института этнографии, т. XXXVII. – М.: «Изд-во АН», 1962. С.40.

⁷³ Пўлатов И., Охунов Н. Фарғона водийсидаги тожик ва қирғиз этнонимларига дахлдор ойконимларни ўрганишга доир // «Кўқон асрлар силсиласида» Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Кўқон, 2004. 100- б.

«Англашиладики, мазкур топонимлар миллат номи бўлмиш тожик сўзи асосида вужудга келгандир. Ўзбеклар билан тожиклар қадим замонлардан бери ёнма-ён яшаб ўзаро иқтисодий, сиёсий маданий алоқада бўлиб келганлар. Бундай муносабатлар икки халқ яшовчи ҳудуднинг географик номлари системасида ҳам ўз аксини топган. Ўзбекистон ҳудудида тожиклар билан ўзбеклар аралаш яшаган жойларнинг кўпчилиги қисмида тожик этноними жой номи шаклида учрайди»⁷⁴. Шундай экан тожиклар Марказий Осиё, жумладан, Фарғона водийсининг энг қадимги этносларидан бири бўлиб, улар асосан водийнинг ғарбий ва шимолий-ғарбий қисмида жойлашганлар. Бу борада элшунос олим Улуғбек Абдуллаевнинг «Фарғона водийсида этнослар аро жараёнлар» номли асарида келтирилган маълумотлардан айримларини ҳавола этамиз:

«Айни вақтда Фарғона водийсининг бошқа ҳудудларида ҳам, хусусан, Наманган вилоятининг Чуст, Косонсой, Фарғона вилоятининг Риштон, Фарғона, Сўх туманларидаги қатор аҳоли манзилгоҳларида аҳолининг кўпчилиги тожиклардир.

Бундан ташқари, Олтиариқ, Марҳамат, Асака, Шаҳрихон, Қува, Андижон, Наманган, Избоскан, Бувайда туманларида ҳам кўплаб тожик қишлоқларини учратиш мумкин...

Этнографик адабиётларда Фарғона водийсида яшовчи тожиклар шартли равишда икки гуруҳга - *текислик ёки воҳа тожиклари* ва *тоғлик тожикларга* ажратилади. Текислик тожиклари - бу ушбу ўлканинг азалий халқларидан бири бўлиб, ўзбеклар орасида тарқоқ жойлашган баъзи бир гуруҳларини ҳисобга олмаганда, ўзларининг узоқ тарихий тараққиётлари давомида қатор этник хусусиятларини (жумладан, тилини) сақлаб келганлар. Текислик тожиклари, асосан, водийнинг юқорида кўрсатиб ўтилган Хўжанд шаҳри ва унга туташ ҳудудларда ҳамда Чуст, Косонсой, Риштон, Сўх туманларида қадим даврлардан бери яшаб келмоқдалар.

Фарғона водийсидаги тоғли тожикларни эса асосан Шимолий Тожикистоннинг тоғли ҳудудларида жойлашган Матчо, Қоратегин, Дарвоз, Кулоб, Ҳисор каби аҳоли манзилгоҳларидан кўчиб келган тожиклар ташкил қиладилар.

⁷⁴ Охунов Н. Жой номлари таъбири...48 - б.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз давридаёқ (XV аср охири - XVI аср бошларида) тоғли тожикларнинг Фарғона водийси ҳудудига кўчиб кела бошлаганликларини айтиб ўтган эди.

Бироқ бу жараён XVIII асрдан эътиборан, айниқса XIX - XX аср бошларида жадал тус олди ва айнан шу даврда водий ҳудудидаги тоғли тожиклар сони кескин кўпайди. Афсуски, ўша даврдаги статистик материаллар Фарғона водийси ҳудудидаги тоғли тожиклар сонини келтириб ўтиш имконини бермайди. Негаки, улар ушбу статистик материалларда водийнинг текислик қисмида яшаб келаётган тожиклардан ажратилиб, алоҳида қайд этилмаган.

Шунга қарамай, агар водий ҳудудида ташкил топган кўплаб аҳоли манзилгоҳлари айнан шу тоғли тожиклар томонидан ташкил этилганлигини инобатга олсак, уларнинг водий тожиклари орасидаги сони салмоқли эканлигини кўрамыз...

Фарғона водийсига кўчиб келган тоғли тожиклар ичидан ҳам Қоратегин ва Матчодан чиққанлари кўпчиликни ташкил қилганлар.

Қоратегин тожикларининг аксарияти Фарғона вилоятининг жанубий ҳудудидаги қишлоқларда, хусусан Фарғона туманидаги Оқтом, Ғузор, Ўртақ, Вахиё, Балача, Гулпиён, Лоғон, Ризо-маҳалла, Муғподшо, Калмаҳалла, Қорасув, Аввал, Қўчқорчи, Каптархона; Тошлоқ туманидаги Қоратепа, Риштон туманидаги Ҳушёр⁷⁵, Қизилқия, Шайхалта, Девайрон каби қишлоқларда яшаганлар.

Бундан ташқари, Қоратегин тожиклари Қувасойдаги Арсиф, Суфон, Валик, Тожикмўён, Чек, Қува туманидаги Бўзахур... Янгиқўрғон туманидаги тожик қишлоқларида истиқомат қилганлар. Чуст туманидаги Дувоба, Саримсоқтепа ва Куйикмозор қишлоқларида ҳам Қоратегин тожиклари яшаганлиги маълум.

Матчо-тожиклари эса, асосан, Тожикистон Республикасининг ҳозирги Сўғд вилояти ҳудудига келиб ўрнашганлар. Улар Ж. Расулов номли туман ҳудудидаги Селкон, Қайрағоч, Ланглиф (ҳозирги Тожикобод), Зарафшон, Гулёкондоз, Тўра; Нов туманидаги Водиф, Дехавз, Дехмор, Исфара туманидаги Варух, Мачои каби қишлоқларда яшаганлар.

XIX - XX аср бошларида ушбу ҳудудга кўчиб келган кўплаб тоғлик тожиклар бирор бир иш топиш мақсадида водий бўйлаб тарқалганлар. Водий ҳудудига келиб қолган тожикларнинг бир қисми аввалги яшаган тоғли қишлоқларида нисбатан тинчлик

⁷⁵ Ҳушёр қишлоғи Сўх туманида жойлашган.

ўрнатилгандан сўнг, яна ўз туғилган жойларига қайтиб кетдилар. Бошқа бир қисми эса, юқорида номлари келтирилиб ўтилган қишлоқлар ўрнида ўз хўжалиklarини барпо этиб, водийда турғун бўлиб қолдилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ушбу даврда Фарғона водийси тожикларининг сони Бухоро, Самарқанд, Ўратепа, Тошкент воҳаси ва бошқа шаҳарлардан ушбу ҳудудга кўчиб келган бир гуруҳ тожиклар ҳисобига ҳам янада ортди. Масалан, Тошкент воҳасида яшовчи тожикларнинг катта бир гуруҳи XIX аср охирларида Фарғона водийсига, аниқроғи унинг шимолий қисмига келиб жойлашдилар»⁷⁶.

Тожикқишлоқ дастлаб Тожикқишлоқ, Хўжалар, Юқориқишлоқ сингари уч маҳалладан иборат бўлган. Хўжалар маҳалласининг пайдо бўлишини Бадалхўжа эшон номи билан боғлайдилар. Бадалхўжанинг эвараси Мўйдинхўжанинг таъкидлашича, уларнинг насаблари ҳазрат Али ибн Абу Толиб номи билан боғлиқ бўлган⁷⁷. Аҳоли орасида Бадалхўжа авлодларини шажараси бор хонақоли хўжалардан эканлиги тўғрисида хотиралар сақланиб қолган.

Тожикқишлоқ ҳудудида археологик ёдгорлик мавжуд бўлиб, мазкур кўҳна ёдгорликни аҳоли Дадажон бойвучанинг тепаси деб атаб келганлар⁷⁸. 1942 йилда биринчи марта бу ерга Сотволди ота исми салкам бир аср умр кечирган қарияни дафн этганлар. Бундан олдин аҳоли бир хўкизни сўйиб, қон чиқарганлар. Сўнгра Сотволди отани дафн этганлар⁷⁹.

Ҳозирда қабристон бўлган ушбу ёдгорлик майдони тахминан 0,5 гектардан иборат бўлиб, ер устида қадимий сопол парчаларини учратиш мумкин. Афсуски, ушбу сопол парчалари ёдгорликни пайдо бўлган даврини ўрганиш борасида аниқ маълумотлар

⁷⁶ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар...20-22 -б.

⁷⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг Тожикқишлоқ маҳалласида яшовчи Мўйдинхўжа Нуриддиновдан (1940 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁷⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг Тожикқишлоқ маҳалласида яшовчи Эргашали Зудуловдан (1928 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁷⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг Тожикқишлоқ маҳалласида яшовчи Раҳматжон Мамажоновдан (1950 йилда туғилган) ёзиб олинди.

бермайди. Шу сабабдан биз бу борада фақат келгусида олиб борилажак тадқиқотлар орқали маълумотлар олиш умидидамиз.

Терактаги

Маълумотларга кўра аввалги пайтларда мазкур маҳалла Терактаги, Охир чўп, Ойим кўрғон, Хўжалар сингари кичик маҳаллалардан иборат бўлган⁸⁰.

Айтишларича маҳалланинг Терактаги деб аталишига ҳозирда сақланиб қолмаган Теракмозор зиёратгоҳи сабаб бўлган. Охир чўп маҳалласи аҳоли ўтмишда ёғоч михчалар тайёрлаш билан машғул бўлганликлардан маҳалла номи ҳам Охир чўп деб аталган экан.

Ойим кўрғон маҳалласи хусусида аҳоли уни Ойимча биби исми аёлнинг номи билан боғлайдилар. Марғилонлик Ойимча биби исми аёл ўз ерини қабристонга вақф қилиб берганлиги боис унинг ерлари вақтлар ўтиши билан Ойим кўрғон номини олган экан.

Фақир бува зиёратгоҳи

Терактаги маҳалласида Фақир бува номли зиёратгоҳ мавжуд. Фақир бувани асл исми бизга номаълум. Айтишларича, ул зот кўнгли синиқ, хокисор, доим фақрликда яшаганлиги учун Фақир бува номини олган экан. Фақир бувага берилган бундай сифатлар бизга Паҳлавон Маҳмуд мақбарасидаги қуйидаги битикни ёдимизга солди: *«Пайгамбар саллаллоҳи алайҳи вассалам айтдилар: «Мен кўнгиллари синиқ ва қабрлари эскириб номаълум бўлган кишилар билан биргаман»⁸¹.*

Кексаларнинг сўзларига қараганда авваллари кимнинг ҳайвони айниқса, оти касаллика чалинса, Фақир бува мозори атрофида бир ёки уч марта айлантурса касал ҳайвон тузалиб кетар экан.

⁸⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садда қишлоқ фуқаролар йиғинининг Терактаги маҳалласида яшовчи Тожддин Холиқовдан (1936 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁸¹ Юсупов Э., Исмоилов Ф. Инсон баркамоллиги. Т.: Ўзбекистон, 1990. – Б.42.

Айтиб ўтиш керакки, муқаддас зиёратгоҳларга касал ҳайвонни олиб келиш билан боғлиқ қарашлар ёзма манбаларда ҳам ўз ифодасини топган. Бу ҳақда Абу Тоҳирхожа ўзининг «Самария» асарида жумладан шундай ёзади:

«Ҳазрат хожа Муҳаммад Қотонгу мозори. У Қабз мозори деб машҳур бўлган. Бу мазор шаҳар ичида, Шердор мадрасасининг ташқари саҳнидадир. Дерларким, у ҳазрат султон хожа Аҳмад Яссавий наслидан ва турк шайхларидан эди. Баъзилар ушбу мазор эгаси хожа Муҳаммад Даштинаботийдир, дейдилар. Даштинабот Хисори Шодмон вилоятида бир ўриндир. У кишининг кароматларидан бири ҳайвон, инсоннинг сийдиги тўхталиб қолса, ўша мазорнинг теварагидан айлантирилса, дарров соғайиб кетгусидир. Бу кўзда кечирилгандир. У кишининг мазорлари сербарокотдир»⁸².

Тадқиқотлармиз мобайнида отларни даволовчи зиёратгоҳлар қадимги шаҳарлар ҳудудларида ҳам мавжуд бўлганлиги аниқланди. Масалан, Марғилон шаҳридаги Шоҳ Мансур зиёратгоҳини олайлик. Маълумотларга кўра, Шоҳ Мансур мозори отларни даволовчи мазор ҳисобланган⁸³. Албатта бизнинг Отмозор тўғрисидаги фикрларимиз ўқувчиларда айрим саволларни туғилишига сабаб бўлиши шубҳасиз. Чунончи, нима учун айнан отларни мазорга олиб бориб даволаганлар? Ушбу савол дастлаб бизда ҳам пайдо бўлган эди. Шу сабабдан отлар хусусида кўп йиллардан изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи Салимжон Йўлдошевга мазкур савол юзасидан мурожаат қилган эдик. Унинг таъкидлашича, дунё халқларида қадимги даврлардан отларни руҳларни кўришга қодир ҳайвон сифатида қарашлар мавжуд бўлган. Шу сабабдан отлар сийдик тутиш касалига чалинса, эски қабристон ва мазор атрофида айлантирилган. Гўёки, руҳни кўрган от қаттиқ чўчиб кетади ва шу тарзда касалликдан халос бўлади⁸⁴.

Дулдул мазор зиёратгоҳи

⁸² Абу Тоҳирхожа. Самария. –Т.: «Камалак», 1991. 42-б.

⁸³ Абдулаҳатов Н, Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари... 97-б.

⁸⁴ Дала тадқиқотлари. 2007 йил. Фарғона вилояти, Фарғона шаҳрида яшовчи Салимжон Йўлдошевдан (1964 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Аввалги пайтларда Ойимқўрғон маҳалласида Дулдул мазор деб аталувчи зиёратгоҳ мавжуд бўлган. Бу ерга кўпроқ тери касали билан оғриган беморлар зиёратга келиб шифо топганлар. Ҳозирда мазкур зиёратгоҳнинг ўрни хонадон ичида жойлашган бўлиб, яқин-атрофдан зиёратга келиб турадилар.

Айтиш жоизки, Тошлоқ туманида Дулдул номи билан боғлиқ яна бир зиёратгоҳ мавжуд бўлиб, бунга Арабмазор қишлоғининг Саййид Бурҳон эшон ота мазорида жойлашган «Пойи Дулдул» деб аталувчи тошни кўрсатиш мумкин. Нақл қилишларича, мазкур тошга Дулдулнинг туёғи теккан эмиш.

Маълумки, Ўрта Осиёда ҳазрат Алининг Дулдул оти билан боғлиқ қадамжой ва зиёратгоҳлар ҳам кўплаб учрайди. Чунончи, ривоятларда Ҳазрат Алининг ғайритабий жасоратлари Дулдул ёрдамида амалга оширилади. Ислом анъанасида Дулдул узок масофани бир зумда босиб ўта оладиган чопқир от сифатида тасвирланади. Биз Дулдул тўғрисида «Шоҳимардон» номли китобимизда сўз юритган эдик⁸⁵. Қуйида мазкур китобдан айрим маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз.

Дулдул аслида Миср ҳокими Муқавқас (Муқовқис) томонидан Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)га минишлари учун ҳадя этилган хачир бўлган. «Тарихи Муҳаммадий»да келтирилишича, бундан илгари араблар хачирни кўрмаган эдилар. Бунга «Дулдул» деб от қўйганлар⁸⁶. «Қобуснома» асарининг муаллифи Кайковуснинг (XI аср) сўзларига кўра, Дулдул аҳвал, яъни ғилай бўлган. Шу сабабдан араблар ва форслар от гарчанд ғилай бўлса-да, унга муборак от сифатида қараганлар⁸⁷. Маълумотларга кўра, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) вафотидан сўнг Дулдул ҳазрати Алига мерос бўлиб қолган. «Сийраи шариф туркий»да бу ҳақда жумладан шундай дейилади: «Дулдулни ўзлари минмоқ учун асрар эрдилар. Ҳазрат (с.а.в.) вафот бўлгонидин кейин Алийи муртазо(р.а.) минар эрдилар ва Муовияни замонида Дулдул ҳам ҳалок бўлди»⁸⁸.

Халқ асотирларида Дулдул тўғрисида қуйидагича таърифлар берилади:

⁸⁵ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Ғозиев Т. Шоҳимардон. – Т.: «Янги аср авлоди», 2010.

⁸⁶Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий...– Б. 380.

⁸⁷ Қобуснома. – Т.: «Ўқитувчи», 1968. 69-б.

⁸⁸ Сийраи шариф туркий...- Б. 239.

«Дулдул от дунёда якка ёлгиз от бўлиб, чопганда шамол-тўполонни қувиб етар экан. Дулдул отнинг икки қўлтигида иккита қаноти бўлиб, керак бўлса осмону фалакка ҳам чиқа олар, булутдан булутга сакраб ўта олар экан. Душманни кўрса омон қўймас экан. Қочса қувиб, олдидан келса тишлаб, орқасидан келса шатталаб, ўнг ёнидан келса ўнг кифти билан, чап томонидан келса чап кифти билан уриб, суриб маҳв этмай қўймас экан. Одамнинг гап-сўзини англаб экану, аммо ўзи гапира олмас экан. Шу от ҳазрати Алининг отлари бўлиб, у киши отига Семург уясининг хасини, шер сути ва йўлбарс сулини бериб боққан эканлар. Шунинг учун Семургдай учқур, шердай бақувват, йўлбарсдай эпчил, ўқ олмас, қилич чопмас экан. Дулдул тўғи ерга текканда, бир-икки қарич ерга ботар экан. Тоғ-тошдаги от излари ҳам ҳазрат Алининг Дулдулининг излари экан»⁸⁹.

XIII аср охири XIV аср бошларида яшаб ўтган Носириддин Бурхониддин Рабғузийнинг «Қисас-ул-анбиё» асарида баён этилишича, Беҳиштга беш ҳайвонот кирар. Булардан бири Юсуф алайҳиссалом қиссасида тилга кирган Бўри, Асҳоби Каҳфнинг Итлари, Солиҳ пайғамбарнинг Тева(туя)лари, Исо пайғамбарнинг Эшаклари, бири Ҳазрат Али розияллоху анҳунинг Дулдуллари⁹⁰.

Дулдулга берилган бундай сифатлар кейинчалик кишилар томонидан отлар ичидаги энг чопқирларига нисбатан ҳам берилиб, «Дулдул от» дея таърифлаб келинган. Айниқса, мотам маросим қўшиқларида ҳам марҳум чавандознинг севимли отини Дулдул сифатида тасвирлаш шулар жумласидандир⁹¹.

Ёзма манбаларда бу ном билан аталувчи отлар ҳақида маълумотлар учрайди. Бундай қарашлар ҳатто XV асрда ёзилган «Дада Қўрқут китоби» асарида ҳам ўз ифодасини топган: «Қозонбек уч юз йигит билан ўғли Ўрузни ўрдаға қолдуруб, қўнғир арғумоққа минди. Оқ қашқа айғирға Дундор минди. Кўк Дулдулни туттируб, Қозонбекнинг иниси Қорагуна минди. Оқ Дулдулни туқутуб... Шамсиддин минди»⁹². Шунингдек, Шарқий Туркистоннинг Турфон вилоятидаги «От боғлаш хўжам» номи билан аталувчи зиёратгоҳни олайлик. Мазкур зиёратгоҳни маҳаллий аҳоли Алпаттахон хўжам

⁸⁹ Ўзбек халқ асотирлари / Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи Малик Муродов. 3 жилд. –Т.: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», 1993. 87-б.

⁹⁰ Ўша асар. 54-б

⁹¹ Руденко М.Б. Курдская обрядовая поэзия. – М.: «Наука», 1982. С.116.

⁹² Дада Қўрқут ҳикоялари / Таржимон: Тўхти Ҳожи Тилло. Урумчи.: «Шинжонг халқ нашриёти», 2007. 20-б.

исмли авлиёнинг Дулдул оти билан боғлайдилар. Бу ҳақда Уйғур олимлари Ниёз Каримий ва Зубайда Сатторлар қуйидаги маълумотларни келтирадилар:

«От боғлаш Хўжам» минорадек қад кўтарган чўққи бўлиб, Турфон шаҳрининг шарқидаги Сангўм қишлоғининг юқори томонида жойлашган. Унинг устида қадим замонда ўрнатилган бир муқаддас ёғоч бор эди. Бу муқаддас ёғочга кийик, буғу сингари ҳар хил ҳайвонларнинг терилари чирмалган ва оқ мато латталар боғланган эди. Ерлик халқлар бу жойни «От боғлаш Хўжам» деб атаб, яқин йилларгача зиёрат қилиб келган... Наврўз вақтларида мактаб ёшидаги болалар тўпланишиб зиёрат қилганлар. Бу чўққидаги қадимги муқаддас ёғоч «Маданий инқилоб» даврида синдириб ташланган.

От боғлаш Хўжам тўғрисида ерлик халқ ичида мундоқ икки хил ривоят сақланган. Бир ривоятда Алпаттахон хўжамнинг Дулдул боғлаган ёғочи дейилади. Иккинчи ривоятда Идиқут подшоҳнинг от боғлаган жойи дейилади»⁹³.

Айтиб ўтиш жоизки, қадимги замонлардан бери қаерда от туёғига ўхшаш ўнқир-чўнқир жойлар бўлса, маҳаллий аҳоли бу излар Дулдулнинг изи деб тушунганлар ва бу қарашлар кейинчалик халқ дostonларда ўз ифодасини топган: «Тошда бораётиб Қорача айтди: - Мана топди, шу ёққа кетибди, отнинг изи тошга ботибди. Шунда бирга бораётган одамлар айтди: Э билмадинг, илгари ҳазрат Али деган киши ўтган. Ҳазрат Алининг изи тошга ботибди»⁹⁴.

Дулдул паҳлавон Рустамнинг севимли оти Рахши сингари турли саргузаштларни бошидан кечиради. Керак бўлганда ўз эгасини турли фалокатлардан омон сақлаб қолади. Халқ китобларида Дулдулнинг ҳайбатидан ҳатто фил ҳам чўчиши ҳақида сўз юритилади: «Ҳазрат Али каррамаллоҳу важҳаҳу дулдулни филға рўбарў қилиб айдилар: «Эй мўжизайи расулуллоҳ, агар филдан юз ўтурсанг, ҳаргиз санга саворе бўлмасман» – деб, рўбарў қилдилар. Фил Дулдулдан кўрқуб, орқасига қайтди»⁹⁵.

⁹³ Каримий З., Саттор З. Диёримиздаги бир қисм ер номлари ҳақида. Бейжинг.: «Миллатлар нашриёти», 2006. 143-б.

⁹⁴ Интизор Нурали. Халқ дostonлари. – Т.: «Тошкент бадиий нашриёти», 1964. 230-б.

⁹⁵ Ҳазрат Али ҳақида қиссалар. .. 45-б.

Таъкидлаб ўтиш керакки, Дулдул ўзининг учиш фазилатлари, яшиндек чопа олиши ва инсонлардек фикрлай олиши билан ал-Буроқ, Бойчибор, Ғиротларга ўхшайди. Ривоятларда Дулдул ҳазрат Алининг домий ҳамроҳи, яъни уни ҳар доим муродига етказувчи мўъжизавий от сифатида таърифлаб келинган.

Қўшни Тожикистон Республикасининг Ҳисор ва Шаҳритус туманларида ҳам Дулдул билан боғлиқ зиёратгоҳлар мавжуд бўлиб, ундаги «Чилучорчашма» деб аталувчи булоқнинг пайдо бўлиши тўғрисида бир неча ривоятлар мавжуд. Ушбу ривоятларда келтирилишича, булоқнинг пайдо бўлиши ҳазрат Алининг мўъжизавий оти Дулдул билан боғлиқдир⁹⁶.

Сейди Али Раиснинг ёзишича, Куфада Дулдулнинг зиёратгоҳи бўлиб, зиёратчилар Қанбар ва Дулдул мақомларини зиёрат қилганлар⁹⁷. Тожикистоннинг Ҳисор туманидаги Жонбулоқ қишлоғида ҳам, «Пойи Дулдул» деб аталувчи мазор мавжуд бўлиб, қишлоқ аҳолисининг зиёратгоҳи ҳисобланган⁹⁸.

Фарғона водийсида Дулдул билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳар бир вилоятда мавжуд десак, хато қилмаймиз. Мазкур зиёратгоҳлар ҳақида дастлабки маълумотлар рус олимларининг асарларида ҳам учрайди. Жумладан, Н. С. Ликошин 1910 йили Ўратепа шаҳридаги Дулдул билан боғлиқ зиёратгоҳ ҳақида қуйидагиларни келтиради:

«Дулдул тўртинчи халифа Алининг дин йўлида олиб урушларда миниб юрган машҳур отидир. Ривоятларда мўъжизавий сеҳр-қудратга эга бўлган Дулдул учун алоҳида ўрин берилган. У шу қадар қудратлидирки, туёғини ерга урганда, чуқур чўнқир из қолдиради. Хўжад уездининг Ўратепа шаҳрида шундай чўнқир чуқур жой бўлиб, зилол сув билан тўлиб туради. Маҳаллий аёллар бу ерга фарзанд сўраб келадилар. Булоққа майда тангалар узук ва бошқа нарсалар ташлайдилар. Ривоятларга кўра, бу Али отининг туёғлари изидир»⁹⁹.

⁹⁶ Ҳамза Камол. Мозорҳои шимоли Тоҷикистон. – Д.: «Нашриёти Деваштич», 2004. 105-б.

⁹⁷ Сейди Али Раис... –Б.49.

⁹⁸ Замятнин С. Н. Разведки пещер в Таджикистане осенью 1943 года // Труды том XXIX. История, археология, этнография, язык и литература. С.: Издательства таджикского филиала АН, 1951. С. 50.

⁹⁹ Ликошин. Н.С... – Б.163

Тошкент вилоятининг тоғлиқ ҳудудларида ҳам Дулдул билан боғлиқ жой номлари мавжуд бўлган. Рус тадқиқотчиси С. Лидский ўзининг «Тошкентнинг тоғлиқ ҳудудлари» номли мақоласида бу ҳақда қуйидаги ривоятни келтиради:

«Ҳазрат Али Хўжакентда эканлигида севимли оти Дулдулга охур учун қояларнинг бирини кесиб олган ва ҳозирга қадар ўша қоя ва охур сақланиб қолган. Ушбу қоянинг этагида ҳазрат Али отини бойлаган катта арча дарахти ўсади. Шу ернинг ўзида қояда 2-3 фут (фут-30,48 см га тенг узунлик ўлчови – муаллифлар) баландликда туёқ излари кўриниб туради. Аммо бу туёқлар оддий отларнинг туёқ изларига нисбатан жуда каттадир. Уларнинг диаметри $\frac{3}{4}$ фут ҳажмдан иборат бўлиб кўпроқ товоқ шаклини эслатади. Шу сабабдан ҳам маҳаллий аҳоли уни ҳазрат Али отининг туёқ излари эканлигига қатъий ишонадилар»¹⁰⁰.

Фарғона водийсида, жумладан Ўш (Қирғизистон) вилоятининг Аравон қишлоғида «Дулдул ота» мозори бўлиб, бу ерда ҳазрат Али чиллахонаси ҳам мавжуддир. Ривоятларга кўра, ҳазрат Али тулпорини шу ерга боғлаб ўзи Дев Сафид билан урушгани Аравонга яқин жойдаги Чилустун ғорига жўнаган экан¹⁰¹. Баъзи бир ривоятларга кўра, ҳазрат Али улкан харсанг тош ичига кириб ғойиб бўлган¹⁰².

Дулдул ота зиёратгоҳи билан боғлиқ яна бир ривоятга кўра, ҳазрат Али душманлар билан уруш қилаётиб, улар орасида ўз ўғли Муҳаммад ал-Ҳанафийа борлигини кўрибди. Ҳазрат Алини ўз отаси эканлигини билиб қолган Муҳаммад ал-Ҳанафийа ундан тиз чўкиб, кечирим сўрабди. Маҳаллий аҳоли бунинг далили сифатида ғор олдидаги ўйдим тошларни Ҳанафийа тиззасининг изи деб кўрсатганлар¹⁰³. 1939 йили зиёратгоҳни кўздан кечирган академик

¹⁰⁰ Лидский С. Горные окрестности Ташкента...С. 184.

¹⁰¹ Бернштам А. Н. Историко-археологические очерки центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. Материалы и исследования по археологии. – М.- Л.: «Наука», 1952. С. 226.

¹⁰² Симонов А. В предгорьях Алая // Туркестанские ведомость. №4. 1886.. Фарғона вилоят ўлкашунослик музейининг қўлёзма ва ҳужжатлари фонди. КП. № 5858. 4-б.

¹⁰³ Ғафуров Т. Мўъжиза, каромат ва илмий далиллар. Фрунзе.: «Қирғизистон нашриёти», 1969. 37-б.

М.Е.Массон Дулдул ота зиёратгоҳини отларни даволовчи мазор бўлганлигини ҳам таъкидлаб ўтади¹⁰⁴.

Дулдул билан боғлиқ зиёратгоҳлар хусусида XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида Ўрта Осиёда нашрдан чиққан тарихий мавзудаги илмий адабиётларда маълумотлар учрайди. Масалан Н. Пантусовнинг 1899 йилда чоп этилган «Авлиё тош» номли мақоласини олайлик. Мазкур мақолада келтирилган маълумотларга кўра, қозоқларнинг Лепсинска уезд шаҳридан 33 чақирим узоқликда жойлашган Саркан темир йўл бекатига яқин ерда Авлиё тош деб аталувчи муқаддас тош бўлиб, бу ерда ҳазрат Алининг Дулдул отининг туёқ излари қолган катта тош ҳам мавжуд бўлган¹⁰⁵.

Шунингдек, Қирғизистон Республикаси, Баткент вилояти, Баткент тумани Сўғмент ва Таян қишлоқларида ҳазрат Али ва унинг Дулдул оти билан боғлиқ муқаддас тошлар мавжуд. Сўғмент қишлоғида катталиги 2,5х3 м. дан иборат «Кавуш» деб аталувчи харсанг тош бўлиб, ундаги излар оёқ, қўл ва пешонани эслатади. Маҳаллий аҳоли ушбу тошда ҳазрат Али Сўхга кета туриб намоз ўқигач, унинг излари шу ерда қолганликларини айтадилар. Фарғона вилоятининг Сўх туманида ҳам Дулдул ота мазори мавжуд. Қўқон шаҳри яқинидаги Кишноғич тўра мазорини ҳам Дулдул билан боғлашади¹⁰⁶.

Кишилар тасаввурига кўра, Дулдул чопган вақтида туёқларидан чақмоқдек ўт чиқар эмиш. Бу хил қарашлар кейинчалик маҳаллий халқ орасида момақалдиरोқ билан боғлиқ қарашларни юзага келтирган кўринади.

Маълумки, туркий халқларда от кишининг энг яқин дўсти деб тушунилган. XV асрда ёзилган «Қўрқут» китобининг қаҳрамони Бамсий Берек ўз отига шундай мурожаат қилади: «Сени от деб атамасман. Сени оғам деб атайман... сени дўстим деб атайман»¹⁰⁷. Қаҳрамонлик эпосларида жанговар от инсон нутқини тушунади,

¹⁰⁴ Массон М.Е. Из воспоминаний Среднеазиатского археолога... С.157.

¹⁰⁵ Пантусов Н. Аулия тась (Священный камень) // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. – Т., 1899. С.68.

¹⁰⁶ Хўжаев. М. Ер ости тилсимотлари. – Т., 2002. 37-б.

¹⁰⁷ Липец Р. С. Отражение погребального обряда в тюрко-монгольском эпосе // Обряды и обрядовый фольклор. – М. «Наука», 1982. С.217

баходирни хавфдан огоҳлатиради, унга маслаҳат беради, ярадор бўлганда уруш майдонидан олиб чиқади. Бундай от қаҳрамонни сувсиз чўллардан, ўтиб бўлмас тоғ ва ўрмонлардан олиб ўтишга ҳамда қисқа муддатда исталган мақсадга етказишга қодир¹⁰⁸.

Халқ оғзаки ижодида «От - йигитнинг қаноти», деган нақл бежиз тўқилмаган. Айниқса, эртақларда отлар қаҳрамоннинг ёрдамчиси сифатида келади¹⁰⁹. Қозоқ халқининг «Қобланди ботир» эпосида «Ботир ва унинг отини жони бир бўлар», деган нақл келтирилган¹¹⁰. Бу мисоллар отнинг инсон ҳаётида тутган ўрни нақадар муҳим эканлигини кўрсатади.

«Гўрўғлининг туғилиши» достонида Ғирот Дулдулнинг боласи эканлиги айтилади: «Гўрўғлибек ҳалиги етим бўлиб, қолган қулун тойчани нима деса бериб, парвариш қилиб юра берди. Гўрўғлининг байталига кўлда чопган от дулдул эди. Шу дулдулдан бу той бўлган эди»¹¹¹. Ғирот қанотли от. Бойчиборга ўхшаш унинг қўлтиғидан тўрт ярим аршин қаноти бор. Унинг қаноти жанг вақтидагина ёзилади ёки хўжайини қамчи урганда очилади. «Равшан» достонида шундай: Ҳасан Ғиркўкка қамчи урди, Ғиркўк оғзини очиб, қўлтиғидаги қанотини ёзди. Жонивор қушдай учди.

Халқимизда «Ҳазрат Али ҳар ерда ҳозир» деган ибора ҳам Дулдулни бир зумда олис масофани босиб ўта олиши билан боғлиқ бўлса керак. Чунки ривоятларда ҳар вақт ҳазрат Али бир зумда Дулдул билан ёрдамга етиб келади.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, ҳазрат Али номи билан боғлиқ жангномаларда Дулдулга берилган таърифлар кейинчалик Дулдулнинг янада машҳур бўлишига олиб келди. Дулдулга берилган сифатлар одамлар орасида у билан боғлиқ зиёратгоҳларни пайдо қилишларига замин яратди. Натижада аҳоли томонидан от туёқларини эслатувчи тош бўлаклари ҳам Дулдул пойи сифатида эъзозлаб келинган. Дулдул бошқа афсонавий тулпорлардан фарқли равишда фақат китобларда ёки халқ оғзаки ижодида сақланиб қолмай, балки аҳолининг диний

¹⁰⁸ Мирзаев Т. Алпомиш достонининг Ўзбек вариантлари. –Т.: «Фан», 1968. 103-б.

¹⁰⁹ Афзалов М. И. Ўзбек эртақлари ҳақида. – Т.: «Фан», 1964. 26-б .

¹¹⁰ Орлов А. С. Казахский героический эпос. – М.,-Л. 1945 С. 85.

¹¹¹ Гўрўғлининг туғилиши. –Т.: «Ғафур Ғулум номидаги бадиий адабиёт нашриёти», 1967. 94-б.

қарашларида ҳам жой олган. Шу сабабдан Дулдул билан боғлиқ зиёратгоҳлар мусулмон дунёсининг турли ҳудудларида учрайди.

Қўқонлик

Айтишларича, Қўқонлик маҳалласининг пайдо бўлиш санаси бундан икки-уч аср аввалги даврларга бориб тақалар экан. Ўша кезларда бу ерга дастлаб қашқарлик Абдурахмонхўжа исмли киши хонадони билан келиб ўрнашган экан. Бора-бора ён-атрофдан аҳоли кўчиб келиб маҳалла ҳудуди кенгая борган.

Маҳалланинг Қўқонлик деб аталиши хусусида Собиржон Норматов «Тарих саҳифасидан» номли рисоласида ҳам айрим маълумотлар келтириб ўтилган:

«Қўқонлик» деб номланган мўъжаз қишлоқ Марғилоннинг кунчиқар томонида, эски Шаҳрихон йўлида жойлашган. Аҳолиси кам бўлсада, жудаям обод, тароватли файзли қишлоқ. Бу жойнинг масжиди, саройи, меҳмонхонаси, гузар ёнидаги ҳовузи, каттакон сада-қайрағоч қишлоқ кўркига ўзгача кўрк қўшиб ажиб муҳит яратиб туради...

Қишлоқнинг «Қўқонлик» деб номланиши сабабини, маҳалла оқсоқоли раҳматли мулла Абдураим бобо қуйидагича зикр қилган:

– Қўқон шаҳри яқинидан Бачқир қишлоғидан икки нафар йигит шу ерга келиб чоракор бўлиб ишлаган, икки юз эллик йил аввал, ҳа! Дастлаб туб аҳоли ана шу деҳқон йигитларга нисбат бериб, қишлоқни «Қўқонлик» деб атай бошлаганлар»¹¹².

Юқорида келтирилган маълумотлардан маълум бўлмоқдаки, кўчиб келганларнинг аксарияти Қўқон томонлардан бўлганлиги учун ҳам маҳалла «Қўқонлик» номини олган. Бинобарин, топономист олим Н.Охунов таъкидлаганидек: «Республикамизда аҳолининг қайси ердан эканлигига, аввалги яшаган ўрин-жойига нисбат этиш асосида вужудга келган топонимлар анчагина учрайди. Қўқонлик (Андижон вилоятининг Андижон, Марҳамат, Пахтаобод, Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманлари)... шундай номлар жумласидандир»¹¹³.

Қилич Бурҳон зиёратгоҳи

¹¹² Норматов С. Тарих саҳифасидан. – Ф.: «Фарғона», 2007. 4-б.

¹¹³ Охунов Н. Жой номлари таъбири...57-б.

Қилич Бурҳон зиёратгоҳи Қўқонлик маҳалласининг шу ном билан аталувчи қабристонда жойлашган¹¹⁴. Афсуски, Қилич Бурҳон ким бўлган? деган саволимизга бу ердан аниқ жавоб ололмадик.

Тарихдан маълумки, Офоқхожанинг (Оффоқхожа, Офоқхожам, Оппоқхожа деб ҳам юртилади) XVIII асрда яшаб авлодларидан бирининг номи Қилич Бурҳониддинхожа бўлган. Аммо бу зот Қашқардаги Офоқхожам мазорига дафн этилган. Бинбарин, 2006 йилда Қашқарга қилинган илмий экспедициямиз чоғида Қилич Бурҳониддиннинг ҳам қабрини суратга олишга муяссар бўлган эдик. Бундан чиқди Қўқонлик маҳалласи қабристондаги зиёратгоҳ аслида XIII асрда яшаб ўтган ўзгандлик машхур авлиё Бурҳониддин Қилич номи билан боғлиқ бўлса керак. Чунки изланишлар давомида Бурҳониддин Қиличнинг Ўзгандаги мазоридан ташқари унинг номи билан боғлиқ Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ўндан ортиқ зиёратгоҳ мавжудлиги аниқлаган. Қилич Бурҳон зиёратгоҳи ҳам шундан зиёратгоҳлар жумласидан бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки, Фарғона водийсидаги кўплаб саййидлар хонадони насабномалари айнан Бурҳониддин Қилич номи билан боғлиги кўрсатиб ўтилган.

Маълумотларга қараганда XIII асрда Ўзганда яшаб ўтган Бурҳониддин Қилич ўз даврининг машхур кишиларидан бири бўлиб, уни тариқатда тенгги йўқ, суфийликда бенуқсон, комил авлиё Султон Иброҳим Аҳмад билан бир ўринга қўйишган. Чунки, ҳар иккала зот ҳам подшоҳ бўла туриб, ўз ихтиёрлари билан тахтдан воз кечишган ва дин, тариқат йўлида ҳизмат қилишни ўз олдиларига бош мақсад қилиб олишган эди.

Манбаларда баён қилинишича, XIII асрнинг бошларида Мадина шаҳридан Фарғона водийсига келган ҳазрат Алининг авлоди Саййид Камолиддин Қорахонийлар ҳукмдори Султон Илик Мозийнинг ёлғиз қизига уйланади. Ривоятларга кўра, Султон Илик Мозий Абу Бакр Сиддиқ авлоди эканлиги нақл қилинади.

¹¹⁴ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Садада кишлоқ фуқаролар йиғинининг Қўқонлик маҳалласида яшовчи Тойиржон Абдуллаевдан (1934 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Бу ҳақда «Тазкираи Буграҳонда» қуйидаги ривоят нақд қилинган:

«Султон Сатуқ Буграҳоннинг тўрт ўгли ва уч қизи бор эди. Ҳасан Бугро, Ҳусайн Бугро, Асан Бугро, Усмон Бугро; қизлари Нураъло Нурхон, Туркон хоним, Ҳидоят Туркон хоним. Мазкур тазкирада қуйидагича маълумот келтирилган: “Нураъло Нурхонни Тўқ Бугроҳонга никоҳлаб берган. У кишидан Нураъло Нурхон уч фарзанд кўрган булар: Маҳмуд Али Арслон, Юсуф Али Арслон, Қизил Арслонхон (подшоҳ бўлган)...

Султон Сатуқ Буграҳоннинг қизи Турконхотун Султон Илик Мозийга никоҳ қилинган. Бу кишидан бир қиз туғилиб балогатга етганда бу қизни Камолиддин исмли бир кишига турмушга берган»¹¹⁵.

Маълумотларга кўра ушбу никоҳдан ўз замонасининг машҳур валий зотларидан бири бўлган ўзгандлик Султон Бурҳониддин Қилич дунёга келади¹¹⁶. Бизнингча, унинг исмига Султон номини қўшиб айтилиши ҳам Қорахонийлар авлоди эканлигига ишора бўлса керак¹¹⁷.

Манбаларда келтирилишича, Бурҳониддин Қилич муслимларга ниҳоятда раҳм-шафқатли, Худонинг неъматларидан баҳраманд бўлиб, шукронасини адо қилмайдиган жоҳилларга нисбатан эса қаҳрли бўлган экан. Жоҳиллардан бир нечтаси ул зот ҳақида ғийбат қилганларида, уларни ўз ҳузурларига таклиф этиб, шифтга соч толасига осилган жуда ўткир тиғли қилични кўрсатган экан. Икки томонли тиғи ўткирланган ва ойнадек мусаффо

¹¹⁵ Абдурахим Ҳошим Машҳадий. Атуш (1).Қашқар. «Қашқар уйғур нашриёти», 2005. 35-б.

¹¹⁶ Бу ҳақда қаранг: Караффа-Корбут К. Узгенская легенда // Протоколы и заседания и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. Год 2-й (11 декабря 1896-11 декабря 1897). Т., Протокол заседания 16 октября 1897 г; Орлов В. Клыч Бурханиддин, сын Саид-Камаледдина (Узгенский Георгий Победононец) // Туркестанские ведомости. 13(26).04.1908, №82; Махмуд ибн Вали. Море тайн. – Т.: «Фан», 1977; Абул Ҳакими Самарқандий. Қандия. Самарқанд.: «Суғдиён», 1994; Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. Самарқанд.: «Суғдиён», 1994; Илёсхон Ғозий. Маҳдуми Аъзам Имом ал-Косоний. – Т.: «Ўзбекистон», 1996; Абашин С. Н. Бурханиддин - Кылыч: Ученый, правитель, чудотворец? // Подвижники ислама. – М.: «Восточная литература», 2003; Джамал ал- Карши. Ал-Мулхакат би-с-сурах. История Казахстана в персидских источниках. I том. Алматы.: «Дайк-Пресс», 2005; SAWADA M. Genealogy of Makhdūm-i A'zam and Cultural Tradition of Mazārs // Studies on Mazar Cultures of the Silkroad. Hnjiang. 2008.

¹¹⁷ Абдулаҳатов Н., Ғозиев Т. Бурҳониддин Марғинович: тарихий ҳақиқат ва асотирлар. – Т.: «Янги аср авлоди», 2010. 273-б.

(ялтироқ) қилич шуъласига пашша ва қўнғизлар ўзларини урар эди ва қилич тифига тегиб, икки бўлиниб ерга тушар ва ҳалок бўлар эди. Шунда Султон Бурҳониддин ғийбатчиларга қараб: «Айтинглар қани, айб шамширдами ёки қўнғизу пашшадами? Сизлар ўзларингизнинг айбингиз билан ўзингизни қиличга уриб, ҳалок бўласизлар!», деган экан. Шу воқеа ҳам сабаб бўлиб, Султон Бурҳониддинга «Қилич» лақаби қўшилган экан¹¹⁸.

Бошқа ривоятга кўра, Султон Бурҳониддиннинг болаликдан чўпни от қилиб миниб, бир қўлида бошқа чўпни қилич сифатида ушлаб ўйнаб юриш одати бор экан. Қўнларнинг бирида бир киши бу бола устидан қозига шикоят қилиб келади: Қўлидаги чўпни билан уриб, сигиримни иккига бўлиб ташлади, дейди. Қози бу гапга ишонмайди-да, текшириб кўриш учун бошқа бир сигир келтиртириб, болага уришни буюради. Шунда бола сигирнинг белига чўп билан бир уриб, иккига бўлиб юборади. Шундан бошлаб Султон Бурҳониддин «Қилич» тахаллусини олади.

Маҳдуми Аъзам ўзининг «Оламия ёки тарихи вафоти шайхон» номли рисоласида, «Шайх Бурҳониддин Қиличда шундай одат эрдик, агар қуруқ чўпни боқса, у дарҳол қўқарур ва агар ёмон ниятли кишига каромат шамшири бирлан нигоҳ қилса, анинг ҳаёти минқато бўлур», деган эди¹¹⁹.

Бурҳониддин Қилич билан боғлиқ ривоятларда уни худди ҳазрат Али сингари аждарҳо билан жанг қилганлиги тўғрисида сўз юритилади¹²⁰.

Кузатишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, Қилич Бурҳон зиёратгоҳи жойлашган тепалик аслида археологик ёдгорлик бўлиб, номаълум сабабларга кўра, маданий мерос объектлари давлат рўйхатига киритилмай қолиб кетган.

Мазкур археологик ёдгорликнинг майдони тахминан 1 гектардан иборат бўлиб, ҳозирда қабристон вазифасини ўтайди. Биз шу маҳалланинг кексаларидан қабристон майдонидан сопол парчалари учраб турадимиз? деб берган саволимизга «Йўқ учрамайди» деган жавобни олдик. Бироқ шундай бўлсада, ўзимиз

¹¹⁸ Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед.– С.: «Суғдиён», 1994. 12-б.

¹¹⁹ Илёсхон Ғозий. Маҳдуми Аъзам Имом ал-Косоний. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. 34-б.

¹²⁰ Дракон и богатырь Узгендский // Киргизские народные сказки. Фрунзе.: «Кыргызстан», 1981. С. 335.

бу жавобнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириб кўриш учун қабристон жойлашган тепаликни бир қатор кўздан кечириб чиқдик. Натижада айрим қадимги сопол парчаларига дуч келдик. Демак, биз эшитган жавоб аслида нотўғри бўлиб, сопол парчалари бунга яққол мисол бўлади. Шундай экан мазкур Қилич Бурҳон тепалигини келгусида археологик тадқиқотларини олиб борилиши натижасида нафақат Тошлоқ балки Фарғона тарихи юзасидан ҳам қизиқарли маълумотларга эга бўлишимиз мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Тошлоқ тумани Фарғона вилоятининг бой маданий меросга эга бўлган қадимги ҳудудларидан биридир. Шу сабабдан бу қадимий ҳудудларда узоқ ва яқин ўтмишдан дарак берувчи маҳаллий аҳолининг муқаддас жойлари мавжуд. Мазкур зиёратгоҳлар нафақат ҳар бир қишлоқ ва маҳалла ҳудудларида ҳам мавжуд бўлган¹²¹. Тошлоқнинг Қўқонлик маҳалласидаги Қилич Бурҳон зиёратгоҳи жойлашган қадимги тепалик бунга ёрқин мисол бўла олади. Чунки ушбу тепалик бу ерда қадимдан аҳоли яшаб келганлигини ва унинг тарихи 2-3 аср эмас балки бир неча ўн аср эканлигидан далолат беради.

¹²¹ Кармышева Б.Х. Очерки этнической Истории южных районов Таджикистана и Узбекистана...С.127.

ҚЎРҒОНЧА

Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинининг маркази Қўрғонча қишлоғи ҳисобланади.

2009 йилдаги маълумотга кўра, Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинида 2,5 мингдан ортиқ хонадон мавжуд бўлиб, унда 13 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Қишлоқнинг ижтимоий-маданий ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда 2 та даволаш муассасалари, 4 та мактаб, 1 та болалар боғчаси, 4 сартарошхона, 1 та ошхона, 7 та савдо шаҳобчалари, та қассобхона, 4 та хусусий тегирмон, 4 та оталар чойхонаси фаолият кўрсатмоқда. Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинидан шу кунга қадар 3 нафар доктор ва фан номзоди даражасини олган олимлар етишиб чиққан.

Айтишларича, қишлоқда бир нечта қўрғон мавжуд бўлган. Шу сабабдан ҳам қишлоқ «Қўрғонча» деб аталган экан¹²². Бироқ изланишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, мазкур ном билан аталувчи қишлоқларда қўрғон бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолатда таажжубланишга ҳожат йўқ. Чунки «Қўрғонча» атамаси – кичик қўрғон, қалъача, кичик қишлоқ, катта қишлоқдан ажралиб чиққан янги қишлоқ маъноларини ҳам англатади¹²³.

Таъкид жоизки, юртимизда қўрғон сўзидан таркиб топган Сариқўрғон, Учқўрғон, Қўрғонтепа, Чимқўрғон, Бозорқўрғон, Тошқўрғон, Каттақўрғон сингари жой номлари кўп учрайди.

Қўрғонча маҳалласида XIX асрда барпо этилган масжид ва шу масжид ҳовлисида Йигит пирим – Эрхубби зиёратгоҳи жойлашган.

Ушбу масжид хонақо ва айвондан иборат. Эшли ёғоч шифт хошияси ва шифт юзаси нақшлар билан безатилган. Масжид айвоннинг тўрт устундан иборат бўлиши XIX асрда барпо этилган Фарғона масжидларига хос услуб саналади. Мазкур меъморий ёдгорлик Фарғона меъморчилигининг ёрқин намуналаридан бири

¹²² Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қўрғонча маҳалласида яшовчи Зоҳиджон Сайдалиевдан (1965 йилда туғилган) ёзиб олинди.

¹²³ Қораев С. Ўзбекистон вилоят топонимлари. – Т.: «Ozbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти, 2005. 41-б.

ҳисобланади. Чунки масжиднинг ёзлик қисмидаги безак намуналари алоҳида қиммат касб этади. Ушбу безакларда юлдуз нақши, турли ранглардаги барг, япроқ, новдалар сингари ислимий нақшлар тасвирини кўздан кечирар эканмиз, уларнинг нақадар уйғунлашиб гўзал кўринишга келганлигининг гувоҳи бўламиз. Мана шундай пайтларда беихтиёр Саидахбор Булатовнинг «Нақш тили» мақоласидаги қуйидаги сўзлари ёдимизга тушади:

«Қадим юртимизда наққошлик санъати шунчалик гуркираб ривожланганки, усталаримиз чизган ва бўяган нақшлар орқали бир-бирлари билан унсиз овозда гаплаша олганлар. Ҳар қандай нақш бўлмасин, ислимийми, гириҳми унинг ҳар бир унсури ва ранги ўзига хос рамзий маънога эга бўлган. Наққошлик санъати тилини билиш учун эса ҳар бир нақш аломати ва рангларининг рамзий алифбосини билиш зарур эди. Наққошларимиз ҳар бир тасвирни табиатдан олиб, шакл ва ранглар асосида ўз фикрларини жонлантира олганлар. Усталаримиз борлиқни, воқелиқни, гўзаллиқни яхшилик ва ёмонлиқни, айрилиқни, ҳаёт қувончлари ва ташвишларини нақш тили билан ёзиб қолдирганлар»¹²⁴.

Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғини Ҳамрак, Пиёзчилик, Кигизчилик, Кўмирчилик, Тегирмонбоши Найзақайрағоч, Қамчифуруш, Қўшариқ, Хотинариқ сингари маҳаллалардан иборат бўлиб, қуйида уларнинг айримлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтамиз.

Қўрғончанинг ўтган асрдаги тарихида Тошлоқ ва қўшни Қува туманларини бошқариб келган уруш фахрийси ва меҳнат қаҳрамони Ҳорунбой Эрматовнинг(1907–1991) номи алоҳида тилга олинади.

Ҳорунбой Эрматовнинг меҳнатсеварлиги, бировлар дилига озор бермаслиги, камтарлиги, кўплаб хайрли ишларга бош-қош бўлганлиги билан тошлоқликлар ёдида қолган¹²⁵. Бироқ мавзу доирасидан чиқиб кетмаслик учун фақат китобимизда Қўрғончада жойлашган Йигит пирим зиёратгоҳи ҳақида сўз юритмоқчимиз, холос.

Йигит пирим – Эрҳубби зиёратгоҳи

¹²⁴ Булатов С. Нақш тили. Фан ва турмуш. 1991. № 4. 13-б.

¹²⁵ Қодиров С. Довруғи сўнмас диёр...17-б.

Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қўрғонча маҳалласида Йигит пирим – Эрхубби зиёратгоҳи жойлашган. Маҳалла кексалари зиёратгоҳни бундан 2-3 аср муқаддам пайдо бўлганлигини ва аввалари одоб юзасидан отличлар ҳам зиёратгоҳ олдидадан отдан тушиб ўтганликларини айтадилар¹²⁶.

Мазкур Йигит пирим – Эрхубби зиёратгоҳи тўғрисида тошлоқлик меҳнат фахрийси, ўлкашунос Тожиали Раҳмонов билан учрашган кезларимиз «Йигит пирим ҳақида нималар биласиз?» номли бир неча йиллар аввал ёзган қўлёзмасини танишиб чиқишимизни маслаҳат берди. Чиндан ҳам Тожиали Раҳмонов бир неча йиллар мобайнида Қўрғонча маҳалласида жойлашган Йигит пирим – Эрхубби зиёратгоҳининг пайдо бўлиши тарихини ўрганиш чоғида қишлоқ кексаларидан ўз хотираларини ёзиб олган экан. Шу сабабда биз қуйида «Йигит пирим ҳақида нималар биласиз?» қўлёзмасидан айрим парчаларини Тожиали Раҳмоновнинг истакларига кўра ҳавола этишни маъқул кўрдик

«Биз бу битигда Тошлоқ тумани Қўрғонча қишлоғи фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қўрғонча маҳалласида абадий қўним топган Йигит пирим зиёратгоҳи ҳақида сўз очдик...

Йигит пирим – Султон Эрхубби валий мактаб ва мадрасаларда таълим олган ўз даврининг ўта билимдон ҳамда маърифатпарвар ёшларидан бўлганлар. Ул зот ўз тенгқурлари даврасида ўта ҳалоллиги, билимдонлиги, эл-юрт дардига доимо камарбасталиги билан ҳурмат – эҳтиромга сазовар бўлганлар. Отасидан кейин ул зот тирикчилик учун турли юмишларни қилишга мажбур бўлганлар. Ул зотнинг ҳалолу поклиги, ўз ишига сидқидилдан содиқлигини англаб етган ўша даврнинг энг бой чорвадори Йигит пиримни молбоқар қилиб ёллайди. Ул зот бойнинг юз бошдан ортиқ қорамолини қишин-ёзин воҳанинг яйловларида боқа бошлайди.

Чорва молларини ўз вақтида яхши бўлиқ ўтлоқзорларда ўтлатиб, суғориб, салқинлатиб борганликлари, уларни касалликларига қарши ўз вақтида муолижа қилиб борганликлари учун улар чорва тез орада семириб етила бошлайди. Бу ҳолат бойни

¹²⁶ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қўрғонча маҳалласида яшовчи Неъматжон Холиқовдан (1936 йилда туғилган) ёзиб олинди.

мамнун қилади. Иттифоқо кунларнинг бирида чорва ҳайвонлари орасида касаллик пайдо бўлиб, кўпгина ҳайвонлар касалланади. Бу касаллик туфайли ўн бешта қорамол нобуд бўлади. Бундан хабар топган чорва эгаси бойнинг ғазаби келиб, молларни хуини тўлашни боқувчидан, яъни Йигит пиримдан талаб қилади. Шунда Йигит пирим «Ҳар бир жонзот борки Оллоҳнинг иродаси билан бир кун ўлади» деб ҳарчанд тушунтирмасин хасис бойга бу гаплар ҳеч таъсир қилмайди. Жоҳил бой ўз сўзида туриб олади. Шунда Йигит пирим афсус-надоматлар билан бойга қараб ғамгин оҳангда «Бой ота! Бу қатиятингиз билан ўзингизга ва менга ҳам жабр қилдингиз», деб молларни таёқ билан уриб «Чуҳ жониворлар» деб турғизадилар-да, подага қўшиб юборганлар. Ўзлари эса ғойиб бўладилар. Бу ҳолни кўрган бой ҳайрону лол бўлиб қолаверган. Биз ушбу маълумотларни Қўрғонча маҳалласида истиқомат қилган Мулла Исҳоқжон Охунжон бобо ўғилларидан ёзиб олган эдик.

Мулла Исҳоқжон отанинг оталари Мулла Охунжон бобо унинг отаси Мамажон бой унинг отаси Урайимбой унинг отаси Обиджонбой, унинг отаси Аҳмаджонбой унинг отаси Маҳмуджонбой унинг отаси Аҳаджонбой бўлган.

Айтишларича, Аҳаджонбой бундан тахминан уч-тўрт асрдан олдин Бухорода яшаб ўтган бўлиб, ўз даврининг билимли ва тадбиркор бойларидан бўлган. Ул зот бир неча марта Марғилонга тижорат ва зиёрат ишлари билан келиб Марғилон шаҳри ва унинг меҳмондўст инсонлари билан кўнгилларида дўстлашган.

Аҳаджонбой Марғилон шаҳари четидаги Қўрғонча маҳалласининг ўрта қисмидаги ерларини текислаб тартибга келтиради ва масжид бино қуришга киришади. Шу вақт Аҳаджонбойнинг тушига Йигит пирим кириб «Биз шу ерда ҳозирмиз» дейди. Шундан кейин Аҳаджонбой Йигит пиримга атаб мақбараларини бунёд қилади. Бундан чиқди Йигит пирим мақбарасининг барпо этилганига уч асрдан ортиқ вақт бўлган.

Аҳаджонбой Йигит пиримнинг мақбараларини битказиб бўлгандан сўнг масжид қурилишини ниҳоясига етказган ва бу масжид ҳам Йигит пирим деб аталган»¹²⁷.

Айтиш жоизки, Фарғона водийсидаги мавжуд Эр Ҳубби

¹²⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

(Йигит пирим, Султон Хубби, Хубби Хожа, Хубби Хўжа, Эҳри Бува ҳам дейилади) билан боғлиқ зиёратгоҳлар афсона ва ривоятлар сюжетининг тарихий асослари сув култи ва ҳосилдорлик, қут-барака тилаш ғоясини ўзида мужассамлаштирган қадимий халқ қарашларининг мифологик тимсоли сифатида юзаган келган Хубби тўғрисидаги асотирларга бориб тақалади. Биз Эр Хубби, яъни Йигит пирим номи билан аталувчи зиёратгоҳлар хусусида «Йигит пирим – Эр Хубби зиёратгоҳи» деб аталувчи рисоламизда маълумотлар келтириб ўтган эдик¹²⁸. Шу сабабдан қуйида мазкур рисоладан айрим қисмларини ўқувчилар эътиборига ҳавола этмоқчимиз:

«Маълумки, Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Эр Хубби зиёратгоҳи жойлашган қишлоқ Чўнғара, яъни Катта ғор деган маънони англатиб, Сўх дарёси бўйида жойлашган. Шу сабабдан қадимдан бу қишлоқ аҳолиси турмуш-тарзида Эр Хубби билан боғлиқ қарашлар муҳим ўрин тутган. Тарихчи олим А.Абдулхамидов (1936-1994) келтирган маълумотларга кўра, аҳоли ҳар йили Йигит пирим – Эр Хуббига атаб маросимлар ўтказиб келганлар¹²⁹. Сўх дарёсининг баҳорги сувини ҳатто «Эр Хубби инъоми» деб атаганлар¹³⁰. Шу сабабдан Сўх дарёси сувини табаррук деб билган аҳоли ўзлари билан олиб кетганлар¹³¹. Эр Хубби, яъни Йигит пиримга бағишланган маросимда унга атаб олқишлар айтганлар.

Маълумки, олқишлар тарихан жуда қадим замонларда кишиларнинг сўз ва унинг сеҳр қудратига ишончлари туфайли вужудга келган бўлиб, у ўзининг бутун ва эволюцион тараққиёти давомида бу нарсани сақлаб қолган¹³².

Шу кунга қадар Йигит пирим – Эр Хубби мозорига келган зиёратчилар дастлаб маросимни олқишлардан бошлайдилар. Олқишдан олдин шу мозордаги азиз-авлиёга атаб Қуръоннинг қисқа сураларидан ўқилади, сўнгра олқиш айтилади. Масалан,

¹²⁸ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Н. Йигит пирим – Эр Хубби зиёратгоҳи. – Ф.: «Фарғона», 2010.

¹²⁹ Абдулхамидов А. Из истории орошения Кокандского оазиса. –Т.: «Фан», 1974. С.28.

¹³⁰ Абдулхамидов А. Орошение в предгорьях Узбекистана. –Т.: «Фан», 1990. С.50.

¹³¹ Рассудова Р.Я. Культурные объекты Ферганы как источник по истории орошаемого земледелия // СЭ. 1985, № 4. С. 97.

¹³² Саримсоқов Б. Олқишлар ва қарғишлар // Ўзбек фольклори очерклари. I том. – Т., 1988. 140-б.

«Омин, шу ерда ётганларнинг, Йигит пиримнинг руҳи арвоҳи шод бўлсин, Худо раҳмат қилсин, жойлари жаннатда бўлсин, Аллоҳу акбар», деб юзларига қўл тортганлар¹³³. Олқишнинг мазмунига қараб зиёратчининг нима мақсадда келганлиги маълум бўлади¹³⁴.

Дарё сувининг мўл-қўллигини таъминловчи эзгу ҳомий сифатида тасаввур қилинадиган Ҳубби билан боғлиқ асотирий қарашлар мамлакатимизнинг барча вилоятларида мавжудлиги этнофольклористик тадқиқотларда эътироф этилган¹³⁵.

Биз юқорида табиий офатлар содир бўлган пайтларда айрим зиёратгоҳлар аҳолига ҳатто бошпана вазифасини ўтаганлигини айтиб ўтган эдик. Жумладан, Йигит пирим – Эр Ҳубби зиёратгоҳи тўғрисида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Собиқ иттифоқ даврида Сўх дарёсида сув танқислиги юз берган вақтларда Йигит пирим – Эр Ҳуббига мозорига келган колхозчилар жонлиқ сўйиб, маросимлар ўтказганлар ва шу тарзда сувни кўпайтиришга умид боғлаганлар¹³⁶. Бундай маросимлар тошқин хавфи пайдо бўлган кезларда ҳам амалга оширилган. Масалан, риштонлик М. Мадраҳимов ўзининг «Селни тўхтатган одам» номли мақоласида қуйидагиларни ҳикоя қилади:

«Уни Мулла Муҳаммадий¹³⁷ – Кўкчи домла (1843-1950) деб аташарди... 17 ёшидан бошлаб имомлик қила бошлайди. Аллоҳни зикр қилиб, одамларга яхшилик қилишни канда қилмайди. Дуолари ижобат инсон бўлиб етишади...»

Ўша йиллари Риштон районида сел келиб, анча тошқинлар бўлади. Селда иморат ёгочлари, мол-қўйлар, ҳатто бешикда гўдаклар ҳам оқиб келади. Одамлар қанчалик уринмасин тўхтата олмайди.

Кечаси жамоа хўжалиги фаоллари мулла Муҳаммадийга илтимос қилишади ва юқоридагилардан яширинча сел, тошқин бошига – Йигит пиримга олиб келишади. У ерда мулла Муҳаммадий дуо ўқиб, Аллоҳдан

¹³³ Абдулаҳатов Н, Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Ф.: «Фарғона», 2007. 142-б.

¹³⁴ Абдулаҳатов Н, Ҳайдарова З. Азимов О. Биби Убайда тарихи. – Ф.: «Фарғона», 2002. 77-б.

¹³⁵ Жўраев М., Саидова Р. Бухоро афсоналари. – Т.: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», 2002. 15-б.

¹³⁶ Алимұхамедов А. «Муқаддас» ва «қадамгоҳ» жойлар ҳамда уларнинг зарарлари.–Т., 1966. 26-б.

¹³⁷ Маълумотларга кўра, яна бир риштонлик уламо домла Муҳаммадий Гургон (1868-1931) номи билан машҳур бўлган.

илтижо қилиб сўрайди. Маълум вақт ўтгач, сел-тошқин тўхтайдди»¹³⁸.

Эътибор берган бўлсангиз, сел-тошқинлар юз берган пайтларда юртнинг дуоғўй валий зотлари айнан Йигит пирим – Эр Хубби мозорига келиб, Аллоҳдан офатни бартараф қилишларини сўраб илтижо қилганлар. Шу боис мазкур қутлуғ мазор қадимдан балоларни даф этувчи зиёратгоҳ сифатида аҳоли томонидан ардоқлаб келинган¹³⁹.

1939 йили Катта Фарғона каналининг қазииш чоғида илмий текширув ишларини олиб борган академик М.Е.Массон (1897-1986) ҳам Эр Хубби мозори тўғрисида қуйидагиларни келтиради:

«Қуютом харобаси... Афсонага кўра, бу ерда қачонлардир Ямоқчи исмли паҳлавон яшаб ўтган. У ўзининг улкан гавдаси туфайли ўз қасрида ўтирган ҳолда бошқа ариқдан ҳам сув олишга қодир бўлган ва ҳатто баҳор чоғида Сўх дарёси тўлиб-тошган пайтида ҳам осонлик билан ўта олган... Унга яқин жойда Эр Хубби мозори жойлашган. Унга қадимги Сўх ҳомийси бўлган сув илоҳининг вазифаси кўчирилган. Айтишларича, Эр Хубби дарёдан ўтиш вақтида чўккан инсонларга ёрдам берган. Шайхлар уни Ўрта Осиёда машҳур бўлган авлиё Занги отанинг¹⁴⁰ ўғли эканлигини айтадилар»¹⁴¹.

Бизнингча, академик М.Е.Массон келтириб ўтган улкан Ямоқчи ҳақидаги афсона Эр Хубби билан боғлиқ қадимги қарашлар замирида юзага келган. Аммо вақтлар ўтиб, у Ямоқчи образига кўчирилган бўлса керак. Зеро, афсона ва ривоятларгаларга кўра, қадимда Эр Хубби улкан қомат соҳиби сифатида тасаввур қилинган¹⁴².

Атоқли ўзбек олими академик Яҳё Ғуломов (1908-1977) Хоразм воҳасининг суғорилиши тарихига доир йирик илмий тадқиқотида сув культининг мифологик талқинларини ўзида мужассамлаштирган қизиқарли бир афсонани ҳикоя қилган.

Унда айтилишича, Фаридун ва ҳатто Жамшид подшоҳлик

¹³⁸ Мадраҳимов М. Селни тўхтатган одам. Меҳр ёғдуси. 8 (219) сон. 22.04. 2006.

¹³⁹ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Н. Йигит пирим – Эр Хубби зиёратгоҳи. – Ф.: «Фарғона», 2010.

¹⁴⁰ Занги ота, асл исми Ойхўжа ибн Тошхўжа. 1258 йилда вафот этган. Аҳмад Яссавийнинг устози Арслонбобо эшоннинг авлоди (авараси). Ўта қора танли бўлгани учун занги (занжи) дейишган. Занги ота тасаввуфни тарғиб қилган. Эл-юрт молини боқиб подачилик билан шуғулланган.

¹⁴¹ Массон М.Е. Из воспоминаний Среднеазиатского археолога. –Т.: «Издательство литературы и искусства имени Гафур Гуляма», 1976. С. 125-126.

¹⁴² Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи.–Т.: «Ўқитувчи», 1976. 47-б.

қилмасдан кўп вақтлар илгари Амударёда бир йигит яшаган ва бу йигит дарёнинг ҳокими бўлган. Унинг исми «Хубби» бўлган. Хубби балиқ билан овқатланган. У бир қўли билан балиқни ушлаб оларкан-да, уни қуёшга узатар экан, балиқ шу ондаёқ қовурилар экан, У етти юз йил давомида Амударёда яшаган ва бу вақт ичида ҳеч қандай ёвуз жин дарёга яқинлаша олмаган ва ҳатто у вақтда чивинлар ҳам бўлмаган. Жамшид тахтга ўтирган вақтдан бошлаб Хубби дом-дараксиз ғойиб бўлган. Уни осмон денгизининг маликаси - гўзал қиз ўғирлаб кетган деб ўйлайдилар. У ғойиб бўлгандан кейин Амударёда Хуббининг онаси пайдо бўлган. Хуббининг онаси биринчи қайиқни қурган ва халқни дарёда урушишга ўргатган. Сўнгра Хуббининг онаси бутунлай кетиб қолган¹⁴³.

Сув культига алоқадор қадимги мифологик тасаввурлар асосида шаклланган бу афсона сюжетининг илк вариантлари ўлкамизга ислом дини кириб келмасдан аввалги даврларда юзага келган ва суғорма деҳқончилик билан шуғулланган аждодларимиз орасида кенг тарқалган. Дарё сувининг мўл-қўллигини таъминловчи ва уни ёвуз кучлар хуружидан ҳимоя қилувчи эзгу ҳомий сифатида тимсоллаштирилган Хубби култи Ўрта Осиёда яшаган қадимги одамлар орасида жуда мўътабар саналган. Хубби ҳақидаги афсона халқимизнинг исломдан бурунги мифологик эътиқодлари маҳсули эканлигини Амударё кемачилигида урф бўлган бир одат ҳам тасдиқлайди. Маълум бўлишича, ўтмишда Хуббининг онаси образи ҳам мифологик инончлар тизимида муҳим ўрин тутган бўлиб, Амударёда сузадиган қайиқларнинг олдинги буржигида унинг ҳайкали ўрнатилган экан. Академик Яҳё Ғуломовга юқоридаги афсонани айтиб берган чоллар «Сиз Амударёдаги катта кемаларнинг, қайиқларнинг уч томонида соч ўрими осиб қўйилганини пайқаганмисиз?», дея сўз бошлашган. Уларнинг айтишларича, «Илгари вақтларда кемаларнинг буржигида шу хотиннинг ҳайкали ўрнатилган. Мусулмонлар келгандан кейин улар бу одатга эътибор бериб, уни йўқ қилишни буюрганлар. Шу вақтдан бошлаб бу ҳайкалнинг бошини кесиб ташлаганлар, фақат унинг икки ўрим сочи қолган»¹⁴⁴.

Тадқиқотларимиз давомида Эр Хубби номи билан боғлиқ

¹⁴³ Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиши тарихи. –Т., 1959. 31-32-б.

¹⁴⁴ Ўша асар, ўша бет.

зиёратгоҳлар Шарқий Туркистон ҳудудида ҳам мавжуд эканлиги аниқланди. Улардан бири Хубби хоҷам мазори номи билан машҳурдир. Мазкур зиёратгоҳ тўғрисида таниқли уйғур олимаси Роҳила Довуд ўзининг «Уйғур мазорлари» китобида маълумотлар келтириб ўтади. Унга кўра, Хубби хоҷам мазорини меъморий қурилиши жиҳатидан Қашқарнинг машҳур Офоқ хоҷам мазорига қиёсласа бўлади¹⁴⁵. Афсуски, олима асосий эътиборни Хубби хоҷам мазорининг меъмортичилигига қаратиб, зиёратгоҳнинг пайдо бўлиши ва билан боғлиқ халқ қарашлари хусусида маълумот бермайди.

Айтиб ўтганимиздек, Ўрта Осиё да жумладан, Фарғона водийсида Йигит пирим – Эр Хубби ва машҳур суфий Ҳаким ота номи билан боғлиқ бир қанча зиёратгоҳлар мавжуд. Масалан, Сулаймон Боқирғон мазорини олайлик. Ушбу зиёратгоҳ Тожикистон Республикаси, Сўғд вилоятининг Хўжад шаҳрига яқин Овчи ва Қалача қишлоқларининг ўртасида жойлашган.

Маълумотларга кўра, ушбу мазор 1195 йилда барпо қилинган ва унга XII асрда яшаб ўтган Аҳмад Яссавийнинг учинчи шогирди асли хоразмлик бўлган Сулаймон Боқирғон – Ҳаким ота дафн этилган¹⁴⁶. Албатта ушбу маълумот ўз навбатида изоҳга муҳтож. Зеро, Сулаймон Боқирғонийни Хоразмда дафн этилганлиги тўғрисида бир неча асосли маълумотлар мавжуд. Шу сабабдан бу борада бироз тўхталиб ўтишни тақозо этади.

Ҳаким отанинг асл исми Сулаймон бўлиб, машҳур мутасаввуф шоир Сулаймон Боқирғонийдир. «Ҳаким» ул кишига лақабдир. «Рашаҳот ай-ул ҳаёт» («Обиҳаёт томчилари» асарининг муаллифи Фахриддин Али Сафийнинг (1463-1532) маълумотига кўра, Ҳаким ота асли хоразмлик бўлиб, Бароқхоннинг гўзал қизи Анбар онага уйланган¹⁴⁷. Бироқ Ҳасанхожа Нисорийнинг (1516-1597) «Музаккири аҳбоб» («Дўстлар ёдномаси») асарида Анбар она Бароқхон эмас,

¹⁴⁵ Роҳила Довуд. Уйғур мазорлари. Урумчи.: «Шинжонг халқ нашриёти», 2001. 9-10-б.

¹⁴⁶ Бу ҳақда қаранг: Мирбобоев А. Мазори Хоча Боқирғон // Чаҳордаҳ мазор. – Д., 2001; Ҳамза Камол. Мазорҳои шимоли Тоҷикистон. – Д.: «Нашриёти Деваштич», 2004.

¹⁴⁷ Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ. –Т.: «Абу Али ибн Сино», 2004. 24-25-б.

Буғраҳоннинг қизи деб тасвирланади¹⁴⁸.

Анбар она тўғрисида адабиётшунос олим Асрор Самад «Занги ота марқади» мақоласида қуйидагиларни баён этади:

«Таъриф қилишларича, у ғоят гўзал ва оқила аёл бўлган, шоиралиги ҳам бўлиб, тасаввуфга мухлис бўлганлигини ҳам таъкидлаб ўтадилар.

Уларнинг уч ўғил кўрганлиги ва иккита катта ўғли машҳур аллома Замаҳшарийдан таълим олганлигини айтадилар. Сулаймон Боқирғонийнинг ўғилларидан Хубби Хожа ҳақида турли афсоналар тарқалди; уни сув ва денгиз пири деб атай бошлаганлар.

Анбар онадек гўзал аёл қопқора хунуккина Сулаймон Боқирғонийга завжа бўлганлигини унинг буюк шайхлиги билан изоҳлайдилар; бинобарин, Ислом дини Мовароуннаҳр ўлкасида чуқур илдиз ота борган сари руҳонийларнинг обрў-эътиборлари орта бораверган, инчунун Сулаймон Боқирғоний 25-30 ёшларига қадар уйланмаган ва ягона завжалари Анбар она бўлган, деб нақд қиладилар»¹⁴⁹.

Айрим маълумотларга кўра, Ҳаким ота устози Аҳмад Яссавийнинг васиятига кўра, Урганч шаҳрига келиб ўрнашган ва шу ерда қолган умрини кечирган¹⁵⁰. Унинг таввалуд йили ҳозирча номаълум, вафоти илмий адабиётларда милодий 1186 ёки 1192 икки хил кўрсатилиб келинмоқда¹⁵¹. Фахруддин Али Сафийнинг маълумотларига кўра, унинг қабри Хоразмнинг «Оқ кўрғон» деган қишлоғидадир¹⁵².

XVI асрда яшаб ўтган турк олими Сейди Али Раиснинг «Миръотул мамолик» («Мамлакатлар кўзгуси») китобида баён этилишича, Ҳаким ота мазори Хоразмнинг машҳур зиёратгоҳларидан бири бўлган¹⁵³. Шу сабабдан асрлар давомида Хоразм заминига ташриф буюрган ҳар бир зиёратчи Ҳаким ота қабрини ҳам зиёрат

¹⁴⁸ Ҳасанхожа Нисорий. Музакири Аҳбоб / Таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Исмоил Бекжон. –Т.: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», 1993. 269-б.

¹⁴⁹ Асрор Самад. Вафо вожиблари. Биринчи жилд.–Т.: «Фан», 2007. 76-77-б.

¹⁵⁰ Жандарбек З.З. Ходжа Ахмет Йасави и возрождение тюркской государственности // Суфизм в Иране и Центральной Азии. Алматы.: «Дайк-Пресс», 2007. С. 167.

¹⁵¹ Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби / Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳ муаллифлари: Иброҳим Ҳаққул, Сайфиддин Рафъиддин. –Т.: «Ёзувчи», 1991. 3-б.

¹⁵² Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-хаёт... 25-б.

¹⁵³ Сейди Али Раис. Миръотул мамолик. – Т.: «Фан», 1963. 104-б.

қилишни ният қилган. Бу ҳақда ёзувчи Ж. Шомуродов шундай ёзади:

«Жаҳонга маълум машҳур бошқирд шарқшуноси Заки Валидий Тўғон (1890-1970) 1920-йилнинг куз ойларида Қўнғиротга келган ва ўзининг «Хотиралар» китобида қуйидагича маълумот ёзиб қолдирган:

«Қўнғирот Хива хонлигининг вилоят маркази. Бу кичик шаҳар бўлишига қарамасдан Германиянинг Гамбург, Англиянинг Манчестр, Хитойнинг Шанхай шаҳарлари каби харитада номи бор шаҳар. Арабларнинг жуғрофий харитасида Х асрда бу шаҳар Боқиргон деб аталади. У ҳозирги Қўнғиротнинг шимолий-ғарбидаги овул. Бу ерда машҳур мутасаввуф Шайх Ҳаким ота – Боқиргоний мақбараси бор. У бизга туркий тилда тасаввуфона шеърлар ёзиб қолдирди. Унинг ижоди бўйича бир қанча олимлар Россияда, Туркияда илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. 1857-йили Ҳаким отанинг «Боқиргон китоби» илк бор Қозонда босилди. Кичкиналик пайтимда унинг шеърларини ўқидим ва ёд олдим. Боқиргонда бир соат тўхтаганимдан фойдаланиб, камина шайхнинг қабрини зиёрат қилдим»¹⁵⁴.

Афсуски собиқ советларнинг мустабид тузуми даврида Ҳаким ота зиёратгоҳи тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди. Натижада айрим кимсалар аҳолини Ҳаким ота қабри йўқолиб кетган деган маълумотга ишонтиришга ҳаракат қилдилар. Фақат мустақилликка эришганимиздан сўнггина бу мавзуга қайтиш имконияти туғилди. Шу сабабдан тадқиқотчилар Ҳаким ота зиёратгоҳи тўғрисида қизиқарли маълумотларни излаб топишга муяссар бўлдилар.

Мазкур зиёратгоҳ тўғрисида 2001 йили Тошкентда чоп этилган «Занги ота» рисоласида қуйидагилар баён этилган:

«1993 йил Ҳаким отанинг қабри ўрнашган жой ҳақида янги маълумотга эга бўлдик. Аслан хоразмлик бўлган Хўжабойнинг айтишича, 1955-1956 йилларда у бир гуруҳ ўртоқлари билан Ҳаким отанинг қабрини бир улкан қабристонда кўришиб зиёрат қилишган экан. Бу улкан қабристон Амударёнинг Қўнғирот шаҳридан (Қорақалпоғистон) Оролга қараб борадиган оқимининг 30-километрида Равшан деган ирмоғи бошланадиган жойда экан. Шу пайтгача Яссавийшунослар Ҳаким отанинг қабри Амударё (Жайхун) оқимлари

¹⁵⁴ Шомуродов Ж. Ҳаким ота-Хожа Сулаймон Боқиргоний. Нукус.: «Қорақалпоғистон», 2002. 3-4-б.

тагида қолиб, йўқолиб кетган, деб айтишиб, ёзишиб келар эдилар»¹⁵⁵.

Айтиб ўтиш жоизки, Сулаймон Боқирғонийнинг Ҳаким ота лақабини олишининг сабаблари хусусида турли ривоятлар сақланиб қолган. Ривоятларда нақл қилинишича, бунинг сабаби Сулаймон Боқирғоннинг ёшлигидан зукко ва ақлли бўлиб ўсганлигидадир.

Худди шундай ривоятларнинг бирини рус олими Е.А. Малов «Охир замон китоби»нинг изоҳ қисмида келтириб ўтади:

«Ондог келтурурким, Ҳаким ота раҳматуллоҳ алайҳ кичикда мактабга борурда барча ўғлонлар Каламуллоҳни бўйунларина юклаб, борур эрдилар. Аммо Ҳаким хожа раҳматуллоҳ алайҳ «Қуръон»ларини туболарига (бошига) кўториб элтур эрди. Вақти қачон мактабдин қайтур бўлсалар, юзларини устозлари сари қилиб қилиб орқаларини ўз уйлари сари қилиб қайтур эрдилар. Ул маҳалда отлари Сулаймон эрди.

Кунлардан бир кун Хожа Аҳмад Яссавий раҳматуллоҳ алайҳ масжид эшигида эшигида ўлтурур эрдилар. Кўрди бир бўлук ўғлонлар мактабга бора турур. Булар орасинда бир ўғул каламуллоҳни тубасига кўториб бора турур. Хожа Аҳмад Яссавий раҳматуллоҳ алайҳ кўрди. Эrsa муҳаббат асар қилди. Айтиди: «Эй ўғлон, бор устозингдан рухсат тилагил. Агар дастур берса бизга келгил. Биз сенга Қуръон ўргатайлик теди. Бу сўзни эшитиб Сулаймон адаб бирла салом қилиб, таъзим чўкуб, устозидин ижозат сўради. Устози қабул қилди. Ижозат берди. Ондин сўнг ота-онасидин ижозат тилади. Оналари ҳам ризолик бериб ўзлари ўғлонлари Сулаймонни тутиб, адаб бирла келтуруб, Хожа Аҳмад Яссавийга топширдилар. Хожа Аҳмад Яссавий раҳматуллоҳ алайҳ Сулаймонни Қуръон ўргата бошладилар. Эrsa, оз муддат ичинда барча олий арконларни забт қилди. Вақти ўн беш ёшига еткондин сўнг Хожа Аҳмад Яссавийга мурид бўлди. Тақри барча тариқат адабларини ўрганди. Кеча-кундуз адаб аркон бирла хизмат шартларин бажо келтурди»¹⁵⁶.

Туркиялик тасаввуфшунос олим, Фуод Кўпрулзода асарида келтирилган ривоятда ҳам айтилишича, бир куни Ҳазрати Яссавий

¹⁵⁵ Занги ота тарихлари, ривоятлар, кароматлар / нашрга тайёрловчи, сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир: Сайфиддин Сайфуллоҳ. –Т.: «Мовароуннаҳр», 2001. 9-б.

¹⁵⁶ Малов Е.А. О кончине мира // Известия общества Археологии, истории и этнографии при императорскомъ Казанском университетѣ. Том XIV , вып. 1-3. Казань, 1897. С. 27-28.

уйига Хизр алайҳиссалом¹⁵⁷ меҳмон бўлиб келибди. Хожа ҳазратлари азиз ва мўътабар меҳмонга хўроз пиширмоқ мақсадида муридларини далага ўтин териб келишга юборибди. Болалар ўтинларини кўтариб келаётганда иттифоқо осмондан қаттиқ жала қуйиб, ўтинлар жиққа ҳўл бўлибди. Зукко Сулаймон эса ўтинларини чопонига ўраб-чирмаб, эҳтиёт қилиб, пири-муршидининг уйига қуруқ ҳолда олиб келибди. Ўша ўтинларини ёқиб, Сулаймоннинг ўзи Ҳазрати Яссавийнинг азиз меҳмонига хушмазза таом пишириб берибди. Хизр (а.с.) бу ҳақда сўраганда, у бўлган воқеани айтиб берибди. Хизр (а.с.) унинг тадбиркорлигига қойил қолиб болага шундай дейди: «Офарин, бўталоғим, бундан буён отинг «Ҳаким» бўлсун!» Сўнгра Хизр (а.с.) муборак оғизларидан Сулаймон оғзига ихлос ила туфлаб, оби-аҳан қилади, уни муборак нафасларидан баҳрамандлик қилади. Сулаймоннинг бутун вужуди шу заҳоти муборак нур билан тўлади. Хизр (а.с.) меҳрибонлик ила яна Сулаймонга дейди: «Энди бўтам, бекор юрма, изҳори файз эт, ҳикматлар ёза бошла!». Шундан кейин Сулаймон «Ҳаким» номини олиб, тинмасдан ҳикматлар, манзумалар ижод қила бошлаган экан. Ўшандан кейин Сулаймон «Хизр Илёс отам бор!» дея зўр ихлос билан ҳикматлар ёзади. «Боқирғон китоби», «Охир замон китоби», «Марям китоби» каби асарлар Ҳаким ота қаламига мансубдир¹⁵⁸.

Биз юқорида Хўжанд яқинидаги Боқирғон ота зиёратгоҳи тўғрисида сўз очган бўлсак-да, бироқ нима учун Хоразмда дафн этилган Ҳаким отани яна бир қабри Хўжандда ҳам мавжуд эканлиги хусусида фикр билдирмаган эдик. Зотан, Фарғона водийсида Ҳаким отани мазорини пайдо бўлиши бир мунча ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки, унинг Фарғонага келганлиги

¹⁵⁷ Хизр (а.с.) (Хизир, Ҳазрати Хизр, Хизр бува, Хизр-Илёс). – Қуръонда «Аллоҳнинг қули» номи билан тилга олинган тақводор зот. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида Хизр ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган: «Хизр - афсонавий пайғамбар: У ҳаёт бўлоғидан «оби ҳаёт» ичган ва умри боқий бўлган; у билан учраган, кўришган одам бахтли бўлар эмиш». Ҳазрати Хизрни шаҳарларнинг ҳомийси деб ҳам қаралган. Марказий Осиё ҳудудида истиқомат қилувчи туркий халқлар Хизрни ўз мушкулларини енгилаштирувчи, бошига оғир кунлар тушганда, турмуш қийинчиликлари натижасида эзилганда мадад берувчи, илоҳий куч-қувват берувчи, мурод-мақсадларига етишувида кўмак берувчи нуроний чол қиёфасида тасаввур қилганлар. Халқимиз орасида «Хизр назар қилган», «Хизр йўлиққан» деган иборалар, ҳозирда ҳам кенг тарқалган.

¹⁵⁸ Занги ота тарихлари, ривоятлар, кароматлар...9-10-б.

тўғрисида тарихий маълумотлар мавжуд эмас. Бироқ зиёратгоҳларга машхур тасаввуф тариқати намояндалари номларини бериб улуғлаш ҳолати Ўрта Осиёда қадимдан анъанавий тус олганлигини назарда тутиш лозим бўлади¹⁵⁹. Бинобарин, мазкур масалада «Тарихи муллозода» китобида келтирилган қуйидаги фикрга эътибор берайлик:

«Кашф ва аён аҳлидан бўлган баъзи кишилар айтишича, агар [зиёрат қилувчи] кишилар бирор бир азиз ёки улуғ турбатига етишса ва ўша бузург шу жойда дафн этилган деб ишонч ҳосил қилса ва у ҳақиқатда бундай бўлмаса-да, ўша бузургнинг файзи ва мадади унинг камол тариқига нуқсонсиз етказди, чунки руҳлар оламидда яқинлик ва узоқ бўлиш тушунчаси йўқдир... [Хожа Порсо] юқорида айтилганларни маъқулладилар. Бас, қайси бир мазор бирор-бир улуғ номи билан шуҳрат топган бўлиб, аслида бошқа шахс кўмилган бўлса [ҳам], зиёратчи уни муаззам ва мукаррам тутмоғи лозим, токи ул азиз руҳининг баракотидан баҳраманд бўлсин»¹⁶⁰.

Шундай бўлсада, мазкур зиёратгоҳда Сулаймон Боқирғоний дафн этилганлиги билан боғлиқ баҳс ва мунозаралар ХХ асрнинг бошларида чоп этилган илмий адабиётларда ўз ифодасини топган. Масалан, академик В.В.Бартольднинг (1869-1930) «Ҳаким отанинг ватани масаласига доир» номли мақоласини олайлик. Атоқли олим мазкур мақоласида «Туркистон хабарлари»нинг тўққизинчи сонидан чоп этилган И.Комаровнинг «Хожа Ҳаким Сулаймон Боқирғоний» мақоласига ўзининг танқидий фикрларини билдирган эди. В.В.Бартольд мазкур мақоласида муаллифнинг Хўжанд яқинида Сулаймон Боқирғонийни дафн этилиши тўғрисидаги келтирилган маълумотлари илмий асосга эга эмаслигини таъкидлайди¹⁶¹.

Айтиб ўтиш жоизки, Хўжанд яқинидаги Сулаймон Боқирғоний мазори хусусида тадқиқотчиларнинг фикрлари турлича бўлишига қарамай, зиёратгоҳ аҳоли орасида жуда машхур

¹⁵⁹ Синьзян ва Фарғонада топилган мазор ҳужжатлари(факсимеле). Тузувчилар: Сугавара Жун, Кавахара Яёи. Токио чет тиллари, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти. 2006. 33-б.

¹⁶⁰ Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий «Муъин ал-фуқаро». Тарихи муллозода...31-32-б.

¹⁶¹ Бартольд В.В. Работы по отдельным проблемам Средней Азии. II(2). –М.: «Наука», 1964. С.532.

бўлган ва катта вақф ерларига эга бўлган¹⁶².

Архив маълумотларига кўра, Шайбонийлар ҳукмдорларидан бири Абулфайз Муҳаммадхон 1591 йили Сулаймон Боқирғоний мозори учун Боқирғон сойи атрофларидаги ерларни вақф қилиб беради¹⁶³. Шу тарзда мозорнинг вақф мулклари йилдан йилга ўсиб боради. Бухоро амири бўлган амир Ҳайдар (1800-1826) ҳукмронлиги даврида ҳам Сулаймон Боқирғоний мозорига янги ерлар вақф сифатида ажратилади. Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1822–1842) ҳам мазкур зиёратгоҳга катта эътибор берган. У мазор атрофидаги ер ва ариқларни сотиб олиб вақф сифатида ҳадя қилган¹⁶⁴.

Биз шу ўринда қўқонлик маърифатпарвар муаллим, адабиётшунос ва ўлкашунос олим Пўлотжон Домулла Қайюмовнинг (1885-1964) «Тазкираи Қаюмий» асаридан Ҳаким ота тўғрисида айрим маълумотларни келтириб ўтмоқчимиз. Чунки у мазкур асарда Хўжанд шаҳридаги Боқирғон сойи хусусида ҳам тўхталиб ўтади:

«Қул Сулаймон – Бу киши Хожа Аҳмад Яссавийнинг мактаби талабаларидан бўлуб устозидан ҳеч қолишмай ҳикмат айтмиш. Фигонли тасаввуф шоирдур. Номи Ҳакимхўжа бўлуб шеърда тахаллуси Сулаймондур. Устозига эргашиб «Қул Сулаймон» деб ҳам юрутадур. Боқирғон номли қасабадан экани газалларидан кўринадур. Бизга маълум тазкираларда бу киши ва шериклари тўғрисида маълумотга эга бўлолмадик. Бошқа маноқиблардин хабардор эмасмиз. Ўзбек тилида кўп ёзган, бирорта тожик тилида ёзилмаган ўзбек шоири эканидан қолдириб кетолмадик. Боқирғон Хоразм томондадур дейувчилар бор. Бу исмда Хўжанд шаҳрида бир катта сувнинг ҳам айтадурлар. Хўжанд шаҳарига сув берувчи сойнинг Боқирғон дарё деб аталур. Лекин бунда бўлмагандур. Бир газалида ул:

Боқирғондан сафар қилсам тавоф қилгали Каъбани деб айтадур»¹⁶⁵.

Яна бир ривоятга кўра, Боқирғон сойи ёнида Ҳаким отанинг учинчи ўғли Эр Хубби - Йигит пирим ғойиб бўлган жой мавжуд. Нақл қилишларича, Эр Хубби - Йигит пирим отаси Сулаймон Боқирғондан хафа бўлиб, сувга кириб ғойиб бўлган. Яна бир

¹⁶² Вақф (араб) – мусулмон мамлакатларида давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк.

¹⁶³ ЦГА РУз. Ф.18, оп.1, д.10297, л.17.

¹⁶⁴ ЦГА РУз. Ф.18, оп.1, д.10297, л.17.

¹⁶⁵ Пўлотжон Домулла Қайюмов. Тазкираи Қаюмий. –Т., 1998. 86-б.

ривоятга кўра, у сой оқаетган дарага кириб қайтиб чиқмаган.

Аҳоли Эр Хубби ғойиб бўлган шу жойни муқаддас деб билишиб, юз-қўлларини ювадилар. Ҳатто ҳомиладор аёллар ҳам тўлғоқ тутган вақт, «дардим енгил кўчсин», деб, шу сувдан юзларини ювадилар¹⁶⁶.

Маълумотларга кўра, Ғарбий Қозоғистоннинг Манғиқишлоқ худудидаги мавзеларнинг бири Султон Эпе, яъни Султон Хубби, деб аталган. Бундан кўринадики қозоқ халқи орасида ҳам авлиё Эр Хубби номи машҳур бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан қадимдан эъзозлаб келинган¹⁶⁷. Бу ерда Ҳаким ота авлодининг ғайритабиий тарзда улкан қомат баҳодирга айланиб ариқлар қазиши ва селни даф этиши тўғрисида турли ривоятлар ҳозирга қадар сақланиб қолган¹⁶⁸.

Шу ўринда XVI асрда яшаб ўтган татар халқ шоири Қул Шариф томонидан ёзилган «Қиссаи Хубби Хожа» китобини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Қозон хонлигининг шайхул-исломи ва саййидларидан бўлган Қул Шарифнинг мазкур асари ўтмишда татар халқи орасида кенг тарқалган. «Қиссаи Хубби Хожа» 1899 йили китоб ҳолида ҳам нашр қилинган. Ушбу китобда Ҳаким ота ва унинг завжаси – Бухоро маликаси – Анбар она ҳамда уларнинг уч ўғиллари – Асқар, Маҳмуд, Хубби ҳақида бўлиб, унда Ҳаким ота ва Хубби Хожанинг турли кароматлари ҳикоя қилинади¹⁶⁹.

Айтиб ўтиш жоизки, Эр Хубби номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар, шунингдек Қўқоннинг Ойдинбулоқ қишлоғида ва Пунгон қишлоғининг Сирдарё бўйида ҳам мавжуд бўлган. Бу ҳақда ўлкашунос Муҳаммад Яҳёхон Дадабоев қуйидагиларни баён этади:

«Эр Хубби номи билан боғлиқ муқаддас жойлар Ўзбекистон худудида кўп учрайди. Хусусан, Қатагон депарасида ва ундан бироз узоқроқда бўлсада, кўп жиҳатдан депара билан боғлиқ бўлган Чўнғарада ҳам Эр Хубби номи берилган зиёратгоҳлар мавжуд.

«Хубби» атамаси билан боғлиқ муқаддас жойлар қадим замонларда,

¹⁶⁶ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Н. Йигит пирим – Эр Хубби зиёратгоҳи. – Ф.: «Фарғона», 2010.

¹⁶⁷ Басилов В.Н., Кармышева Дж.Х. Ислам у казахов (до 1917.). – М., 1997. С. 42.

¹⁶⁸ Мустафина А.М. Представления, культы обряды у казахов. Алма-Ата.: «Қозоқ университети», 1992. С. 90.

¹⁶⁹ Сибғатулина А. Аҳмад Яссавий ҳикматларининг татар адабиётига таъсири // Хожа Аҳмад Яссавий. Ҳаёти, ижоди, анъаналари. –Т.: «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти», 2001.245-б.

исломдан бир қанча асрлар илгари пайдо бўлган. Маълумки, қадим ўтмишида аждодларимизнинг бир тоифаси оташга, бошқа тоифаси табиат кучларига сизинганлар. Табиат унсурлари, табиат кучлари, табиат ҳодисалари алоҳида илоҳ, маъбуд ҳисобланган. Чунончи, осмонни Кўк Тангри, Қуёшни Кун Тангри, Ерни Ермомо, Ойни Оймомо, булутлар тўқнашганда қалдираб чиқадиган товушни Момақалдироқ, ёмғирни Чоймомо ёки Чолмомо, шамолни Ҳў Эна деб атаганлар. Сув ва сув билан боғлиқ ҳодисалар маъбудини эса, «Хубби» ёхуд «Эр Хубби» деб атаганлар. Шоҳимардондаги машҳур Кўли қуббон номи қадимги замонларда «Кўли ҳуббон», яъни «Хуббилар кўли» деб айтилар эди. Талаффузда «Хуббон» «Қуббон» ёки «Қурбош»га айланиб кетган. ..

Эр Хубби қудратли илоҳлардан ҳисобланиб, одамлар тошқин, сел ёки қурғоқчиликнинг олдини олиш, сув камроқ келган пайтларда қўшимча сув сўраш мақсадида Эр Хубби номи билан боғлиқ жойларда унга сизинганлар, қурбонлик келтирганлар. Қўқон хонларининг келиб чиқишига оид «Олтин бешик» достонида Эр Хуббидан сув сўраш маросими ҳикоя қилинади:

«...Кампирлар ёнларига қишлоқ хотинларини йигиб, ҳар хонадондан ким нима берса олиб, далага, ариқ бошига чиқиб, пишир-куйдир қилиб, катта қозонда шулон, кичик қозонда чалпак пишириб, Эр Хуббига бош - оёқ сарпо тикиб, ўзларига бир сардор сайлаб, чолларини нарироқ ҳайдаб, пиширган емакларининг бир қисмини сувга тўкиб, бу ишдан қайтарганларни сўкиб, сув ёқасига тиз чўкиб, Эр Хуббига қаратиб бу сўзларни айтиб турубдурлар...

Депаранинг Олмурад қишлоғи ҳудудидаги бир булоқ ва унинг ёнидаги даҳма Эр Хубби зиёратгоҳи сифатида муқаддаслаштирилган. Ислом дини кириб келганидан сўнг ҳам узоқ вақтларгача Эр Хуббига сизинмасалар-да, ундан нажот сўраб юрганлар. Аста-секин Эр Хуббининг моҳияти - сув маъбуди эканлиги унутилиб, эркакларни бало-қазодан сақлайдиган илоҳий куч, пир сифатида ардоқланадиган бўлди. Манбаларнинг хабар беришича, XI-XII асрларда Эр Хубби номли суфий ҳам яшаб ўтиб, Чўнгарага дафн этилган деб ҳисобланади. Мазкур Эр Хубби айнан эркакларни ўз паноҳига олган авлиё ҳисобланади. Ҳазрат Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат» асарларида ҳам бу зотни эслатиб ўтадилар. Ривоятга кўра, Олмураддаги Эр Хубби зиёратгоҳи у зотнинг қадамжойлари ёки зойиб мазорлари, Чўнгарадагиси эса йигитларни ўз паноҳига олган. Шу

туфайли Чўнғарадаги зиёратгоҳ кўп ҳолларда «Йигит пирым» деб юритилади.

Олмураддаги зиёратгоҳга аёллар фарзандларига соғ-саломатлик, умр тилаб борадилар. Расм-русумларни жойига келтиргач, булоққа яхши ният билан танга ташлайдилар. «Эр Хубби» атамасини аёлларимиз талаффузларида шу даражада ўзгартириб юборганки, сув маъбудди ёхуд суфий авлиё номи «Эҳри Биби» шаклига келиб қолганки, бу атамага қараб, бу ерда Эҳри Биби номли порсо аёл дафн этилган деган тасаввур ҳосил бўлади. Ушбу ҳар икки зиёратгоҳни зиёрат қилиш ҳозирги кунларгача давом этиб келмоқда»¹⁷⁰.

Кўқон шаҳри яқинидаги қадимги Эр Хубби зиёратгоҳининг машҳурлиги борасида адабиётшунос олим, академик Азиз Қаюмов шундай ёзади:

«Кўқон шаҳри яқинида Эр Хубби деган жой бор эди. У ердан чиқадиган булоқ сувларида ювиниб беморлар ўз дардларига шифо топганлар. Ўша жойда бир тош ҳам бўлган. Авлодсизликдан даволанишни истаган аёллар шу тошни бармоқлари билан сийпалаб сўнг бармоқни кўзга суртсалар дарддан қутуладилар, деган ишонч бўлган. Шунинг учун жуда кўп хотинлар келиб ўша тошга қўлларини суртар эдилар. Бу одат жуда узоқ йиллар давом этган ва минглаб хотинлар бу иримга амал қилганлар. Натижада катта харсанг тош қайроқ сингари силлиқ бўлиб кетган ва ҳатто ялтирагандай кўринар эди. Мен шу тошни кўрганман»¹⁷¹.

Академик Яҳё Ғуломовнинг ёзишича, Фарғона водийсида Эр Хубби ҳақида бир қатор афсоналар сақланиб қолган ва иккаласи ҳам сув худоси - муаккили бўлганлиги учун унинг образи худди ислом динига қадар мавжуд бўлган Хоразм худоси Хубби образига ўхшайди. Бундай ўхшатишни яна давом эттириш мумкин: масалан, Оҳангарон водийсида ҳам Хуббини ҳурматлайдилар. Жўшқин Оҳангарон дарёсидан ўтганда одамлар Хуббидан мадад сўрайдилар¹⁷².

Ҳақиқатан ҳам, Хубби ҳақидаги афсоналар бошқа вилоятларда ҳам учрайди. Хусусан, Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидаги Хуббил тепа деган жой ҳам афсонавий сув

¹⁷⁰ Дадабоев М. Қатағон депараси. – Ф.: «Фарғона», 2006.35-б.

¹⁷¹ Қаюмов А. Асарлар. 2-жилд. –Т.: «Mumtoz so'z», 2008. 388-б.

¹⁷² Ғуломов Я. Хоразмнинг суғорилиши тарихи... 33-б.

муаккили Хубби култи билан бевосита боғлиқдир. Қашқадарё қирғоғида жойлашган бу тепаликнинг пайдо бўлиши тўғрисида шундай афсона мавжуд: «Қадимда дарё қирғоғида Хуббил исми киши яшаган эмиш. У дарёни ҳар хил балою қазолардан асраган. Ёвуз ёмон руҳларнинг дарё сувини тилсимлаб, теварак-атрофга зиён-заҳмат етказишига, қирғоқларни бузиб, экинларни пайҳон қилишига, кечувда ўтаётган йўловчиларни оқизиб ҳалок қилишига, яъни қонсирашига йўл қўймаган.

Унинг тирикчилиги эса балиқ овлаш билан ўтган. Тутган балиқларини тепаликка чиқиб, қуёш нурига тутиб, иссиғида пишириб еган. Хуббил дарё сувининг поклиги учун, саратоннинг жазирамасида қуриб қолмаслиги учун ҳаракат қилган. Мободо йил курғоқчил келиб, тоғдан сув кам келадиган бўлса, ҳассасининг учи билан булоқларнинг кўзларини очиб, ўзани тўлдирадир экан»¹⁷³.

Тадқиқотчилар Шоҳимардондаги Кўлихуббонни ҳам Хубби билан боғлайдилар¹⁷⁴. Кўлихуббон номини келиб, чиқиши тўғрисида таниқли олим Ҳ.Ҳасанов қуйидаги фикрни билдиради:

*«Хуббон кўли. Буни Қурбонкўл, Кубонкўл шаклларида янглиш ёзадилар. Шоҳимардон тоғлари орасидаги бу кўлнинг номи хуби сўзидан олинган. Бу эса жуда кўҳна диний тасаввурга боғлиқ. Хубби деб (исломгача бўлган даврда) сув худоси айтилган»*¹⁷⁵.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Эр Хубби номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар Фарғона водийсида бир неча жой бўлишига қарамай уларнинг пайдо бўлиш тарихи шу кунга қадар атрофлича тадқиқ этилмаган. Албатта бунинг оқибатида маҳаллий аҳоли орасида Эр Хубби тўғрисида турли қарашларнинг ҳам пайдо бўлишига замин яратган¹⁷⁶. Масалан, Риштон тумани Чўнғара қишлоғидаги Эр Хубби зиёратгоҳини олайлик. Бу ҳақда «Дарё одамлари» рисоласидаги ушбу афсонага эътиборимизни қаратсак:

«Йигит пирим мозори — муқаддас жой, пирлар қўллаб, тилаган

¹⁷³ Раҳмонов Ф.Ш. Қашқадарё воҳаси аҳолисининг зироатчиликка оид урф-одат ва маросимлари (XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошлари). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. –Т., 2001. 101-б.

¹⁷⁴ Нуриддинов Т., Дадабоев Я., Исроилов М., Эргашев А. Тарихий атамашуносликдан ёрдамчи материаллар. –Т.: «Фан», 2007. 48-б.

¹⁷⁵ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. –Т.: «Фан», 1965. 55-б.

¹⁷⁶ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Н. Йигит пирим – Эр Хубби зиёратгоҳи. – Ф.: «Фарғона», 2010.

нарсангни Аллоҳ беради, дея Шокир ҳожи ота бизга Йигит пирим тарихидан сўзлаб берди:

Тарихда машҳур авлиёлар кўп ўтган. Улардан Ҳаким отани кўпчилик билади. У кишининг заифалари Анбар она бўлган. Фарзандлари эса мана шу бизнинг Сўх дарёсида кема ҳайдаб, одамларни у қиргоқдан, бу қирқоққа олиб ўтиб, кун кечираркан. У пайтлар дарё тўлиб оқар, кемалар қатнаб турар экан. Кунлардан бир кун Анбар она Ҳаким отага юзланди, «Мунча қорайиб кетдингиз, юзингизни қоралигини қаранг», дейишибди. Шунда Ҳаким ота истехзоли жилмайиб, «Ҳали бизни қора деяпсизми? Мендан кейин қорасига дуч келасиз, ана ўзингиз тан берасиз», дейишибди.

Кунлар, ойлар ўтибди, Ҳаким ота қазо қилишибди. Маълум бир муддат ўтгач, Занги отадан совчи келибди. Анбар она эса уларнинг таклифини рад этибди. Шунда тўсатдан онанинг бўйинлари қийшайиб қолибди. Занги ота яна совчи юбориб, Ҳаким ота «Мендан қорароққа тегасиз, деб айтганми ёки йўқми, шуни сўранглар, айтган бўлса, васиятига амал қилсин», дейишибди, Анбар она ўша васиятни тасдиқлабди ва Занги отага турмушга чиқибди.

Занги отанинг ҳам бир ўгли бўлиб, у мағриб тарафларда иш билам машғул экан. Эр-хотин суҳбатлашиб ўтириб, ҳар бири ўз ўгиллари ҳақида кўнгиллари тўлиб гапиришибди. «Менинг ўғлим валий даражасига етиб қолди, агар чақирсам қўл қовуштириб, хизматимга ҳозир нозир бўлади», дейишибди. Шунда Занги ота ўглини чақирган экан, фурсат ўтмай пайдо бўлибди, навбат Анбар онага етибди. Она «Хубби ўғлим!» деб ҳузурларига чорлашибди. Ул зотдан «Ҳа!» деган овоз келибди-ю, ўзлари келишмабди. Анбар она мулзам тортибди. Андак фурсат кутибди-да, яна чақирибди. Шунда Ҳаким отанинг ўгли «лаббай!» деганча ҳозир бўлибди. Аммо озорланган Анбар она ўглидан юзини терс бурибди. Йигит эса кечирим сўраб, «Сиз биринчи бор чақирган пайтда одамлари билан гарқ бўлаётган кемани қутқараётган эдим, мана гарданимда занжир қолдирган излар. Мени кечиринглар, дебди. Агар сўзларимга ишонмасангизлар, яқин фурсатда карвон келиб қолади, қутулганлари учун назр қилган молларини ҳам келтиришади».

Ҳаким отанинг ўгли айтганидек, бир-икки кундан сўнг карвон етиб келиб, молларини инъом этишибди. Шунда хонадон тўй берибди. Назр қилинган мол-қўйларни сўйиб, халққа едиришибди. Йигит уларнинг суяк-устихонларини бир ерга тўплабди-да, «Қани шуларга эт битказиб,

тирилтириб беринглар-чи», дебди.

Ночор қолган Занги ота жилмайганича, «Бундай каромат кўрсатмоққа бизнинг қудратимиз етмайди», деб тан олибди. Шунда Ҳаким отанинг ўғиллари — Йигит пири Аллоҳга илтижо қилиб, дуо билан ҳамма мол-қўйларни тирилтирган экан. Аммо икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас деганларидек, бир жойга икки валий сизмас экан.

Йигит пири у ердан чиқиб — мана шу томонларга кетибди. Ва мана шу бизнинг Чўнгарада гойиб бўлишган экан»¹⁷⁷.

Яна бир ривоятга кўра, Занги ота ва Анбар она Султон Ҳуббининг тайзиқидан қочиб Тошкентга яқин жойга келиб ўрнашадилар. Бу ерда аҳолининг чорвасини боқиб кун кечирадилар¹⁷⁸.

Эътибор берган бўлсангиз, ривоятларда келтирилган воқеалар тафсилотига кўра, Эр Ҳубби онаси Анбар онанинг чақирувига вақтида жавоб бера олмайди. Бундан ташқари у Занги ота билан келиша олмай гойиб бўлади ёхуд унинг тайзиқи остида Занги ота ва Анбар она Тошкент томонга кетишга мажбур бўладилар. Бу ривоятлар сюжети албатта йиллар давомида ўзгаришга учраган ва турли мазмунда талқин этилган. Чунки, баъзи ёзма манбаларда Эр Ҳубби билан воқеалар силсиласи аслида ўз отаси Ҳаким ота билан юз берганлиги нақл қилинган. Масалан, Муҳаммад Олим Шайх Азизон (1564-1631) ўзининг «Ламаҳот мин нафаҳотул-қудс» («Муқаддас хушбўйликлардан лаҳзалар») асарида Ҳаким ота ва унинг фарзанди Ҳубби Хўжа ўртасида содир бўлган воқеалар тўғрисида қизиқарли маълумотларни келтириб ўтган:

«Эй менинг азизим, билгилки азизлар сўзларидан қисқа қилиб олгинки Ҳаким ато қуддуса сирроҳу зоҳирий ва ботиний илм соҳиби эрдилар. Парча нақл борки, 30 минг ҳикмат шарият илмида, 30 минг ҳикмат тариқатда, 30 минг ҳикмат ҳақиқат илмида у кишидан аён бўлган экан. Ҳаким ато Ҳазрат Султон (Аҳмад Яссавий)нинг комил асҳобларидандурлар. Бу олий силсила у кишига бориб етади.

Нақл қиладилар, Ҳазрат Султоннинг ер ости уйлари торлик қилиб қолар эди. Шунда, – Ҳаким бу уйни кенгайтир, – десалар елкалари билан ишора қилсалар кенг бўлиб, ҳамма халойиқ сизар эдилар. Нақл қиладилар, Ҳаким атонинг азиз хотираларидан шу кечибдики, кўпчилик

¹⁷⁷ Абдусаломов Т., Ортиқов А., Турсунов Т. Дарё одамлари. – Ф.: «Фарғона», 1999. 69-б.

¹⁷⁸ Саксонов Т. «Муқаддас» жойлар – хурофот ва бидъат ўчоғи. –Т., 1984. 39-б.

халқ иршод мақомига етишди. Бу камина қолди. Шу пайт Ҳазрат Султон буюрдилар: «Биз истар эдикки, ҳаётлик чоғимизда бир бўлсак вафотимиздан сўнг бир жойга дафн қилинсак. Энди сизларга рухсати қўл бердик, халифа қилдик. Энди сиз Хоразм вилоятига бориб толибларни тарбия қилинг». У кишини бир туяга миндириб, шу туя қайси жойга чўкса, ўша жой сизнинг манзилингиздур. Ҳаким ато ўша вилоятга бир подшоҳнинг қўриғига тушдилар. Бир одам ўша қўриқда эди. Бир чўп олиб туяни уриб турғизмоқчи бўлди. Шу ондаёқ унинг қўли қуриб қолди. У шайх подшоҳ ҳузурига бориб бу аҳволни баён қилди. Подшоҳ бу киши ҳузурларига келиб тавба қилиб, қизини, яъни Анбар онани бу кишига никоҳлаб берди.

Ҳубби Хўжа қуддуса сирроҳу туғилдилар. Нақл борки Ҳубби Хўжа камолатга етган чоғлари ажойиб гаройиб ишлар у кишидан зоҳир бўлди. Шу жумладан озгина вақтда узоқ масофани босиб ўтишдур. Нақл қиладилар, Ҳаким ато Анбар анога дебдилар: «Сенинг ўглинг Ҳубби Хўжа яхшими менинг ўғлим муридим Занги атоми?».

Чунки мурид пирнинг фарзандидур, балки айни пирдур...

Ўша пайтда Занги ато Тошкентда бўлганлар. Ҳубби Хўжа эса Туркман вилоятида бўлган эканлар, у жой бир ойлик йўл экан. Шу чоғ Ҳаким ато “Ё Занги” деб чақирдилар. Занги ато дарҳол ҳозир бўлдилар. Анбар ано уч марта чақирганларида Ҳубби Хўжа пайдо бўлдилар.

У кишидан кечикиш сабабини сўраганларида: «Экин учун уруғ сепайтган эдим» деб жавоб берибдилар.

Нақл қиладилар, бир савдогар Ҳаким ато ҳузурларига бир нафис бир дастар олиб келиб, назр қилибди ва бу дастар Хўжа Ҳубби ҳазратларига назр қилинди дебди. Бизнинг кемамиз дарёда гарқ бўлаёзганда у кишига назр атадик ва у ажалдан қутилдик. Ҳаким ато Хўжа Ҳуббидан сўрадилар. Бу кема аҳли бандадин ёрдам сўрадилар. Бир тасмани дарёга отиб кемани тортишди. Кема аҳли саломат қолдилар. Ҳаким ато гайратга келиб айтдилар. Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди. Ҳубби Хўжа айтдилар: «Шохини синдирса қайнайди». Шундан кейин у киши ҳузурларидан чиқиб ўз ҳужраларига кириб, ичкаридан зойиб бўлиб кетган эканлар. Ўшандан буён шаҳбоздан ном нишон йўқ»¹⁷⁹.

«Ламаҳот»да келтирилган маълумотлар юқорида таъкидлаганимиздек, асрлар мобайнида ўзгаришларга учраган. Бу

¹⁷⁹ Муҳаммад Олим Шайх Азизон. Ламаҳот / Таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи К.Каттаев. –Т.: «Фан», 2007. 57-58-б.

ҳолат «Ҳаким ота» китобида ҳикоят қилинган воқеалар баёнида ҳам ўз ифодасини топган. Шу сабабдан биз имкон борича қуйида матнни қисқартирмаган ҳолда беришни лозим кўрдик.

«Бўғраҳоннинг Анбар отлиғ соҳибжамол қизи бор эрди. Ул қизини Ҳаким отага ниёз тортмоқ учун маслаҳат кўрди. Ва қизлари қабул бўлдилар. Ул Анбар отлиғ қизини олиб, теваларни тевачи, бирлан, қўйларни қўйчиси бирлан, йилқиларни йилқичиси бирлан, барча мол-товарларини Бўғраҳон келтуриб, Ҳаким отага мурид бўлдилар. Ва тақи халойиқлар кундан-кунга йиғила бошладилар. Ҳаким отанинг шуҳрати халқ орасида машҳур бўлди. Ул ерда манзил-мақом ораста қилдилар. Ап тақи ул ерга Боқирғон отини бердилар. Ҳаким отанинг манзил-мақомини эмди Боқирғон деюрлар.

Нақл қилибтурларким, Анбар онадин уч ўғул бўлди. Улуғининг оти Маҳмуд Хожа, андин кичик ўғлининг оти Асҳар хожа, андин кичик ўғлининг оти Ҳубби Хожа эрди, аларни Худо таоло раҳмат қилсин...

Нақл қилурларким, Ҳубби Хожа отаси қошинда эрди. Ҳубби Хожа раҳматуллоҳнинг бир қора тупчоқ (чопқир) оти бор эрди. Ва тақи икки қора този ити бор эрди. Ҳар кунда кийик овлаб, тупчоқ отига юклаб келтуруб, оталарига ниёз қилур эрдилар. Ҳар кун одатлари бу эрди. Ҳаким Хожа Ҳубби Хожанинг мундоғ сиёсат бирлан юрганин кўриб: «Менинг бу ўғлум дарвиш бўлмаин асапой (сипоҳий) бўлур, хаёли бор бўлғай», деб ўйлар эрди.

Нақл қилурлар, Хивақ вилоятинда Тўра деган ердин келиб Шайх Соат Хожа Ҳаким отага мурид бўлди. Тариқат йўлининг адабларин забт қилди. Ҳақдин назар-раҳмат тобди. Ҳаким отадин улуш олди. Ҳаким ота ҳақиқат кўнгул бирлан Шайх Соат Хожани ўғул ўқунди. Улуш бериб, Тўра деган ерга кенду мақомига борди. Асл Тўранинг фарзанди эрди. Тўра деган Хивақ кентлардин бир кент эрди. Алқисса, кунлардан бир кун Ҳаким ота раҳматуллоҳ Анбар онага: «Ё Анбар, бу шайх Соат зот ўғлимуз турур. Ҳубби Хожа нафс ўғлумуз турур. Буларнинг қаюсининг иши тамом бўлуб комиллик тобмиш эркан, синолинг. Ҳар иккисин отларин тутуб чорланг. Қаюси унумизни эшитиб замон ҳозир келса, Тангри даргоҳингда ишлари комиллик топиб, мурод ҳосил қилмиш бўлғайлар», деб кенгаш қилдилар.

«Аввал зот ўғлумиз шайх Соатни чорлалинг», деди. Ул зот

ўлтурмуш ерларидин: «Ўғлум Соат, ё ўғлум Соат», деб уч қатла чорлади. Филҳол шайх Соат Хожа: «Лаббайка подшоҳим», деб эшикдин кириб келдилар. Ҳақим отага: «Ассалому-алайкум, ё азиз ота», деб салом қилдилар. Ҳақим ота раҳматуллоҳ: «Ваалайкум ассалом, ё ўғлоним шайх Соат», деб жавоб ёрлақадилар. Ул замонда кўрсалар шайх Соат Хожанинг этакинда нарса бор турур. Ҳақим ота айдилар: «Ҳой ўғлум, шайх Соат. Қайда эрдинг, қайдин келурсан? Этакинда на нимарса турур? деб сўрдилар. Шайх Соат Хожа эрса узр қилдилар: «Эй азиз ота, мен Тўра еринда мош уруғин сочар эрдим. Сизнинг овозингиз қулоғимга етишди, эрса мунда ҳазратингизда ҳозир бўлдум. Этагимдаги мош турур», деб жавоб бердилар. Ва тақи Тўра ери бирлан Боқирғоннинг ораси ўн беш кунлук йўл эрди. Ўн беш кунлук йўлдин шайх Соат Хожа турфат ул-айн (кўз очиб юмгунча) ичинда келди, ҳозир бўлдилар. Ҳақим ота шайх Соат Хожадан хушнуд бўлдилар. Фотиҳа ўқуб, дуо қилиб, шайх Соат Хожага ижозат берди.

Шайх Соат Хожа яна турфат ул-айн ичинда Тўра ерига бориб, ишга машғул бўлдилар. Шайх Соат Хожанинг каромат вилояти кўп турур, аммо мунда мухтасар қилдук ва андин сўнг ул улуғ зот ўлтирмиш ерлариндан ўғли Ҳубби Хожанинг отин тутиб: «Ё Ҳубби, ё ўғлум Ҳубби!», деб уч қайта чорладилар. Ҳубби Хожа келмади. Анга кўнгли совуқти. Вале бул нидо Ҳубби Хожага кечрак етти, овламиш кийикларни келтуруб Ҳақим отага ниёз торттилар ваҳки Ҳақим ота эрса ниёзин қабул қилмади. Ҳубби Хожа айдилар: «Эй бобо, ниёзимизни нетак қабул қилмассиз? Менда на тақсирлик (камчилик) кўрдингиз?».

Ҳақим Хожа раҳматуллоҳ айдилар: «Эй ўғлум Ҳубби. Мен ўғлум шайх Соатни чорладим эрса ўғлум Соат Тўра ериндин турфат ул-айн ичинда келди. Тақи сени чақирдим эрса, Боқирғон саҳролариндин кечукуб келурсан. Ул сабабдин кўнглум паришон бўлуб турур». Ҳубби Хожа раҳматуллоҳ эрса: «Эй бобо. Муҳит тенгизида икки кема ғарқ бўлуб боратур эрди. «Ё Ҳубби. мадад истеъонат?», деб чорладилар эрди. Мен анда бориб, Тангри таолонинг инояти бирлан ул кемаларни тенгиздин тортиб чиқордим. Овозингиз қулоғимда анда етишти, аммо бу сабабдин кечурак келдим», деб узр қилдилар. Аммо Ҳақим Хожа бу сўзга инонмадилар ва айдилар: «Эй ўғлум, сўзни андоғ сўзлаким киши инонсун. Сен қайда Муҳит дарёси қайда». Ҳубби

Хожа эрса: «Эй бобо, агар инонмасангиз ўша бўйнушни кўринг», деб кема тортқон яросин кўрсатти. Боқсалар бўюнлари кўб-кунгак бўлмиш. Ва яна айди: «Агар мунга инонмасангиз ул кема аҳли менга ўн минг олтин ниёз атаб турурлар. Беш ойдин сўнг ниёзни келтуруб бизга тортарлар!».

Ҳақим ота ҳеч нарса демади. Қачон беш ой тамом кечди эрса, ул ким эрсалар ўн минг олтин ниёзни келтуруб Ҳубби Хожага тортдилар ва ҳам ўзлари мурид бўлдилар. Фарю кўтариб (шовқин солиб), йиғлашиб барчаси Ҳубби Хожанинг азоқига (оёғига) туштилар. Ҳақим ота раҳматуллоҳ Ҳубби Хожадан мундоғ кароматни кўруб, таажжубда қолдилар. Ботинида айдилар: «Ажаб бу ўғлумдин мундоғ каромат вилоят зоҳир бўлатурур, барчаси чун Тенгри таолога минг-минг санолар бўлсин!».

Нақл қилубтурларким, Ҳақим ота раҳматуллоҳ тонг намозининг суннатин уйда ўқиб, фарзни Каъбада бориб ўқир эрдилар. Кунлардан бир кун Ҳубби Хожа раҳматуллоҳ сўрдилар: «Эй бобо сиз эрта намознинг суннатин мунда ўқирсиз, фарзинда йўқ бўлурсиз. Фарзни қайда ўқирсиз?». Ҳақим ота эрса айдилар: «Эй ўғлум, фарзни Каъбада ўқирман».

Ҳубби, Хожа айди: «Эй бобо Каъбага борурсиз, машаққат тортарсиз. Каъбани мунда келтуруб бўлмасму?». Ҳақим Хожа айдилар: «Эй ўғлум, ҳар киши Каъбага бориб Каъбани анда тобса, ул ҳам улуғ даража, мартаба турур. Каъбани келтурмакка улуғ қудрат-қувват керак!». Ҳубби Хожа айдилар: «Эй бобо, эранларда агар эътиқод комил ва ҳикмат баланд бўлса, Каъба ўзи келгай». Ҳақим Хожа айди: «Эй ўғлум, бизда бу қудрат йўқ. Агар сизда бўлса кўралинг». Алқисса, ул кеча Ҳақим Хожа раҳматуллоҳ субҳи содиқда туруб тонг намозининг суннатин ўқур учун келдилар. Ҳубби Хожани боқсалар масжидда турур кўрдилар. Ва яна барча Каъба эранларин ҳам кўрдилар, Ҳубби Хожани тавоб қилурлар. Каъба муаззимининг муборак ҳалқаси меҳробнинг устунда турур. Ҳақим ота ҳалқаи муборакни тавоб қилдилар. Ул кун Каъба эранлари бирла жамоат бўлуб, тонг намозини қилдилар. Ва тақи барча Боқирғон эли келиб масжидга, хонақоҳига кирдилар. Каъба муаззимининг муборак ҳалқасини тавоб қилдилар. Ва тақи Ҳубби Хожани тавоб қилдилар. Барча Боқирғон жамоати келиб Ҳубби Хожага мурид

бўлдилар. Намози ушроқ ўқуғондин сўнг Каъбаи муаззим Каъба эранлари бирлан ғойиб бўлди. Ул кун бу кароматларни кўруб Ҳаким Хожанинг кўнглина кивинчилик пайдо бўлди, деюрлар.

Нақл қилурлар, кунлардан бир кун Ҳаким отанинг муридлари йиғилиб келдилар. Тўққуз ўкуз (хўкиз) ўлтирдилар. Зикр ва самоъ қурилди. Элга даъват бердилар. Ҳубби Хожа ҳозир йўқ эрди, овга бориб эрди, улуш қўймадилар. Ҳубби Хожа келдилар. Овламиш кийикларни келтуруб Ҳаким отага ниёз қилдилар. Ва тақи таъзим бирлан ўлтуруб оталарига сўз айдилар: «Эй бобо, муридларингиз келмиш. Тўққуз ўкуз ўлтирмишлар. Барча улуғ-кичик улуш олмиш. Бизга улуш қўймамишсиз. Бизда не тақсирлик кўрдингизлар?». Ҳаким Хожа айди: «Эй ўғлум, эранлар иш қилдилар, улуш олдилар. Сен ҳам иш қилсанг, улуш олгай эрдинг».

Ҳубби Хожа эрса: «Иш қилсак барча улушни тенг қилгай эрдук», деб ғайрат бирла турди. Отасининг муридларига овоз бирлан айди: «Ўлтурмиш ўкузларнинг терисин келтуринглар». Муридлар равон ўлтурмиш тўқуз ўкуз терисин Ҳубби Хожанинг олдинда қўйдилар, Ҳубби Хожа раҳматуллоҳ қибла сори қадам босиб, қўлун муножотга кўтариб, муножот қилди. Тақи асоси бирла ўкузлар терисин урдилар ва айди: «Эй, жониворлар, тез қўбунг, Тангри таоло ёрлиғи бирла!». Бу ишорат бирла эрса, тўққуз ўкуз барчаси мунграшиб, қўпо келдилар. Ҳубби Хожа айдилар: «Эй бобо, биз иш қилдук, эмди барча эранлар улушни тенг олсунлар». Бу ҳикматни кўриб, отасининг муридлари барчаси келиб ғарю кўтариб, йиғлашиб Ҳубби Хожанинг азоқига туштилар. Ва тақи барчалари инобат қабул қилиб, мурид бўлдилар. Бу ишларни кўруб Ҳаким отага ғайрат асар қилди ва: «Эй ўғлум, икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас. Ё сиз, ё биз», деб нафас тортти. Ҳубби Хожа бу сўзларни сир-маъносин билди ва: «Эй бобо, ҳар ойна (одат) сўзлар аро машхуртур. Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас, сиғмас. Вале мунгузи (шохи) бирлан бўлса, Агар мунгузларин қайтарса, уч қўчқорни боши ҳам бир қозонга сиғар эрди. Ҳар ойна ул нафасни бизга тортдингиз. Хуш қолинг, биз боралиғ бобо», деб йиғлаб чиқтилар. Аноси Анбар, анонинг қотига (хузурига) кирдилар. Аносиндин баҳиллик

(кечиришини) тиладилар. Ва тақ назр-ниёз Ҳубби Хожага беҳад келур эрди. Барчасин дарвишларга Ҳақ ризоси учун сарф қилур эрди. Ва тақи айди: «Эй ано, ҳар йигитнинг бошига иш тушса, бизни шафеъ келтуруб эътиқод бирлан ёрдам тиласа, анга ҳозир бўлуб, мадад етиштируб эрдим...Эмди ғойиблар оламинда сафар қилурман. Хуш қолинг, Эл-улуста мендин салом айтгил, тақи дуо бирлан ёд қилсун».

Аноси бу сўзни эшитти эрса, Ҳубби Хожани қучуб тазарру бирлан зорлик қилиб йиғлаб: «Эй, кўзум ёруғи ва эй, жоним пораси, эй, бағрим кесаки, азиз ўғлум, сенсиз нетак қилгаймен. Сени кетгали қўйғум йўқ», деб жазоё-фазоё қила бошлади эрса, Ҳубби Хожа раҳматуллоҳ айди: «Эй ано, сиз мени қўюнг. Эшиқда туринг». Аноси Ҳубби Хожани қўюб: «Сени кетгали қўймайман», деб эшиқда турди. Ҳубби Хожа кафанакни (чакмон) кийиб хужранинг ўртасига келиб ўлтурди. Кафанакни чизиб, бошига бурқанди ва: «Эй ано, эмди менинг учун кўб йиғламагил. Агар атом мендин оғриди эрса хушнуд бўлсун. Хўш, сизга юрт қутлуғ бўлсун, бизга йўл қутлуғ бўлсун», деб кафанак остиндин ғойиб бўлди. Кафанак ул ерда қолди. Анбар ано кафанакни кўтариб, юзун уруб, фарёд кўтариб йиғлаб Ҳаким отанинг қошига кирди, Бу ҳолдин хабар берди. Ҳаким Хожа раҳматуллоҳ ҳам йиғлай бошлади. Неча йиғласалар бўлмадилар. Ҳубби Хожанинг ғойиб бўлғонин эшиттилар. Улуғ-кичик эл кун ғарю кўтариб йиғлаштилар. Ҳаким Хожа улуғ қайғулук бўлди. Кўб вилоятларга сўроғлар солиб, истаб тобмадилар»¹⁸⁰.

Келтирилган маълумотлардан маълум бўлмоқдаки, «Ҳаким ота китоби»да нақл этилган ҳикоятлар юқорида таъкидлаб ўтганимиздек даврма-давр ўзгаришларга учраган ва у Марказий Осиёнинг турли ҳудудларида бошқа-бошқа вариантларда нақл этилган.

Айтиб ўтиш жоизки, Ҳаким ота ва Эр Ҳубби билан боғлиқ ривоятларнинг кўп вариантлигининг ўзига хос жиҳатларидан бири – оддийлик, яъни кишиларни ўзларига муносиб бўлган тарихни

¹⁸⁰ Ҳаким ота китоби (Сулаймон Боқирғоний ҳақида рисола) / Эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва луғат муаллифлари: Жабборов Э., Жабборов Х. Қарши.: «Насаф», 1993. 15-20-б.

истаганликларидир¹⁸¹. Шу сабабдан ҳар бир ҳудудда Ҳаким ота ва Эр Ҳубби билан боғлиқ ривоятлар турли тарзда нақл қилиб келинган.

Ҳубби образи билан боғлиқ бундай мифологик тасаввурлар ўзбек халқ дostonларида ҳам ўз аксини топган. Масалан, «Муродхон» дostonида тасвирланишича, қаҳрамон «Кемачининг пири ё, Ҳубби бобо, энди ўзинг биласан, бу жонимни сенга топширдим!», деб солни миниб, ададсиз сувга кириб, қайиқнинг жиловини бўшатиб кета беради¹⁸².

«Баҳром ва Гуландом» дostonида ҳам¹⁸³:

Кемачилар Эр Ҳуббим деб йиғлашар,
Кемаси бузилиб, солдан айрилса,
Ҳаммаси йиғилиб бўлар парвона,
Уяси бузилиб, болдан айрилса, –

деган мисралар мавжуд¹⁸⁴. Ана шу далилларнинг ўзи қадимги мифологияда Эр Ҳубби ёки Ҳубби бобо кемачилар пири сифатида ҳам тасаввур қилинганлигини кўрсатади¹⁸⁵.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, юртимиз ҳудудида Эр Ҳуббининг қадамжолари ва мозори сифатида эътироф этилган жойлар талайгина. Масалан, элшунос олим Г.П.Снесаревнинг ёзишича, Хоразмнинг Хонқа туманидаги Дурғадик деган жойда Ҳуббининг мозори сифатида машҳур муқаддас қадамжо мавжуд бўлган¹⁸⁶. Ривоятларга кўра, Султон Ҳубби Хонқанинг балолардан даф қилувчи балогардони ҳисобланган. Нақл қилишларича, Хонқадаги қадимдан маҳаллий аҳоли томонидан эъзозлаб келинган даранғи дарахти ҳам Эр Ҳуббининг ҳассасидан кўкариб чиққан эмиш¹⁸⁷.

Эр Ҳуббига оид Хоразмд афсоналарида «Жамшид тахтга ўтирган вақтдан бошлаб, Ҳубби дом-дараксиз ғойиб бўлганлиги»

¹⁸¹ Абдулахатов Н.У. Место паломничества в жизни населения Ферганской долины (по материалам святых мест Ферганской вилоята). Автореферат. 2008. С.18.

¹⁸² Муродхон. Ўзбек халқ ижоди. –Т., 1965. 74-б.

¹⁸³ Жўраев М., Саидова Р Бухоро афсоналари...18-б.

¹⁸⁴ Баҳром ва Гуландом. Ўзбек халқ ижоди. –Т., 1986. 92-б.

¹⁸⁵ Кнозоров Ю.В. Мазар Шамун-наби (Некоторые пережитки домусулманских верований у народов Хорезмского оазиса) // СЭ. 1949. №2. С.95.

¹⁸⁶ Снесарев Г.П. Реликты домусулманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М., 1969. С. 255.

¹⁸⁷ Левтеева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории, религии и культуры в Узбекистане. –Т.: «Ўқитувчи», 1994. С.71.

таъкидланади. Зеро, Ҳубби образи зардуштийликдан аввалги даврлардаги мифологик тасаввурлар маҳсули бўлиб, афсоналарнинг сюжет силсиласида турли даврларга оид диний-мифологик қарашларнинг изларини кўриш мумкин. Исломиятдан кейинги даврларда яратилган афсоналарда эса Ҳуббининг мўъжизалари ва сирли йўсинда ғойиб бўлиши мотивлари ривожлантирилган. Қолаверса, денгизда ғарқ бўлаётганларни қутқаришдек Эр Ҳуббига хос фазилатлар бошқа бир авлиёларга жумладан Бургут бобо образига¹⁸⁸, унинг йигитларга ҳомийлик вазифаси эса ҳазрат Алига ҳам нисбат берилган бошланган¹⁸⁹.

Келтирилган маълумотларга кўра, Эр Ҳуббининг ғойиб бўлиши мавжуд ривоятларда турлича талқин этилади:

1. Эр Ҳубби – Йигит пирим қирга кириб ғойиб бўлади; Чўнғара зиёратгоҳидаги ривоятга кўра (Фарғона варианты).
2. Эр Ҳубби – Йигит пирим сувга кириб ғойиб бўлади; Сулаймон Боқирғон мозорида ривоятга кўра (Хўжанд варианты).
3. Эр Ҳубби қушга айланиб ғойиб бўлади (Хоразм варианты).¹⁹⁰

Айтиб ўтиш жоизки, Эр Ҳуббининг ғойиб бўлиши ҳақидаги мифологик қарашлар халқ дostonларида ҳам ўз аксини топган. «Ошиқ Маҳмуд» достонида Ҳубби ғойиб бўлган авлиё сифатида тилга олинади:

Оди Али саккиз жаннат гулидир,
Тирик ғойиб Султон Ҳубби валидур¹⁹¹.

Сирли равишда ғойиб бўлиб қолган Ҳуббини хоразмликлар Ғойиб ота деб ҳам аташган.

Афсона ва ривоятларда Эр Ҳуббини уйланиб фарзанд кўрганлиги ҳақида маълумотлар учрамайди. Алишер Навоийнинг баён этишича, Ҳубби Хожа йигитлик даврида дунёдан ўтган:

«Ҳубби Хожа - мавлиди Хоразм вилояти ва навоҳисидиндур. Анинг авсофи турк ва ўзбек халойиқи орасида андин кўпрак ва

¹⁸⁸ Басилов В.Н. Культ святых в исламе. –М.: «Мысль», 1970. С. 29.

¹⁸⁹ Абдулаҳатов Н., Ғозиев Т., Тўхтабоев И. Шоҳимардон зиёратгоҳи. – Ф.: «Фарғона», 2009. 69-б.

¹⁹⁰ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Н. Йигит пирим – Эр Ҳубби зиёратгоҳи. – Ф.: «Фарғона», 2010.

¹⁹¹ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв. №1427. Айтувчи: Юсуф Жуманиёзов; ёзиб олувчи: Ф.Султонова. 28-б.

машхурроқдурки, шарҳга ихтиёжи бўлмай. Йигитликда ўтубдур. Йигитлар сарвари Хубби Хожа дерлар»¹⁹².

Гарчанд ривоятларда ҳам Хубби Хожа уйланмай йигитлик даврида ғойиб бўлганлиги таъкидланса-да, бироқ айрим кишилар бу ҳолатни инкор қилиб келганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Масалан, XIX асрга келиб, Эр Хубби номи билан боғлиқ зиёратгоҳларнинг назр-ниёзига эғалик қилувчи шайхлар ўзларини Эр Хуббининг авлоди эканликларини таъкидлаб, бу борада турли насабнома ва ҳужжатларни ҳам рўкач қилганлар. Ушбу ҳужжатларга кўра, улар ўзларини Эр Хубби авлоди деб эътироф қилганлар.

Масалан, худди шундай ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланади. Ушбу ҳужжат 1884 йили Фарғона вилояти ҳарбий генерал губернаторининг номига Умархўжа Муҳаммадхўжа ўғли томонидан ёзилган. Қуйида ушбу ҳужжат матнини ҳавола этамиз:

**Фарғона музофотининг бош ҳокими, губернаторимиз
жанобларига**

1884 йил

Ушбу илан маълум қиламанки, ариза қилгучи Умархўжа Муҳаммадхўжа ўғли тошкандлик Қурама уезд ҳокимига қарагон Занги ота қишлоқда тургучи ҳазрат Ҳаким ота ва Анбар онанинг авлодлари алҳол шарият ҳукми билан ва ҳам Тошканд бош ҳокими жанарал (генерал) губернаторининг фармойишлари билан мазкур Анбар она мазорига мутавали бўлиб тургучидурман. Ушбу ҳақда қўлумда шажара ва васиқа шариха ва ҳам биринчи Ўрусия маҳкамаларинда бош ҳоким фармойишлари билан сўралгон бир буйруқ хатларим бор.

Ушбу сабабини Хўқанд уезд ҳокимига қараган Кенагас волостига тобеъ Олмурод деган мавзеда ҳазрат Эр Хуббини мазорлари бор. Мазкур мазорларни ўғуллари мени улуғ бобом бўлурлар. Шарият ҳукми билан мазкур мазор менга таълуқ тобгон сабабли Эр Хубби мазорларида тургучилар авлодлар эмас деб, Хўқанд уезди ҳокимига ариза бериб, қишлоқ қозиларини ҳокимимизни буйруқлари билан саёз қилдируб, икки тарафдин авлодлик тўғрисидин шажара ва васиқа шариха талаб

¹⁹² Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Ўн бешинчи том.–Т.: «Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти», 1968. 155-б.

қилгон ҳолда мазкурлардин шажара ва васиқа чиқмади. Аммо мени мазкурдин ҳам авлодлик тўғрисидин қозилар шажара ва васиқа талаб қилгонларинда шажара ва васиқа шариъа ва ҳам Ўрусия маҳкамаларидан мени нақтимга чиққан буйруқ, хатлар ҳозир қилдим.

Мазкур қозилар мени билан Эр Хубби мозорида турғучи кишиларни айтқон сўзларимизни ва кўрсатқон хатларимизни тазкира қилиб беш қишлоқ қозилари хат ёзиб, муҳрларин босиб, икки тарафга ҳам бердилар. Шариат ҳукмига қараганда, Эр Хубби бобомни мозорларини тамоми назарот-ларини қозилар менга тасдиқ қилмоқлари лозим бўлуб эрди. Аммо қишлоқ қозилари мени алдаб, менга билдурмасдан ҳокимга рапўт қайтарубдурлар.

Мазмунни шулки, бешажара ва бевасиқа гайр авлод кишиларни: Эшонхўжа ва Иброҳимхўжа Аҳмадхўжа ўратефалик ўғлини, Исҳоқ қирғиз Эшимқул ўғлини, Эгамберди ўзбек жамоасидан Каримберди ўғлини қишлоқ қозилари мени авлодимга баробар қилиб, мени ўз мазоримга бешдан бир мутавали қилиб, бешдан бир назр-ниёз олсун деб мазкур ҳокимимиз қозиларни қилгон ҳукмларига мувофиқ буйруқ чиқардилар. Мен ушбу буйруққа рози бўлмай бошқа қози сўраб, мазкур иккимизга ариза бердим. Анга жавоб чиқмай қолди. Наилж ҳайрон бўлиб қозиларни қилгон тазкираларини қўлумга олиб, Хўқанд уламоларига ружу қилиб ривоят олдим. Шу мазмундаки, авлод кишиларни соҳиби шажара ва васиқани кишига шерик қилгонлар нодуруст деб.

Мазкур ривоятимни олиб бориб Тошканд уламолари ва қозиларига манзур қилдим. Тўрт қозилар, Тошканд, Қурама қозилари, аълам ва муфтийлар мазкур Хўқанд қишлоқ қози-ларини бешажара, бенасаб, бехужжат шаъри одамларни менга баробар қилиб, ҳукм қилгонларини нодурустликга кўп масалалар айтиб, муҳрларин босиб бердилар.

Эндиликда сиз адолатли бош ҳокимимиздан умид қиламанки, мени мазкур ҳужжатларимни ва мени мазкур мазорда турғучи ҳиссаларимни қўлларидин нечук хатлари бўлса олдуруб, ўзлари инобатларга олгон холис қозиларига тобишуруб, мазкур қозилар шариат ҳукмини сиз адолатли бош ҳокимимизга маълум қилгонларидан сўнгра мени ўрун ва жойларимни тамоми ҳақларимни зое қилдируб, олдируб бермоққа бир буйруқ қилсангиз деб.

Менки мусофир малолик келтурмасам, арзи бечораман сиз соҳиби шавкатга умид тугтиб, арз қилиб имзо бостум¹⁹³.

¹⁹³ЦГА Уз, Фонд № И -19. Оп. 1. Д. 212. л.3

Мазкур хатнинг мазмунига кўра, Умархўжа Муҳаммад-хўжа ўғли Фарғона худудида жойлашган Эр Хубби мазорларига зиёратчилардан келиб тушадиган назр-ниёзларга тўла эгаллик қилиш ҳуқуқини қўлга киритмоқчи бўлган. Шу боис Эр Хубби авлоди эканлигини тасдиқловчи шажара васиқаларни Қўқон қозиларига тақдим этган кўринади¹⁹⁴. Шу ўринда яна бир маълумот.

Элшунос олим С.Абашиннинг келтирган маълумотларига кўра, Занги ота авлодидан бўлган Умархўжа Муҳаммадхўжа ўғли дастлаб Самарқандда яшаб, 1870 йили Тошкентга оиласи билан кўчиб келади. Шундан сўнг Умархўжа Занги ота мазори шайхларини Занги отанинг сохта авлодлари эканлигини ва уларни мазорга тушаётган даромадни ноқонуний тарзда ўзлаштираётганликларида айблайди. Умархўжа аслида ҳақиқий Занги отанинг авлоди ўзи эканлиги айтиб, бу тўғрисида қозиларга муурожаат қилади. Натижада қозилар ҳукмига кўра, Занги ота ва Анбар онанинг авлоди бўлган Умархўжага фақат Анбар она мазоридан тушадиган даромадни олишга рухсат берилади¹⁹⁵. Ушбу маълумотдан кўринадики, Умархўжа нафақат Тошкент худудидаги балки Фарғона водийсидаги Анбар она ва унинг фарзанди Эр Хуббининг мазорларига эгаллик қилишга ҳаракат қилган. Бу ўринда у бошқаларни ҳам Эр Хуббинини Занги отанинг фарзанди эканлигига тушунтиришга уринган дейиш мумкин.

Маълумки, Қуръонда номи зикр этилган пайгамбарлар ҳамда ислом оламидаги машҳур алломалар ҳаётида олиб борган машғулотлари туфайли вафотларидан сўнг ҳар бир ҳунармандчиликнинг ҳомий пирларига айланганлар. Бу ҳақда Усмон Турар қуйидагиларни келтиради: *«Тариқатларнинг валий пири бўлганидек футувват ташкилотиди ҳар бир маслак арбобининг пайгамбарлардан иборат пири бор. Чунончи, ҳазрати Одам – деҳқончилик пири, ҳазрати Шис – пахтачиларнинг пири, ҳазрати Идрис – тикувчи ва ҳаттотларнинг пири, ҳазрати Нух – савдогарларнинг пири, ҳазрати Иброҳим – сутчи ва дурадгорлар пири, ҳазрати Исмоил –*

¹⁹⁴ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Н. Йигит пирим – Эр Хубби зиёратгоҳи. – Ф.: «Фарғона», 2010.

¹⁹⁵ Абашин С. Занги-ота // Ислам на бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Том I. М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2006. С.150.

овчилар пири, ҳазрати Исҳоқ – чўпонлар пири, ҳазрати Зулфикил – нонвойлар пири, ҳазрати Лут – тарихчилар пири, ҳазрати Узайр – боғбонлар пири, ҳазрати Илёс – тўқимачилар пири, ҳазрати Довуд – темирчилар пири, ҳазрати Луқмон – ҳакимлар пири, ҳазрати Юнус – балиқчилар пири, ҳазрати Исо – сайёҳлар пири, ҳазрати Муҳаммад боғбон ва савдогарлар пири»¹⁹⁶.

Айтиб ўтиш жоизки, Фарғона водийсида муқаддас мазорлар турли касб ва хунар эгаларининг ҳомийлари сифатида аҳолининг ижтимоий ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Масалан, Фарғона водийсида ипакчиликнинг ҳомийси ҳазрат Айюб пайғамбар ҳисобланганлиги боис, ўзларини ҳазрат Айюб(а.с.) авлодлари ҳисоблаган кишилар ипакчилик билан шуғулланувчи аҳолининг дуогўйлари бўлиб, улар ипакчиларнинг назр-ниёзларини олишга ҳақли деб билганлар¹⁹⁷. Демак, шу сингари қарашлар Эр Ҳубби ва Анбар она мазориларига ҳам оид бўлиб, бундай ном билан аталувчи зиёратгоҳларга унинг авлодлари эгалик қилиш лозим, деган тушунчалар мавжуд бўлган кўринади¹⁹⁸. Акс ҳолда Умархўжа Муҳаммадхўжа ўғлининг Фарғона ҳарбий генерал губернаторига ушбу мазмунда хат ёзишига ҳожат бўлмас эди. Қолаверса, Эр Ҳубби мазорига зиёратга келувчилардан тушадиган даромад ҳажми анча катта бўлганлиги эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки, қишлоқ қозиларини Умархўжа Муҳаммадхўжага назр-ниёзларни бешдан бир қисмини тайин қилганликлари фикримизнинг яққол далилидир¹⁹⁹.

Айтиб ўтиш жоизки, Йигит пирим – Эр Ҳубби номининг келиб чиқиши борасида ҳам тадқиқотчилар ўртасида турли фикрлар мавжуд. Дастлаб нега Эр Ҳубби-йигитларнинг пири эканлиги хусусида тўхталиб ўтсак. Чунончи, XI асрнинг машҳур олими, тилшунос Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк»

¹⁹⁶ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: «Истиқлол», 1999. 97-б.

¹⁹⁷ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н, Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Ф.: «Фарғона», 2007; Синьцзян ва Фарғонада топилган мазор хужжатлари (факсимеле) / Тузувчилар: Аширбек Мўминов, Нодирбек Абдулаҳатов, Кавахара Яёи Токио чет тиллари университети, Осиё-Африка тил-маданияти тадқиқот институти.2007. №3.

¹⁹⁸ Мирхасилов С. К изучению реликтов доисламских верований у узбеков в дореволюционном прошлом // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Т.: «Фан», 1972. С.24.

¹⁹⁹ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Н. Йигит пирим – Эр Ҳубби зиёратгоҳи. – Ф.: «Фарғона», 2010.

асарида ҳар нарсанинг ёши «йигит» дейилиши таъкидланади²⁰⁰. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «йигит» сўзи қуйидагича изоҳланади: «1. Жинсий ва жисмоний жиҳатдан вояга етган эркак киши. 2. Эр киши, жасур одам, мард»²⁰¹. Шу ўринда «йигит» сўзи хусусида академик А. Қаюмовнинг фикрларига эътибор берайлик:

«Айрим шеърларда «йигит» сўзи тез-тез ишлатилиб туради. «Йигит» сўзи ҳозирги ўзбек тилида ёш, норгул, барно эркак киши маъносидадир. Аммо олдинлари «йигит» деганда ёш, кучга тўлган, баркамол гўзал бир инсон кўзда тутилган. Бу мазмунан тожик-форс тилидаги «жувон» билан маънодош. Чунки «жувон» сўзи форс-тожик тилида худди юқоридаги «йигит»ни англатади ва ҳам ёш эркак киши, ҳам ёш хотин-қизларга нисбатан ишлатилади.

Мен бир мўътабар ва билимдон кекса кишининг ўз қизи тўғрисида «опангизнинг йигитлик даври келган» деганларини ўз қулоғим билан эшитганман. (Бу гап тахминан XX асрнинг ўттизинчи йилларида бўлган эди).

Демак, «йигит» сўзи етуклик ёшига етган ўғиллар ва қизларга нисбатан қўлланилган. Модомики бундан 70-80 йиллар бурун ўзбек тилида «йигит» сўзи шундай маънога эга бўлган экан, бундан 5,5 аср бурун бу маънода кенгроқ ишлатилганлигини тасаввур қилмоқ қийин эмас»²⁰².

Бундан чиқди, ўтмишда Эр Ҳубби айнан ёш ва жасур бўлишдан ташқари баркамол гўзал инсон сифатида тасаввур қилинган. Бинобарин, Эр Ҳубби ҳазрат Алишер Навоий таъкидлаганидек «йигитлар сарвари», яъни йигитларга йўлбошчи бўлганлиги боис аҳоли орасида уни йигитларнинг пири деб эътироф этганлар. Шу жиҳатдан Эр Ҳубби Фарғона водийси халқлари орасида кўп ҳолларда Йигит пирим номи билан машҳур бўлган кўринади²⁰³.

Ў.Усмонов ўзининг «Ҳубби хожа ҳақида» номли мақоласида Ҳубби номи хусусида қуйидаги фикрни келтиради: «Ҳуб» - араб тилидан олинган бўлиб, севги, муҳаббат ва ишқ каби маъноларда қўлланилади. Ҳубби хожа деганда ҳам севикли ва Ҳақ ошиғи бўлган

²⁰⁰ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. III том / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. – Т., 1963.14-б.

²⁰¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I том. – М.: «Рус тили нашриёти», 1981. 347-б.

²⁰² Қаюмов А. Асарлар. 4-жилд. –Т.: «Mumtoz so'z», 2009. 301-б.

²⁰³ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Ҳошимов Н. Йигит пирим – Эр Ҳубби зиёратгоҳи. – Ф.: «Фарғона», 2010.

кишининг номи англашилади»²⁰⁴.

Ушбу келтирилган маълумотлардан кўринадикки, халқ оғзаки ижодида улкан қоматли Ҳубби образи билан боғлиқ қарашлар асрлар давомида ўзгаришларга учраб келган. Чунончи қадимги Эр Ҳуббига хос қаҳрамонлик мўъжизалари унга номдош авлиё йигитларнинг ҳомийси ҳисобланган Ҳубби хожага нисбатан берила бошлаган бўлса керак. Шу сабабдан Марказий Осиёнинг турли ҳудудларидаги мавжуд қадимги Ҳубби билан боғлиқ муқаддас жойлар Ҳаким отанинг фарзанди Ҳубби хожани номига кўчирилганлиги эҳтимолдан холи эмас. Бу ҳақда Ў.Усмоновнинг билдирган фикрлари диққатга сазовордир:

«Ҳубби хожа тимсолининг бу даражада идеаллаштирилишига сабаб, бизнинг назаримизда биринчидан, Ҳубби хожа қисқа ҳаёти давомида Хоразм элида кўп мурид тўплаб, катта обрўга эга бўлиб, афсоналарга айланиб кетганлиги. Иккинчидан, Боқиргон қишлоғининг бир неча мартаба сув босганлигидан жабрланган халқ юқорида айтилганидек сув ҳукмдори Ҳубби хожадан мадад сўрайди. Учинчидан маноқиб жанрини, хусусан Ҳубби хожа ҳақидаги ривоятларнинг кўп асрлик тарихий жараёндаги ўзгаришларининг таъсири»²⁰⁵.

Юқорида билдирилган фикрлар Йигит пирим, яъни Ҳубби хожа билан боғлиқ зиёратгоҳлар нима сабабдан юртимизнинг турли ҳудудларида мавжуд эканлигини аниқлашимизга бир мунча ойдинлик киритади деб ўйлаймиз.

Ҳамрак (Хамрак)

Кўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда **حمرک** – Ҳамрак (Ҳумрак, Хамрак) номи билан тилга олинади²⁰⁶.

1872 йилда Аҳмад Бобо қози калон²⁰⁷ томонидан чиқарилган ҳукмномада Ҳамрак (Хамрак) қишлоғидаги Абдулқодир Абдуллоҳ

²⁰⁴ Усмонов Ў. Ҳубби хожа ҳақида // Ўзбек тили адабиёти. 2002. №2. 42-б.

²⁰⁵ Усмонов Ў. Ҳубби хожа ҳақида // Ўзбек тили адабиёти. 2002. №2. 45-б.

²⁰⁶ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С.33, 142, 145, 159, 163, 167, 213, 214, 215, 220, 230, 266.

²⁰⁷ Қози калон пойтахт ва вилоят марказларидаги қозиларнинг ва қозихона ишларининг устидан назорат қилиб турган. Қозикалон йилига 800 ботмон ғалла ва 1200 танга пул олган.

ўғлининг ерлари билан боғлиқ маълумотлар келтириб ўтилган. 1872 йилда қозилар томонидан чиқарилган ҳукмномада Ҳамрак қишлоғидаги Пир Назар исми шахсга тегишли ерлар масаласида сўз юритилади. Худоёрхон ҳукмронлиги даврида берилган ҳужжатлардан бирида келтирилган маълумотларга кўра 1867 йили Марғилон ҳокими Султон Муродбек Мулла Абдурахмонга хонлик хизматида бўлган ҳарбий мулозимларнинг Ҳамрак қишлоғидаги мавжуд полиз экинларидан олинадиган танобона солиғини ярмидан озод этилганлиги ҳақида ёрлиқ берилган. Худди шундай мазмундаги ҳужжатлар Марғилон ҳокими Султон Муродбек томонидан Мулла Исмоил юзбоши²⁰⁸ ҳамда Мулла Исроил мирзога²⁰⁹ ҳам берилганлиги қайд этилган.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Ҳамрак қишлоғи Марғилон уездининг Ёзёвон волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 1806 нафар аҳоли истиқомат қилган²¹⁰

Маълумотларга кўра Ҳамрак қишлоғи аҳолиси қадимда аравасозлик, яъни арава учун керакли қисмларни тайёрлаш билан машғул бўлганлар. Чунки бу маҳалла ҳудудида қайрағоч турлари кўп бўлиб, бужун қайрағоч, қора қайрағоч, оқ қайрағочлар арава яшаш учун бирламчи материал ҳисобланган. Жумладан, ғилдиракнинг маркази кегайлар қадалган ва ўққа ўрнатиладиган қисми, яъни ғилдиракнинг гупчаги бужун қайрағочдан ясалган. Ғилдиракнинг тўғини, яъни ғилдиракнинг ташқи гардиши билан гупчагини қўшиб тутиб турувчи таёқсимон қисми, яъни кегайлари оқ қайрағочдан, ғилдиракнинг ўзи бўлса қора қайрағочдан ясалган. Бу ерда ясалган аравалар қўшни вилоятларга ҳам олиб кетилган.

Биз Ҳамрак аҳолисини қадимда аравасозлик билан шуғулланганлиги хусусида сўз юритар эканмиз ўз навбатида мазкур аравалар тўғрисида айрим фикрларни ҳам келтириб ўтишни жоиз деб билдик.

Бугунга келиб фақат суратларда кўриш ёхуд музейларда учратиш мумкин бўлган «Ўзбек арава», «Сарт арава» ёхуд «Қўқон арава» деб аталувчи арава ҳақида ёши улуг кишилар

²⁰⁸ Юзбоши – ҳарбий-маъмурий унвон, юз кишилиқ даста бошлиғи. Юбошига ҳар йили 80 пуд буғдой, 240 пуд жўхори (отлари учун), кимхоб чопон, салла, тўшак (ёки уч тилла), этик, пўстин, тўн-чакмон, 2 қўй, чой, (икки қадоқ), оқ (кўк) чой ва ҳар ойи 1 тиллаю 4 танга пул, яъни бир йилда 36 тиллага тенг маош олган.

²⁰⁹ Мирзо – хонлик даврида хат, ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланган.

²¹⁰ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 97.

сўзларидан ҳозир ҳам эшитиб қоламиз. Улар ўз хотираларида «Қўқон аравага тушиб» жумласини ширин хотиралар билан ёдга оладилар.

Ўтмишда Фарғона водийси Қўқон аравалари билан ҳам машҳур эди. Қўқон аравасини бошқа аравалардан афзаллиги шунда эдики, ғилдираги катта бўлганлиги сабабли кичик ариқлардан бемалол ўта оларди, ёмғир кунларида эса лой кўчалардан ботиб қолмасдан юрарди. Шу сабабдан Қўқон араваси нафақат бизнинг ҳудудларга, балки бутун Ўрта Осиё шароитига жуда ҳам мослашган эди. Қўқон от араваси 40 пуд юк кўтарган туя кўшилса, 60 пуд юк тортарди. Бу аравалардан яна дарёдан ўтишда паром сифатида ҳам фойдаланиш мумкин эди. Бу ҳақда рус тадқиқотчиси А. Миддендорф шундай ёзади:

«Бўкираётган Сирдарё атрофга бир верстга (чақирим)ча ёйилиб, ўз сувини мағрурона оқизиб турарди. Узунлиги 25 қадамга тенг бўлган қайиқ(паром) турли юк билан ва бизнинг отларимиз билан лиқ тўла эди. 12 та туялар бир-бирига яқин тиззалатиб қўйилган. Биз қиргоқдан сурилдик. Бир жуфт от қайиқ тумшугига боғланган бўлиб, сузиб кетаётган эди. Бизнинг оғир қайиғимизни тортиб сузаётган отлар чарчаган эди. Мен бу жониворларга раҳимдиллик билан қараб турганимда, диққатимни бир манзаравий воқеа жалб қилди. Ўз юкларини паромга чиқарган олтига аравакаш оёқларини кенг қўйиб аравалари билан бирга буюк дарё сувига ҳайдашди ва қайиққа ўхшаб қадимги давр араваикаларидек сузиб, биздан анча ўзиб кетишди. Аравалар тортиб кетаётган отларни мушкулани осонлаштирганга ўхшайди. Фақат битта от, эҳтимол кўкраги оғриётгандан, оқимга қийналиб бардош бераётган эди. Шунинг учун аравакаш ўзини сувга ташлаб суза бошлади ва ўзини боқиманд отига ҳам кўмаклаша бошлади»²¹¹.

Ҳозирда бизнинг кўзимизга бундай арава оддий бўлиб кўринсада, аждодларимиз Қўқон аравасининг ўзига хос афзалликлари туфайли кўплаб мукамал ишларни амалга оширишга эриша олганлар. Ўйлаймизки, ушбу маълумотлар ёшларимизда Қўқон аравасининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида айрим тасаввурга эга бўлишларига ёрдам беради.

Қишлоқ номини Ҳамрак (Хамрак) деб аталиши борасида қуйидагича тахминлар мавжуд. Ўтмишда қишлоқ кўчаси сертупроқ

²¹¹ Бу ҳақда қаранг: Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СПб., 1882.

бўлганлигидан ёғингарчилик кезлари аравалар юргада йўллар худди хамир сингари лой бўлиб кетар экан. Айнан шу сабабдан хамирли лой маъносида Хамрак деб аталган эмиш²¹². Қишлоқнинг номланиши хусусида тарих ўқитувчиси Маъмура Турғунова жумладан қуйидагиларни баён этади:

«Дастлаб бизнинг қишлоқ «Қизил лой» номи билан аталган. Кексаларимизнинг айтишларича, қадимда қишлоғимиз ерлари юмшоқ бўлган экан. Ер юмшоқлиги туфайли от туёқлари, одам оёқлари ботиб кетар экан. Шу сабабдан қишлоқ одамлари бу ерларни «Хамир лой», «Қизил лой» деб номлашган»²¹³.

Таъкид жоизки, ёзма манбаларда Хамрак ёхуд Хумрак деб аталувчи жой номлари юртимизнинг бошқа ҳудудларида қадимда ҳам мавжуд бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, машҳур биограф, тарихчи ва сайёҳ Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъонийнинг 1113-1167 йй.) «Китоб ал-Ансоб» («Насабнома») номли асарида бу ҳақда қуйидаги маълумотлар келтириб ўтилган:

«Хумрак Шош шаҳарларидан. Абу Ражо Муаммил ибн Масрур аш-Шоший ал-Хумракий шу шаҳардан. Бу киши бобом Абу Музаффар ас-Самъонийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 516 (милодий 1123) йили Марвда вафот этганлар. «Наҳру розиқ» қабристонида дафн қилинганлар»²¹⁴.

Таъкид жоизки, маҳаллани «Қизил лой» деб аталиши билан Хамрак сўзида боғлиқлик борга ўхшайди. Чунки араб тилида «Хумро», «Ҳамро» сўзи қизил рангни англатади²¹⁵. Бизнингча, Хамрак номи ҳамро – қизил ва рек(рег) – қум сўзларининг бирикуви асосида юзага келиб, дастлаб қизил қум ёхуд қизил лой маъносини англатган бўлиши ҳам мумкин.

²¹² Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинининг Хамрак маҳалласида яшовчи Муродилжон Мадиевдан (1939 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²¹³ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинининг Хамрак маҳалласида яшовчи Маъмура Турғуновадан ёзиб олинди.

²¹⁴ Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий ас-Самъоний. Насабнома (Ал-Ансоб). Бухоро.: «Бухоро» нарийети, 2003. 204-б.

²¹⁵ Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат / тузувчилар: Шамсиев П., Иброҳимов С. –Т.: «Ўзбекистон фанлар академияси нашриёти», 1953. 451-б.

Мўминжон ҳаким

Маълумотларга кўра, Мўминжон ҳаким номи била машҳур бўлган шифокор Мўминжон Алиев (1894–1978) ҳам Ҳамрак қишлоғида таваллуд топган. Айтишларича, Мўминжон ота-онасидан эрта ажралиб аммасининг қўлида тарбия топган. Кейинчалик аммасининг ўғли Тошпўлат ҳакимга эргашиб тиббиёт илмига ҳавас кўяди. 18 ёшида Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасига ўқишга кириб, уни 6 йилда тамомлайди. Бироқ ёшлигидан табобат илмига қизиқиши боис табиблик билан машғул бўлади. Тез орада Мўминжон ҳаким исми билан Бухорода ном чиқаради. Унинг доврўғи Бухоро амири саройигача ҳам етиб боради. Мўминжон ҳаким ўша вақтда кўпдан бери бемор бўлиб ётган амир Олимхоннинг қариндошларидан бирини даволаб оёққа турғзади. Натижада Бухоро амирининг илтифотларига сазовор бўлади. Бироқ амирнинг унга қилган илтифотлари кейинчалик Мўминжон ҳаким бошига турли балоларни ёғилишига сабаб бўлган. Чунончи, Бухоро амири тахтдан ағдарилгач, Мўминжон ҳакимни большевикларнинг махсус идора вакиллари тергов қилишиб амирдан совға олганлигини рўқач қиладиларда, бир неча муддатга қамоққа ташлайдилар.

Мўминжон ҳакимни бегуноҳлиги исботлангач уни қамоқдан озод қилишади. У шундан сўнг Самарқандаги медицина институтига ўқишга кириб, олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тамомлаб малакали шифокор бўлиб етишади.

Кигизчилик

Маълумотларга кўра, Кигизчилик маҳалла номи аҳолининг касб-кори асосида номланган. Маълумки кигиз – уй ашёси сифатида қалин, пишиқ, буюм, палос. У аксарият қўй жунидан босиб тайёрланади. Кигизчилик – кигиз (намат) босиш билан шуғулланувчилар маъноси билдиради²¹⁶.

Кўмирчилик

²¹⁶ Охунов Н.Жой номлари таъбири...27-28-б.

Аҳолини ўтмишда кўмир тайёрлаш билан машғул бўлганлиги учун ҳам маҳалла Кўмирчилик номини олган. Ўтмишда бу ерда дарахт тўнгалари майдаланиб ёқилган. Ёғоч куйиб қорайган вақтида сув сепиб ўчирилган. Натижада ёғоч бўлаклари худди кўмир хусусиятига эга бўлиб, уни писта кўмир деб атаганлар.

Тегирмонбоши

Маҳалланинг бу ном билан аталиши хусусида изланишларимиз давомида қуйидаги маълумотга эга бўлдик.

Маълум бўлишича, марғилонлик Мадкаримбой XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида бу ерга катта тегирмон қурдирган. Шу сабабдан кейинчалик маҳалла ҳам «Тегирмонбоши» деб юритила бошланган²¹⁷.

Найзақайрағоч

Аҳоли орасида маҳаллани Найзақайрағоч деб аталиши хусусида қуйидаги тахмин мавжуд. Ўтмишда бу ерда улкан қайрағоч бўлиб, маҳалланинг кун чиқар томонидаги қўриқ ерда жангчилар ҳарбий машқлар олиб боришар экан. Улар дам олиш вақтида доимо ўз найзаларини ўша катта қайрағочга илиб қўйганликлари учун маҳалла Найзақайрағоч номини олган эмиш²¹⁸.

Бизнингча, аслида бу ердаги қайрағочларнинг худди найза каби тик ва тўғри ўсганлиги учун ҳам маҳалла Найзақайрағоч номини олган бўлиши мумкин.

Найзақайрағоч маҳалласида XX аср бошларида Соли махсим томонидан барпо қилинган кўҳна масжид сақланиб қолган.

Найзақайрағочликларнинг сўзларига қараганда Соли махсим саховатли инсон бўлиб, ўз даврида Хўжа Мағиз (Хўжа Маъоз) зиёратгоҳи учун катта боғ яратган.

²¹⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинининг Ҳамрак маҳалласида яшовчи Муродилжон Раҳматовдан (1955 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²¹⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинининг Найзақайрағоч маҳалласида яшовчи Рўзибой Исақовданг (1930 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Қамчифуруш

Нақл қилишларича, Қамчифуруш маҳалласи бундан 3-4 аср муқаддам ташкил топган. Ўша вақтларда отлик суворийлар қишлоққа тез-тез келиб турганлиги боис уларга қамчиларга эҳтиёж кўп бўлганлигидан аҳоли қамчи тайёрлаш билан машғул бўлишган. Шу тарзда бора-бора қишлоқ Қамчифуруш номини олган экан.

Бу ҳақда топонимист олим Носиржон Охунов шундай ёзади:

«Қишлоқ аҳолисининг ота-боболари от-уловни уриб юриш учун ишлатиладиган махсус асбоб-қамчи тайёрлаш ва уни сотиш иши билан машғул бўлишган. Қамчифуруш атамаси шундан келиб чиққан»²¹⁹.

Қамчифуруш маҳалласида ХХ аср бошларида барпо этилган масжид сақланиб қолган. Собиқ советлар даврида масжид қаровсиз ҳолатга келиб қолган. Ўша пайтларда масжид биноси қўйхона вазифасини ҳам бажарган. Маҳалла аҳли шундай гўзал масжидни қўйхона қилинганлигидан жуда норози бўладилар. Буни қарангки баланд деворлар билан ўралган масжид ичига бўри кириб ўндан ортиқ қўйни бўғизлаб кетади. Бу ҳолатдан даҳшатга тушган ҳукумат одамлари қўйларни бошқа жойга кўчириб масжид биносини бўшатишга мажбур бўладилар. Чунки қўйлар билан юз берган воқеани одамлар масжид топталганлиги учун юборилган жазо деб қабул қилган эдилар²²⁰.

Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган асрнинг 30-40 йилларида одамларни даҳшатли яна бир қўрқув ҳисси қамраб олади. Бу нафақат собиқ совет ҳукуматинини қатағонлик сиёсати бўлиб, қолмай балки бўриларни қишлоқлар оралаши эди. Айтишларича, бўрилар кириб хонадонлардан болаларни олиб қоча бошлаган. Неча оналар шу тарзда гўдакларидан ажралиб қолган эканлар. Шундан сўнг одамлар бир қанча вақтга қадар уйларининг томларида яшашга мажбур бўлганлар. Бўриларнинг бу ҳаракатлари ҳақида ўша пайтларда одамлар орасида «Масжидларни хор қилиб, китобларни йўқ қилганликлари учун одамларга юборилган худонинг жазосидир», деган миш-мишлар

²¹⁹ Охунов Н.Жой номлари таъбири... 70-б.

²²⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қамчифуруш маҳалласида яшовчи Рустамжон Исроиловдан (1940 йилда туғилган) ёзиб олинди.

ҳам тарқалган экан. Гарчанд бундай миш-мишлар ноўрин бўлсада, аммо қадимги туркий халқларда «Бўри юзини тангри ёрлақан», деган кўҳна нақлни ёдга олайлик²²¹. Қолаверса, бу хилдаги тушунчалар маълум бир маънода дунё халқларидаги қадимда ҳосилга қирон келтирувчи чигиртка ва каламушларнинг кўпайиб кетишларини ҳам «инсониятнинг гуноҳлари учун», деб қарашларига мос келади²²².

Масжид ёнида зиёратгоҳ мавжуд бўлиб аҳоли орасида Мозорбува номи билан эъзозланади.

Мозорбува зиёратгоҳи

Мазкур зиёратгоҳ тўғрисида маълумотлар жуда оз бўлиб бунда Қоросақол азизларнинг²²³ укаси дафн этилганлиги нақл қилинади²²⁴.

Қўшариқ

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда قوش اريغ – Қўш ариғ номи билан тилга олинади²²⁵.

Маълум бўлишича, Марғилон шаҳридаги Подшоҳ Искандар мадрасасига доир вақф²²⁶ ерлари Қўшариқ қишлоғида ҳам мавжуд

²²¹ Липец Р.С. «Лицо волка благословенно» // СЭ. №1. – М.: «Наука», 1981. С. 120.

²²² Жавлиев Т. Табиат инсон ва дин. – Т.: «Фан», 1986. 66-б.

²²³ Қорасоқол азизлар Ёзёвон тумани Хонобод қишлоғидаги машҳур зиёратгоҳнинг номи. Айтишларича, бу ерда ислом кўшинларини душман қуршаб олишади. Мусулмонлар орасида Абдулло исми қори йигит бўлиб, у Қуръон тиловат қилганида ғайридинлар ҳам мумдек қотиб қолар эканлар. Қори эса мешда ҳазрати Хизр (Исфайрамсой) дарёсидан сув олиб келиб, қамалдагиларни сув билан таъминлаб турган. Шунинг учун унга «Қори-йи саққо» - сув ташувчи қори нисбасини берган эканлар. Айтишларича, Қорийи саққо ҳозирги қабри ўрнида ғойиб бўлган ва кейинчалик бу ном халқ орасида Қорасоқол азизлар номи билан машҳур бўлган экан.

²²⁴ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қамчифуруш маҳалласида яшовчи Исмоилжон Исроиловдан (1937 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²²⁵ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С.39, 43,116.

²²⁶ Вақф (араб) – мусулмон мамлакатларида давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк.

бўлган. 1865 йилда Минг Шер хазиначи²²⁷ номидан берилган хужжатлардан бирида Марғилон шаҳридаги Подшоҳ Искандар мадрасасининг Қўшариқда жойлашган вақф ерлари хирождан²²⁸ озод қилинганлиги таъкидланади.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Қўшариқ қишлоғи Марғилон уездининг Ёзёвон волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 302 нафар аҳоли истиқомат қилган²²⁹

Нақл қилишларича, Қўшариқда биринчи масжидни «Мамажон кучли» номини олган кишининг бой отаси 1875 йилда қурдирган экан²³⁰. Қўшариқда масжид қурилганини эшитган Қўрғонча ва Найзақайрағоч аҳолиси ҳам 1876 йилда ўзлари учун масжид қурганликлари ҳақидаги оғзаки маълумотни шу ерда бўлган чоғимизда ёзиб олдик. Қўшариқ масжидининг ортида Жийда мазор деб аталувчи зиёратгоҳ жойлашган.

Жийда мазор зиёратгоҳи

Гарчанд зиёратгоҳ Жийда мазор деб аталсада, бу ерда жийда дарахти мавжуд эмас. Айримлар бу мазорни ҳам ҳудди Қўрғонча маҳалласидаги каби Йигит пирим мазори деб ҳам атайдилар. Эҳтимол зиёратгоҳнинг номи Жиддий мазор деб аталиб кейинчалик Жийда тарзида юритилган бўлиши ҳам мумкин. Чунки Жиддий мазор деб аталувчи зиёратгоҳ қўшни Марғилон шаҳрида жойлашган²³¹.

Жийда мазорнинг дастлабки қурилган мақбараси 30-йилларнинг колхозлаштириш даврида бузиб юборилган.

²²⁷ Хазиначи – хазинанинг кирим-чиқим ҳисоб-китобига жавобгар шахс.

²²⁸ Хирож – асосий ер солиғи. Экилган дон маҳсулотларидан олинган. Серҳосил суғориладиган ерлардан олинадиган ҳосилнинг 1/5 қисми, лалмикор ерлардан 1/10 қисми ҳажмида бўлган.

²²⁹ Список населенных местъ Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 98.

²³⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қўшариқ маҳалласида яшовчи Абдуллажон Олимовдан (1936 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²³¹ Жиддий мазор зиёратгоҳи Марғилон шаҳрининг Ёвқочар маҳалласида жойлашган. Нақл қилишларича, бу ерга тобеъинлардан бўлган лашкарбоши дафн этилган. Зиёратгоҳнинг Жиддий мазор деб аталишига зиёратгоҳда турли кўнгилочар маросимларни ўтказиб бўлмаслиги сабаб бўлган дейишади.

Хотин ариқ

Тошлоқ туманида жойлашган. Нақл қилишларича, ўтмишда яшаб ўтган бир бева бой аёл маҳаллага сув келтириш учун катта ариқ қаздирганлиги боис халқ орасида «Хотин ариқ» номини олган. Кейинчалик маҳалла ҳам шу ном билан юритила бошланган экан²³².

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда *حاتون اريق* – Хотун ариқ номи билан тилга олинади²³³.

Маълум бўлишича, Худоёрхон ҳукмронлиги даврида Хотин ариқ қишлоғидаги баъзи ер ва боғлар Маҳмуд Баҳодир ботирга тегишли бўлган. Унинг вафотидан сўнг Хотин ариқдаги барча ер ва мулклари Аҳмад Бобо Қози калон ҳукмига кўра, фарзандлари Муҳаммад ва Шамиъбонуларга бўлиб берилган.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Хотин ариқ қишлоғи Марғилон уездининг Ёзёвон волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 372 нафар аҳоли истиқомат қилган²³⁴

1916 йилда Туркистонда кўтарилган мардикорликка қарши қўзғолон билан боғлиқ архив ҳужжатларида Хотинариқ қишлоғи аҳолисининг волость марказида бошланган қўзғолонда фаол иштирок этганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, Хотинариқ қишлоғидаги қўзғолончилар элликбоши Иса Саидалибоевнинг уйига бостириб кирганликлари таъкидланади²³⁵. Бинобарин, мардикорликка олиш рўйхатини волост раҳбари, оқсоқол ва элликбошилар ўз манфатларидан келиб чиққан ҳолда тузишган бўлиб, бундай ноҳақликлар ночор кечираётган меҳнаткаш оммани тоқатини тоқ қилиб, уларнинг бош кўтаришига олиб келган эди²³⁶.

²³² Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Қўрғонча қишлоқ фуқаролар йиғинининг Хотинариқ маҳалласида яшовчи Турдибой Зокировдан (1936 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²³³ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С.46, 144.

²³⁴ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 98.

²³⁵ Турсунов Х. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолони...152-б.

²³⁶ Нажмидди Файзиддин ўғли, Муҳаммад Ҳаким Жўрахон Муҳаммад Ҳофиз ўғли. Чуст тарихи. Чуст шаҳри, 1995. 66-б.

Изланишлар давомида Фарғона вилоят ўлкашунослик музейининг қўлёзмалар фондида сақланаётган ер-сув масаласига доир ҳужжатлари орасида 1918 йилда Хотун ариқлик Рўзибиби Шерниёз Алибой қизига Ёзёвон қозиси томонидан берилган васиқаси мавжудлиги аниқланди. Мазкур ҳужжатда Рўзибибига қолдирилган уч таноб ер отаси Шерниёзалибой ва акаси Султоналидан мерос бўлиб, ўтган бўлиб, икки юз етмиш беш сўмга ҳамқишлоғи Собиржон Юнусхожи ўғлига сотганлиги баён этилган.

АХШАК

2010 йилнинг декабр ҳисобига кўра, Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинида 3712 та хонадон мавжуд бўлиб унда 17780 нафар аҳоли истиқомат қилади. Умумий майдони 2363 гектарни ташкил этади.

Қишлоқнинг ижтимоий-маданий ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда 4 та даволаш муассасалари, 4 та мактаб, 2 та болалар боғчаси, 1 та касб-хунар коллежи, 12 сартарошхона, 1 та ошхона, 30 та савдо шаҳобчалари, 3 та қассобхона, 1 та ёғочни қайта ишлаш цехи, 10 та хусусий тегирмон, 15 та оталар чойхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинидан шу кунга қадар 6 нафар доктор ва фан номзоди даражасини олган олимлар етишиб чиққан.

Ахшак фуқаролар йиғини Сирлимачит, Янгиқишлоқ, Яковут, Қамиштаги, Қанжирға, Пахтакор, Тепақишлоқ, Тоғлик, Терактаги, Қўрслар, Ўзбекистон, Турклар, Ахшакгузар, Дошмон, Хотинқуми, Қўшқўприк, Шувоқзор сингари маҳаллалардан иборат бўлиб, қуйида уларнинг айримлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтамиз.

Кўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда **احشك** – Ахшак номи билан тилга олинади²³⁷.

Худоёрхон ҳукмронлиги даврида²³⁸ берилган ҳужжатларда келтирилган маълумотларга кўра хонлик хизматида бўлган ҳарбий мулозимларнинг Ахшак қишлоғидаги мавжуд полиз экинларидан олинadиган танобона солиғини ярмидан озод этилганлар. Жумладан, 1867 йили Марғилон беги Султон Муродбек томонидан Мулла Абдурахмонга Мулла Тошбой исмли шахсни Ахшакдаги

²³⁷ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С.115, 117, 132, 141, 142, 145, 147, 148, 152, 155, 159, 160, 161, 164, 178, 216, 230, 276, 279, 293.

²³⁸ Худоёрхон ибн Шералихон уч маротаба тахтга кўтарилган. Дастлаб 14 ёшида 1261 (милодий 1845) йилда Мусулмонкул итоатида давлатни бошқарган. Ўзининг мустақил биринчи ҳукмронлиги 1852-1858 йиллар, иккинчи ҳукмронлиги 1862-1863 йиллардир. Учтинчи ҳукмронлиги 1865-1875 йилларни ўз ичига олади. Рус ҳукумати уни Оренбургга сургун қилган. Худоёрхон ҳаж қилиш учун сургундан қочиб кетади. 1881 йили ҳаждан қайтаётганда Афғонистоннинг Каррух мавзеида вафот этади. Бу ҳақда қаранг: Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий / Наҳрга тайёрловчилар, сўзбоши ва зоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. –Т.: «Маънавият», 1999.

ерларидан олинадиган танобона солиғидан озод этилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам берган. Шу мазмундаги ҳужжат Уста Мир Содиқ исмли киши номига ҳам битилган бўлиб, унда кўрсатилишича, Уста Мир Содиқнинг Ахшакдаги ерларидан танобона солиғи олинмаган.

Маълумотларга кўра, Қўқон хонлиги даврида Ахшак қишлоғида катта жомеъ масжиди бўлиб, ушбу масжидга вақф ерлари ажратилган. 1874 йили Шерхўжа томонидан Бой Бобо оқсоқолга берилган ҳужжатда Ахшакдаги қишлоқнинг масжиди вақфлари ҳисобига пахтазорлардан солиқ олинмаслиги таъкидланади.

Худоёрхон ҳукмронлиги даврида Ахшак қишлоғида Сўфи исмли амалдор саркорлик қилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд²³⁹.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Ахшак қишлоғи Марғилон уездининг Яккатут волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 1052 нафар аҳоли истиқомат қилган²⁴⁰.

1916 йилда Туркистонда кўтарилган мардикорликка қарши қўзғолон билан боғлиқ архив ҳужжатларида Ахшак қишлоғи аҳолисининг волость марказида бошланган қўзғолонда фаол иштирок этганлиги таъкидланади²⁴¹.

Ахшак атамасини келиб чиқиши борасида аниқ фикр мавжуд эмас. Гарчанд қишлоқ номини келиб чиқишини аҳоли Аккоша (Укоша) ота мозори билан боғлаб келсаларда, бироқ бу фақат тахминлардан иборат холос. Бизнингча, Ахшак атамасини гуруч оқшоғи билан қандайдир боғлиқлик жиҳатлари борга ўхшайди. Чунки туркий тилларда гуруч оқшоғи айнан акшак тарзида талаффуз қилинади²⁴².

Сирли мачит

²³⁹ Бу ҳақда қаранг: Набиев Р.Н. Истории Кокандского ханства.–Т.: «Фан», 1973. Приложения 3 в.

²⁴⁰ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 99.

²⁴¹ Турсунов Х. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолони...147-б.

²⁴² Киргизко-русский словарь / Составил проф. К.К. Юдахин. В двух книгах. 1 книга. – М., 1965. С.40.

Ахшак фуқаролар йиғини маркази Сирли мачит қишлоғи ҳисобланади.

Аҳоли орасида Сирли мачит қишлоғи номининг пайдо бўлиши хусусида қуйидаги ривоят сақланиб қолган. Нақл қилишларича, узоқ ўтмишда қишлоқ аҳли масжид қураётсалар уларнинг олдига тахтиравонда олиб кетилаётган қайсидир бир юртнинг подшосининг бетоб малика қизи мулозимлари билан бир муддатга тўхтабди. Малика одамларни бу қадар иштиёқ билан қандай иморат этаётганликлари билан қизиқибди. Шунда қишлоқ оқсоқоли масжид қураётганликларини маълум қилибди. Бундан хабар топган малика «Шояд масжидга қилган эҳсонларим учун Оллоҳим дардимга шифо берса», деб кўп миқдорда олтин ва кумуш ҳадя этибди. Масжиднинг қураётган уста маликанинг саховатпеша инсон эканлигидан беҳад мамнун бўлиб масжидга бу қадар катта ёрдам берган маликанинг исмларни билмоқчи бўлибди. Аммо малика исмини уларга айтмай сир тутуди. Бундан таажжубга тушган усталар масжид номини ҳам «Сирли мачит» деб атабдилар. Ўшандан буён қишлоқ ҳам Сирли мачит номи билан юритиб келинар экан²⁴³.

Яна бир ривоятда малика асли Қашқар (Қошғар, Қашғар деб ҳам юритилади – муаллифлар) хонининг қизи бўлиб, у масжидни гўзал бўлиши учун ўз тақинчоқларини ҳадя қилади. Шундан сўнг усталар маликанинг тақинчоқлари эвазига масжидни сир бериб безашганликлари туфайли Сирли масжид деб аталган экан²⁴⁴.

Умуман олганда Сирли масжид номи билан аталувчи масжидлар вилоятимиздаги Марғилон шаҳри ва Ёзёвон туманларида ҳам мавжуд бўлиб, ушбу масжидлар қурилиши чоғида нақшларга сир бериб безалганлиги учун Сирли масжид номини олганлигини тарихий маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Бу борада санъатшунос олим Искандар Азимов Наманган вилоятидаги Сирли масжид тўғрисида қуйидагиларни келтиради:

²⁴³ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сирли мачит маҳалласида яшовчи Муллахон Рўзиевадан (1923 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²⁴⁴ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккувот маҳалласида яшовчи Турсунбой Халиловдан (1940 йилда туғилган) ёзиб олинди.

«Сирли» сўзининг маъноси нақшин, гажакдор дегани. Мазкур ҳолатда айнан шу маъно ўзини тўла оқлай олади. Ташқи жиҳатдан гоят кўримсиз бу бинонинг айвонида беҳад чиройли нақшлар бор. Чинакам санъат намунаси бўлган бу гўзал нақшлар тавсифини сўз билан ифодалаш амримаҳол. Халқ усталари ўзларининг ноёб истеъдодларини ана шундай намоён этганлар»²⁴⁵.

Янгиқишлоқ

Тошлоқ тарихи юзасидан олиб борилган изланишларимиз давомида тошлоқлик журналист ва шоир Собиржон Қодиров асарларидан айрим маълумотларни истифода этдик. Чунончи, Тошлоқ ва тошлоқликлар тарихига доир қизиқарли маълумотлар Собиржон Қодировнинг асарларида ўз ифодасини топган²⁴⁶. Масалан, Янги қишлоқ тўғрисида Собиржон Қодиров «Маҳаллам – ҳаёт мактабим» рисоласида жумладан қуйидагиларни келтиради:

«Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган Янги қишлоқ тарихи у қадар узоққа бормайди. Тахминан 250-300 йил аввал Қашқардан кўчиб келганлар. Варзак ва Бесаранг сойлари ўртасида дашт ҳудудига жойлашдилар. Аввал чорвачилик ҳамда деҳқончилик билан шуғулланишади. Яқин атрофдаги Тошлоқ шаҳарчаси яқинида жойлашган бой маҳаллалик бойларнинг ерларида меҳнат қиладилар. Ўзларини қашқарлик деб атаган бу қишлоқ аҳли Офоқ хожанинг муридларидан ҳисобланишган. Хануз улар Офоқ хожага атаб соқит пиширадилар. Соқит ёки уни «табаррук» деб ҳам аташади. (Соқит) пишириш маросими қаттиқ талаблар асосида ўтказилади. Уни пишириш ҳалол,

²⁴⁵ Азимов И. Ўзбекистон нақшу ниғорлари. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1987. 110-б.

²⁴⁶ Бу ҳақда қаранг: Қодиров С. Довруғи сўнмас диёр. Фарғона.: «Фарғона», 1995; Қодиров С. Арабмозорликлар. – Ф.: «Фарғона», 1995; Қодиров С. Ҳунари бор хор ўлмас. – Ф., 1998; Қодиров С. Биз камол топган масканлар. – Ф.: «Фарғона», 1999; Қодиров С. Ногирон деманг бизни. – Ф.: Фарғона, 2004; Қодиров С. Маҳаллам – ҳаёт мактабим. Андижон.: «Ҳаёт» нашриёти, 2004; Қодиров С. Жонга жон шифокорлар. – Ф., 2006; Қодиров С. Қирқ йиллик кадрдонлар. – Ф., 2007; Қодиров С. Омад фидойларга ёр бўлади. – Ф., 2007; Қодиров С. Мактабдошлар. – Ф., 2008; Қодиров С. Элга эзгу улашиб. – Ф., 2008; Қодиров С. Бизнинг қариндош-уруғлар. – Ф., 2008; Қодиров С. Одамларга бахшида умр. – Ф., 2008; Қодиров С. Тошлоқ мустақиллик йилларида. – Ф., 2009.

эътиборли кишиларгагина рухсат этилади. Бу маросимда асосан катта ёшдагилар иштирок этишади.

Қишлоқнинг шарқий томонидан Андижон – Тошкент темир йўли ўтади. Ерларнинг ярмидан кўпи тошлоқ ерлар бўлиб, деҳқончилик қилиш зоят мушкул. Экинлар тошлоқ ерларда жуда тез чанқайди, бегона ўтларни чопиб ташлашга тошлар халақит беради. Аммо ҳосил тезроқ этилади. Қишлоқ ерларини Варзак сойи кесиб ўтади»²⁴⁷.

Таъкидлаб ўтиш керакки, шу кунга қадар Офоқхожа шахси билан боғлиқ расм-русумлар Фарғона водийсининг халқлари орасида кенг тарқалган одатлардан саналади. Жумладан, юқорида айтиб ўтилган «Соқит» тайёрлаш маросими бунга мисол бўла олади. Ушбу маросимда таёрланадиган таом аҳоли орасида «Табаррук» деб аталишидан ташқари «Ҳазрат Офоқхожамнинг ошлари» деб ҳам аталган²⁴⁸. Бундан ташқари Офоқхожага тегишли буюмлар Фарғона аҳли томонидан эъзозланиб, муқаддас ашёлар сифатида сақланиб келинган²⁴⁹. Аҳолининг Офоқхожа ва соқит маросими билан боғлиқ қарашларидан келиб чиқиб қуйида шу тўғрисида мухтасар маълумотларни келтириб ўтишни лозим топдик.

Офоқхожанинг асл оти Ҳидоятullo хожа бўлиб, у Хожа Калон-Хожа Муҳаммад Эминнинг набираси, яъни Хожа Муҳаммад Юсуф (Мозори Файз)нинг ўғлидир. Хожа Муҳаммад Юсуф отаси Хожа Муҳаммад Эминни Самарқанднинг Даҳбед қишлоғига дафн қилгандан сўнг, Шарқий Туркистоннинг Қумул шаҳрига келиб яшайди. Шунда Қашқар саййидларидан Саййид Алоуддин авлодларидан Мир Саййид Жалилнинг қизи Зулайхо бегимга уйланади. 1625 йили Қумулда хожа Ҳидоятullo туғилди. Ёркенд хони Абдуллахон (1638-1668) даврида, яъни 1638 йилда улар Қашқарга кўчиб келишади. Хон унга Башқарамни ҳадя этган. Йўлбарсхон (1670-1678) ва Қашқар аҳолиси унга мурид бўлган. Тахминан 1640 йилларда отаси вафот этганида, уни муриди Ёрмуҳаммад назр қилиб берган Қашқардаги Ёғду деган жойга дафн этишади. Офоқхожа отасининг ишини давом эттириб, кўп ерларни

²⁴⁷ Қодиров С. Маҳаллам – ҳаёт мактабим. Андижон.: «Ҳаёт» нашриёти, 2004. 31-б.

²⁴⁸ Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в... С.87-90.

²⁴⁹ Офоқхожага тегишли бўлган табаррук буюмлардан калиш ва сандал хозирги кунда Учкўприк тумани, Катта Кенагас қишлоғида яшовчи Исмоилхон Маҳмудов хонадонидан сақланмоқда.

кезиб, тасаввуфни ёйди, мурид ва мухлислар йиғди. Муридларнинг жуда кўплигидан Офоқхожа, яъни уфқлар, дунё кутби, олам хожаси, ягона авлиё маъноларини ифодаловчи лақаблар беришган. Офоқ хожа 1694 йили 63 ёшида вафот этади. Уни Қашқарнинг Ёғду деган ерига қурилган «Офоқ алайҳи» мақбарасига дафн этишади.

Офоқхожа мақбарасининг қурилиши 1640 йили Офоқхожамнинг отаси Муҳаммад Юсуфхожанинг дафн этилиши билан бошланган Аммо Шарқий Туркистон хожаларини «оқ тоғлик» ва «қора тоғлик» дан иборат икки гуруҳга ажралиши ва уларни бора-бора диний, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жиҳатдан манфаатлари бир-бирига қарама-қарши хожаларга айланиши туфайли 1650 йили мазкур мажмуа қора тоғлик хожалар томонидан ёндириб юборилган.

Маълумотларга кўра, Офоқ хожа вафотидан сўнг (1695) мақбара қайта қурилган. Нақл қилишларича, 1811 йили Офоқхожам зиёратгоҳи Дилшод хоним исми манжур маликаси томонидан таъмирланган. Шу сабабдан зиёратгоҳнинг кириш қисмидаги дарвозахона пештоқида ҳижрий 1226 (1811) йилнинг санаси кўрсатилган. Мақбаранинг ташқари томонида 4 минора қурилган. Мақбара деворининг қалинлиги 1 метр бўлиб, тўрт томонига дарчалар очилган. Мақбаранинг баландлиги 27 м, катта гумбаз билан ёпилган. Қабр залининг кенглиги 335х27 м. Унга жами 5 авлоднинг вакиллари бўлмиш 72 киши дафн этилган.

Шулар ичида энг каттаси Офоқхожанинг буваси Эшон Калон, отаси Муҳаммад Юсуф, Офоқхожам қабрларидир. Сағаналар жами 58 та бўлиб, улар бир хил катталиқда эмас. Уларнинг ҳажми дафн этилган кишининг ёши ва мартабаси улуғлигига қараб белгиланган. Сағаналарнинг ҳар бири ҳар хил рангли кошин билан безатилган ва устига ёпинчиқ ёпилган. Шу билан бирга баъзи қабрлар рамзий сифатида қўйилган, холос. Масалан, Офоқхожанинг ўғли Ҳасан хожа (Хожам Подшоҳ)ни Тожикистоннинг Қоратол деб аталмиш мавзейида кўмилганлиги ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар учраса-да, бироқ, Офоқхожам зиёратгоҳида унинг ҳам сағанасини кўриш мумкин²⁵⁰. Шу сабабдан сағаналарга қўйилган номларни ҳам барчасини шу ерга дафн этилмаганлигини англаш қийин эмас.

²⁵⁰ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Алишер Бек. Хожам Подшоҳ зиёратгоҳи. – Ф.: «Фарғона», 2009.

Офоқхожам зиёратгоҳи маҳаллий аҳоли орасида «Ҳазратим» номи билан машҳур бўлиб, қашқарликларнинг энг машҳур сайилгоҳ маркази вазифасини ўтаб келган. Шунингдек Офоқхожам мазори Хитой адабиётида «Шянпэйму», яъни Ипархон мазори деб аталади. Ипархон (асл исми Маъмура Аъзам хоним), Офоқхожанинг эвараси (баъзи манбаларда набираси) бўлиб, отаси манжур истилочиларига қарши чиққанлиги учун яқинлари билан Пекингга олиб кетилган. Маълумотларга кўра, Ипархон афсонавий маликалардек бениҳоят гўзал бўлганлиги учун ҳукмдорнинг унга ишқи тушган. Аммо у хоннинг таклифини рад этиб, бегона хонга итоат қилишдан кўра ўлимни афзал топади. Ривоятларга кўра, Ипархоннинг жасади Пекиндан олиб келиниб, боболари сокин топган Офоқхожам мазорига дафн этилган. Ҳозирги кунда Ипархоннинг эғнида жангчи совути билан тасвирланган суратини Қашқарнинг ҳар бир ерида учратиш мумкин. Зеро, Ипархон ўзининг матонати туфайли вақт ўтиши билан Қашқар халқи учун гўзаллик ва садоқат рамзи сифатида улуғлаб келинган.

Изданишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўтмишда нафақат Тошлоқда балки Фарғона водийсининг бошқа ҳудудларида яшовчи халқлар орасида ҳам ўзларини Офоқхожанинг муриди деб билувчи хонадонлар кўпчиликини ташкил этган. ҳолатлари Фикримизнинг исботи тариқасида тарихчи Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтсак:

«Бу китобни тасниф қилгувчи камина дуогўй, асли Марғилон боласи бўлурман. Мани отам ва етти боболарим асли Марғилоний асл бўлар эканлар. Ҳазрати Офоқимга ҳаммалари муриди мухлис келган...»²⁵¹.

Дарҳақиқат, Марғилон ва унинг атрофида яшовчи аҳолининг Офоқхожа авлодларига бўлган эҳтироми хусусида XIX асрнинг йирик олимлардан бири Чўқон Валихонов (1835-1865) ўз асарларида маълумотлар келтириб ўтади. Унга кўра, XIX асрнинг ўрталарига келиб, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида Қошғар хожаларининг 200 га яқин оиласи турмуш кечирган. Мазкур хожалар катта ер-мулкка эга бўлиб, «тўра» унвони билан аталиб, ўша вақтда бу унвон фақат шаҳзодаларгагина берилар эди²⁵².

²⁵¹ Муҳаммад Азиз Марғилоний...75-б.

²⁵² Валихонов Ч.Ч.Материалы и исследования о Кашгарии // Соч. Т.II. Алма-Ата, 1962. С.369.

Болалик кезларимиз Худо охиратини обод қилсин Қумри энамизнинг соқит ҳақида айтиб берган ҳикоялари ҳали ҳануз кўз олдимиздан кетмайди. Биз Қумри энамизнинг тўй-тўйчиқларидан олиб келган тугунларини қўлдан олишга ва ундан ҳар биримиз ўз улушимизни олишга ўрганган бўлсакда, соқит маросими куни бу одатимиздан воз кечишга мажбур бўлар эдик. Чунки Қумри энамиз соқитнинг нақадар табаррук эканлигини ҳатто биздек шўх набиралар онгига ҳам қуйиб қуйган эди.

Шу ўринда соқит сўзининг маъносига эътибор берайлик. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида Соқит сўзига қуйидагича изоҳ берилган: «Соқит – соқит қилмоқ олиб ташламоқ, холи қилмоқ»²⁵³. Демак, элшунос олим С. Абашин таъкидлаганидек, соқит маросимини қилишдан мақсад ўзини мушкул ишлардан холи қилиш назарда тутилган²⁵⁴.

Соқит ҳақидаги ривоят

Нақл қилишларича, Офоқхожа ҳар доим бир қўйни сўйдириб, унинг ёғига муридларига соқит пишириб тарқатар экан. Қўйнинг гўштини устихонидан тозалатиб, устихонни бир жойга тўплаб дуо ўқисалар, қўй яна аввалги ҳолатига келиб қолар экан. Буни кўрган Машраб, Хўжа Насриддин, Насимий исмли уч муриди Офоқхожа сафарга кетганлигидан фойдаланиб, ўзлари шу ишни амалга оширмоқчи бўлибдилар. Улар қўйни сўйиб, устихонларини киши билмас жойга беркитибдилар. Ҳарчанд дуо қилмасинлар қўй асл ҳолатига келмабди. Шу пайт Офоқхожа келиб қолибди. У муридларини яширинча номаъқул ишни қилганликларидан огоҳ бўлиб қаттиқ хафа бўлибди. У Машрабга охир оқибатда девоналикда дорга осилишини, Хўжа Насриддинни эл-юртда кулги бўлиб ўтишини ҳамда Насимийни бир кун келиб териси шилиниб қатл этилишини айтиб уччаласига ўз даргоҳидан кетгизиб юборган экан.

Соқит қилишдан мақсад

²⁵³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати...73-б.

²⁵⁴ Абашин С. Соқит // Ислам на территории бывшей Российской империи. Том I. – М.: «Восточная литература», 2006. С.363.

Соқит қилишдан аввал дастлаб ният қилинади. Кўп ҳолларда соқит қилинаётган хонадондон эгаси фарзандининг турмушида нотинчлик бўлса, масалан, бефарзандлик, оилавий келишмовчиликлар, кўпдан бери давом этиб келинаётган касаллик ёхуд сафарга кетган чоғида унинг бахти учун соқит атаб қўяди. Шу сабабдан соқитга кетадиган пулни аввалдан алоҳида қилиб ажратганлар. Бу пул бошқа мақсадда ишлатилмайди. Соқитни йил давомида қилиш мумкин. Фақат кўп ҳолларда пайшанба кунида ўтказиб келганлар.

Ахборотчилар соқит ўтказилган хонадонда тез кунларда ишлари ривож топиб, мушуқуллари ҳал бўлганлиги ҳақида кўплаб мисолларга келтирадилар. Масалан, кўпдан бери қизига совчи келмаётган хонадонда соқит ўтказилса, фарзанди тез орада турмуш қуриши кузатилганлигини таъкидлайдилар.

Соқит тайёрлаш

Соқит қилувчининг ниятига яраша ажратилган маблағ ҳисобидан соқит учун масаллиқ, яъни қўй ёғи, ун, нон ва меҳмонларни хушнуд қилиш учун терли ширинлик ва егуликлар харид қилинган. Масалан, бир кг. қўй ёғига 2 кг ун. Шунга яраша туз ва қуруқ чой ҳам олинади. Шундан соқит белгиланган кун соқит ўтказиладиган хонадонга соқитни маросимини олиб борувчи махсус одам, яъни соқитбоши келади. Шундан сўнг дастурхон устига масаллиқлар яъни қўй ёғи, ун, туз ва чой қўйилиб Қуръон тиловат қилиниб, сўнгра соқит пиширишга фотиҳа берилади. Соқит маросимидан тахминан 2 соат илгари хонадондаги аёллар ҳамир қилиб соқитни чалпақдек юпқа қилиб тайёрлайдилар. Бу вақтда соқитга масъул икки эркак қўй ёғини эритиб жаззасини оладилар ва эритилган жаззанинг ёғига соқитни, яъни соқитни пиширишга киришадилар. Соқит қозонга солинишдан олдин соқит пишириётган кишининг ёрдамчиси белига тутган пешдастурхонга соқит хаамиридаги унларни қоқиб ташлайди. Чунки ун билан тушган соқит ёғда қуйиб борган сари кейинги пишаётган соқит соқитларини таъмини бузиб қўйиши мумкин. Соқит пишираётган кишини қўлида 2 дона тахтакачи бўлиб соқитни пишириш ва қозондан олишда айнан шу тахтакачларда амалга оширилади. Аксарият кезлар темир қизиб кетишини ҳисобга олган ҳолда соқит

пиширишда темир капкил ишлатилмайди. Соқит пишириб бўлингач, қозондаги қолган ёғ юқининг устига, соқитга таклиф қилинганларнинг сонига қараб 2-3 литр атрофида сув қуйилади. Сув қайнагач, яна 2-3 литр сут қуйилади. Сўнгра эритилган қўй ёғининг жиззаси, соқитга аталган чой, соқит хамиридан қолган намакоп қозонга ташланади. Шу тариқа соқитнинг оқ чойи тайёрланади.

Соқит маросими

Соқит тайёр бўлгунга қадар маросимига келганлар датурхонга қўйилган егуликлардан баҳраманд бўладилар. Бу вақтда маросимда соқит емайдиган ва ейдиган одамлар ҳам баравар иштирок этишлари мумкин. Ҳозирги вақтда тўкин-сочинликни ҳисобга олиб, соқитдан олдин дастурхонга турли пишириқлар, ширинликлар, мева-чевалар, шўрва ҳамда палов бериш ҳам одат тусига кирган. Ахборотчиларнинг айтишларича, бундан 50-60 йил олдин етишмовчиликлар туфайли соқитга келган кишиларга фақат соқит берилиб, оқ чой тортилган, холос.

Ҳозирги даврга келиб, таомлар тановвул қилиб бўлингач, бир қанча диний маросимлар ҳам амалга оширилади, яъни «Хатми Қуръон», «Мавлуди шариф», «Хатми хожа» тиловат қилинади. Шундан сўнг соқитга қадар бўлган умумий маросим тугайди. Фотиҳа қилиниб, дастурхон йиғиштирилгач, соқит емайдиган одамларга рухсат берилиб улар маросимни тарк этадилар.

Соқит маросимида иссиқ сув олиб кирилиб, иштирок этаётганлар соқит учун хамир қорилган идишда қўллари ювилади. Шундан сўнг соқитга деб олиб келинган нон ва тахлаб ўраб қўйилган соқит идиши билан олиб кирилиб, соқитбошининг оддига қуйилади. Шундан сўнг, соқитга таклиф қилинган одамларнинг, (яъни ичкаридаги ва ташқаридаги сонига) қараб нон устига соқит қўйилиб тенг тақсимланади. Бу ишларни барчасини маросимни ўтказаетган одам, яъни соқитбоши бажаради. Ичкарида бу ишлар ниҳоясига етгач, қолган соқитлар ташқаридагиларга, яъни хонадон вакилларига ҳам берилади. Соқит тақсимлаб бўлингач, соқит пишурувчига оқ чойни қуйишга рухсат (фотиҳа) берилади. Оқ чой дастлаб соқитбошидан бошлаб тарқатилади. Оқ

чой ҳаммага тортилгандан сўнг оқ чойни қуйган одам ҳам даврага келиб ўтиради ва соқитни тановвул қилишга рухсат берилади. Соқит иштирокчиларининг хоҳишига қараб идишдаги оқ чой устига соқит тўғраб чиқадилар. Шундан сўнг, оқ чойни тановвул қилишга рухсат берилган. Оқ чой ичиб бўлингач, оқ чой юқи қолмаслиги учун идишга қайноқ чой қуйилиб ичилади. Ҳамма оқ чойни ичиб бўлганларидан сўнг соқитбошининг рухсати билан идишлар дастурхон устига қўйилади ва улар тахланиб ташқарига олинган. Сўнгра соқитбошининг рухсати билан тақсимланган соқитлар нонни билан иштирокчилар томонидан соқит эгаси тайёрлаб қўйилган дурраларга тугилиб дастурхондан олиниб ёнларига қўйилган. Шундан сўнг Қуръон ўқилиб фотиҳа қилинган, иштирокчилар ўзларини эркин ҳолатда ўтиришлари мумкин бўлган. Яна аввал олиб кирилган ҳамир жомга қўл ювилиб келганларга фотиҳа берилган. Агар соқит қилинаётган хонадонга соқит емайдиған оиладан келин тушган бўлса, унга ҳам шу маросим охирида соқит ейишга фотиҳа берилган.

Таъкид жоизки, соқит иштирокчилари қўлларини ювган идишдаги сув ҳам табаррук ҳисобланган. Айримлар бу сувни шифо деб ичадилар. Ахборотчилар мазкур сувнинг шифобахш хусусиятга эга эканлиги тўғрисида кўплаб мисолларни келтирадилар. Айтишларича, ўша сувни ихлос билан ичган баъзи одамлар ўзидаги бедаъво ҳисобланган саратон касалигидан ҳам фориғ бўлган эканлар.

Соқит маросимидан сўнг барча идишлар ювилиб, ювиндиси ўша қўл ювилган идишга қўшиб оқар сувга оқизилган ёхуд махсус чуқур кавланиб, шу чуқурга тўкилган. Сўнгра кўмиб юборилган. Ахборотчиларнинг айтишларича, соқитдан қолган ювинди сувлари аввалги пайтларда уй ичининг тўрт бурчагига тўкилган.

Айтиш жоизки, соқитни тайёрлаш одати бир хил бўлса-да, бироқ айрим ерларда маросимни бажариш жараёнларинида баъзи бир фарқлар мавжуд. Бинобарин, айрим ерларда соқитлар фақат эркаклар томонидан пиширилади ва соқитга таклиф қилинганлар келгунига қадар соқит пиширилиб, хонага дастурхонлар тўшалиб, ҳамма егуликлар тайёрлаб қўйилади (соқитдан бошқа нарсалар). Баъзи жойларда соқитга таклиф қилинганлар жам бўлганидан сўнг соқитни пишириш ишлари бошланади. Шу билан бирга яна бошқа

бир жойларда соқитни фақат аёллар тайёрлаб, маросимда аёллар иштирок этадилар, холос.

Соқит одоблари

Соқит иштирокчиларидан биринчи навбатда таҳоратли бўлишлари лозим.

Соқит тақсимланаётган пайтда иштирокчилар бирор-бир ножўя ҳаракат қилмайдилар ёки гапирмайдилар.

Оқ чой ичиб бўлингач, домла рухсат бермагунига қадар идиш ерга қўйилмайди.

Агар бирор киши ортиқча сўз айтиб ёхуд идишни барчадан олдин ерга қўйса, унга «жарима» солинади. Аниқроғи соқит қилиб бериш унинг зиммасига тушади. Агар бундан бўйин товласа, Офоқхожа нисбатан ҳурматсизлик деб тушунилган ва бундай беодобчилиги учун келгусида зиён-заҳмат ҳам кўриши ҳақида қарашлар ҳам мавжуд бўлган.

Соқит тақиқлари

Соқит ҳақида соқит маросими иштирокчиларнинг фикри қуйидагича:

– Соқит ейишга фотиҳа олмаган одам соқит емайди. Акс ҳолда зиён кўради;

– Соқитни ювиқсиз қўл билан еб бўлмайди;

– Соқитга аталган пулни бошқа мақсадга ишлатиш мумкин эмас;

– Соқитни вақтида тановул қилмасдан ташлаб қўйиш ёки моғор босдириб қўймаслик керак;

– Соқит ейдиган одам асло маст қилувчи ичимликларни ичиш мумкин эмас. Акс ҳолда қаттиқ зиён кўради;

– Соқитнинг бирон бир ушоғи қолдирилмасдан тановул қилиниши керак. Акс ҳолда ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Соқит маросимини мана бир неча асрдан буён Тошлоқ маҳаллаларида ўтказиб келинаётганлиги, аҳоли турмушида

соқитнинг нақадар муҳим аҳамият касб этганлигидан далолат беради.

Яккавут

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда **يکه بید** – Яккабед (Яккавут) номи билан тилга олинади²⁵⁵.

1867 ва 1872 йилларда Марғилон беги Султон Муродбек томонидан Мулла Абдурахмон, Султон мирзо ва Муҳаммад Қосим мирохурга²⁵⁶ берилган ҳужжатларда Яккабед қишлоғидаги ҳарбий амалдорларга тегишли ерлардан олинadиган танобона солиғидан озод этилганлиги таъкидланади.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Яккавут (Яккабед) қишлоғи Марғилон уездининг Яккатут волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 809 нафар аҳоли истиқомат қилган²⁵⁷

Аҳоли орасида Яккавут номини келиб чиқиши хусусида турли тахминлар мавжуд.

Айтишларича, бу ерга илк бор келиб ўрнашган одамни Яккабек деб атаганликлари учун шу номни олган экан²⁵⁸. Яна бир ривоятга кўра Қоровой сой (Исфайрамсой)нинг тўлиб оқиши натижасида сойни бир бети маъносида Яккабет деб аталган эмиш²⁵⁹.

Яккавут маҳалла марказида миллий меъморчилик услубида ислимий нақшлар билан безалган масжид мавжуд. Мазкур меъморий ёдгорлик XIX асрнинг ўрталарида уста Исмоил ва наққош Даминча томонидан барпо этилган.

Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 30-йилларида Яккавут қишлоғида яшаган Мулла Комилжон Мамажонов оиласи Украинага сургун қилинган.

Яккавут атамаси хусусида топонимист олим Н.Охунов жумладан қуйидагиларни келтиради:

²⁵⁵ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. –М.: «Наука», 1968. С.141, 142, 145, 148, 152,156, 167, 214, 215, 226, 293.

²⁵⁶ Мирохур – сарой ва хон отхонасининг бошлиғи.

²⁵⁷ Список населенных местъ Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 99.

²⁵⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккавут маҳаласида яшовчи Баҳромжон Қўзибоевдан (1929 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²⁵⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккавут маҳаласида яшовчи Исмоилжон Камоловдан (1936 йилда туғилган) ёзиб олинди.

«Яккавут – Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги аҳоли истиқомат қилувчи жой номи...Топонимнинг сўнги қисмидаги «бед» сўзи тожикча бўлиб, «тол» маъносини билдиради. Демак, Яккабед – «якка тол» демакдир. Қишлоқ ўсимлик номи билан аталган. Яккабед топономи «б» товушининг «в» га, «е» нинг «у» га, «д» нинг «т» га ўтиб ўзгариши туфайли Яккавут кўришига келиб қолган»²⁶⁰.

Қовунчи эна зиёратгоҳи

Маълумотларга кўра, Яккавут қабристонидан бундан икки аср муқаддам Конизар қишлоғида яшаган Субхон ача исмли кекса аёлнинг қовунзори бўлган. Шу сабабдан у аёлни одамлар Қовунчи эна деб ҳам аташган. Қовунчи эна вафотидан олдин ўз ерини қабристонга вақф қилиб беради. Натижада ўзининг қабристонга айланган ҳам ерига дафн этилади. Қовунчи эна дунёдан ёлғиз ўтган ва унинг авлодлари бўлмаган. Умрининг охирида Қовунчи эна қабристонга киришда дафн этишларини васият қилади. Чунки қабристонга зиёратга келганлар дастлаб ёлғиз аёл ҳаққига дуо ўқиб ўтишларини истаган экан. Қовунчи энанинг сўнги васияти адо этилиб дарвозадан кириш жойига дафн қилинган. Ҳозирги кунда ҳам қайси бир одам қабристонга зиёрат қилар экан Қовунчи эна ҳаққига Қуръон тиловат қилиб ўтади²⁶¹.

Шу ўринда айтиш жоизки ҳозирги кунда Фарғона водийсида мингдан ортиқ муқаддас зиёратгоҳлар мавжуд. Биргина Фарғона вилоятининг ўзида сўнги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида 300 га яқин зиёратгоҳлар номи аниқланди. Ушбу муқаддас зиёратгоҳлар ичида аёллар номи билан боғлиқ мазорлар сони озчиликни ташкил этса-да, аммо Фарғона водийси аёлларининг ҳаётида алоҳида ўрин тутаяди. Жумладан, Модарихон, Сафед Булон, Биби Убайда зиёратгоҳлари нафақат Фарғона водийсида балки, Ўрта Осиёда ҳам машҳурдир²⁶².

Фарғона вилоятида аёллар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар жумласига юқорида айтганимиздек Биби Убайда, Модарихон,

²⁶⁰ Охунов Н. Жой номлари таъбири...67-б.

²⁶¹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккавут маҳаласида яшовчи Турсунбой Халиловдан (1940 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²⁶² Абдулаҳатов Н, Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари... 282-б.

Чилдухтарон, Оппоқ биби, Улуғ Можи, Қирқ қизлар, Қизларбуви, Тошкелин, Тошқиз, Хур қиз зиёратгоҳларини киритиш мумкин. Юртимизда жойлашган аёллар номи билан боғлиқ бундай зиёратгоҳлар асосан ғорлар ва қўллар, қоялар, тошлар, дарахтлар сингари табиат ёдгорликлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳисобланади. Халқимиз аёллар номига оид зиёратгоҳларга нисбатан кўп ҳолларда «Биби», «Момо», «Она» «Буви», «Эна» атамаларини қўшиб айтиш билан уларни ўзларига энг яқин меҳрибон инсонлар сифатида қараб, онажонимиз, бувижонимиз, момомиз, дея ҳурмат маъносида тилга оладилар. Шу сабабдан мазкур зиёратгоҳларда зиёратгоҳнинг асл номи кўп ҳолатларда айтилмайди²⁶³.

Қадимдан Фарғона водийси хотин-қизларининг турмуш тарзида зиёратнинг ўрни муҳим аҳамият касб этиб келган. Шу боис аёллар учун зиёрат турмушнинг ажралмас бир қисмига айланган. Улар зиёратгоҳларга кўп ҳолларда жамоа ҳолда келишликка одатланганлар. Агар зиёратнинг сабаби оилавий муаммо билан боғлиқ бўлса, у ҳолда мазорга фақат оила аъзолари билан зиёратга келганлар. Аёллар эракаклардан фарқли равишда масжидларга бормаганликлари боис ўзларининг руҳий эҳтиёжларини қондиришда мазорлар зиёратига бориш йўли орқали амалга ошириб келганлар. Бундай пайтларда аёллар жамоасини зиёратга боришларида кўп ҳолларда (хўжа, тўра, эшон, саййид) авлодларидан бўлган ёки отинча аёллар бошчилик қилганлар²⁶⁴.

Маълумки, қадимдан Ўрта Осиё халқларида ҳурмат ва эҳтиром юзасидан ёши улуғ аёлларга ҳамда ҳукмрон доираларга мансуб бўлган хотин-қизларга мурожаат ёки ҳурматини билдириш мақсадида Биби ёхуд бибиш атамасини қўшиб айтганлар²⁶⁵. Жумладан, ислом оламида шу ном билан машҳур бўлган аёллар талайгина. Хусусан, Қуръон каримда тилга олинган тақволи сиддиқа аёл, мусулмонлар учун энг мўмина она, жаннатдаги

²⁶³ Абдулаҳатов Н. Фарғона водийсида аёллар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар // Ипак йўлишунослик тадқиқот тўплами. Нара Ипак йўли кўрғазмасини хотиралаш халқаро алмаштириш фонди. Ипак йўлишунослик тадқиқот маркази, Токио. 2007. № 28. 181-б. (япон тилида).

²⁶⁴ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Ҳайдарова З, Азимов О. Биби Убайда зиёратгоҳи. – Ф.: «Фарғона», 2009.

²⁶⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: «Рус тили нашриёти», 1981. 110-б.

аёлларнинг раҳнамоси бўлган Исо пайғамбарнинг онаси Маръямга шунингдек, Муҳаммад пайғамбар саллоллоҳи алайҳи васалламнинг қизи ҳазрати Фотимаи Заҳро(р.а.)га ҳамда завжалари ҳазрати Хадича (р.а.) ва Оиша(р.а.)ларга хурмат юзасидан «Биби» атамаси қўшиб Биби Маръям,²⁶⁶ Биби Фотима (р.а.), Биби Хадича(р.а.), Биби Оиша(р.а.) деб айтилган²⁶⁷. Басра зоҳидларининг таниқли вакиласи суфий аёл Робиа ал-Адавийа (713/714–801) ҳам Биби Робиа номи билан машҳур бўлган²⁶⁸.

Бибихоним номи билан машҳур бўлган Сароймулкхоним ҳақида сўз юритадиган бўлсак, тарихий манбаларни яқдиллик билан эътироф этилишига қараганда, Бибихоним ўта зийрак ва тадбиркор аёл бўлиб, Амир Темурга ўзининг оқилона маслаҳатлари билан ёрдам бериб келган. Уни замонасининг энг ақл-идрокли, фаросатли ва тадбиркор заковат соҳибаси бўлганлиги ва шу билан бирга хон авлодига мансублиги туфайли ҳарамдаги барча маликалардан улуғ хоним ҳисобланганлиги боис «Катта хоним», яъни «Бибихоним» деган унвонга эга бўлган эди²⁶⁹.

Ўрта Осиё халқлари афсоналарида турли мушкулларни осон қилувчи Биби Мушкилкушод сиймосини олайлик. Ривоятларга қўра, Биби Мушкилкушод ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг холалари бўлиб, асли исми Биби Мусалламхондир. Уни Биби Чоршанба деб ҳам атаганлар. Аёллар турмушда бирон бахтсизликка учраган кезларида ёки ишлари юришмаганда одатда чоршанба кuni Биби Мушкилкушодни эслаб, унга атаб мажлис қуришган, зиёфат уюштиришган. Тиланчиларга хайр-садақа беришган. Шунингдек, ўзбек ва тожик халқлари афсоналарида оилавий бахт, ип йигириш ва тикувчилик каби ҳунарларнинг ҳомийси, пири Биби Сешанба деб аталган²⁷⁰. Бундай аёлларнинг ҳомийсини усмоний турклар Паршамба Пари, афгонлар Биби Рисинда, Биби Чархи, уйғурлар Сешамба Биби деб эъзозлаб

²⁶⁶ Ўзбек миллий энциклопедияси. –Т., 2001. 2 жид. 13-б.

²⁶⁷ Абрамзон С.М. Рождение детства киргизского ребенка // Сборник музея антропологии и этнографии. – М.-Л., 1949 № XIII. С 83.

²⁶⁸ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.,1965. С 17.

²⁶⁹ Файзиев Т. Сарой Мулк хоним // Ўзбегим. –Т., 1992. 9-б.

²⁷⁰ Сухарева О.А. К. вопросу о культуре мусульманских святых в Средней Азии // Труды института истории и археологии. Том II. – Т., 1950. С. 173.

келганлар²⁷¹.

Биби номи билан улуғлаган аёллар тўғрисида Муҳиба Саййид Ҳасан қизи ўзининг «Валий волидалар» номли китобидан қуйидагиларни келтиради :

«Қадим Бухорода яшаб ўтган юзлаб буюк авлиёлар қаторида аёл валийлар ҳам бўлишган. Бутун умрини илми донишга, эзгу ишларга бағишлаганликлари боис, халқ уларни эозозлаб, Қизбиби, яъни пок ифбатли бокира аёллар деб атаган»²⁷².

Ўрта Осиё халқларида жумладан момолар тўғрисидаги қарашлар ҳам қадимги даврларга бориб уланади. Момолар культининг келиб чиқиши жиҳатидан қадимги кекса аёллар билан боғлиқ бўлиб, улар аёлларга кўзи ёришида, насл қолдиришда ҳомийлик қилганлар. Бироқ момолар култи ҳам дуластик характерга эга бўлиб, бир томондан, ҳомийлик кўрсатса, иккинчи томондан киши белгиланган таъқиқни бузганда ёки уларнинг шахсиятини лойиқ даражада ҳурмат қилмаганда, зарар етказиши мумкин деб қаралган²⁷³.

Ёзма манбаларда ўрта асрларда ҳам Фарғона водийсида момолар билан боғлиқ зиёратгоҳлар мавжуд бўлган. Бу ҳақда Муҳаммад Муфти Оҳангароний (XVI аср) ўзининг «Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиб» номли китобида маълумотлар келтирган:

«Мен нима қиларимни билмай, Момо Хотуннинг қабри муборакларига бордим. Ул орифалар саййидаси Ҳазрат Султону-л-орифиннинг (Аҳмад Ясавийнинг) асрдоши эди. У кишининг жазбаси ниҳоятда қувватли эди. Ўз ҳолимни арз қилдим. Шу аснода Ҳазрат Момонинг руҳи ҳозир бўлди»²⁷⁴.

Элшунос олима О. А.Сухарева «Момолар мазорларда яшовчи, ўтиб кетган авлиёлар руҳи тоифасидан бўлиб, уларнинг келиб чиқиши қадимги қаҳрамонлар ва аجدодлар култи билан боғлиқдир» деган эди²⁷⁵. Элшунос олим О. Муродов фикрига кўра, момолар ўтиб кетган аждодлар руҳи бўлиб, улар ҳар доим тирикларни турли

²⁷¹ Андреев. М.С. Средне-Азиатская версия Золушки (Сандрильоны). –Т., 1927. С. 13.

²⁷² Муҳиба Саййид Ҳасан қизи. Валий волидалар. –Т.: «Ёзувчи», 1999. –Б.18.

²⁷³ Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. –Т.: «Фан», 1986. 161-б.

²⁷⁴ Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиб. Т., 2002 52-б.

²⁷⁵ Сухарева О. А. Пережитки демонологии и шаманства у равнинны таджиков // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: «Наука», 1975. С.18.

бало-қазолардан асраб, узоқ сафарларда уларга ҳамроҳ бўлгучи меҳрибон руҳлардир. Уларни вазифаси ва ёшига қараб, Катта момо, Ўртанча момо, Кичик момо деб атаганлар²⁷⁶. Аёллар бошларига мушкул иш тушган пайтда, айниқса, тўлғоқ тутган вақтларда ушбу момолар номини ёдга олиб Худога илтижо қилганлар²⁷⁷.

Қанжирға

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда قنجيغه – Қанжиға (Қунжиға) номи билан ҳам тилга олинади²⁷⁸.

1873 йили Мавлонбек²⁷⁹ томонидан Саримсоқ ёварга берилган ёрликда Қанжиға қишлоғидаги хон аскарларига тегишли ерлар танобона солиғидан озод этилганлиги қайд этилган. Шунингдек ҳужжатларда келтирилган маълумотларга кўра, Худоёрхон хонлиги даврида Қанжиға қишлоғида вақф ерлари мавжуд бўлиб, улардан олинadиган ғалла ҳосили Мулла Тош халифа ва Мулла Бобо қори томонидан йиғиштириб олинганлиги таъкидланади.

Аҳоли орасида Қанжирға маҳалласининг номини пайдо бўлиши хусусида икки хил ривоят мавжуд. Нақл қилишларича, қадимда маҳалла ҳудудида булоқлар кўп бўлган экан. Азиз-авлиёлардан бири бу ердан ўтиб кетаётиб булоқ сувларидан ичиб чанқоқини қондиргач, «Бу ерлар қанди жилға, яъни суви ширин экан» деб илтифот кўрсатибди. Шундан сўнг бу жойлар Қанди жилға дея аталиб вақтлар ўтиши билан Қанжирға номини олган

²⁷⁶ Муродов. О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средней части долины Зарафшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: «Наука», 1975. С.120.

²⁷⁷ Ўша асар. 102-б.

²⁷⁸ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. –М.: «Наука», 1968. С.260, 261, 312.

²⁷⁹ Саййид Муҳаммад Мавлонбек Султон Муродбекнинг Исфаранинг Чоркух мавзесидан уйланган иккинчи аёлидан кўрган тўнғич ўғли бўлиб, Пўлатхон кўзғолон даврида қолган инилари билан бирга ўлдирилган. Маълумотларга кўра, Мавлонбекдан тўрт нафар ўғил ва беш нафар қиз қолган. Ҳозирда уларнинг авлодлари юртимизда ҳаёт кечирмоқдалар.

экан²⁸⁰. Бошқа ривоятда эса Конижилға деб таъриф берилганлиги нақд қилинади.

Эҳтимол Қанжирға жой номи қипчоқ ва сарой қабиласи таркибига кирувчи қанжиғали уруғи билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин²⁸¹. Чунки изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, Тошлоқ худудида қипчоқ ва сарой қабиласи билан боғлиқ уруғ ва аймақлар яшаганлигини элшунос олимлар олиб борган тадқиқотлар тасдиқлайди²⁸². Қолаверса, Қанжиғали номи билан аталувчи жой номлари юртимизнинг турли худудларида учраб туради²⁸³. Вақтлар ўтиши билан Қанжиғали атамаси айрим товушларнинг ўзгариши ҳисобига Қанжирға деб аталган бўлиши ҳам мумкин. Бу фақат тахминлар, холос.

Бизнингча, Қанжирға номини келиб чиқиши аслида шу ерлик аҳолининг ўтмишдаги касб-кори асосида номланган бўлса керак. Чунки, туркий халқларда эгар ортига у-бу нарса боғлаш учун қўлланиладиган ҳамда эгар устидаги ёстиқни боғлайдиган, яъни қайиш, тасма қанжирға деб аталган. Балки ушбу маҳалла аҳолиси ўтмишда от эгари учун шундай тасмалар тайёрлаш билан машғул бўлганликларидан жой номи ҳам Қанжирға деб аталган бўлса керак²⁸⁴.

²⁸⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қанжирға маҳалласида яшовчи Махфиратхон Раҳмоновдан (1958 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²⁸¹ Ҳакимова О., Парпиев П., Ходжаев Р., Марғилон топонимикасига оид манбалар // «Марғилон шаҳри ўтмиши, бугуни ва эртаси» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Фарғона, 2007. 14-б.

²⁸² Бу ҳақда қаранг: Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа.–Т.: «Фан», 1974; Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX начале XX вв. –Т.: «Фан», 1983.

²⁸³ Бу ҳақда қаранг: Кубаков К. О некоторых родоплеменных группах узбеков верхней Кашкадарьи (вторая половина XIX-начало XX.) // Этнографическое быта и культуры узбеков. –Т.: «Фан», 1972.; Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: «Наука», 1976; Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX - начале XX вв.). Составители: И.Юлдашев, К.Убайдуллаев, О.Д. Чехович, К.З.Хакимова. – Т.: «Университет», 2001; Қораев С. Ўзбекистон вилоят топонимлари. – Т.: «Ozbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти, 2005.

²⁸⁴ Бу ҳақда қаранг: Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Т.: «Фан», 1977; Киргизко-русский словарь / Составил проф. К.К. Юдахин. В двух книгах. 1 книга. – М., 1965.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Қанжиға маҳалласи Марғилон уездининг Файзиобод волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 578 нафар аҳоли истиқомат қилган²⁸⁵.

Гўдакмозор зиёратгоҳи

Қанжирға маҳалласида Гўдакмозор зиёратгоҳи жойлашган. Бу ерга фақат ёш норасида гўдаклар дафн этилган. Ҳар йили маҳалла аҳли дала ишлари бошланишидан олдин шу мозорда чалпак пиширадилар. Ҳатто бошқа зиёратгоҳларга боришдан олдин дастлаб шу Гўдак мозор зиёрат қилинади.

Маълумотларга кўра, Гўдакмозордаги дарахтларни ҳеч бир одам ўзининг шахсий манфаати учун кесмайди. Чунки шундай ҳолатлар бўлганки, дастлабки пайтларда баъзи бир одамлар Гўдакмозордаги дарахтларнинг шохларидан уйларига олиб кетиб ёқмоқчи бўлганлар. Аммо тез орада касаллика чалиниб қолаверганлар. Шундан сўнг ҳеч ким мозордаги дарахт шохларини уйларига олиб кетмайдиган бўлганлар.

Пахтакор

Маҳалланинг олдинги номи Хўкизлар деб аталган. 1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Хўкизлар маҳалласи Марғилон уездининг Ёзёвон волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 219 нафар аҳоли истиқомат қилган²⁸⁶.

Тепақишлоқ

Тепақишлоқ маҳалласининг бундай ном олишига сабаб бу ердаги аҳоли орасида «Тепа азизлар» деб аталувчи архелогик ёдгорликнинг сабаб бўлган кўринади. Мазкур ёдгорлик ўрнида маҳалланинг қабристони жойлашган.

Тепа азизлар зиёратгоҳи

²⁸⁵ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 101.

²⁸⁶ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 97.

Тепақишлоқ қабристонида аввалги вақтда иккита зиёратгоҳ мавжуд бўлган. Биринчи зиёратгоҳ ганч билан ишлов берилган бўлиб, олдида чироқдоннинг қорайиб кетганлиги ўтмишда бу ерга зиёратчиларнинг кўп келганлигидан далолат беради. Мозорнинг қурилиш услуби XIX асрдаги Фарғона меъморчилиги миллий услубига хос тарзида қурилган.

Иккинчи зиёратгоҳ «Тепа азизлар мазори» деб юритилади. Ушбу гумбазли мақбара ҳам XIX асрда барпо этилган. Зиёратгоҳ кўринишидан бу ерга ўз даврининг машҳур валий зотларидан бири дафн этилганлигини англатади. Афсуски собиқ совет тузумида даврида зиёратгоҳларга нисбатан атеистик қарашлар натижасида Тепа азизлар мазори ҳам қаровсиз ҳолда қолиб кетиб, гумбаз қисми қулаб тушган.

Айтишларича, бу мазор ичида ўтган асрнинг 30-йилларида кўплаб қўлёзма китоблар яширилганлиги боис улардан сақланиб қолган варақларини яқин-яқинларгача ҳам учратиш мумкин эди.

Таъкид жоизки, азалдан кўпни кўрган ота-боболаримиз Қуръони карим ва барча диний мазмундаги қўлёзма асарлар ниҳоятда эскириб ўқишга ярамай қолса, покиза латтага ўраб покиза ерга кўмган эканлар. Аммо халқимизининг миллий бойлиги ҳисобланган, бунинг устига ягона нусхадаги бебаҳо қўлёзма асарларни киши билмас жойларга кўмиб юборилганликларини билганимизда асабларимиз ҳам дош беролмай қолади. Юртимизнинг қайси бир зиёратгоҳларига бормайлик таҳликали замонларда мазорлардаги кўхна қабрларга кўмиб юборилган ноёб қўлёмалар ҳақида эшитиб қоламиз. Минг афсуски бу инкор қилиб бўлмас аччиқ ҳақиқат.

Тарихдан маълумки, ўтган асрнинг 30-йилларидаги собиқ совет ҳукуматининг қатағонлик сиёсати туфайли илми уламолар шафқатсиз таъқибга олиниб, қувғинга учраган эдилар. Мудҳиш, фожиали қатағон йилларидан бунга ўшаш юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Кўплаб табаррук зотлар йўқ қилинди. Ғаразгүй миллатфуруш унсурлар ким салла ўраб, намоз ўқиса, кимки уйида араб имлосидаги китоблар сақласа бас, бундай одамларни олиб кетиб, йўқотиб юбораверганлар. Биргина Фарғона водийсидан олиб кетилиб, ваҳшийларча қириб юборилган одамларнинг сон-саногии йўқ. Уларнинг хонадонларида аср мобайнида авлоддан авлодга ўтиб кўз қорачиғидай асраб келинган нодир қўлёзма асарларнинг

тақдири ҳам худди уларнинг эгаларининг аччиқ қисмати сингари даҳшатли кечган. Бир икки кечага сақлаш учун деган мақсадда қабрларга яширилган китоблар хали ҳануз ер бағрида кўмилиб ётибди. Буларнинг сонининг адади йўқ. Балки бу китоблар илм-фанга, Она Ватанимизнинг кўхна тарихи оид нодир манабалар бўлиши мумкин эди.

Тева азизлар қабристонини археологик ёдгорлик сифатида тахминан 1 гектардан зиёд майдонни ўз ичига олади. Ёдгорликни пайдо бўлган даврни маълум эмас. Чунки мазкур ёдгорлик маданий мерос объектлари рўйхатига киритилмаган. Шу сабабдан бошқа ёдгорликларда бўлгани каби дастлабки археологик текширув ишлари олиб борилмаган. Ер устида сочилиб ётган айрим сопол парчаларидан Тева азизлар археологик ёдгорлигини милоднинг илк асрларида пайдо бўлганлигини тахмин қилса бўлади.

Тепалик қишлоқ яқинидаги Тўқибой пахта даласига яқин ерда жойлашган тепалик тўғрисида ҳам худди шундай фикрларни келтириш мумкин. Маълум бўлишича, ушбу тепалик ҳам археологик ёдгорликлар жумласидан бўлиб, номаълум сабабларга кўра рўйхатга олинмай қолиб кетган. Бироқ тепаликни кўздан кечирганимизда дастлабки археологик тадқиқотлар, яъни шурф ўрнини эслатувчи чуқурликларга дуч келдик. Ушбу ёдгорлик майдонида сочилиб ётган сопол парчалари кўп ҳолларда илк ўрта асрларга мансуб эканлигидан далолат бермоқда. Бу эса номсиз тепаликда бундан 1500 йил муқаддам аҳоли яшаганлигини кўрсатади.

Айтишларича, собиқ иттифоқ даврида ушбу ёдгорликни ҳам текислаб ўзлаштириб юбормоқчи бўлганлар. Аммо тепаликка яқин келган маҳал трактор ўз-ўзидан юрмай қолаверган. Бу ҳолатдан қўрқиб кетган тракторчи кўп ўтмай оғир касалликка чалинган экан²⁸⁷.

ТОҒЛИК

Аҳоли орасида Тоғлиқ маҳалла номини келиб чиқиши хусусида турли фикрлар мавжуд. Нақл қилишларича, бу ерга дастлаб тоғлиқ

²⁸⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Тепақишлоқ маҳалласида яшовчи Абдурашид Маматовдан ёзиб олинди.

томонлардан аҳоли келиб ўрнашганлиги боис кейинчалик жой номи ҳам Тоғлиқ деб аталган экан.²⁸⁸

Айтиш жоизки, Фарғона вилоятининг Бувайда, Учкўприк, Данғара туманларида ҳам шу ном билан аталувчи қишлоқлар бор бўлиб, мутахассис олимларнинг бу борадаги фикрлари юқорида келтирилган маълумотга тўлдиришлар киритиши аниқ. Масалан, топономист олим Носиржон Охунов жумладан шундай ёзади:

«Қўқон шаҳрида ҳам Тоғлиқ маҳалласи бўлган. Хонлик давридаги дарвозалардан бири Тоғлиқ дарвозаси деб аталган. Қозоқ тарихчиси Чўқон Валихоновнинг қайд этишича, Қашқардан кўчиб келган кишиларнинг айрим гуруҳлари «Тоғлиқ» номи билан юритилган. Дарҳақиқат «Тарихи Шоҳруҳий» асарининг муаллифи Мулла Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг ёзишича, 1827, йилда бир неча минг қашқарлик оиласи билан Фарғона ерларига кўчиртириб келинган. Улар яшаб тургун бўлиб қолган жойларнинг баъзилари Тоғлиқ номи олган»²⁸⁹.

Шу ўринда яна бир савол туғилади. Нима учун қашқарликларнинг бир гуруҳини тоғлиқ деб аташган? Мазкур саволга жавоб бериш учун бир Шарқий Туркистонда XVII-XVIII асрларда юз берган айрим воқеалар билан танишиб чиқишга тўғри келади.

Бу ҳақда Комилхон Каттаев ўзининг «Махдуми Аъзам ва Даҳбид» рисоласида қуйидагиларни баён этади:

«Шарқий Туркистонда Махдуми Аъзамнинг фарзандлари Хожа Калонхожа ва Хожа Исҳоқи Валиларнинг авлодлари муқтадолик-пешволик қилганлар. Ушбу хожалар сулоалари «Оқтоғлиқлар», ва «Қоратоғлиқлар» деб аталган гуруҳга бўлинганлар; шу жиҳатданки, Шарқий Туркистоннинг пойтахти бўлган Ёркент шаҳри атрофидаги тоғлар – Қоратоғ, кейинчалик пойтахт бўлган Қашқар шаҳри атрофидаги тоғлар эса Оқтоғ деб аталган»²⁹⁰. М. Қутлуқов бўлса, бу ҳақда қуйидагича фикр билдиради: «Ўзаро курашларда Тяньшандаги қирғиз ва қалмоқлардан ёрдам олган Оппоқхожа(Офоқхожа) авлоди кейинроқ «оқтоғлиқлар», Помир қирғизлари ва тожикларидан ёрдам олган Ёркент хожалари

²⁸⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Тоғлиқ маҳалласида яшовчи Авлиёхон Азаматовдан (1930 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²⁸⁹ Бу ҳақда қаранг: Охунов Н.Жой номлари таъбири. –Т.: «Ўзбекистон», 1994.

²⁹⁰ Каттаев К. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. Самарқанд.: «Сўғдиён», 1994. 55-б.

«қоратоғликлар» деб аталди»²⁹¹.

Бизнингча, «Оқтоғликлар» ва «Қоратоғликлар» атамасига ушбу изоҳлар етарли эмас деб ўйлаймиз ва бу борада уйғур олимлари Замир Садуллозода ва Фарҳод Ғаффорлар томонидан баён этилган ушбу маълумотларни ҳам келтириб ўтсак: «Бу икки катта-кичик гуруҳ хожалар ўртасидаги ҳуқуқ (ҳокимият) талашиш кураши натижасида Шинжонда бир-бирига қарама-қарши икки йирик гуруҳ вужудга келди. Муҳаммад Амин – Эшони Калон тарафдорлари ўзларини «Ишқия» деб атаса, Исҳоқ Вали тарафдорлари ўзларини «Исҳоқия-махдумзодалар» деб аташган. Хожа Муҳаммад Юсуфнинг ўғли Ҳидоятulloхожа (Офоқ хожа, Оппоқ хожа) билан Исҳоқ Валининг набираси (Хожа Абдуллоҳнинг ўғли) Убайдуллоҳ даврига келганда... Ҳидоятulloхожа ўз муридларини Исҳоқия тарафдорларидан фарқланиб туриши ва ўз гуруҳи чегарасини аниқ белгилаш учун ўз муридларини оқ тоқи (оқ дўппи) кийиб юришга буюради ва бу шартлик белгини «Ишқия» гуруҳининг муҳим белгиси қилиб белгилайди. Хожа Убайдуллоҳ ҳам ўз муридларини Муҳаммад Амин – Эшони Калон тарафдорларидан фарқланиб туришлари учун қора тоқи (қора дўппи) кийишга буюради ва шартли белгини «Исҳоқия» гуруҳининг муҳим белгиси қилиб белгилайди. Шунинг билан Хожа Муҳаммад Амин – Эшони Калоннинг таъсири каттароқ бўлган ҳудуд халқлари, яъни ҳозирги Қашқар шаҳридан тортиб Куралгача бўлган жойлари «Оқ тоқиликлар» (йиллар ўтиши билан уйғур тилининг оҳанг ўзгариши хусусияти бўйича «Оқ тоғликлар» бўлиб қолган)нинг тарафдорлари деб қўйилди. Исҳоқ Валининг таъсири каттароқ бўлган Ёрканд, Қоғлик, Хўтан ҳудудларига қарашли шаҳар ва қишлоқлардаги аҳолининг ҳаммаси «Қора тоқиликлар» (Қора тоғликлар) деб қўйилди»²⁹².

Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики Фарғона водийсига кўчиб келган қашқарликлар орасида «Оқтоғликлар» ва «Қоратоғликлар» тарафдорлари ҳам бўлган. Бироқ улар Фарғона водийсида муқим ўрнашганларидан сўнг «Оқтоғлик» ва «Қоратоғлик» ўрнида уларга нисбатан фақат «Тоғлик» ибораси

²⁹¹ Кутлуқов М. Муҳаммад Содик Қошғарий. –Т.,1968. 20-б.

²⁹² Замир Садуллозода, Фарҳод Ғаффор. Марказий Осиёдаги ислом мазҳаблари. Урумчи.: «Шинжонг халқ нашриёти», 2002. 85-86-б.

қўлланилган бўлиши мумкин²⁹³. Бинобарин, элшунос олима С.С.Губаева ҳам бу борадан худди шундай фикр билдиради²⁹⁴.

Тоғлиқ маҳалласининг қабристониди ҳазрат Аккоша (Уккоша) ота ҳамда унинг синглиси Қорасоч она зиёратгоҳлари жойлашган.

Айтишларича мазкур зиёратгоҳ машҳар саҳоба Уккоша (р.а.) номи билан боғлиқдир. Айримлар бу ерга ҳазрат Уккоша (р.а.)нинг еттинча авлоди дафн этилганлиги ҳақида кексалардан эшитганликларини айтадилар²⁹⁵.

Аккоша (Уккоша) ота зиёратгоҳи

Аҳоли Ахшак номини келиб чиқиши айнан Аккоша (Уккоша, Укоша) ота номи билан боғлиқ эканлигини айтадилар²⁹⁶. Чунки Элшунос олима С.С.Губаева Тошлоқ тумани худудидида ўтган асрнинг 70-80 йиллари давомида олиб борган тадқиқотлари давомида Аккоша ота мазорининг иккинчи номи Ахшак мазор эканлиги тўрисида маълумотларни ёзиб олганлигини таъкидлайди²⁹⁷.

Ҳазрат Аккоша (Уккоша) ота мазорининг хислатлари тўрисида аҳоли орасида турли ҳикоятлар сақланиб қолган.

Айтишларича, Аккоша (Уккоша) ота зиёратгоҳи ёнидаги масжидни собиқ иттифоқ даврида пилла ва пахта қуриштиш хонаси сифатида фойдаланмоқчи бўладилар. Бу эса ўз навбатида ҳазрат Аккоша мазорини ҳам топталишига олиб келади. Ўша пайтларда пиллани қуришмоқчи бўлганларида бино номаълум сабабларга кўра ёниб кетаверган. Бундан ташвишга тушган ишчилар орасида «буларнинг барчаси ҳазрат Аккоша мазорига нисбатан қилинган

²⁹³ Қашқарликларнинг водийга кўчиб келиши 1825 йилга эмас, балки 1755-1759 йилларга тўғри келади. Хитой Шарқий Туркистонни шу йиллар орасида босиб олиб, Синьзян вилоятини ташкил қилган. Қашқар аҳолиси водийга кўчиб келиб ўрнашган.

²⁹⁴ Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX - начале XX в. –Т.: «Фан», 1991. С.83.

²⁹⁵ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Пахтакор маҳалласида яшовчи Баҳодиржон Мамасиддиқовдан (1940 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²⁹⁶ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинида Ахшак маҳалласида яшовчи Қурбонбой Шамсутдиновдан (1927 йилда туғилган) ёзиб олинди.

²⁹⁷ Абашин С.Н. «Семь святых братьев» // Подвижники ислама. – М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2003. С. 21.

хурматсизлигимиз сабаб бўлди» деган гап-сўзлар бир неча вақтга қадар сақланиб қолган турган экан.

Ҳазрат Аккоша зиёратгоҳининг эл-юрт орасида машхурлиги туфайли собиқ иттифоқ давридаги мафкуравий тайзиқларга қарамай аҳолини мозорга зиёрат қилгани келишлари тўхтамаган. Бундан жаҳли чиққан фирқа фаолларидан бири мозорга келиб ўчоқ ва қозонларни тепиб ағдариб зиёратчиларни қаттиқ ҳақоратлар қилади. Буни қарангки бир кун олдин дағдағалар қилган ўша киши эртаси кунни келиб зиёратгоҳ хизматсиларидан узр сўраб кечаги номаъқулчиликлари учун пушаймонда эканлигини айтади. Маълум бўлишича, ҳазрат Аккоша (Уккоша) мозорида қилган беодобчилиги учун кечаси билан оғриб бедорликда тонг оттирган экан.

Ҳазрат Аккоша (Уккоша) масжидида ҳозирги кунда қадимий қабр тоши сақланади. Афсуски, қабртошининг ярми қисмигина сақланиб қолган бўлиб, ҳажми 24x49 см.дан иборат. Қабр тошида *шайх, имом Аҳмад ибн Муҳаммад хатиб* сингари ёзувларни ўқиш мумкин. Демак, бундан маълум бўладики ушбу қабр тоши ўз даврининг машхур дин уламоларидан бўлган шайх Аҳмад ибн Муҳаммад исмили зот номи билан боғлиқдир.

Ўрта Осиёда қабртошлари юзасидан кўп йилдан буён тадқиқотлар олиб бораётган таниқли шарқшунос олим муҳтарам устозимиз Аширбек Мўминовга ушбу қабртоши масаласида мурожаат қилганимизда Аккоша ота мозоридаги қабртошдаги ёзувлар услуби ўрта асрларга мансуб Мовароуннаҳрдаги қабртошларига ўхшаш эканлиги тўғрисида фикр билдирдилар.

Бу эса ўз навбатида ҳазрат Аккоша (Уккоша) мозори беш-олти асрдан аввал ҳам мавжуд бўлиб, зиёратгоҳнинг нақадар қадимий эканлигидан далолат беради. Шу ўринда Уккоша (Укоша) ибн Миҳсан ал-Асадий ва у билан боғлиқ айрим зиёратгоҳлар тўғрисида мухтасар маълумот бериб ўтсак.

Хожа Уккоша, яъни Абу Муҳсин ибн Муҳсин ал-Асадий саҳобалардан бўлган. XI асрда яшаб ўтган ал-Хужвирийнинг «Кашф ал-махжуб» асарида Уккоша ибн Миҳсан (Муҳсин) аҳли суфгалардан яъни илк суфийлар жумласидан эканлиги таъкидланади²⁹⁸. Маълумотларга кўра, ҳазрат Уккоша халифа Абу

²⁹⁸ Аль-Худжвири. Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири. Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец. (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль-

Бакр даврида (632-634) сохта пайғамбар Тулайҳа ибн Ҳувайлидга қарши жангда ўлдирилган²⁹⁹.

Асрлар ўтиши билан мусулмон оламида саҳоба Уккоша (Укоша) ибн Миҳсан ал-Асадий шахсининг машҳурлиги ўз навбатида унинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳларни пайдо бўлишига олиб келди³⁰⁰. Жумладан ўтмишда Чимкент, Фарғона, Тошкент шаҳарларида Уккоша ота номли зиёратгоҳлар мавжуд бўлган³⁰¹. Чунончи, Уккоша номи билан боғлиқ зиёратгоҳ Балх шаҳрида ҳам бўлиб, шаҳар дарвозаларининг бири унинг номи билан юритилган³⁰².

Тарихчи Муҳаммад Солиқхўжа Тошкандий ўзининг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Тошкент шаҳрида жойлашган Ҳазрат Уккоша мазорининг фазилатлари тўғрисида қуйидагиларни баён этади: *«Чорсунинг жануби ғарбида Ҳазрат Уккошанинг (р.а) мўътабар қадамжойи жойлашган бўлиб, асардаги маълумотларга кўра у киши Мадинадан дин даъвати учун келган саҳоба мужоҳидлардан бўлган. Айтишларича, жанг пайтида жумъа намози таҳорати учун муборак асоларини настлик ерга ишора қилганларида қадамлари остидан чашма пайдо бўлиб, фавворадек отилиб чиққан экан. Кимки жароб касалига мубтало бўлган бўлса ихлос ва эътиқод билан шу сувга гусл қилиб икки рақъат намозни уларнинг масжидлари ёнида адо қилса ва савобини Ҳазрат Уккошанинг руҳи покларига багишлаб Каломи Раббоний тиловат қилса ўша касалдан шифо топган»³⁰³.*

Маълум бўлишича, қадимдан Ўрта Осиё халқлари орасида ҳазрат Уккоша тўғрисида турли ривоят ва асотирларнинг мажудлиги кейинчалик унинг номини бошқа саҳобаларга нисбат

қулуб). Старейший персидский трактат по суфизму. Перевод с английского А. Орлова. Издание первое. – М.: «Единство», 2004. С. 82.

²⁹⁹ Қомус ал-алом. Истанбул. 1896. 4-жилд. 3116-б.

³⁰⁰ Муминов А. Святые места в Центральной Азии (Взаимодействие общеисламских и местных элементов) // Маяк Востока, 1986. № 1-2. С. 15.

³⁰¹ Бу ҳақда қаранг: Ахмедов Б. История Балха (XVI-первая половина XVIIIв.). – Т.: «Фан», 1982; Мустафина Р.М. Представления, культы, обряды у казахов. Алма-Ата: Қазақ университеты. 1992; Абашинов С.Н. «Семь святых братьев» // Подвижники ислама. – М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2003; Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиқхўжа ва унинг «Тарихи Жадидаи Тошканд» асари. –Т.: «Ўзбекистон», 2007.

³⁰² Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. –Т.: «Шарқ», 1999. I-жилд. 263-б.

³⁰³ Бу ҳақда қаранг: Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиқхўжа ва унинг «Тарихи Жадидаи Тошканд» асари. –Т.: «Ўзбекистон», 2007.

бериш ҳоллари мавжуд бўлганлигини кўрсатмоқда. Масалан, Абдуқаҳҳор Иброҳимов бу ҳақда қуйидагиларни келтиради:

«Яқин-яқинларгача Тошкентнинг Чорсу майдонида, ҳозирги «Чорсу» меҳмонхонасининг ўрнида, Бадалмат ҳамомининг шундоққина ён-бағрида бир булоқ бўларди. Тошкент булоқларининг энг машҳури, суви шифобахш эди. Ҳазрати Уккоша булоғи номи билар машҳур бўлган бу булоқ ҳақида эл орасида турли ривоят ва афсоналар тарқалган. Хўш нима учун булоқ Ҳазрати Уккоша деб аталади. Ҳазрати Уккошанинг ўзи ким бўлган? Асли исми шундай аталганми ёки халқ сўзлашув тилида ўзгариб кетганми? Бунда туркий тилга хос сингармонизм хусусиятини ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим, чунки бундан минг – бир ярим минг йиллар олдин тилимизда сингармонизм хусусияти, шунингдек араб сўзларини шевага мослаб талаффуз қилиш одати мавжуд эди.

Буни қарангки, Ҳазрати Уккоша ноим билан аталувчи булоқ Ясси (ҳозирги Туркистон) шаҳрида ҳам бўлган экан. Ислом ва Туркистон мавзуини ўрганиш асносида қуйидаги маълумотларга эга бўлдик. Бу борада муборақ ҳаж зиёратида бўлишимиз, исломшунос араб олимлари билан қилган мулоқатларимиз ҳам ёрдам берди. Аҳмад Яссавий ижод булоғи Ислом ва Туркистон мавзуи бўйича илгари сўраётган фикримизни тўлдирди.

Шу тариқа, маълум бўлишича, Ҳазрати Уккошанинг асл исмлари Саъд ибн Абу Ваққос бўлиб, саҳобаи киромлардан эканлар...

Саъд ибн Абу Ваққос Муҳаммад пайгамбаримизнинг бир неча бор оғир вазиятдан чиқиб олишларига сабаб бўлганлар, эркаклар орасида биричилардан бўлиб, Ислом динини қабул қилганлар, пайгамбаримиз вафотларидан кейин халифаликка номзод бўлган 6 саҳобаи киромнинг бири бўлганлар. Ҳазрати Умар ибн ал-Хаттоб халифалиги даврида Шарққа лашкарбоши қилиб юборилганлар. Ҳазрати Умар ибн ал-Хаттоб милодий 634-644 йилларда халифалик қилганларини назарда тутсак, Саъд ибн Абу Ваққос шу йиллар орасида Туркистонга таширф буюрганлар»³⁰⁴.

Ҳазрат Уккоша тўғрисида қадимдан машҳур ҳикоя мавжуд бўлиб, айнан ўша ҳикоя орқали унинг номи ислом оламида машҳур бўлган. Бу ҳақда Усмон ибн Ҳасан ибн Аҳмад Шокир Хуборий «Дурратун носихийн» (Насихатгўйлар дурри) китобида шундай ҳикоя қилади:

³⁰⁴ Иброҳимов А. Бизким ўзбеклар... –Т.: «Шарқ», 1999. 155-156-б.

«Ибн Аббосдан (р.а.) ривоят қилинади: «Набийнинг (соллаллоху алайҳи васаллам) вафотлари яқинлашганида Билолга (р.а.) азон айтиб, инсонларни намозга жамлашни буюрдилар. У киши нидо қилдилар. Муҳожир у ансорлар Расулulloҳнинг масжидларига йиғилишди. Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) улар билан бирга енгилгина икки раъкат намоз ўқидилар, сўнг минбарга кўтарилдилар. Аллоҳга ҳамду санолар айтиб, жуда ҳам чиройли бир хутба ўқидилар, бу хутбадан қалблар юмшаб, титради, кўзлар йиғлади. Кейин айтдилар: «Эй мусулмонлар жамоати! Мен сизларга Аллоҳнинг изни ила Аллоҳга чақирувчи, насиҳатгўй пайғамбар бўлдим. Ва мен сизларга мушфиқ биродар, раҳмдил ота сингари бўлдим. Аммо кимки мендан зулм кўрган бўлса, келсин қасосини олсин. Ҳаққи Қиёмат кунига қолмасин». Бу сўздан кейин ҳеч ким у кишидан қасос олиш учун турмади. Шунда у зот бу сўзларини иккинчи, учинчи бора қайтардилар. Шу пайт Укоша ибн Муҳсин деган бир киши туриб, Набийнинг (соллаллоху алайҳи васаллам) олдиларига келди ва: «Отам ва онам сизга фидо бўлсин, эй Расулulloҳ! Агар сиз бизга бир неча марта нидо қилмаганингизда, мен бунга журъат эта олмасдим. Сиз билан Бадр ғазотида эдим, менинг туям сизнинг туянгиз олдида бўлиб қолди, шунда мен туямдан тушиб сизнинг олдингизга яқинлашдим, ниятим жангдан олдин сизнинг муборак оёқларингизни ўпиш эди. Сиз ўша пайт туяни нуқтайдиган қамчингизни кўтариб, белимга урдингиз. Мен ҳалигача билмайман, сиз бу ишни қасдан қилидингизми ёки туяни урай деганмидингиз?». Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) айтдилар: «Аллоҳнинг расули ҳеч қачон билиб туриб бундай қилмайди». Набий (соллаллоху алайҳи васаллам) Билолга (р.а.) буюрдилар: «Эй Билол! Фотиманинг ҳовлисига бориб, менинг қамчинимни келтир!» Билол (р.а.) масжидан чиқиб, Фотиманинг (р.а.) эшикларини қоқдилар. Фотима (р.а.) ичкаридан: «Ким у?» деб сўрадилар. Ҳазрати Билол (р.а.): «Расулulloҳнинг (соллаллоху алайҳи васаллам) қамчиларини олиб кетиш учун келдим», дедилар. «Эй Билол! Отам қамчинни нима қилар эканлар», деб сўрадилар кейин. Ҳазрати Билол (р.а.) айтдиларки: «Отангиз ўз нафсларидан қасос беряптилар». Шунда Фотима (р.а.) айтдилар: «Билол! Аллоҳнинг расулидан қасос оламан деб кўнгли хотиржам бўлган киши ким?!» Ҳазрати Билол (р.а.) жавоб бермай қамчини олдилар-

да, масжидга кирдилар. Қамчини Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бердилар. Расулulloҳ эса уни Ҳазрати Укошага тутқаздилар. Буни кўрган Ҳазрати Абу Бакр ва Ҳазрати Умарлар (р.а.) туриб айтдилар: «Ҳей Укоша! Биз сенинг олдинда турибмиз, бизлардан қасос олавер, Набийдан (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам қасос оласанми?» Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) уларга: «Ўтиринглар! Аллоҳ сизларнинг даражангизни яхши билади», дедилар. Шунда Али (р.а.) туриб: «Эй Укоша! Бу белим, мана, қорним, хоҳласанг мендан қасос ол, мени савала», дедилар. Расулulloҳ эса: «Эй Али! Аллоҳ сенинг ҳам даражангни ва ниятингни билади», деб айтдилар. Шунда Ҳасан ва Ҳусанлар (р.а.) ҳам чидолмай: «Эй Укоша!» Сиз бизнинг Расулulloҳ набиралари эканимизни яхши биласиз, биздан қасос олсангиз, Расулulloҳдан қасос олган бўласиз-ку?!» дейишди. Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам) уларга қараб: «Эй кўзимнинг қувончлари, ўтиринглар», дедилар. Ва Укошага қараб: «Уришни хоҳласанг, ур эй, Укоша!» деб айтдилар. «Эй Аллоҳнинг расули! Сиз мени ураётган пайтингизда мен кийимсиз эдим», деб айтдилар. Расулulloҳ кийимларини ечдилар. Шу пайт мусулмонлар қаттиқ йиғи билан қичқириб юборишди. Ҳазрати Укоша (р.а.) зоти шарифнинг жисмларини оқлигига қараб тиз чўқдилар-да, Расулulloҳнинг орқаларини ўпиб айтдилар: «Эй Аллоҳнинг расули!» Жоним сизга фидо бўлсин. Ахир, Аллоҳнинг элчисидан қасос олиб, кимнинг кўнгли ором топади? Бу ишни мен, менинг жисмим сизнинг муборак жисмингизга тегиб, Аллоҳ сизнинг хурматингиздан мени дўзах ўтидан халос қилармикан, деган умидда қилдим», дедилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Кимки жаннат аҳлига қарамоқликни истаса, бу одамга қарасин», дедилар. Масжиддагилар ўринларидан туриб, Ҳазрат Укошанинг пешоналаридан ўпиб: «Хушхабар муборак, сен олий даражаларга эришдинг. Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) жаннатда кўшни бўлдинг», дейишди. Аллоҳим жалолинг ва иззатинг ҳаққи бзга у зоти шарифнинг шафоатларини насиб этсин («Мавъизатул ҳасана»)³⁰⁵.

Тошлоқ тарихи юзасидан олиб борилган изланишлар давомида бизни ажаблантирган маълумотлардан айримларини

³⁰⁵ Усмон ибн Ҳасан ибн Аҳмад Шокир Хуборий. Дурратун носихийн. – Т.: «Мовароуннаҳр», 2004. 65-67-б.

алоҳида таъкидлаб ўтгимиз келди. Бу аввало ўтмишда эл-юрт ободончилиги учун муносиб ҳисса қўшган тошлоқлик саховатпеша аёлларнинг фаолиятларидир. Ахир бундан икки аср муқаддам Тошлоқ заминда яшаб ўтган аёллардан баъзи бирлари юрт учун ариқ қаздириб сув келтирган бўлса, яна бошқа бирлари қўл остидаги катта ерларни мадраса ва қабристонлар учун вақф қилиб берган эдилар. Биз буни Қовунчи эна, Хотин ариқ, Ойим Қўрғон, Сирли масжид билан боғлиқ ҳикоялардан англашимиз мумкин.

Ажаббо?! Собиқ советлар замонида ўтмишда аёллар хўрланиб, камситилиб келинган деган уйдирмаларни зўр бериб кишилар онгига қуйишга уринганликлари ҳеч кимга сир эмас. Айнан ўша ўтмишда Тошлоқдан яшаб ўтган аёлларни катта маблағларини бемалол юрт ободончилиги йўлида сарфлай олганликлари кишини ҳайрон қолдиради, албатта. Демак, тарихга юзаки назар солиб бўлмайди.

Шу ўринда айтиш жоизки ҳозир ҳам тошлоқлик саховатпеша аёллар ўзларидан олдин яшаб ўтган ҳамюртларини савобли ишларини давом эттириб қўлаб ҳайрли ишларга қўл урмоқдалар. Буни биргина Шоҳсанамхон Одилжон қизининг фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Зеро, унинг бевосита ҳомийлиги остида Уккоша ота мозори қайтадан таъмирланди. Шоҳсанам Одилжон қизи бу билан чекланмай Уккоша ота мозоридаги иккинчи бир зиёратгоҳни, яъни Қорасоч она қабрини ҳам таъмирлашга алоҳида эътиборини қаратди. Узоқ йиллар давомида қаровсиз ётган муқаддас жой обод бўлиши натижасида яна аҳолининг сеvimли зиёратгоҳига айланди.

Қўрслар

Қўрслар маҳалласи ҳозирда Тепақишлоқ маҳалласи таркибига қўшилиб кетган бўлиб, Қўрслар номини келиб чиқиши хусусида айрим тахминлар мавжуд.

Нақл қилишларича, ўтган замонларда шу ерлик одамлар Ўзганд томонлардан икки аравада гуруч олиб келиб, Тошлоқ депарасига етиб келганларида гуручни атайин бир аравага ортиб ўзларининг куч-қувватларини кўрсатиш учун пастлик жойлардан юқорига етаклаб чиқар эканлар. Уларнинг бу ҳаракатидан ўша пайтдаги мингбошилардан бири гуруч ортилган аравани узоқдан кўриши билан «Қаранглар кўрслар келмоқда» дер экан. Ўша-ўша

мингбошининг ўша ерликларга нисбатан бундай тарзда Қўрслар дея таъриф бериши маҳалланинг ҳам Қўрслар деб ном олишига сабаб бўлган эмиш³⁰⁶.

Ўзбекистон

Маҳалланинг аввалги номи Бўзалар ёхуд Бўзақлар деб аталган. Нима сабабдан маҳаллани бундай ном билан аталиши борасидаги аҳоли орасидаги суриштирувларимиз натижа бермаган бўлсада, аммо бу борада айрим фикрларни келтириб ўтмоқчимиз. Элшунос олим Т. А. Жданконинг келтирган маълумотларига кўра, Кенагас қабиласининг тармоқларидан бири Бузоқ деб аталган³⁰⁷. Бизнингча, Бўзақлар жой номи айнан шу Бузоқ уруғи номи билан бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Дошмон

Дошмон қишлоғи номининг келиб чиқиши хусусида турли ривоятлар мавжуд бўлиб, шулардан бирида нақл қилинишича, қадимги пайтларда қишлоқ аҳли қишнинг қаҳратон кунларида топган тутганларини катта дошқозонга ташлаб овқат пиширганлар. Шу тарзда улар болаларини эсон-омон жон сақлаб қолган эканлар. Вақт ўтиши билан ўша катта дошқозон турган жой дошмон дея аталган эмиш³⁰⁸. Бироқ изланишлар шуни кўрсатмоқдаки жой номи даслаб Даштмон деб аталган.

Бизнингча, Даштмон атамаси аслида даштбон сўзи билан боғлиқ бўлса керак. Чунки ўтмишда худудни қўриқловчи ва назорат қилувчиларни даштбон деб атаганлар.

Ўтган асрнинг 30-йилларида собиқ мустабид тузумнинг қатағонлик сиёсати туфайли Ўзбекистон халқининг бошига мислсиз оғир кулфатлар тушганлиги тарихдан маълум. Дастлаб йигирманчи

³⁰⁶ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Тепақишлоқ маҳалласида яшовчи Исроилжон Иброҳимовдан (1939 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³⁰⁷ Жданко Т. А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. –М.-Л., 1950. С.162.

³⁰⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Дошмон маҳалласида яшовчи Қундузхон Султоновадан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

йилларнинг охирида қулоқ кейинчалик 30-йилларга келиб халқ душмани сифатида минглаб ҳамюртларимизнинг пок номлари бадном этилди. Жумладан, Тошлоқ заминида туғилиб ўсган неча-неча юрт фарзандлари ҳам қатағон қиличидан ўтказилиб, узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиндилар.

Шу ўринда «қулоқ» сўзи маъносига тўхтаб ўтсак. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қулоқ сўзи қуйидагича изоҳланади: «Қулоқ»(кулак). Қароллар ва камбағаллар, деҳқонлар кучидан фойдаланувчи, уларни эксплуатация қилувчи қишлоқ бойи, катта ер эгаси». Албатта ўқувчиларимизга қулоқ тўғрисидаги мазкур икки оғиз сўз айтиш билан чекланиб қолишни истамаган ҳолда кенгроқ маълумот бериб ўтишни ният қилган эдик. Буни қарангки, биз бу мавзуда адабиётларни кўздан кечирар эканмиз тарихчи олим Бахтиёр Расуловнинг «Қулоқ» атамасининг маъноси нима?» номли мақоласига кўзимиз тушиб қолди. Мақола билан яқиндан танишганимиздан сўнг ундан айрим парчаларни келтириб ўтишни лозим топдик. Чунки унда биз сўз юритмоқчи бўлган воқеалар юзасидан қимматли маълумотлар мавжуд эди:

«Ўзбекистонда «муштумзўр» сўзининг «кулак», сўнг «қулоқ» сифатида ишлатила бориш тарихи Ўзбекистон зарбдор колхозчиларининг биринчи қурултойига бориб тақалади. Қурултойда «Ўрта Осиё ва СССРдаги барча пахтакор районларнинг биринчи қурултойи» томонидан мурожаат хати қабул қилинди. Бу ҳужжат «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилиб чиқди. Ана шу мурожаат хатида биринчи мартаба «муштумзўр» сўзининг ўрнига «қулоқ» атамаси қўлланилди. «Қулоқ» «кулак»нинг ўзбеклашган шакли бўлиб, бу ҳолат ана шу сўзнинг ўзбек тили талаффуз қоидаларига мослашиб кетганлигини кўрсатади.

Аслида бир маънони англантишига қарамасдан шу даврдаги турли ҳужжатларда «қулоқ» ва «кулак» сўзлари параллел равишда қўлланилган. Масалан, ЎзССР ҳукуматининг 5-Бутун Ўзбекистон советлари қурултойига ҳисоботида «қулоқ» ва «кулак» сўзлари аралаш ишлатилган. Тез орада вақтли матбуотда ва ҳужжатларда асосан «қулоқ» атамаси қўлланила бошлади. Лекин, «муштумзўр», «кулак» атамалари истеъмолдан тўла чиқиб кетмади.

«Муштумзўр», «кулак» ҳамда «қулоқ» ҳақоратомуз атамалари расман қишлоқ аҳолисининг тадбиркор, ишбилармон ва ўзига тўқ қисмига нисбатан татбиқ қилинган. Амалиётда эса

большевикларнинг мажбурий коллективлаштириш сиёсатидаги зўравонликлардан, маъмуриятчиликдан норози бўлган камбағал ва ўртаҳол деҳқонларга нисбатан ҳам қўлланилган. XX асрнинг 20–30 йилларида, «муштумзўр», «қулоқ» номлари остида Ўрта Осиё, хусусан ўзбек қишлоқлари аҳолисининг катта бир қатлами турли чеклашлар, сиқув ва сиёсий қатағонларга дучор этилди».

Йигирманчи йилларнинг охирида юртимиздаги неча-неча мухтарам зотлар шу ном билан қораланиб, таъқиб остига олинган эди. Кимдир ватанни тарк этиб муҳожирликда жон сақлаб қолган бўлса, қолганлари юртдан сургун бўлиб, сарсон-саргардонлик азобларини бошдан кечирдилар. 30-йилларнинг қатоғонлик сиёсатининг қурбони бўлган минглаб ватандошларимизнинг аянчли тақдирлари янада аянчли бўлди. Чунки, касб-хунари турли бўлишидан қатъий назар улар «халқ душмани» деган айблов остида қатағонга учрадилар. Шу ўринда хўш улар кимга, қандай душман эдилар, деган савол туғилади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «душман» сўзига қуйидагича изоҳлар келтирилган:

1. Душман. Дунёқараши, манфатлари, ғоялари бир-бирига қарама-қарши бўлган зид, ғоявий душман.

2. Душман. Урушда ўзаро жанг қилувчи бир-бирига қарши уруш эълон қилган томонлардан ҳар бири.

3. Душман. Кишига ва умуман бирор нарсага зарар келтирувчи кимса.

Демак киши бошқа бир кишига душман бўлиши учун унинг ғоясига қарши туриб, унинг қонини тўкиш учун жанг қилиши керак. Аммо...

Биз шу ўринда ўша пайтдаги машъум воқеаларни шоҳиди бўлган Асадулло Беркам шундай ёзган эди:

«Дунёда бизнинг халқимизчалик беадад жабру ситам кўрган бир халқ бўлмаса керак. Шуниси ачинарлики, бу жабру жафоларнинг ўткир тиғи аксар ҳолда халқимизнинг зиёли, ақли расо ўғил-қизларига қаратилди. Лекин шу билан бирга қатағон жафоси ҳатто энг олис шаҳар-у қишлоқларни, оддий меҳнаткашларни ҳам четлаб ўтмади. У қанча аравакаш-у ошпаз, сувчи-ю, чўпону-чўлиқнинг ҳам ёстиғини қуритди».

Дарҳақиқат бу мудҳиш воқеалар тафсилоти муҳрланган архив ҳужжатларида оддий деҳқон боласи ҳам мамлакатга улкан хавф

туғдирувчи душман сифатида тасвирланади. Шундай архив хужжатлардан бирида дошмонлик оддий деҳқон Турғун Аҳмедов номи ҳам қайд этилган. Бу ҳақда таниқли олим Рустам Шамсутдинов «Қатағон қурбонлари» номли асарида қуйида маълумотларни келтириб ўтади:

«ЎзССР ИИХК Тошлоқ район округи тақдим қилган 5371-сонли иш бўйича Аҳмедов Турғун (1902 йили туғилган, Тошлоқ райони Дашман қишлоғидан, собиқ қулоқ, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган, жазо муддати 1937 йил 25 августдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида колхозга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, пахтага ишлов беришда зараркунандалик билан шугулланганликда айбланган»³⁰⁹.

Хотинқуми

Қўқон хонлиги архивига доир хужжатларда *حاتون قومی* – Хотунқуми номи билан тилга олинади³¹⁰.

Хотинқуми маҳалласи билан боғлиқ 1872 йилда ёзилган хужжатда баён қилишича, мазкур маҳаллада яшаган Нормухаммадбой исмли киши вафотидан сўнг унинг ерларига Шерқулбой исмли киши эғалик қилган. Бундан норози бўлган Нормухаммадбойнинг уч қизи Сора биби, Оиша биби ҳамда Сожида бибилар оталаридан қолган ер-мулкни қайтариб олишлари учун қозига ариза берганлар.

Жойнинг Хотинқуми деб аталиши хусусида ёши улуг кексалардан қуйдагиларни ёзиб олишга муяссар бўлдик.

Маълум бўлишича, қадимги пайтларда маҳалла ҳудудида улкан қумликлар мавжуд бўлиб, ёз ойларида хотин-қизлар шу қумликларга турли дардлардан шифо топиш мақсадида тушиб турганлар. Бу қумликларга фақат аёлларгина келганликлари учун Хотинқуми номини олган экан³¹¹.

³⁰⁹ Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. –Т.: «Шарқ», 2007. 393-б.

³¹⁰ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С.58.

³¹¹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Хотинқуми маҳалласида яшовчи Усмонжон Қаюмовдан (1920 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Ўтган асрнинг 40-йилларига келиб қумлар ташиб кетилиши натижасида Хотин қуми маҳалласидаги қумликлар йўқ бўлиб кетган.

Қўшқўприк

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда قوش كوپروك – Қўш қўпрук номи билан тилга олинади³¹².

1916 йилда Туркистонда қўтарилган мардикорликка қарши қўзғалон билан боғлиқ архив ҳужжатларида Қўшқўприк қишлоғи аҳолисининг волость марказида бошланган қўзғолонда фаол иштирок этганлиги кўрсатилган. Ушбу маълумотларга кўра, Қўшқўприк қишлоғидаги қўзғолончилар мироб Абдурахмон Ҳожимуҳаммад Саркаровнинг уйига бостириб кириб, уни тошбўрон қилганлар³¹³.

Шувоқзор

Айтишларича маҳалла ҳудудида қадимда шувоқ кўп ўсганлигидан «Шувоқзор» номи билан аталган экан.

Бу ҳақда топономист олим Н.Охунов жумладан қуйидаги фикрни келтиради:

«Шувоқзор – Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги қишлоқ. Шувоқ – гуллари майда, сарғиш рангли, ўзига хос ҳидга эга бўлган, дашт ва чўлларда ўсадиган кўп йиллик ўсимлик. Бу ўсимлик номи Алишер Навоий асарларида шубоқ, шубоғ шаклида учрайди. Шувоқзор «шувоқ кўп ўсадиган жой» демакдир. Қишлоқ ўсимлик номи билан аталган»³¹⁴.

Шувоқзор маҳалласида Саййид Ҳожи Пирим номи билан юритилувчи зиёратгоҳ жойлашган. Мазкур зиёратгоҳнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ қуйидаги ривоят сақланиб қолган.

Нақл қилишларича шувоқзорлик бойлардан бирининг тушига «Азизлардан бири кириб: «Бизнинг ҳолимиздан хабар олмайсизми?», дея дашном бергандек бош чайқайди. Ҳалиги бой «Мен сиз ётган жойни билмасам. Қандай қилиб ҳолингиздан хабар

³¹² Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С.99, 100.

³¹³ Турсунов Ҳ. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолони...151-б.

³¹⁴ Охунов Н. Жой номлари таъбири... 64-б.

олай», деб сўраган чоғида ўша авлиё қабр ўрнидан нишона беришини айтиб қўздан ғойиб бўлади. Уйқудан чўчиб уйғониб кетган бой маҳалладаги тепалик олдига келса, қабр изларини кўриб ўша азизлар айтган жой шу бўлса керак деб қабрларни кўтаришга киришади. Ҳозирда бу зиёратгоҳда учта қабр бўлиб катта қабрни Саййид Ҳожи Пиримга, ёнидагисини унинг аёлига ва кичик қабрни ўғлининг қабрига нисбат берадилар.

Нақл қилишларича, қабрни кўтаришда иштирок этган бойнинг хизматчиларга шу мазорга келувчилардан назр олишлари тўғрисида ҳам бойга тушларининг бирида яна азизлардан буйруқ бўлган эмиш. Шу сабабдан ҳозирда ўша бойнинг мулозимларидан бўлган Шокир Эгамбердиевнинг (1901-1985) хонадони авлодлари мазорнинг хизматчиларидан ҳисобланади. Шу хонадонга мансуб Қодирали отанинг сўзларига қараганда, бу мазорга олиб келинган исликни фақат шу хонадондагилар тановул қилиши мумкин бўлган, холос. Агар бу хонадондаги қиз фарзанд турмушга чиқса, унда ислиқдан ея олмаган. Агар келин шу хонадонга тушса, фақат етти йилдан сўнггина ўзи жонлиқ сўйиб маросим ўтказгач, ислиқдан ейишга рухсат берилган³¹⁵.

³¹⁵ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Шувокзор маҳалласида яшовчи Қодирали Шокировдан (1940 йилда туғилган) ёзиб олинди.

ЗАРКЕНТ

Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг маркази Заркент қишлоғи ҳисобланади.

2010 йилнинг декабр ҳисобига кўра, Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинида 3976 та хонадон мавжуд бўлиб, унда 23 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Умумий майдони 3581 гектарни ташкил этади.

Қишлоқнинг ижтимоий-маданий ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда 7 та даволаш муассасалари, 8 та мактаб, 4 та болалар боғчаси, 1 та касб-хунар коллежи, 5 сартарошхона, 6 та ошхона, 15 та савдо шаҳобчалари, 10 та қассобхона, 2 та ёғочни қайта ишлаш цехи, 4 та хусусий тегирмон, 2 та оталар чойхонаси фаолият кўрсатмоқда. Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинидан шу кунга қадар 3 нафар доктор ва фан номзоди даражасини олган олимлар етишиб чиққан.

Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғини донгдор пахтакор Раҳимберди Тўхтабоев номи билан юритилади.

Раҳимберди Тўхтабоев 1902 йилда Тошлоқ туманинг Заркент қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган. У ўз меҳнат фаолиятини дастлаб оддий деҳқонликдан бошлаган эди. Кейинчалик Р.Тўхтабоев 1930 йилда жамоа хўжалигини бошқарув аъзолигига сайланди.

Раҳимберди Тўхтабоев 1934 йили жамоа хўжалигини ҳосилот кенгаши раислигига сайланиб 1942 йилдан 1957 йилга қадар жамоа хўжалигига раҳбарлик қилган.

Р.Тўхтабоев чорак асрлик раҳбарлиги фаолиятида Республикада ўтказилган қурултойларга делегат сифатида иштирок этди. Р.Тўхтабоев шунингдек Ўзбекистон Марказий Комитетининг тафтиш комиссиясини аъзоси сифатида ҳам фаол қатнашган.

Раҳимберди Тўхтабоев 1952 ва 1955 йилларда икки марта Ўзбекистон Олий Советига депутат этиб сайланган. Р.Тўхтабоев жамоа хўжалигини ривожлантиришда ҳамда пахта ва пиллачилик соҳасидаги самарали меҳнатлари учун бир неча давлат мукофотларига сазовор бўлган.

Донгдор пахтакор Раҳимберди Тўхтабоев 1957 йили 55 ёшида вафот этган ва Заркент қабристонига дафн этилган.

Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғини Заркент, Қашқар, Чуқур, Турват, Дўстлик, Жарқишлоқ, Янгийўл, Бойқовул, Такалар, Қорақўнос, Сойбўйи, Чуқурча, Сандиқча, Тўқивой(Тўқибой), Бангилар, Тожикқишлоқ, Қалъача сингари маҳаллалардан иборат бўлиб, қуйида уларнинг айримлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтамиз.

Заркент

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда زرکند – Заркент номи билан тилга олинади³¹⁶.

Маълумотларга кўра, 1873 йилда Султон Муродбек томонидан Муҳаммад Олим саркорга берилган ҳужжатда Заркент қишлоғида Ҳазрат Осаф мазорига ажратилган вақф ерларидан хирож олинмаслиги таъкидланади. Қўқон хонлиги даврига доир ҳужжатларнинг бирида Марғилон шаҳридаги Гўри аввал мадрасаси учун ҳам Заркент қишлоғида вақф ерлари ажратилган бўлиб, улар солиқдан озод қилинган.

Шунингдек 1873 йилда Султон Муродбек томонидан Муҳаммад Олим саркор ва эшон Тўражон тўраларга берилган бир қанча ҳужжатларда Заркент қишлоғидаги Қамбар Али элликбоши ва Оқйўл исмли юзбошига ҳамда хонлик қўшинида хизматда турган айрим мерган, тўпчи, сарбозларга тегишли ерлардан олинган ғалла ҳосили хирождан озод қилинганлиги баён этилган.

Бундан ташқари Заркент қишлоғида Қўқон хонлигида доврўғи кетган машҳур уста Ҳолмуҳаммад нажжорбошининг ҳам узумзор ва бедазорлари мавжуд эди. Султон Муродбек томонидан Мулла Шокир³¹⁷ ва Отабек ёварларга³¹⁸ 1874 йилга берилган ҳужжатларда

³¹⁶ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. –М.: «Наука», 1968. С.58.106, 107, 110, 115, 117, 121, 141, 142, 144, 145, 147, 148, 152, 158, 159, 160, 161, 163, 164, 168, 178, 179, 198, 202, 207, 215, 217, 218, 226, 227, 230, 233, 234, 277, 278, 293, 294.

³¹⁷ Муҳаммад Шокир Мирзо Қаландар ўғли 1834 йили Риштон маҳалласида туғилган. Отаси Мирзо Қаландар Қўқон хони Худоёрхон даврида саркор, яъни солиқ йиғувчи мансабида турган. Айтишларича, Мирзо Қаландар халқдан олинаётган солиқларнинг тобора ортиб бораётганлигидан норози бўлиб, солиқ йиғишдан бош

уста Ҳолмуҳаммад ерларидан танобона солиғи олинмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Заркент қишлоғи тўғрисидаги айрим маълумотлар Мулла Авазмуҳаммад Аттор Хўқандийнинг 1872 йили форс тилида ёзилган «Тарихи жаҳоннамои» асаида учрайди³¹⁹.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Заркент қишлоғи Марғилон уездининг Яккатут волости таркибига кирган бўлиб, унда жамаи 1336 нафар аҳоли истиқомат қилган³²⁰.

Заркент номини келиб чиқиши тўғрисида аҳоли ўртасида турли тахминлар мавжуд. Масалан, баъзи бировлар бу ерда қадимда зари кўп бойлар яшаганлиги учун Заркент номини олганлигини таъкидласалар³²¹, айримлар шунга ҳамоҳанг тарзда Заркентнинг номи дастлаб Заркон деб аталганлигига алоҳида урғу бериб: «Бу ер Ипак йўлининг бекатларидан бири бўлган. Кўплаб карвонсаройлар ҳам бўлган. Шу сабабдан зарнинг кони бўлган» деган фикрни келтирадилар³²². Яна бирлари «Заркент номи дастлаб

тортган ва бу иши учун хоннинг ғазабига дучор бўлган. Худоёрхон амри билан Мирзо Қаландарга юз дарра уриши лозим бўлган вақт унинг ўғли Муҳаммад Шокир «Отам кексайиб қолди. Отамни ўрнига мени жазоласинлар», деб хондан ижозат олган ва отасини ўрнига жазоланган. Унинг бу қадар отасига бўлган меҳр-оқибати ҳатто хонни ҳам лол қолдирган экан. Шу сабабдан 1850 йили 16 ёшли мулла Шокирни навбатдаги йиғинларнинг бирида отасига Қаландар саркорга ноиб этиб тайинлайдилар. Шу тарзда умрининг охиригача Шокир ноиб номи билан машҳур бўлади.

Қўқон хонлиги Россия томонидан босиб олинган, халқ олдидаги обрў-эътиборини инобатга олиб, рус ҳукумати Мирзо Қаландарни Риштонга мингбоши вазифасига тайинлаган. Мирзо Қаландар вафот этгач, унинг ўрнида 1881 йилдан бошлаб, 1907 йилга қадар мулло Шокир мингбоши вазифасида турган ва халқ орасида Шокир ноиб, Шокир мингбоши номи билан машҳур бўлган. Унинг даврида Риштондаги ўзлаштирилмаган ерларга сув келтирилиб, ўзининг шахсий маблағи ҳисобига масжид ва мадрасалар барпо этган. Қолаверса Шокир мингбоши Риштонда куллолчиликнинг ривожлантиришга ҳам муҳим ҳисса қўшган. Маълумотларга кўра, 1918 йили Шокир мингбоши 84 ёшида Марғилон шаҳрида большевиклар томонидан отиб ташланган.

³¹⁸ Ёвар – юз нафар сарбозга бошлиқ ҳарбий.

³¹⁹ Beisembiev T.K. Annotated indices to the Kokand chronicles. research institute for languages and cultures of Asia and African ILCAA. Tokyo. 2008.p.613.

³²⁰ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 99.

³²¹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қорақунос маҳалласида яшовчи Одилжон Фозиловдан (1936 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³²² Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Заркент қишлоқ фуқаролар йиғинининг Тинчлик маҳалласида яшовчи Собиржон Камоловдан (1948 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Зарбулоқ бўлган. Булоқ сувининг қуёш нурлари остида жилваниб турганлиги учун шу ном билан аталаган. Орадан йиллар ўтиб Зарбулоқ номи Заркент, яъни Зар қишлоқ бўлиб кетган» дейдилар³²³.

Бу ҳақда Заркентлик ижодкор Асқар Али Заркандий қуйидаги мисраларни ҳам битган:

Искандар назар солган,
Заркент – демак Зар шаҳар.
Исфайрамдан сув ичган,
Оби зар, тупроғи зар.

Заркент атамаси хусусида мутахассислар фикри айрим ҳолларда бир-биридан фарқ қилади. Масалан, З.Дўсимов ва Х.Эгамовлар «Заркент, яъни «Тилла чиқарувчи қишлоқ» деган этимологияси тўғри эмас. Топоним зир олд қўшимчаси ёрдамида ясалган «Заркент» «қуйи қишлоқ» демақдир дея изоҳ берсалар³²⁴, Н.Охунов қуйидагича фикрни келтиради: «Заркент – Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги қишлоқ. Наманган вилоятининг янги қўрғон туманида ҳам шу номдаги аҳоли яшаш маскани бор. Ойконимнинг биринчи қисмидаги зар – тожикча сар сўзининг ўзгарган шакли бўлиб, «юқори, баланд, тепа» маъносини билдиради, кент эса «қишлоқ» дегани. Демак, Заркент – баландликдаги қишлоқ, тепаликка жойлашган қишлоқ маъносидир»³²⁵.

Қадимдан аҳоли орасида «Заркентни бало ва офатлардан сақлаб турувчи етти азизлар бор» деган нақл сақланиб қолган бўлиб, Заркентдаги ҳозирда мавжуд етти зиёратгоҳни айнан ушбу етти азизлар номи билан боғлайдилар. Шу билан бирга мазкур етти азизларни етти оға-ини эканлиги ҳақида ривоятлар сақланиб қолган.

Ушбу етти зиёратгоҳ қуйидагилардир:

³²³ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сандиқчи маҳалласида яшовчи Лукмонжон Охуновдан (1946 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³²⁴ Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳди луғати. –Т.: «Ўқитувчи», 1977. 67-б.

³²⁵ Охунов Н. Жой номлари таъбири... 24-б.

1. Оқмозор бува. 2. Қилич Бурҳон ота³²⁶. 3. Зирк мозор бува. 4. Тепа мозор азизлар. 5. Теракли мозор бува. 6. Оқ терак мозор бува. 7. Кўк мозор бува. Турват азизлар мозори.

Заркент қишлоғи тарихида ушбу зиёратгоҳларнинг ўрни нақадар муҳим эканлигини инобатга олиб дастлабки тадқиқотларимизни ушбу зиёратгоҳларни ўрганишга қаратдик.

Зирк мозор бува зиёратгоҳи

Зирк мозор бува зиёратгоҳи Заркент қишлоғининг Юқори маҳаласида жойлашган. Ушбу зиёратгоҳда улкан қайрағочларнинг кўплиги туфайли ўзига хос бир маҳобатли манзарани пайдо қилган. Шу сабабдан собиқ совет даврида ҳам Зирк мозор бува зиёратгоҳи соя салқин жой бўлишига қарамай унинг яқинидаги пахта даласида ишлаётган колхозчилар ва ўқувчилар дам олиш вақтида бу ерга камдан кам келганлар. Бир нафасни ростлаб дам олмоқчи бўлганлар ҳам аввал дуо ўқишдан кейингина ўтиришни маъқул кўрганлар.

Оқмозор бува зиёратгоҳи

Оқмозор бува зиёратгоҳи Заркент марказига яқин ерда жойлашган. Нақл қилишларича, мозор бир кунда пайдо бўлиб қолган эмиш. Ўша куни булоқ ҳам чиққан дейишади. Мозор тупроқларидан баданига ва сочига оқ тушганлар суркаса шифо топганликлари учун «Оқ мозор» деб аталган экан. Айтишларича, Оқмозор бува зиёратгоҳидаги булоқ XX асрнинг 50-йилларида беркилиб кетган.

Айтишларича, Оқмозор бува зиёратгоҳининг этаклари пахта даласи бўлиб, бир тракторчи зиёратгоҳга яқин ерларни ҳам ҳайдамоқчи бўлади. Шунда қаршисида ногаҳон оппоқ кийинган бошида саллали бор нотаниш мўйсафид чол пайдо бўлиб, «Бу ерларни ҳайдама» дея кўздан ғойиб бўлади. Тракторчи бундан кўрқиб кетиб, ишни тўхтатишга мажбур бўлади ва бўлиб ўтган

³²⁶ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Холинсо Режабовадан (1960 йилда туғилган) ёзиб олинди.

воқеани хўжалик раисига сўзлаб беради. Бироқ раис унинг сўзларига ишонмай қаттиқ койиб, тракторчини эртага ишни давом этиши кераклигини таъйидлайди. Аммо ўша куни кечаси раиснинг тушига ҳам худди ўша нотаниш мўсафид кириб бу ишларни қилмаслиги лозимлигини айтади. Шу тарзда раис ҳам аввалги фикридан воз кечиб, трактор ишларни тўхтатиб қўйган экан³²⁷.

Нақл қилишларича, Оқ мазор бува зиёратгоҳи, Офоқ хошамнинг қадамжойи бўлиб, Офоқ хошам Қошғарга кета туриб шу ерда тўхтаб, зиёратгоҳ бўлиши учун туғ кўтариб қўйиб кетган эканларлар³²⁸. Айтишларича Оқ мазор бува зиёратгоҳидан замбаракнинг отилган товуши эшитилиб турган.

Оқ мазор бува зиёратгоҳи ўтган асрнинг 90-йилларига қадар вайрона ҳолатда бўлиб келган. Фақатгина юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг ушбу зиёратгоҳда кенг кўламда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда заркентлик тадбиркор Султонбой Мамиталиевнинг хизматлари беқиёсдир. Айнан унинг саъйи ҳаракатлари билан Оқ мазор бува мазори Тошлоқнинг сергавжум зиёратгоҳларидан бирига айланди.

Чуқурқишлоқ

Кўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда چقر – Чуқур номи билан тилга олинади³²⁹. Чуқурқишлоқ ҳудудида Тепа мазор ва Чопсон ота сингари зиёратгоҳлар жойлашган.

Тепа мазор азизлар зиёратгоҳи

Тепа мазор азизлар зиёратгоҳи Заркентнинг Чуқур маҳаласида жойлашган. Ушбу зиёратгоҳнинг кўриниши тупроқ уюмини эслатади. Маҳалла қариялардан аввалари бу ерда

³²⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қашқар маҳалласида яшовчи Малика Маҳмудовадан (1960 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³²⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қашқар маҳалласида яшовчи Нурмуҳаммад ҳожи Холматовдан (1929 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³²⁹ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С.30.

аркасимон услубда лойдан қилинган мақбара бўлганлиги ҳақида оғзаки маълумотларни эшитдик. Айтишларича, ушбу тепалик бир кундан тўсатдан пайдо бўлиб қолган.

Аҳоли орасида бу ерда гўдак бешиги билан кўмилганлиги ҳақида ривоят ҳам мавжуд. Ушбу зиёратгоҳни кўзи оғриганлар келиб зиёрат қилиб тупроғини суртса даво топиши ҳақида қарашлар мавжуд. Тепалик мазорда дафн этилган зот шу ерликларнинг тушига оқ от миниб саллали ўраган қиёфада кўриниш бериб турар экан³³⁰.

Тепа мазор ёнида масжид бўлиб айтишларича дастлаб уни Жаҳр масжид деб атаганлар. Кейинчалик Жаҳр масжид аҳоли орасида Жармасжид номи билан машҳур бўлган³³¹.

Хўжа Чопсон ота зиёратгоҳи

Хўжа Чопсон ота зиёратгоҳи Заркентнинг Чуқурқишлоқ маҳалласидаги Теракли мазор қабристонида жойлашган. Хўжа Чопсон ота зиёратгоҳи билан боғлиқ айрим ривоятларга кўра, ул зот ҳасти Маъоз билан бир вақтда Фарғона водийсига кириб келган илк араб лашкарбошиларидан бири бўлган. Турват азизлар зиёратгоҳида бўлса унинг оға-иниларидан бири дафн этилган³³². Мазкур зиёратгоҳ ва Теракли мазор қабристони Чуқурқишлоқ маҳалласида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Абдуғаффорхожи Турдиев бошчилигида таъмирланиб, ободонлаштирилди.

Турват (Турбат)

³³⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Чуқур маҳалласида яшовчи Абдувоҳид Абдуллаевдан (1939 йилда туғилган) ёзиб олинди

³³¹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Чуқурқишлоқ маҳалласида яшовчи Асқарали Норалиевдан (1949 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³³² Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Такалар маҳалласида яшовчи Мамасоли Тешабоевдан (1922 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Турватликлар орасида жой номини келиб чиқиши хусусида қуйидаги ривоят сақланиб қолган. Нақл қилишларича, қадимда Марғилонни босиб олиш учун келга кўп сонли душман қўшини ҳозирги Турват ҳудудларида тўхтаб қароргоҳини тикламоқчи бўлибдилар. Ўша вақт пистирмада турган қуроолланган маҳаллий аҳоли душманни камондан ўққа тутибди. Камон ўқлари худди дўлдай душман устига ёғила бошлабди. Шунда ғазабга минган душман саркардаси алаמידан пистирмадагиларга қаратиб «Туриб от» дея бақирган эмиш. Ўша-ўша маҳалла Туриб от номини олиб кейинчалик Турват бўлиб қолган экан.

Бизнингча, душман билан маҳаллий аҳоли ўртасидаги жанг бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Аммо Турват номини «Туриб от» сўзи билан боғлаш мантиққа тўғри келмайди. Аслида Турват атамаси Турбат сўзи билан боғлиқ бўлиб, топонимист олим Суюн Қораев бу ҳақда қуйидаги фикрни келтиради:

«Турбат арабча туроб сўзининг кўплиги бўлиб, «тупроқ, хок, қабр» демакдир (аҳли туроб – «марҳумлар»). Улуғ кишиларнинг қабри устига қурилган мақбара ҳам турбат дейилган. Масалан, Гўри Амир мақбараси Турбати Темур ҳам дейилган. Турбат деган жойлар одатда азиз-авлиёларнинг мазори, қадамжойи ёнида бўлади. Турбат деган турк-мўғул қабиласи ҳам бўлган экан»³³³.

Маълумотларга кўра, Турбат номи билан аталувчи қишлоқ Чимкент атрофларида ҳам мавжуд бўлган³³⁴.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Турват номи аслида Турбат сўзидан олинган бўлиб, ушбу номни келиб чиқиши маҳалла ҳудудида жойлашган зиёратгоҳ билан бевосита боғлиқдир.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Турват қишлоғи Марғилон уездининг Яккатут волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 1050 нафар аҳоли истиқомат қилган³³⁵.

Турват азизлар зиёратгоҳи

Турват азизлар зиёратгоҳи Турват маҳалласида жойлашган. Айтишларича, бу ерга етти азизлардан бири дафн этилган³³⁶.

³³³ Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари...161-б.

³³⁴ Beisembiev T.K. Annotated indices to the Kokand chronicles. research institute for languages and cultures of Asia and African ILCAA. Tokyo. 2008.p.564.

³³⁵ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 99.

Ривоятга кўра, зиёратгоҳ бир кунда пайдо бўлиб қолган³³⁷. Уни қачон барпо қилинганлиги маълум эмас. Турват азизлар мазорининг усти очик бўлганлиги учун 1922 йили турватлик косиб Тойирбой Тожимат ўғли мазор устини беркитиб атрофини ўратган экан.

Маълум бўлишича, Тойирбой узоқ вақт фарзанд кўрмаган. Унинг фарзандсизликан кўп азият чекаёганлигини кўрган улўғлардан бири Турват азизлар мазорини обод қилишни маслаҳат беради. Шундан сўнг ушбу маслаҳатга амал қилган Тойирбой кўқонлик усталарни олиб келиб мазорни юқорида айтганимиздек устини ёптирган. Буни қарангки орадан бир-икки йил ўтиб у фарзанд кўрган экан³³⁸.

Турват азизлар мазори тўғрисида кўп эшитган бўлсақда, аммо уни шу вақтга қадар келиб кўрмаган эдик. Қачонки Турват азизлар мазорига келган чоғимиз, зиёратгоҳни кўриб, ўзимиздаги ҳаяжонни яшира олмадик. Чунки деворлари батамом тошдан тикланган бундай мақбарани Фарғона водийсида илк бор учратишимиз эди. Мақбара ичига разм солар эканмиз зиёратгоҳнинг қадимий эканлигига тўғрисидаги шубҳаларимиз тарқаб кетди. Бизнингча, Турват азизлар зиёратгоҳининг барпо этилганлигига 3-4 аср балки ундан ҳам кўпроқ бўлганга ўхшайди. Равоқли қилиб қурилган мақбара ичидаги икки токча тепаси равоқ, ярим айлана гумбазча шаклида ишланган. Мақбаранинг тепа қисми васса шифтли бўлиб, бунга ўхшаш зиёратгоҳ камдан-кам учрайди.

Таъкид жоизки, изланишлар давомида Турват азизлар мазорини пайдо бўлиши Хўжа Маъоз номи билан машҳур бўлган зиёратгоҳга бевосита боғлиқлиги тўғрисидаги ривоятга дуч

³³⁶ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Турват маҳалласида яшовчи Саодатхон Ҳакимовадан (1940 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³³⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Турват маҳалласида яшовчи Қаюмжон Шералиевдан (1948 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³³⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Турват маҳалласида яшовчи Худойберди Темировдан (1950 йилда туғилган) ёзиб олинди.

келдик³³⁹. Шу сабабдан ўқувчиларимизга Хўжа Маъоз мозори тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтишни лозим кўрдик. Чунки, Турват азизлар мазорининг тарихи айнан Хўжа Маъоз номи билан боғлиқлиги тўғрисидаги ривоятлар мавжуд экан, биз ўрганаётган Турват маҳалласидаги муқаддас жойнинг нақадар қадимий эканлигини шу тарзда аниқлаш мумкин бўлади.

Хўжа Маъоз ибн Жабал зиёратгоҳи Марғилон шаҳри Ёйилма маҳалласида жойлашган. Хўжа Маъоз мазорини маҳаллий халқ Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг Маъоз ибн Жабал исмли фақиҳ ва ровий саҳобаларидан бири билан боғлиқ деб қарашади³⁴⁰.

Тарихдан маълумки, Маъоз ибн Жабал тўлиқ исми Абу Абдурахмон ал-Ансорий ал-Хазражий ал-Жашмий (640 йили вафот этган) гарчанд Мовароуннаҳрга келмаган бўлса-да, бироқ унинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар нафақат Фарғона заминида балки Хоразмда ҳам мавжуд бўлган³⁴¹. Марғилондаги унинг номи билан аталувчи зиёратгоҳ халқ орасида Хўжа Мағиз, Ҳасти Маъоз мозори деб ҳам аталади³⁴². Қўқон хонлигига доир архив ҳужжатларида мазор номи Ҳазрат Маъоз ибн Жабал дея тилга олинади³⁴³.

«Насабномайи турки» деб аталувчи қўлёзмада Марғилон ва унинг атрофидаги Маъоз ибн Жабал, Носиршоҳ, Порсиншоҳ мазорларининг тарихи билан боғлиқ маълумотлар учрайди. Мазкур қўлёзма «Насабномайи Мавлоно Сайфиддин Ўрунг Қўйлоқий» деб ҳам аталиб унда айтилишича, қўлёзма ҳижрий 690 (мелодий 1291) йилда араб тилидан турк тилига Аҳмад Яссавийнинг жияни Мавлоно Сайфиддин Ўрунг Қўйлоқий томонидан ўгирилган. Мазкур насабномада келтирилишича, Ҳазрат Алининг Биби Ҳанифадан туғилган ўғли Муҳаммад ал-Ҳанафийанинг (700 йилда вафот этган) фарзандлари Шоҳ Абдурахмон, Шоҳ Мансур ва Ҳазрат Порсиншоҳ саҳобалар ва тобеъин ҳамда таба тобеъинлар билан биргаликда Мовароуннаҳр халқини исломга киргизиш учун

³³⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Такалар маҳалласида яшовчи Мамасоли Тешабоевдан (1922 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³⁴⁰ Абдулаҳатов Н, Ҳошимов Б. Мўйи Муборак. – Ф.: «Фарғона», 2000. 88-б

³⁴¹ Раҳмонов А. Юсупов С. Хоразмда муқаддас жойлар ва уларнинг вужудга келиш сирлари. – Т., 1963. 14-б.

³⁴² Абдулаҳатов Н. Фарғона зиёратгоҳлари // «Буюк ипак йўли ва Фарғона водийси» мавзусидаги Республика илмий амалий анжумани материаллари... 54-б.

³⁴³ Троицкая А. Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века...С.528.

келганлар ва уларнинг қўшини тўрт қисмга бўлиниб кетади. Шох Мансур, Ҳазрат Порсиншоҳ ҳамда Абдуллоҳ ибн Маъоз Жабал Хисор, Қоратегин, Мастчо, Марғинон ва Ўш аҳлини ислом динига киргизадилар ва уларнинг учаласи шу ерда ҳалок бўладилар. Жумладан мазкур «Насабномайи Туркий»да Абдуллоҳ ибн Маъоз Жабал Марғилон атрофидаги чўлда юз берган жангда ҳалок бўлиб, шу ерга дафн этилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд³⁴⁴. Демак, Хўжа Маъоз зиёратгоҳи аслида саҳоба Маъоз ибн Жабал билан эмас, балки унинг ўғли Абдуллоҳ ибн Маъоз Жабал номи билан боғлиқ бўлган. Бироқ маҳаллий аҳоли орасидаги саҳобалар тўғрисидаги ривоятлар туфайли зиёратгоҳ номи Маъоз ибн Жабал дея аталиб келинганлиги боис вақтлар ўтиши билан шу ном билан халқ орасида машҳур бўлиб кетган.

Хўжа Маъоз зиёратгоҳини Марғилон шаҳрида улуғ зиёратгоҳ сифатида машҳур бўлганлиги боис севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирий ўзининг «Ўтган кунлар» романида ҳақида қуйидагича таърифлаб ўтган эди: *«Бир неча юз йиллардан бери яшаб, фавқулодда зўрайиб кетган «Хўжа Маъоз» мазорининг чакалагини бу қоронгуликка бир манба каби эди»*. Севимли ёзувчимиз Хўжа Маъоз тўғрисида келтирган таърифи билан ушбу зиёратгоҳнинг Марғилон аҳли орасида нақадар мўътабар эканлигини кўрсатиб берган эди. Зеро, Абдулла Қодирий Марғилонда бўлган кезлари Хўжа Маъоз мазорини зиёрат қилар экан, бу ерга келаётган зиёратчилар билан суҳбат қурган ва уларнинг ушбу мазор тўғрисидаги фикрларига ўз диққат-эътиборини қаратган бўлса керак.

1954 йили Хўжа Маъоз мазорини кўздан кечирган тадқиқотчи И. Ф. Бородин маҳаллий халқ орасида мазор саккиз аср муқаддам қурилганлиги ҳақидаги ривоятлар мавжудлигини таъкидлаб ўтган. Унга кўра, мазор кейинчалик XX аср бошларида қайта таъмирланган³⁴⁵.

Юқорида келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, Турват азизлар зиёратгоҳининг пайдо бўлиши ҳам худди Абдуллоҳ ибн Маъоз Жабал мазори сингари VIII асрда Фарғона

³⁴⁴ Муминов А. К. Кокандская версия исламизации Туркестана... С. 136.

³⁴⁵ Бородин И. Ф. Дневник обследования с описанием памятников архитектуры Ферганской долины (жилых домов, квартальных мечети, медресе и мавзолеев) 1954. Ф. №1644. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қишиш ва улардан фойдаланиш бош бошқармаси архиви.

водийсида юз берган воқеалар билан боғлиқлиги эҳтимолдан холи эмас.

Жарқишлоқ

Қўқон хонлиги архивига доир хужжатларда چرقشلاق – Жарқишлоқ номи билан тилга олинади³⁴⁶.

Нақ қилишларича ўтмишда қишлоққа катта сел оқими келиши натижасида ерлар ўпирилиб унча катта бўлмаган жарликлар ҳосил бўлган. Кейинчалик сел оқибатида юзага келган жарликлар туфайли қишлоқ «Жарқишлоқ» номини олган экан³⁴⁷.

Ўтган асрнинг 30-йилларида Жарқишлоқдан ҳам бир неча киши қатағон қилинган бўлиб, улардан бири ҳақида тарихчи олим Рустам Шамсутдиновнинг «Қатағон қурбонлари» асарида жумладан қуйидаги маълумотлар келтириб ўтилган:

«Тошбоев Халил қори – 1897 йили туғилган, Марғилон райони Жарқишлоқ қишлоғидан, қулоққа тортилган, ҳибсга олингунга қадар диний маросимлар хизматчиси. Аксиинқилобий гуруҳ йиғинларида қатнашиб унда ўзининг совет ҳокимятига қарши нафратларини билдирганликда, совет ҳокимиятининг яқин орада қулашини ташвиқот қилганликда, аҳоли орасида колхозга қарши тарғибот олиб борганликда айбланган»³⁴⁸.

Янгийўл (Зириллама)

Маҳалланинг аввалги номи Зириллама бўлиб, бу ҳақда қуйидаги ривоят сақланиб қолган. Айтишларича, ҳазрат Офоқхожа бу маҳаллага келган вақти шу ердаги азизлар дафн қилинган мазорга белги бўлсин деб тут экиб, яна йўлга тушмоқчи бўлибди. Шунда маҳалла аҳли ҳам ул ҳазратни кетаётганлигидан ғамга ботибдилар. Ҳатто тут ҳам ўз-ўзидан зириллай бошлабди. Бунини кўрган Офоқхожа тутга қараб: «Зириллама. Насиб қилса яна бу ерга келамиз» деб айтгач тут зириллашдан тўхтаган эмиш. Ўша-ўша бу

³⁴⁶ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. –М.: «Наука», 1968. С.292.

³⁴⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Жар маҳалласида яшовчи Қорияхон Нурхўжаевдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³⁴⁸ Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари... 155-б.

ер Зириллама номини олган экан³⁴⁹. Маҳалла ҳудудидан кейинчалик катта йўл ўтганлиги боис Янгийўл деб аталган.

Кўкмозор зиёратгоҳи

Айтишларича бу ерга Хожаи Кахтон исмли авлиё дафн этилган бўлиб, ҳозирда қабр сақланиб қолмаган. Зиёратгоҳ ўрнида фақат тут дарахти мавжуд. Аҳоли орасида Ушбу муқаддас жой қадимда Кўкмозор номи билан машҳур бўлган. Ўтмишда кўк йўталга чалинган беморлар зиёратга келиб турганлар.

Бойқовул

Ривоятларга кўра, қадимда Овул ва Қовул исмли икки ака-ука яшаган эканлар. Уларнинг қўй-қўзилари шу қадар кўп эканки, санаб адоғига етиб бўлмас экан. Ҳар йили ака-укаларнинг 300-400 бош қўйини бозорда сотаётганлардан «Бу кимнинг қўйлари?» деган саволга «Бой Овул ва Қовулники» дея жавоб берар эканлар. Замонлар ўтиб улар яшаган қишлоқ ака-укалар номи билан «Бой Қовул, Овул», дея юритила бошлабди. Бу ном кейинчалик ўзгариб «Бойқовул» номини олган эмиш³⁵⁰.

Такалар

Кўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда تڪلىك – Такалик номи билан тилга олинади³⁵¹.

Нақд қилишларича, маҳалла номи дастлаб Қашғардаги Тақволар жой номи билан боғлиб бўлиб, бу ерга Тақволар маҳалласидан бир неча хонадон келиб ўрнашган экан. Улар янги

³⁴⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Янгийўл маҳалласида яшовчи Раҳматилло Тўлановдан (1942 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³⁵⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бойқовул маҳалласида яшовчи Олимжон Тўхтабоевдан (1942 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³⁵¹ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С.156.

жойда дастлаб така боққанлари учун маҳалла кейинчалик Такалар деб аталган эмиш³⁵².

Бизнингча маҳаллани такалар деб аталиши аслида шу ном билан аталувчи уруғ номи билан боғлиқ бўлса керак. Чунки така уруғ номи. Қирғиз ва туркман халқи орасида ҳам шундай уруғ мавжуд. Ўзбеклар таркибида ҳам така уруғи бўлиши мумкин. Чунки туркий халқларнинг уруғ ва қабилалари номлари кўп жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшаш ва мосдир³⁵³.

Таъкид жоизки, Тошлоқ тумани худудидаги аҳоли яшайдиган жой масканлар, кўп ҳолларда уруғлар номи билан боғланган. Бу ҳолат албатта яқин ўртада юзага келмаган. Бинобарин, уруғлар номи билан боғланган жой номларининг вужудга келиши жуда қадимийдир. Улар уруғ номларининг маъноси ва тарихи, аҳолининг жойланишига боғлиқ. Баъзан бир қишлоқнинг аҳолиси бир уруғга мансуб бўлади. Бу, айниқса, уларнинг тил хусусиятини аниқлашда яққол сезилади. Айрим ҳолларда уруғ номи билан аталувчи жой аҳолининг ҳозирги ҳолати учун хос бўлмайди. Кишилар турли хил сабаблар билан бир жойдан иккинчи жойга кўчишлари мумкин, бироқ жой номи аксарият ўз ҳолича қолаверади. Баъзан маълум бир уруғ номи билан аталувчи жойдан ҳозирги вақтда шу уруғга мансуб бўлган кишиларни учратмаслик мумкин. Бу хусусият уруғ номи билан қўлланган жой номларининг қадимий характерга эга эканлигини яна бир бор исботлайди³⁵⁴.

Тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки ҳозирги даврга келиб, аҳоли ўртасида қабила ва уруғ тушунчалари ўз моҳиятини йўқотиб бормоқда³⁵⁵. Чунончи, элшунослар XX асрнинг 60 йилларига келиб фақатгина баъзи бир билимдон кексаларгина ўзларини қайси уруғга тегишли эканлигини айтиб бера олганликларини айтиб ўтган бўлсалар,³⁵⁶ ҳозирги вақтда уларнинг уруғлар тўғрисидаги хотираларининг айримлари авлодлари

³⁵² Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Такалар маҳалласида яшовчи Мамасоли Тешабоевдан (1922 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³⁵³ Охунов Н. Жой номлари таъбири... 46-б.

³⁵⁴ Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. –Т.: «Фан», 1982. 60-б.

³⁵⁵ Губаева С.С. Этнической состав населения Ферганы в конце XIX начале XX в...С. 27.

³⁵⁶ Шаниязов К .Ш. К этнической истории узбекского народа.–Т.: «Фан», 1974. С.127.

орасида баъзи бир жумлалар орқали сақланиб қолган. Бу ҳолат оғзаки сўзлаш нутқида «улар қипчоқдан», «улар турк» ёки «бизнинг тўпдан эмас» ҳамда қарғишларда «уруғ аймоғинга ўт тушсин» сингари ибораларда ўз аксини топган³⁵⁷.

Такалар маҳалласида Кўктўнли азизлар деб аталувчи зиёратгоҳлар мавжуд³⁵⁸.

Кўктўнли азизлар зиёратгоҳи

Аҳоли орасида сақланиб қолган ривоятга кўра, ул зотнинг бошида кўк салла, эғнида кўк тўни бўйиб доимо кўк отда миниб юрганлиги учун Кўк тўнли азизлар номини олган экан³⁵⁹. Айтишларича, Кўк тўнли азизлар Жарқишлоқдаги Чувалачи ота билан оға-ини бўлиб, замон нотинч пайтларда бир-бирига тўп отиб хабар бериб турар эканлар.

Шу ўринда азиз – авлиёларнинг қабрларидан тўп овозини келиши ҳақидаги қарашлар нафақат Фарғона водийсида, балки бутун Ўзбекистон ҳудудидаги зиёратгоҳларда ҳам мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. Чунончи, бу ҳақда Раҳматулла Юсуф ўғлининг маълумотлари фикримизнинг яққол далилидир: *«Қадимги Қоракисада бўзахўр деган жамоа яшаган экан, ҳалиям Қоракисада шу уруғ аҳлидан битта-яримта бор. Қоракиса номини олган бу жамоа сўнгра кўпчилик янги қоракисага айланган экан. Бўзахўрларнинг Қоракиса, Қўштамғали, чиноқ уруғларининг 1914 йилдан муқаддам Ғойиб ота, Қоранор ота деган зиёратгоҳлари ҳам бўлган. Шу қишлоқда «Азизлар отишади, тўп овози чиқади», – деган ишончлар бўлар экан»*³⁶⁰. Шунингдек, Абул Ҳакими Самарқандий ҳам

³⁵⁷ Абдулаҳатов Н. Этник номлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 1–қисм. Тошкент, 2005. 157-б.

³⁵⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Такалар маҳалласида яшовчи Нўъмонжон Юнусовдан (1940 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³⁵⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Такалар маҳалласида яшовчи Омонхожи Жўраевдан (1941 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³⁶⁰ Боболардан қолган нақллар. Ёзиб олувчи: Раҳматулла Юсуф ўғли. Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М. Жўраев ва У. Сатторов. –Т.: «Фан», 1998. 45-б.

ўзининг «Қандия» асарида муқаддас мазорлардан овоз келишини таъкидлаб ўтади:

«Бу ердаги зиёратгоҳ жойлардан – Имом Али ибн Исҳоқнинг қабрлари бўлиб, ул бузургвор ўзларининг жами мол-мулкани Худои таоло йўлида сарф қилганлар. Ул работдаги масжид ҳам ул кишидан қолгандир. Ва агар зиёратга танҳо борилса, ул гумбаздан овоз чиқиб хушхабар берар ва зиёратчи кишининг ҳожати раво бўлур; Жамии султонуну, ақобиру, уламо ва ҳожатмандлар ушбу зиёратга келишиб, мақсадларини етишар эдилар ва мушкулотлардан фориғ бўлар эдилар; Ва умуман бу работ авлиёлар маконидир»³⁶¹.

Мазорлардаги авлиёлар тирик, шу боис улардан ҳар доим гумбирлаган овоз келади. Оға- ини авлиёлар бир-бирининг холидан хабар бериб туриш учун шундай гумбурлатиб туришар эмиш деган қарашларни нафақат Тошлоқ балки Олтиариқ ва Бешариқ зиёратгоҳларида ҳам кўриш мумкин. Ахборотчиларнинг маълумотларга кўра, мазорлардан бундай вақтда олов ҳам чиқиб турар экан³⁶². Бироқ бу оловни ҳар киши ҳам кўрмайди. Фақатгина ҳар ўн кишидан бирига, яъни қалби пок кишига шу оловнинг кўриш насиб қилади. Бизнингча, бу тушунчалар замирида инсонларни ҳар доим ҳалол ва пок бўлишлари лозимлиги ҳақидаги қарашлар ётади. Маълумотларга кўра, авлиёлар агар одамларнинг гуноҳлари кўпайиб кетган бўлса, мазорларидан гумбирлаган овоз беришиб уларни огоҳ этар эканлар³⁶³. Одамлар бу овозни эшитгач, тавба қилиш учун мазорга келиб ис чиқаришган. Гуноҳларини Худодан кечирिशларини сўраб илтижо қилганлар³⁶⁴. Муқаддас зиёратгоҳлардаги турли товушлар билан боғлиқ қарашлар замирида қадимги туркий халқлардаги «Тиги» тушунчаси билан боғлиқ қарашлар мавжуд бўлиши мумкин. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарий шундай ёзади:

«Тиги – кечаси эшитиладиган гувуллаган овоз. Турклар тушунчасида ўликларнинг руҳлари ўзлари яшаган шаҳарга ҳар йил бир кечаси тўпланадилар, у шаҳар халқларини зиёрат қиладилар. Кечаси ана шу

³⁶¹ Абул Ҳакими Самарқандий. Қандия. Самарқанд, 1994. 11-б.

³⁶² Дала тадқиқотлари. 2004 йил. Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, Жарбоши қишлоғи.

³⁶³ Дала тадқиқотлари. 2004 йил. Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Эски Араб қишлоғи.

³⁶⁴ Абдулаҳатов Н, Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари...99-б.

товушни эшитган киши ўлади. Туркларда бу тушунча кенг тарқалган»³⁶⁵.

Ушбу маълумотдан кўринадикки, муқаддас зиёратгоҳлардаги овозлар билан боғлиқ қарашлар исломдан олдинги марҳумлар култи билан боғлиқ бўлган. Ислום дини кириб келгач, бу қарашлар азиз-авлиёлар култига кўчиб, шу тарзда ўзининг иккинчи бир варианты сифатида сақланиб қолган.

Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 30-йиларида собиқ советларнинг даҳрийлик сиёсати натижасида ушбу мазор бузиб юборилади. Аммо ўша вақтда уста Комил ва унинг шогирди уста Аҳмадлар кечаси яна мазорни қайта таъмирлаб чиқишга муяссар бўладилар. Бироқ уларнинг бу ишларидан хабар топган колхоз фаоллари иккала устани яна қайта мазорни бузишга мажбур этадилар. Шунда ноилож қолган уста Комил шогирди Уста Аҳмадга «Осмон узок, ер қаттиқ. Ўзимиз тикладик. Яна энди ўзимизга буздирешмоқчи. Бўйин товласак, оиламиз аҳлига қийин бўлади. Ҳолимизни Яратган Эгам кўриб турибди. Фақат бузиш чоғида ниманидир сезсангиз ёки кўрсангиз бировга айтманг», дейди. Улар колхоз фаолларининг кўз олдида мазорни ул-бул жойига кетмон ургандек бўладиларда, ишни тўхтатадилар. Уйга қайтиб боришгач, уста Комил «Учинчи кетмонни урганимда қаршимда Кўктўнли ота пайдо бўлиб «Энди тўхтат», деб қатъий оҳангда буйруқ бергач, ишимни тўхтатдим» деб кўз олдида содир бўлган воқеани шогирди уста Аҳмадга ҳикоя қилиб берган экан.

Изланишлар давомида собиқ советлар давридаги тайзиқлар туфайли худди Кўк тўнли ота мазори сингари бошқа зиёратгоҳлар ҳам фақатгина кечалари таъмирланганлиги ҳақида маълумотларни ёзиб олишга муяссар бўлдик. Масалан, Риштон тумани Зоҳидон қишлоғи қабристонига дафн этилган Саййид Абдулазиз Хондада (1905-1973) учун 80-йилларда қурилган мақбарани шогирдлари айнан кечаси барпо этганлар.

Шу ўринда айтиш жоизки, муқаддас зиёратгоҳларда рангларнинг рамзи ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Бинобарин, авлиёларни кўк, яшил ва оқ кийимда тасвирлаш ва тасаввур қилиш кенг тарқалган. Масалан, ҳазрат Али (к.в.) ҳақидаги халқ китоблари ва ёзма манбаларда уни кўк кийимда пайдо бўлиши кенг тасвирланган. Бизнингча, Фарғона водийсидаги Кўк мазор ёки Кўк

³⁶⁵ Маҳмуд Қошғарий. Девону Луғотит турк. III том. – Т., 1963. .249-б.

тўнли ота мазорлари замирида ҳазрат Али (к.в.) ва унга ўхшаш ислом оламидаги машҳур кишиларни оқ тўнли ёки кўк тўн кийган ҳолатида тасаввурлари билан боғлиқ тушунчалари ётади³⁶⁶. Авлиёларнинг оқ ва яшил тусдаги кийимда кўринишлари улар билан боғлиқ зиёратгоҳларни кейинчалик шу номлар билан машҳур бўлишига олиб келган.

Чунончи Кўктўнли ота, Хўжаи кабадпўш, Хўжаисабзапўш ва Оқ тўнли ота номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар Ўрта Осиёда кўплаб учрайди. Н. Г. Маллицкийнинг (1873-1947) сўзларига кўра, таркибида кўк ва яшил сўзлари бўлган мазор номлари ўша авлиёларнинг камбағал эканлигини билдиради³⁶⁷.

Тарихчи Ҳамза Камоловнинг фикрига кўра, Хўжасабзапўш номини олган валий зотлар аслида Қодирия тариқатига мансуб бўлган. Чунки яшил ранг қодирия тариқати вакиллариининг ўзига хос рамзи саналган³⁶⁸.

М. Дадабоев ҳам Қўқон шаҳридаги Кўктўнли ота мазори хусусида айнан шундай фикрларни келтиради: «Кўктўнли Ота номи билан боғлиқ жой шаҳарда иккита бўлиб, бири – Кўктўнли ота мазори М.Маҳмудов номли 40-маҳалла ҳудудида; иккинчиси Кўк тўнли ота хонақоҳи мазкур кўчада жойлашган. Мазор сақланиб қолган бўлсада, хонақоҳ йўқ бўлиб кетган. Бу хонақоҳда «Кўк тўнли» оқимига мансуб суфийларнинг қароргоҳи бўлган. Суфийликдаги «Оқ тўнлилар» оқими ўзига тўқ сўфилар жамоаси, «кўк тўнлилар» оқими эса қашшоқ, йўқсил суфийлар жамоасидир. Кўк тўнлилар борида қаноат қиладилар, бойлик тўплашга қизиқмайдилар»³⁶⁹.

Демак, мазорларидаги кўк ва оқ тўн соҳиблари уларнинг валийликларидан ва уларни тасаввуфниг қайси оқимига мансуб эканидан ҳам далолат берган. Жумладан, валийларнинг оқ ва кўк либосларининг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳақда Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» асарида ҳам маълумотлар келтирилган³⁷⁰. Демак, мазорларидаги кўк ва оқ тўн соҳиблари уларнинг

³⁶⁶ Темурнома. – Т.: «Чўлпон», 1990. 155-157-б.

³⁶⁷ Малицкий Н.Г. Ягонобцы. ИТОРТО, т. XVII. Т., 1924. С. 171.

³⁶⁸ Ҳамза Камол. Мазори Ҳазрати Файзуллоҳ // Фарҳанг. 2002. № 5-6. 23-б.

³⁶⁹ Дадабоев М. Хўқанди латиф маҳаллалари ва кўчаларининг номланиш тарихи. – Ф.: «Фарғона», 2007.29-б.

³⁷⁰ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Т.: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», 1994. 44-б.

валийликларидан далолат берган³⁷¹. Умуман олганда, Кўк тўнли, Кўк тилло, Кўк тилли, Кўк толли, Кўктош ота, Кўк мозор, Кабадпўш сингари зиёратгоҳлардаги кўк тушунчаси қадимги қарашлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шу боис мазкур ранглар билан боғлиқ қарашларнинг генезисини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Қадимги мисрликларда кўк ва яшил ранг ҳаёт ва ободончиликнинг рамзи ҳисобланган. Ислом динида мазкур ранглар илоҳий кучга эга деб қаралган. Хусусан, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ва Хизр пайғамбар баъзи бир авлиёлар ҳаётида бу рангнинг аҳамияти муҳим роль ўйнаган³⁷². Бу ҳақда «Қиссаси Рабғузий»да ҳам маълумотлар келтирилган: «Хизр маънисини яшил бўлур. Қаю тош уза Хизр алайҳиссалом ўлтурса ул тош яшарур эрди. Анинг учун Хизр аталди»³⁷³.

Фаридиддин Атторнинг «Илоҳийнома» асарида келтиришича итни тош билан урган кимсани жазолаш учун ғойибдан кўктўнли авлиё пайдо бўлади³⁷⁴. Бу қарашларни қадимги туркий халқлар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этганлигини ривоятлар ва достонларда ҳам кўришимиз мумкин. «Ўғузнома» достонида туркий халқларнинг қадим ишонч-эътиқоди, тасаввурлари акс этган. Ўғуз Кўк тангри (осмон тангриси)га эътиқод қилади ва кўк чодирда яшайди. Достонда тасвирланган воқеа-ходисалар туркийларнинг ана шу эътиқод-ишончи билан боғлиқ. Унинг яшаш чодирини, тангрисини, тотемини, ва фарзандини кўк билан боғлиқ. Бу кўк рангнинг осмон билан боғлиқлиги ва илоҳийлигидан далолат беради. Ахборотчилардан азадорларнинг кўк рангли кийим кийишларининг сабаби сўралганида, улар «кўк ранг аввало вазминлик, мотам белгиси» деб изоҳлайдилар. Шу билан бирга уларнинг тушунтиришларича, бу марҳумнинг осмонга (кўкка) йўл олган руҳи билан боғлиқдир³⁷⁵.

³⁷¹ Ҳамза Камол. Мавлоно Шамсуддин Сабзпўш // Чаҳордах мазор. Д., 2001. 65-б.

³⁷² Шукуров Ш.М. «Шах-наме» Фирдоуси и ранняя иллюстративная традиция. – М.: «Наука», 1983. С.126.

³⁷³ Носиридин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. – Т.: «Ёзувчи», 1991. 68-б.

³⁷⁴ Шукуров М. «Шах-наме» Фирдоуси и ранняя иллюстративная традиция... С.126.

³⁷⁵ Насриддинов Қ. Ўзбек Дафн ва таъзия маросимлари. – Т.: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», 1996.131-б.

Ҳатто одамлар бирон бир киши вафот этса, унинг руҳи кўкка кўк қуш бўлиб учиб кетади деган ибтидоий тушунчалар XX аср бошларига қадар сақланиб қолган³⁷⁶. Шунингдек Кўктўнли ота тушунчасида Худога етишган авлиё маъноси ётади³⁷⁷.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, Кўк тўнли ота номи билан аталувчи зиёратгоҳлар Ўрта Осиёда энг кўп тарқалган мазорлар жумласига киради. Масалан, Тошкент шаҳрининг ўзида бундан ном билан аталувчи тўртта зиёратгоҳ мавжуд бўлган. Улардан бири ҳақида муаррих Муҳаммад Солиххўжа Тошкандийнинг (тахм.1830-1890 дан кейин) «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида маълумотлар учрайди: *«Кўктўнлик ота қабри тилга олинган шайх Хованд Таҳур мақбараси яқинидаги Чинор остида, ариқнинг жанубида бўлган. Кўктўнлик ота шайх Хованд Таҳурнинг жорубкаши бўлиб, ким шайх Хованд Таҳур зиёратига келса Кўктўнлик отани дуо қилиб ёдга олар эканлар»*³⁷⁸.

Бу ном билан аталувчи зиёратгоҳлар Қошғар ҳудудларида ҳам мавжуд. Шу сабабдан уйғур олимаси Роҳила Довуд ўзининг «Уйғур мазорлари» номи асарида уйғурлар орасидаги «Кўк тўнлуқ отам мазори» номи билан машҳур бўлган зиёратгоҳ ҳақида ҳам маълумотлар келтиради: *«Кўк тўнлуқ отам мазори Мекет ноҳия бозоридан 11 километр йироқдаги Янтоқ язисининг Уйлуқ кентининг шимолий томонида жойлашган. Кўк тўнлуқ отам мазорини кишилар яна «Кўк толлуқ отам мазори» деб ҳам аташади. Бу ном асосан мазор атрофида кўк толлар бўлгонлиги учун шундоқ аталган»*³⁷⁹.

Қорақўнос

³⁷⁶ Чистяков В.А. Чистяков В.А. Представления о дороге в загробный мир в русских похоронных причитаниях XIX-XX вв // Обряды и обрядовый фольклор. – М., 1982. С.160.

³⁷⁷ Муродов. О. Шаманский обрядовый фольклор у таджиков средняя части долины Заравшана // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: «Наука», 1975. С.102 .

³⁷⁸ Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари (XIX аср) – Т.: «Ўзбекистон», 2007. 177-б.

³⁷⁹ Роҳила Довуд. Уйғур мазорлари. Урумчи.: «Шинжонг халқ нашриёти», 2001. 115-б.

Қишлоқ номини келиб чиқиши борасида аҳоли орасида шу кунга қадар турли тахминлар мавжуд. Улардан бирига кўра қадим замонларда бу ерлар қора кўтослар макони бўлган. Шу сабабдан қишлоқ Қора кўтос деб аталган эмиш. Кейинчалик Қора кўтос номи таллаффузда ўзгариб Қорақўнос деб аталганлиги нақл қилинади³⁸⁰.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Қорақўнос қишлоғи Марғилон уездининг Яккатут волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 1114 нафар аҳоли истиқомат қилган³⁸¹

Маълумотларга кўра қипчоқларнинг Қорақўнос деб аталувчи тармоғи бўлган³⁸². Шундай экан қишлоқ номининг келиб чиқиши аслида ўзбек уруғлари билан боғлиқ бўлса керак. Бу ҳақда элшунос олима С. С. Губаева қуйидагича фикр билдиради: «Туркларнинг қорақўнос уруғи ўзига эътиборни тортади. Қорақўнос – бу Мовароуннаҳрдаги чигатойларнинг лақабидир. Мўғулистонда яшовчи мўғуллар маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган кишиларни шундай ном билан атаган эдилар... Фарғона водийсида қорақўнос туркларнинг бир уруғи сифатида сақланиб қолган»³⁸³.

Тўқивой(Тўқибой)

Кўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда توقى باى / توقباى – Тўқабой (Тўқибой) номи билан тилга олинади³⁸⁴.

Маълумотларга кўра, Тўқибой қишлоғида Ҳазрат Домулло мадрасасининг вақф ерлари бўлиб, Марғилон ҳокими Султон Муродбек томонидан Мулла Хўжаназар номига берилган ҳужжатда мазкур ерларда етиштирилган полиз экинларидан танобона солиғи олинмаслиги кўрсатилган.

³⁸⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қорақўнос маҳалласида яшовчи Сотволди Бўтаевдан (1938 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³⁸¹ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 99.

³⁸² Сыдыков А.С. Родовое деление киргиз // В.В.Бартольд. Т., 1927. С.294.

³⁸³ Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в... С. 71.

³⁸⁴ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С. 142., 145, 147, 152, 178.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Тўқибой қишлоғи Марғилон уездининг Яккатут волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 1010 нафар аҳоли истиқомат қилган³⁸⁵

Тўқибой қишлоғининг пайдо бўлиши хусусида қишлоқ аҳли орасида икки хил тахмин мавжуд. Нақл қилишларича, қадим замонларда мазкур қишлоқ ҳудудига қирқ кишидан иборат карвон келиб тўхтайдди. Ўша пайтларда ён атрофда очарчилик ҳукм сурган оғир бир шароитда қишлоқ аҳли карвондагиларни қирқ кун давомида тўкин дастурхони билан сийлаган экан. Карвонбоши кетар чоғларида мезбонларнинг меҳмоннавозлигидан мамнун эканликларини айтиб «Бу ердагилар жуда тўқ, бой яшар эканлар, шундай экан қишлоқ номи ҳам исмига монанд ҳар доим «Тўқ ва бой» бўлсин деб дуо қилибди. Ўша-ўша мазкур қишлоқ «Тўқибой» деб атала бошлабди.

Қишлоқнинг «Тўқибой» номи хусусида яна бошқа бир тахмин мавжуд. Нақл қилишларича, ўтмишда қишлоқ тўқайзор бўлганлигидан одамлар «Тўқайга бой жой, яъни Тўқайбой» деб атар эканлар. Шу-шу одамлар оғзида Тўқибой бўлиб кетган эмиш.

Бизнингча, Тўқибой аслида ўзбек уруғларидан бирининг номи билан боғлиқ бўлса керак. Бинобарин, топономист олим Суюн Қораев бу ҳақда жумладан қуйидаги фикрни билдиради: «Тўқбой Ўзбекистондаги бир неча қишлоқнинг номи. Тўқбой ўзбек уруғларининг кичик бир тармоғи. Бу этноним «Бобурнома»да ҳам учрайди»³⁸⁶. Дарҳақиқат, «Бобурнома» асарида 1506 йилда Қобулда юз берган воқеалар хусусида сўз юритилганда Тўқбой номи ҳам тилга олинади:

«Темурбек лангаридан Муҳаммад Андижоний отлиқ Қосимбекнинг навқари Тўқбойдин Қобулдоги бекларга бу ерга келганимизнинг кайфиятини битиб йибордик»³⁸⁷.

А.Д.Гребенкинанинг «Туркистон ўзбеклари» номли асарида Тўқибой Сарой қабиласининг уруғларидан бири эканлиги тўғрисида маълумотлар келтиради. Элшунос олима С.С. Губаевага

³⁸⁵ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 99.

³⁸⁶ Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? –Т.: «Ўзбекистон», 1970. 124-б.

³⁸⁷ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов. – Т.: «Шарқ», 2002. 149-б.

кўра, сарой қабиласининг бир қисми Фарғона водийсига Шайбонийхон қўшинлари билан бирга кириб келган³⁸⁸.

Бангилар

Нақл қилишларича, қадимда олис юртлардан йўлга чиққан карвон дам олиш учун улкан чинор тагини кўзлаб келаверибдилар. Келиб кўрсаларки, чинор остида уч-тўрт одам худди бангилардек мудраётган эканлар. Шунда карвондагилар «бу жой бангиларнинг жойига ўхшар экан» дебдилар. Ўшандан буён қишлоқ номи «Бангилар» бўлиб қолган эмиш.

Бизнингча, гарчанд аҳоли орасида Бангилар маҳалласи хусусида мазкур ривоят мавжуд бўлса-да, аммо жой номини келиб чиқишини бу тарздаги ривоятлар билан боғлаш мутлақо ноўрин бўлар эди. Чунки, маҳаллага Бангилар атамасини берилишида ўзбек уруғларидан бирининг номи асос бўлган кўринади.

Элшунос олима С.С. Губаеванинг келтирган маълумотларига кўра, ўзбек уруғлари тармоқларидан бири Бангилар деб аталган³⁸⁹. Шундай экан бу ерда аслини олганда Бангилар атамаси айнан этник номга нисбатан қўлланиб келинган.

Ўтган асрнинг 50-йилларига қадар Бангилар маҳалласида катта тепалик мавжуд бўлиб, уни хабарчи тепа деб аташган. Бироқ 50-йилларнинг ўрталарига келиб тепалик ўзлаштириб экин даласига қўшиб юборилган. Тепаликни бузишда иштирок этган тракторчиларнинг сўзларига қараганда бу ердан ўша пайтда кўплаб сопол парчалари чиққан экан³⁹⁰.

Маълум бўлишича, бундай хабар берувчи тепаликлар тўғрисида Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ҳам маълумотлар учрайди: *«Қаргу – душман хавфидан сақланиш учун энг баланд ерга қурилган минора шаклида бино бўлиб, душман кўриниши билан ҳамма тездан қуролланишини билдириш учун, у ерга ўт*

³⁸⁸ Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в... С. 64.

³⁸⁹ Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в... С. 44.

³⁹⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бангилар маҳалласида яшовчи Турғунбой Тойировдан (1945 йилда туғилган) ёзиб олинди

ёқилади»³⁹¹. Тадқиқотларимиз давомида бундай хабарчи тепаликлар ҳозирги вақтда Қошғар ҳудудида «Тур» номи билан сақланиб қолганлигини гувоҳи бўлдик. Жумладан, уйғур олими Йўлдош Муҳаммадамин бу борада шундай ёзади: «Тур – сўзи уйғурча аталган бўлиб, қадимги замонда ўт ёқиб белги бериш учун ясалган баланд тепаликни англади»³⁹².

Изданишлар шуни кўрсатмоқдаки, хабар берувчи тепаликлар қадимги вақтларда асосан карвон йўлларини бўйларида жойлашиб, ўз вақтида аҳолини келаётган хавфдан огоҳ этишда муҳим вазифани бажариб келган. Шу ўринда хабарчи тепаликларнинг қандай вазифани бажарганлигини ўқувчиларимизга тушунтиришда қулайлик бўлиши учун бадиий асарларга мурожаат қилишни маъқул кўрдик. Чунки тарихий романларда хабарчи тепаликлар тўғрисида ҳам маълумотлар келтириб ўтилган. Масалан, севимли ёзувчимиз Мирмуҳсиннинг «Темур Малик» асарини олайлик:

«Темур Малик қирқ навқари билан Чордарага яқинлашгач баланд тепаликдаги қоровулхонага кўз ташлади. Ярим чақиримча нари, пастликда сой айланиб оқарди. Ҳоким қулогига бир-икки чалинган Саритена қишлоғи ҳам шу сойнинг ўнг томонида бўлиб, ўн-ўн иккитагача пасту баланд томлардан иборат эди. Қоровулхона арава йўлидан беш юз газ баландликда тупроқ ўйилиб кўтарилган бу сунъий тепалик, баъзиларнинг айтишича, Афросиёб вақтида қурилган экан. Худди шундай тупроқ ўйилиб қурилган тепаликлар ҳар ўн йиғоч узоқда ахраман девдек салобат солиб турарди. Темур Малик отдан тушиб, икки-уч навқари билан юқорига – қоровулхонага кўтарилди. Зинага ўхшатиб, ўйиб қўйилган қия йўлда ҳаллосларди. Тепаликка чиқгач, гир-гир шабада юзга урилди. Бунда кичкинагина ҳужра бўлиб, ҳужранинг бир томонига майдаланган саржин, иккинчи томонига катта-катта палёндан иборат баланд қилиб саржинлар тахлаб қўйилган. Тепаликда шамол учуриб кетмасин деб, қозиқ қоқилиб, бирмунча гўлаю ёғочлар терилиб, арқон ип билан боғлаб қўйилган. Эшиги очик ҳужра ичида, салқинда ўн-ўн беш ёшлардаги бир бола Темур Малик келганини сезмай пишиллаб ухлаб ётарди. Темур Малик атрофдагиларга уни уйғотиб юбормасликни имо билан билдирди. Ҳужра ичида икки катта хумда қора ёғ, пастда чўмичу олтингугурт, ишқалаб ўт чиқарадиган тошлар,

³⁹¹ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. I том...401-б.

³⁹² Йўлдош Муҳаммадамин. Моралбоши ноҳияси тевасидаги турлар // Шингжонг тазкирачилиги. 2005. № 4, 56-б.

пилталар ҳам турарди. Хужра қозигида эскидан қолган, қисман занглаган қилич осиглиқ турарди. Темур Малик ҳаммаёқни кўздан кечиргач ёнидаги навкарга гап қотди... Навкар дарҳол камарини ечиб, осиглиқ ханжари билан болага боғлади. Темур Малик ёнидан бир тилла танга чиқариб, белига узатди.

– Хизматда турганингда асло ухлама ўғлим! Огаларингга ҳам айт, душман белгиси кўриниши билан тезда ўт ёқиш керак!...

Темур Малик қирқ йигити билан Бўрикалла ва Келес, ундан кейин Чиноз, Тўйтепа, Олмалиқ, Келовчи тепаликлари сари жўнади. Чунки Саритепадан бошлаб бу ёғидаги ерлар Хўжандга қарарди. Икки кун мобайнида ҳамма қоровулхоналарни кўздан кечириб, бунда посбонлик қилувчиларга туҳфалар инъом этди. Доимо сергак туришликни, мабодо ўзларига қурол-яроқ, кийим-кечак ва ҳатто от зарур бўлса, Хўжандга бориб, унинг ёнига киришни маълум қилди. Келовчи ва Чориқдаррон тепалигидаги кекса қоровулларга қозога хат битиб, иккинчи бармоғидаги олтин нигин кўзига ўрнатилган муҳрни босиб, гувоҳномалар берди. Бу қоровулхоналарнинг мудофаадаги ўрни муҳим, душман мана шу тепаликлар орасидан ўтишини биларди. Душман йўлини тўсиш, бу ерда чалғитиш имконияти ҳам бор эди. Султон Санжар, Гурхонлар замонида мана шу Чориқдаррон ва Келовчи атрофида бир чўпон эронликлар қўшинини йўлдан чалғитиб, сувсиз қумга киритиб юборган дейилади»³⁹³.

Афсуски, собиқ советлар даврида тарихий аҳамиятга эга бўлган бундай тепаликларнинг кўплари 30-йиллардаги колхозлаштириш сиёсати даврида бузиб юборилди. Айниқса 50-йилларда бу ҳолат янада авж олганлигини Т.Раҳматуллаев қуйидаги маълумотлар орқали баён этади:

«Кўпчиликнинг тарих ва маданият соҳасидаги саводсизлиги туфайли сон-саноксиз ёдгорликлар бузилди, анчаси умуман йўқолиб кетди. Масалан, расмий маълумотларга кўра, 50-йиллар бошларидан 80-йиллар охиригача бўлган давр ичида Ўзбекистонда 20 мингга яқин тарихий ёдгорлик йўқ қилиб юборилган ҳамда 2,5 минг янги топилган ёдгорлик давлат ҳимоясига олинмаган.

Бузилиб кетган қадимий ёдгорликларнинг кўпчилиги янги қурилиш ишлари олиб борилаётган майдонлар ва деҳқончилик мақсадида ўзлаштирилаётган ерларда жойлашган. Агар шу соҳада ишлаётган оддий

³⁹³ Мирмуҳсин. Хўжанд қалъаси («Темур Малик»). – Т.: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1991. 132-134-б.

ишчидан тортиб қурилиш бошлигигача ўтмиш ёдгорликларининг аҳамиятини тушуниб, қадр-қимматини билганида эди, аҳвол бу даражага етмас эди»³⁹⁴.

Дарҳақиқат собиқ советлар даврини илк давридаёқ жамоа хўжаликлари қадимги тепаликлар тупроғидан ерга «ўғит» сифатида фойдаланибгина қолмай, тепаликлар тупроғини ғишт ишлаб чиқаришда ҳам фойдаландилар.

Бу ҳақда атоқли сўз санъаткори, машҳур ёзувчи Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» қиссасида қуйидагиларни ўқиш мумкин:

«Саройнинг нариги томонидаги ҳовли «Четан»нинг идораси бўлиб, бу эски иморатларнинг орқа тарафи ҳалиги Тиктепадир. Тепанинг талай ҳиссаси кўчанинг бу бетидаги янги биноларнинг хом гишти, сувоғи каби бинокорлик эҳтиёжларга ишлатилиб, бир нимтаси олинган туядек кўринишга келиб қолган. Бу тепа Сарой орқасидан бошланиб, етмиш метрча масофага чўзилади, эҳромий шакл олиб, нариги этакдан колхознинг гўзаси бошланиб кетади. Келаси йил бинокорлик мавсумида муюшдаги³⁹⁵ чойхона, сарой ва ҳозирда колхоз идораси ҳам бузилиб, тепанинг ости қатори билан аравасозлик устахонаси, колхоз отларини марказлаштирадиган отхона, арава, от жабдуқлари сақланатурган омбор, қишлоқ хўжалик машина ва асбоблари склади, ем-хашак бостирмалари бино қилмқочи ва бу биноларга кетатурган кесаклар ҳам, албатта шу тепадан қуйилса керак.

Шу хилдаги бинокорлик давом этиб турганда Тиктепадан бир неча йилнинг ичида фақат хотирагина қолиши турган гандир»³⁹⁶.

Қалъача

Айтишларича, Қалъача номининг келиб чиқиши Саййид Убайдуллоҳ хожа томонидан XIX асрда қурилган кўрғон билан боғлиқ бўлган. Ҳозирда мазкур кўрғоннинг айрим қолдиқлари

³⁹⁴ Раҳматуллаев Т. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда археология материалларидан фойдаланиш. – Т.: «Ўқитувчи», 1994. 4-б.

³⁹⁵ Муюлишдаги

³⁹⁶ Абдулла Қодирий. Ғирвонлик Маллавой: Қиссалар, ҳажвия, очерк, мақолалар ва фелъетонлар / Тўплаб нашрга тайёрловчи Х.Қодирий. – Т. «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1987. 7-8-б

сақланиб қолган. Маълумотларга кўра, қўрғоннинг баландлиги ўн бир пасха бўлиб, майдони бир неча гектардан иборат бўлган³⁹⁷.

Нақл қилишларича, Қирғил ота ёхуд «Мушукни тирилтирган тўрам» номи билан машхур бўлган ҳазрат Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ хожа бундан тахминан икки юз йил муқаддам яшаб ўтган³⁹⁸. Ҳазрат Убайдуллоҳ хожани Қирғил ота номларини олиши хусусида қуйидаги ривоятлар мавжуд.

Айтишларича, кунларнинг бирида ҳазрат Убайдуллоҳ хожа масжидда ваъз айта турган маҳали унинг муридларидан бири келиб, «Ҳазратимнинг ваъзларини эшитишга кечикибман», дея ташқарида киришга журъат қилмай турган пайт унинг ҳолати Убайдуллоҳ хожа маълум бўлиб: «Киргил сўфи», дея хитоб қилади. Масжиддагилар ҳазрат Убайдуллоҳ бу сўзларни кимга айтди экан деб таажжубга тушганларида эшик очилиб, бояги сўфи кириб келади. Шу тарзда Убайдуллоҳ хожа эшонни «Киргил ота» деб аташган экан³⁹⁹.

Фалсафа фанлари номзоди Сотводдихон Валиев «Саййид Убайдулло (Киргил мазор) Пайғамбар авлодидан» номли мақоласида мазкур ривоят қуйидагича ҳикоя қилинади:

«Қалъача қишлоғида авлодни тасдиқловчи шажара ҳисобига кўра, Убайдулло хожам тахминан 1750-1830 йилларда истиқомат қилганлар. Ривоят қилинишича Хожам пир-устодликда ўз даврининг етук алломаси бўлиб, ҳозирги Қувасой шаҳрининг Арсиф, Валик, Қалъача, Суфон, Кўчқорчи шунингдек Ёрмазор, Марғилон шаҳри атрофидаги қишлоқларда илм-маърифат тарқатишда, шариат қоидалари – Ислом талабларига риоя этиш, ахлоқ-одоб соҳасида, тинч-тотувлик, ҳалол-поклик каби яхши фазилатларнинг доимо ўз қавмларига, муридларига даъват этиб келганлар.

Замондошларнинг айтишларича, Саййид Убайдуллоҳ хожам намоздан кейин жамоа билан намоз халқасига ўтириб қолишган экан. Шунда ҳозирги Киргили мазор мавжуд бўлган ҳудудда яшаган ихлосманд

³⁹⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри Баҳрин маҳалласида яшовчи Саййид Жабҳар Саййидахмадовдан (1955 йилда туғилган) ёзиб олинди.

³⁹⁸ Жўраҳон Авлиёхон. Мовароуннаҳр саййидлари. Жалолобод, 1995. 30-б.

³⁹⁹ Дала тадқиқотлари. 2005 йил. Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Киргил маҳалласи.

муридларидан бири Қўлдош сўфи масжид хонақаси эшиги олдида бомдод намозига кечикканига хижолат тортиб, қор ёгаётганлигига қарамай, ичкари киришга уялиб, кечикканлиги учун қаттиқ афсусланган, ана шу аснода ҳатто елкасига бир энлик қор ёққанлигини, совуқ ўтганилигини ҳам сезмаган. Пир суҳбатларидан баҳраманд бўлмай қолмаганига қаттиқ изтироб чекан сўфининг ташқарида афсусланиб, тавба қилиб илтижо этаётганлигини Саййид Убайдуллоҳ хоҷам таважжуҳ билан билиб «Сўфи киргил» деб буюрдилар. Шу дақиқадан бошлаб жамоа «Киргил сўфи» деб пир назарини топганлиги учун уни зиёрат қилдилар. Қўлдош сўфи фарзанди – Содиқ ҳожининг авлоди Киргил қишлоғида истиқомат қилишади.

Саййид Убайдуллоҳ хоҷам 72 ёшида вафот этганлар. Жасадлари солинган тобутни васиятларига асосан пир назар топган Қўлдош сўфи аравасига юклашган. Ривоятларга асосан от ҳозирги Киргил мазор турган ерга келиб тўхтаган ва шу ерга дафн қилиндилар. Қалъача қишлоғидаги мазор эса Саййид Убайдуллоҳ хоҷамнинг яшаган ва сувга олинган ерлари бўлиб, табаррук зиёратгоҳ жойдир»⁴⁰⁰.

Яна бир ривоятда келтирилишича, Фарғона водийси ҳудудига душман бостириб келиб ҳозирги Қирғули ҳудудига етиб келганларида бундай даҳшатли балони даф қилишни халқ ҳазрат Убайдуллоҳ хожа эшондан илтимос қиладилар. «Авлиёлар Худомас лекин Худодан жудомас», деганларидек ҳазрат Убайдуллоҳ эрта тонгда Худодан юртга келган балони тезроқ даф қилишни сўраб: «Худойим, бу душманни ўзинг қайтар! Илойо битта қолмай қирилиб кетсин», дея дуо қилгач, душман ўз-ўзидан қирилиб кетган экан⁴⁰¹.

Ҳозирги вақтда Қалъача ҳудудида Убайдуллоҳ хожа эшон авлодларидан бўлган Саййидхон эшоннинг мақбараси жойлашган.

⁴⁰⁰ Валиев С. Саййид Убайдулло (Киргил мазор) Пайғамбар авлодидан. Коммуна. 1991. 3 сентябрь.

⁴⁰¹ Абдулаҳатов Н. «Киргил ота». Фарғона. «Устоз». №5, 2003.

БИРЛИК

Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг маркази Яккатут қишлоғи ҳисобланади.

2010 йилнинг декабр ҳисобига кўра, Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинида 3409 та хонадон мавжуд бўлиб унда 15 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Умумий майдони 2958 гектарни ташкил этади.

Қишлоқнинг ижтимоий-маданий ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда 2 та даволаш муассасалари, 1 та сихатгоҳ, 4 та мактаб, 4 та болалар боғчаси, 5 та сартарошхона, 2 та ошхона, 34 та савдо шаҳобчалари, 5 та қассобхона, 1 та ёғочни қайта ишлаш цехи, 18 та хусусий тегирмон, 5 та оталар чойхонаси, 2 та атлас тўқиш корхонаси, тумандаги йирик чорва бозори, туман машина трактор парки (МТП) фаолият кўрсатмоқда.

Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғини Яккатут, Хўжа ариқ, Учолиш Беҳабар, Тожикқишлоқ, Тегирмонбоши, Гузарбоши, Сойбўйи, Шўрқишлоқ, Қипчоқ, Дашт, Қумкўча, Пастки маҳалла сингари маҳаллалардан иборат бўлиб, қуйида уларнинг айримлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтамыз.

Яккатут

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда **یکه توت** – Яккатут номи билан тилга олинади⁴⁰².

Мазкур ҳужжатларда келтирилган маълумотларга кўра, Қўқон хони Худоёрхон ўз сафарларида Яккатутда тўхтаб дам олишни хуш кўрган. Чунки, Яккатутнинг сўлим манзараси хонни ҳам мафтун этган. Қолаверса, хон оиласи вакиллари баъзи пайтларда Яккатут атрофларига шикорга чиқишга одатланган эдилар. Масалан Худоёрхоннинг укаси Марғилон ҳокими Султон Муродбекнинг Яккатутда ўз оиласи билан ов қилганлиги Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда қайд этилган.

⁴⁰² Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. –М.: «Наука», 1968. С.32, 99, 141, 324, 338, 410.

Таъкид жоизки, Яккатут қишлоғининг Қўқон – Андижон йўлида жойлашганлиги боис Қўқон хонлиги тарихи юз берган айрим воқеалар силсиласида алоҳида тилга олинади. Шу сабабдан Яккатут қишлоғи тўғрисидаги айрим маълумотлар Мирзо Олим Тошкандийнинг «Ансаб ас-салотин ва таварих ал-хавоқин», Зиёвуддин Маҳзун Хўқандийнинг «Фарғона хонлари тарихи», Муҳаммад Солиххожа Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд», Муҳйи Хўқандийнинг «Тарихи Муҳйи Хўқандий», Мулла Ниёз Хўқандийнинг «Тарихи Шоҳруҳи», Азиз ибн Ризо Марғинонийнинг «Таснифи Ғариб», Мирза Олим Маҳдум ҳожининг «Тарихи Туркистон» сингари асарларида учрайди⁴⁰³. Айниқса, Худоёрхонинг 1862 йили қипчоқларга қарши юриши вақтидаги ҳарбий тўқнашувларни Яккатутда юз берганлиги бу қишлоқ номини янада машҳур қилиб юборган десак янглишмаган бўлар эдик. Чунки, ўша воқеалар сабаб, айнан Яккатутда хон қўшинларининг қароргоҳи тикланган эди⁴⁰⁴. Бу ҳақда Мирза Олим Маҳдум ҳожи ўзининг 1915 йилда ёзилган «Тарихи Туркистон» асарида батафсил маълумот берган. Шу сабабдан ўқувчиларга мазкур асардаги Яккатут билан боғлиқ қисмларни келтириб ўтишни жоиз топдик:

«Бу уруш хабарини Худоёрхон эшитиб, аъёни вилоятлари маслаҳати илан қўшун жамлаб, Хўқандин чиқиб, душман тарафига юриш қилиб, Марғинон шаҳрига дохил бўлуб, бир неча кун Марғинонда тўхтаб, эртаси кун Яккатутга бориб, ондин жўнаб, Хўқанд қишлоқга ва андин ўтуб, Қубо қишлоғининг паст тарафидаги Шўр мавзейига қўнуб, ўшал кеча ул жойда ором олибдур. Эртаси қипчоқ қўшуннинг хон қўшуни тарафига келган хабарини эшитиб, хон ҳам уч гуруҳ бўлуб, бир гуруҳ хоннинг тўпчиларига муқобил, бир гуруҳ худди хон турган сафга муқобил, бир гуруҳ билан Қурама қўшунига ҳамла қилишибдур. Қипчоқлар Қурама қўшунига ҳамла қилганда, Қурама қўшуни қипчоқлар ҳамласига тоқат қилолмай, қочмоққа бошлаб, аларнинг ёнида саф бойлаб турган Ёрмозор қўшуни ҳам Қурама қўшуни илан биргалишиб қоча бошлабдур. Аммо Худоёрхон муқобилида (қаршисида) қипчоқлар эртадин кечгача бир-бирлари илан ниҳоятда қаттиг уруш қилиб, ҳар

⁴⁰³ Beisembiev T.K. Annotated indices to the Kokand chronicles. research institute for languages and cultures of Asia and African ILCAA. Tokyo. 2008.p.712.

⁴⁰⁴ Бейсимбиев Т. К. «Тарих-и Шаҳруҳи» как исторический источник. Алма-ата, 1987. С. 124.

икки тарафдин ниҳоятда кўп одам нобуд бўлуб, охир қўшуни тўп-тўфанг ўқига тоқат қилолмай, қочмоқга бошлабдур. Хон аскарлари йўлда йўлда аларнинг кетидин қувлаб, йўлда қанчаларнинг ўлдуруб ва қанча асир олиб, то Ниёз баҳодир қишлоғига аларни қувлаб борибдурлар...

Шул тариқа илан икки ой хон чип (истеҳком) ичида туруб йигит ва аскарларини чипдин чиқиб урушамиз деб талаб қилса ҳам хон ҳеч бир маслаҳат ва ижозат бермабдур. Андижон ва Шаҳрихон ҳам қипчоқлар тасарруфига кирмай, хонга тобеъ одамлар қўлида бўлуб, қипчоқлар ул шаҳарларни атрофига келганда мазкур шаҳарларда турган сипоҳлар аларни уруб қайтариб турар эди. Хон ўз аскарлари илан тор чип ичида туруб ҳайвонот ахлати ва аскар уфунати илан чип ичи ниҳояти бадбўй ва ифлос бўлгани ваҳждин чипнинг Кубо тарафидин очиб, икки юз қадам кенгайтуруб, яна шул тариқа тадбир ила даража ва бадаража чипни суриб, Кубо шаҳрига дохил бўлуб, онда бир-икки кун туруб, ондин Яккатут [мавзеи]га келибдурлар. Қипчоқлар мунини фаҳмлаб иш қўлдин кетди деб қувватлари илан Яккатутни айлантуруб қамал олиб, лекин тўп-тўфанг оташидин қўрқуб, яқин келолмас экан. Қипчоқлар нима қилларини билмай, гоҳ Марғинонга от қўйиб уруш қилиб, гоҳ Яккатутга хон қўшунига рўбарў бўлуб, ҳеч илож қилолмай, бу миёнада бир ой ўтубдур. Хўқанд фуқаролари бу хабарни эшитиб, масжиди Жомеъга жамъ бўлуб, бир-бирлари илан маслаҳатлашибдур: «Хонимиз Худоёрхон Яккатут мавзейида кўп вақтдин буён қипчоқлар ила уруш қилиб турган бўлса, бизлар ўз уйимизда тинч ва хотиржам ўлтурмоғимиз инсоф ва муруватдин эмас, ҳаммасиз қоракалтак бўлуб, хоннинг мадад ва иноатига борамиз». Маслаҳатни шул тариқа қарор бериб, шул жойдин Ҳазрат Калон Соҳибзода хизмати шарафларига одам юбориб, масжиди Жомеъга олдуруб, оломон ва фуқаролар Ҳазрати Соҳибга беодобона иборалар илан Яккатутга, хоннинг олдида бормоқга тарғиб қилибдурлар. Ҳазрат Калон Соҳибзода алардин муҳлат тилаб айтибдурларким, уйга бориб, сафар асбобини тайёрлаб, ондин кейин бораилук десалар ҳам, бебош оломон фуқаро ул жанобнинг ихтиёрига қўймай хоҳ-нохоҳ шул жойдин тўғри Марғинон тарафига бош қилиб олиб, жўнаб, Марғинонга бориб, Тошлоқ мавзейига қўнубдур. Ўшал вақтда Андижондин қипчоқлар орасидин ўтуб келган Мулло Султон юзни Марғинонда турган саркардалар би-л-иттифоқ Хўқанддин борган, оломон фуқароларга сардор ва бошлиқ қилибдурлар. Мулло Султон оломон ва фуқароларга насиҳат ва маслаҳат кўрсатиб, Ҳазрат Калон

Соҳибга қилган беодобликларини огоҳлантуруб, айтибдурким: «Алҳол, душман ила бизларнинг орамиз бир тошдин узоқ эмас, душман устидин зафар қозонмоқ аҳдуллоҳнинг дуоси илан бўладур. Ҳазрат Калонни ўзингиз билан олиб юрмоқ одобдин эмас. Сизлар илгари юрунг, ҳазрат сизларнинг кетингиздин юрсунлар». Аларга бу сўзни маъқул қилиб, бу хусусда Мулло Султон Ҳазрат Калон Соҳиб ҳузурларига манзур бўлуб, арзи аҳвол айлаб, дуоларини олиб, таскини хотир қилибдур. Андин кейин оломон фуқароларнинг отлиқлари илан Худойназар мин ном илан илгари ва пиёдалар кейин юриб, Яккатутга яқинлашганда ногоҳ уч-тўрт тўп қипчоқ қўшуни пайдо бўлуб, аларга ҳамла қилганда Худойназар амин тўп илан қочиб, Яккатутга кириб, кутубдур. Аммо кетидин келадурган пиёда қоракалтакларни қипчоқлар бир четидин уруб, ўлдуруб, бойлаб, асир қилиб, қолган бир тўп пиёда қўргонча кириб, эшикни беркитиб паноҳ тортган экан. Қипчоқлар гарам қилиб қўйган бугдойни ёндириб, қўргончага ота бошлабдур. Оломоннинг қанчаси қўргончада куйуб, ўлиб, қочиб, халос бўлгани қипчоқлар қўлига тушиб, қатл қилинибдур»⁴⁰⁵.

Маълумотларга кўра, Худоёрхон ва қипчоқлар ўртасида юз берган дастлабки жангларнинг ўзида икки томондан жами 6000 мингга яқин киши ҳалок бўлган. Хон қўшини талофати шу қадар катта бўлганганки Худоёрхон қўл остида бор йўғи 800 нафар жангчи қолган экан, холос⁴⁰⁶.

Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, хон қўшинларини қипчоқларга қарши олиб борган асосий жанглари Яккатут ва унга яқин ҳудудларда содир бўлганлиги боис навкарларнинг жасадлари шу ерда қолиб кетган. Бинобарин, «Ансоб ус-салотин ва таворих ал-хавоқин» да айтилганидек Яккатутда мерганлар ўқидан одамлар тутдек тўкилган эди⁴⁰⁷.

«Таснифи Ғариб» асарининг муаллифи Азиз ибн Ризо Марғинонийнинг ҳикоя қилишича, ҳалок бўлган жангчиларнинг жасади Яккатут атрофидаги жанг майдонларида шу қадар кўп қолиб кетган эканки, яккатутлик деҳқонлар ерга ишлов бериш чоғида ўлган навкарларнинг суяк қолдиқларига тез-тез дуч келиб

⁴⁰⁵ Мирза Олим Махдум. Тарихи Туркистон /Араб ёзувидан тадбил: Ш.Воҳидов., Р.Холиқова. –Т.: «Янги аср авлоди», 2008. 141-144-б.

⁴⁰⁶ Набиев Р.Н. Истории Кокандского ханства. –Т.: «Фан», 1973. С.62.

⁴⁰⁷ Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин / Нашрга тайёрловчи: А.Матғозиев., М.Усмонова.–Т.: «Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти», 1995. 70-б.

турганлар. Яккатутнинг баъзи ерларида жангчиларнинг қолиб кетган жасадларининг кўплигидан деҳқонлар уч йилга қадар ерга ишлов бера олмаганлар⁴⁰⁸.

Маълумотларга кўра, Яккатутда Худоёрхон ва қипчоқлар ўртасида юз берган жангларда ҳалок бўлган аскарларнинг аксарияти Яккатутнинг эски қабристонига ҳам дафн этилган. Ушбу қабристон кейинчалик ўтган асрнинг 50-йилларида текисланиб, аҳоли томонидан уй-жойлар қуриб юборилган⁴⁰⁹.

1916 йилдаги мардикорликка қарши кўтарилган халқ кўзғолонлари билан боғлиқ архив маълумотларида Яккатут тўғрисида ҳам маълумотлар мавжуд. Унга кўра, Яккатут қишлоғида кўзғолончиларнинг катта тўдаси волость бошқарувчисининг уйига бостириб кириб мол-мулкни тор-мор қилганлар. Шундан сўнг кўзғолончилар бу ерга етиб келган участка пристави Яхъин ва унинг 10 казак солдатини ва волостнойнинг соқчи йигитларини тошбўрон қилганлар. Яккатут аҳолиси билан чор ҳукумати қўшинлари тўқнауви чоғида солдатларнинг ўқидан 5 киши ҳалок бўлган.

Мазкур ҳужжатларда баён этилишича, яккатутлик кўзғолончилар ҳарбийлардан 6 йигитни, оқсоқол ва элликбошини уриб ярадор қилганлар⁴¹⁰.

Ўтган асрнинг 30-йилларида Яккатут қишлоғидан бир неча киши қатағон қилинган бўлиб, улардан бири ҳақида тарихчи олим Рустам Шамсутдиновнинг «Қатағон қурбонлари» асарида жумладан қуйидаги маълумотлар келтириб ўтилган:

«5380-сонли иш бўйича Абдулла Маткаримов (1900 йили туғилган, Тошлоқ райони Яккатут қишлоғидан, собиқ қулоқ, қулоққа тортилган, ўтмишда босмачи, ҳибсга олинган вақтда колхоз раиси) 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган жазо муддати 1937 йил 16 сентябрдан ҳисобланган. Колхозчилар орасида доимий равишда миш-мишлар тарқатганликда, хизмат мавқеидан фойдаланиб молларини сўйишда зарарқунандачилик билан шугулланганликда, колхоздан камбағалларни ўчирганликда айбланган»⁴¹¹.

⁴⁰⁸ Ўша асар. 289-б.

⁴⁰⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккатут маҳалласида яшовчи Сотволди Нишоновдан (1930 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴¹⁰ Турсунов Ҳ. Ўзбекистонда 1916 йил халқ кўзғолони. – Т.: «Ўзбекистон», 1966. 147-б.

⁴¹¹ Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари... 394-б.

Яккатут зиёратгоҳи

Айтиш жоизки, Фарғона водийсида Яккатут ном билан аталувчи жой номлари кўплаб учрайди⁴¹². Ривоятларга кўра, азиз-авлиёлардан бири шу қишлоққа келган пайт ҳассасини ерга суққач ҳасса кўкариб, азим тут дарахтига айланган экан⁴¹³. Кейинчалик шу тут дарахти номи билан қишлоқ Яккатут деб аталган эмиш⁴¹⁴. Яна баъзи бошқа бир ривоятга кўра бу ердаги қадимги тутни Офоқхожа ҳазратлари Қошғарга кетаётиб экиб қолдирган экан⁴¹⁵.

Халқ орасида мазкур тут «Яккатут азизлар» номи билан машҳур бўлган. Яккатут азизлар мазори олдида Яккатут масжид бўлиб, XIX асрда Пирмат бой маблағига қурилган дейишади⁴¹⁶. Айтишларича, мазкур масжид Отажонбой исми ўз даврининг машҳур устаси томонидан барпо қилинган⁴¹⁷. Бошлаган ишини охиригача қойилмақом қилиб адо этган Отажонбой «Уста паён», яъни ишини паёнига етказувчи уста деган ном билан машҳур бўлган. Бироқ бу номни маъносига тушунмаганлар айрим кашилар ҳозирда ҳам Отажонбой маст ҳолда ишлаганлиги учун «Уста пиён» деб аталган бўлса керак деган ножўя фикрни билдирмоқдалар.

Айтишларича, масжид шу қадар мустаҳкам қилиб қурилган эканки, ўтган асрнинг 80-йилларида масжид устунини занжир билан тракторга боғлаб тортган вақтларида занжир узилиб кетсада, устун жойидан қимирламаган экан.

⁴¹² Қаранг: Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909; Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968.

⁴¹³ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Заркент маҳалласида яшовчи Салимахон Мирзаабдуллаевдан (1957 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴¹⁴ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккатут маҳалласида яшовчи Қодиржон Турсуновдан (1934 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴¹⁵ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Тўхтабоев қишлоқ фуқаролар йиғинининг Янгийўл маҳалласида яшовчи Раҳматилло Тўлановдан (1942 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴¹⁶ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккатут маҳалласида яшовчи Мақсудахон Юсуповдан (1935 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴¹⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккатут маҳалласида яшовчи Исмоилжон Луқмоновдан (1936 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Бундан ташқари XIX асрнинг охирларида Яккатутда масжиддан ташқари мадраса ҳам мавжуд бўлганлиги тўғрисида ёзма манбаларда маълумотлар учрайди⁴¹⁸.

Яна бир ривоятга кўра, қадимда қишлоқ аҳли ҳалол, мард инсонлар жумласидан бўлганликлари боис фирромлик ва ноҳақликни кўрганларида золимларнинг ёққасидан олганликлари учун бу жойни «Ёқатут» дея ном берган ҳам дейишади⁴¹⁹. Шу сабабдан Ёқатут номи кейинчалик ўзгариб Яккатутга айланган деган тахминлар ҳам бор⁴²⁰. Аҳоли орасида қадимги пайтларда Яккатут азизлар мазоридан бир воқеа юз беришидан олдин замбарак товушини эслатувчи гумбирлаган овоз келиш ҳақида қарашлар мавжуд бўлган⁴²¹.

Айтиш жоизки, бу ном билан аталувчи зиёратгоҳлар вилоятимизда бир нечта ҳудудларда мавжуд. Масалан, ҳозирги кунда қўшни Марғилон шаҳрида ҳам Яккатут номи билан боғлиқ зиёратгоҳ мавжуд. Мазкур зиёратгоҳ Марғилон шаҳрининг Иттифоқ маҳалласида жойлашган. Аҳоли орасида зиёратгоҳдаги ёлғиз тутни қадимий тут дейишади, шу сабабдан ҳам зиёратгоҳ Яккатут бува мазори дейилади.

Нақл қилишларича, бу ерда қора от минган ғойиб эранлардан бири тутга кириб ғойиб бўлганлиги учун тут ҳам муқаддас ҳисобланади. Шу ерлик аҳолининг сўзларига кўра, уни кесмоқчи бўлган кишиларнинг барчаси шикаст топганлар. Бунга биргина мисол. Кунларнинг бирида Яккатут бува мазори ёнидаги чойхонага юк машинаси бемалол кириши учун тутнинг баъзи шохларини кесиб ташлайдилар. Бироқ юк машинаси юкларни тушириб гараж томон юрмоқчи бўлган вақти бузилиб қолиб, шу ерда қолиб

⁴¹⁸ Холбеков И., Қосимова Т., Ҳайдаров О. Марғилон шаҳрининг маданий ҳаёти тарихидан (XIX аср охири-XX аср бошлари) // «Марғилон шаҳри ўтмиши, бугуни ва эртаси» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Фарғона, 2007. 41-б.

⁴¹⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккатут маҳалласида яшовчи Соёибжон Хонқуловдан (1948 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴²⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккатут маҳалласида яшовчи Муяссар Абдуллаевдан ёзиб олинди.

⁴²¹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккатут маҳалласида яшовчи Саломатхон Мадаминонадан (1924 йилда туғилган) ёзиб олинди.

кетибди. Ҳеч бир ҳайдовчи машинанинг тўсатдан юрмай қолганлигининг сабабини аниқлай олмабдилар.

Яккатут бува зиёратгоҳига баҳор ва ёз ойларида аёллар асосан чоршанба куни зиёратга келадилар. Ўтмишда қайси бир одамнинг чорвасидаги қўй, мол, ёки оти касал бўлиб қолса, шу мазор атрофидан уч марта айлангириб олиб кетади ва шу тарзда касал ҳайвони тузалиб кетар экан ⁴²².

Изданишлар кўрсатмоқдаки Яккатут номи билан боғлиқ нафақат Фарғона вилоятида балки Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам учрайди. Масалан, Наманганнинг Уйчи туманидаги Яккатут қишлоғида, Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги Маданият қишлоғида ҳам Яккатут бобо зиёратгоҳи жойлашган.

Шу ўринда таъкид жоизки Республикамизда жумладан, Фарғона водийсида тут билан боғлиқ зиёратгоҳлар кўплаб учрайди. «Чилла тут», «Тутти Калон» «Тут ота» мазорлари шулар жумласидандир ⁴²³.

Фарғона вилоятида ҳам «Яккатут мазор», «Япалоқ тут мазор», «Сертут бува» сингари зиёратгоҳлар мавжуд. Бу эса тут дарахтининг қадимдан ардоқлаб келинганлигининг ўзига хос кўринишидир ⁴²⁴.

Бизнингча, тут дарахтини муқаддаслаштиришнинг яна бир муҳим омилли қадимги даврлардан буён очарчилик вақтларида унинг меваси аҳолининг асосий қўндалик таоми бўлиб келганлигидир. Афсуски тут пишиғига етиб келиш очарчилик йилларида ҳар кимга насиб этмаган. Масалан, ўтган асрнинг бошларида юз берган очарчилик нақадар даҳшатли бўлганлигини кўп бор эшитганмиз. Кексаларнинг нақл қилишларича, тут меваси очарчилик йилларида кишилар учун нондек азиз бўлиб қолган. Демак, унинг бу қадар «мевалар султони» дея улуғланишининг сабабларидан бири ҳам очлик азобига дучор бўлганлар жонига

⁴²² Дала тадқиқотлари. 2006 йил. Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри Иттифоқ маҳалласи.

⁴²³ Бу ҳақда қаранг: Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований у узбеков Хорезма. – М., 1969; Снесарев. Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М.: «Наука». 1983; Писарчик А.К. О пережитках культа ивы у таджиков // Прошлое Средней Азии.– Д.: «Дониш», 1987.

⁴²⁴ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. –Т.: «Шарқ», 2005; Абдулаҳатов Н, Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Ф.: «Фарғона», 2007.

дармон бўлганлиги бўлса керак⁴²⁵. Очарчилик йилларида тутнинг нондек азиз бўлиб қолганлиги хусусида сўз юрититар эканмиз ёзувчи Парда Турсуннинг (1909-1956) «Ўқитувчи» романидаги тут тўғрисидаги қуйидаги воқеани келтириб ўтишни лозим топдик:

«Бувинисо ердаги катта тут тагида чўзилди. Бир қанча вақт инқиллаб, кўзларини юмиб, озгини ярим очиб ётди. Унинг юзи қонсиз, лаблари кўкарган эди. Сертомир, ингичка бўйни жуда чўзилиб кетгандек эди. Элмурод унга қармасди, қарашга ҳам қўрқарди. Унинг ёнида индамай ўтириб, ингичка бармоқлари билан ерни тимдалар ва қўлига илинган кесак ва майда тошларни қаршиисидаги бедазорга иргитар эди. У чинакам бола эди. Ҳозир нима қилиш зарурлигини ва бу адолатсиз дунё эрта-индин кичкина бошига қандай кулфатлар солишини ўйламасди. Бола ерни тимдалар, аммо бу ҳаракат ўз қалбини тимдалаётган аламнинг ифодаси эканини сезмас эди. Унинг юзи ҳам изтироб чекаётган одамнинг юзига ўхшамас, балки нимадандир болаларча хижолат чекаётган ўхшар эди.

Элмурод онасининг чақирганини эшитиб, унга ялт этиб қаради. Ҳовучидаги тупроқ ерга тўкилди. Она кўзини очган, юзига бир оз жон кирган эди. У қуруқшаган лабларини яланди. Куртаклари эндигина бўртаётган дарахтнинг шийдам бутоқларидан кўзларини олмай, аста гапирди:

– Тут экан, жонивор тут экан! – деди ва озгин узун қўлини чўзиб, ўглининг елкасини силади. – Тут пишигига ҳам етмадим. Сен устига чиқиб қоқар эдинг. Мен терар эдим, тўйиб-тўйиб ер эдик. Тут дори бўлади. Юракнинг зардобини олади.

Элмуроднинг кўзлари ёнди. Ширин тут егиси келганидан эмас, онаси «дори бўлади» дегани учун ҳали барг чиқармаган бутоқларига қаради.

– Тут қачон пишади? – деб сўради ҳаяжон ичида.

Бувинисо лабларини пичирлатиб, ойларни ўзича ҳисоблагандан кейин тут пишигига хали узоқ эканини айтди.

Элмурод энди ер тимдаламади. Унинг эс-ҳушини «дори бўладиган» тут чулғаб олди. Ишлаб чарчаган катта одамлардай чалқанча ётиб, қоп-қора мунчоқ кўзларини шийдам бутоқлардан олмай, тут пишигини ҳаёл қилди. Мана тут пишибди. Ғуж-ғуж оппоқ тутлар шохларда маржондек тизилишиб турибди. Дарахтга чиқиш унга ёт ҳунар эмас.

⁴²⁵ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., Азимов В. Эл ва ер фарзанди. – Т.: «Шарқ», 2008.

Ўрикка чиқиб, гўра узиб ейишни, теракка чиқиб чумчуқ боласини кўриб тушишни аллақачон ўрганган. Мана, шохга чиқиб ҳилвираб пишганларини дўпписига термоқда. Дўппи тўлаёзди. У дўппи жиягини жипислаштириб ташлади. Мана, дўппидаги тутни онасининг олдига қўйди. У хурсанд бўлиб, ҳовучлаб-ҳовучлаб сершира тутларни емоқда. Еган сари шира босган лаблари ва кўзлари кулиб, юзига қон югурмоқда. «Ол, ўзинг ҳам егин!» дейди она. Лекин унинг егиси келмайди. Онасининг еганига завқ билан қарайди. Она, она соғайиб кетса бас!...

Бироқ бу ҳаёл эди, унинг болаларча қилган ҳаёли эди. Бу ҳаёлнинг чинга айланишига учун ҳали бор, унгача ким бору, ким йўқ!

Бувинисо уни яна чақирди. Элмурод ўрнидан тезда кўтарилиб унга боқди. Она яна қоқшол қўллари билан ўглининг елкасини силади, уни кўкрагига тортди, пешонасидан ўпиб, бошини силади. Кейин нимадир бир сир айтаётгандек тайинлади:

– Агар мен қаттиқ ухлаб қолсам уйготаман, деб овора бўлиб юрмагин, хўпми?.. Одамлар бор жойга кетавер, хўпми?

Бу сир эмас даҳшатли бир ҳақиқат эди. Элмурод бунини дарров тушуниди. Она ўз ўглини қўрқитмаслик учун «ўлиб қолсам» дейиш ўрнига «ухлаб қолсам» деб айтди. Элмурод онасининг мақсадини тушуниди. Лекин, шундай бўлса ҳам, онанинг оғир талабига нима жавоб беришини билмади. Жавоб тополмай қийналганидан беихтиёр бошини эгиб «хўп» дегандай қилди»⁴²⁶.

Хўжа ариқ

Мазкур маҳалла Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда *خواجه اريقى* – Хўжа ариғи номи билан тилга олинади⁴²⁷.

Нақл қилишларича хўжалар авлодидан бўлган киши маҳалла ичида ариқлар қаздирганлиги учун кейинчалик маҳалла номи «Хўжа ариқ» деб аталган⁴²⁸. Шунингдек айтишларича, қишлоқ

⁴²⁶ Парда Турсун. Ўқитувчи. – Т.: «Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти», 1972. 35-36-б.

⁴²⁷ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С.110, 153, 199, 212, 255.

⁴²⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Хўжа ариқ маҳалласида яшовчи Абдубанноб Абдувоҳидовдан (1927 йилда туғилган) ёзиб олинди.

бошида хўжалар яшаганлиги учун ҳам маҳалла шу ном билан аталган эмиш⁴²⁹.

Маълумотларга кўра, Худоёрхон ҳукмронлиги даврида Хўжа ариғи маҳалласида Топиболди додхоҳга қарашлари ерлар мавжуд бўлиб, улардан танобона солиғи олинмаган. Бундан ташқари Хўжа ариғи қишлоғида хонлик хизматида баҳодир вазифасида турган мулозимларнинг ерлари ҳам бўлган. 1873 йилда Аъзамхон томонидан томонидан Отабек ёвар номига берилган ҳужжатда Хўжа ариғида жойлашган хон мулозимларга тегишли бедазорлар танобона солиғидан озод қилинганлиги баён этилган.

Хўжа ариқда Ўрда маҳалласидан ташқари ўтмишда яна Девона, Дашт, Жанжал, Уч уйлик сингари кичик маҳаллалар ҳам мавжуд бўлган⁴³⁰. Изланишлар давомида шу нарса маълум бўлдики Хўжа ариқ номининг келиб чиқиши аслида XIX асрда яшаб ўтган Саййид Авлиёхон тўра номлари билан боғлиқдир.

Авлиёхон тўра зиёратгоҳи

Авлиёхон тўра зиёратгоҳи Хўжа ариқ маҳалла қабристонидан жойлашган. Шу ўринда Авлиёхон тўра ва унинг аجدодлари ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтсак.

Авлиёхон тўранинг отаси Саййид Подшоҳхон тўра, унинг отаси Саййид Убайдуллахон тўра унинг отаси Саййид Абдуллахон тўра бўлиб, ул зотни Офоқхожам ва Маҳдуми Аъзам⁴³¹

⁴²⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Хўжа ариқ маҳалласида яшовчи Ҳақимжон Зокировдан (1930 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴³⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Хўжа ариқ маҳалласида яшовчи Азимжон Йўлбарсовдан (1930 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴³¹ Маҳдуми Аъзам – Саййид Аъзам Косонийнинг (1463/64-1542). саййидлик насабномаси хусусида «Тухфат ул-зоъирин» китобининг «Ҳазрати Хожаги Маҳдуми Аъзам Косоний» деган бобида баён этилган: «Ҳазрати Саййид Аҳмад – Маҳдуми Аъзам бин Саййид Жалолиддин бин Саййид Жамолиддин бин Саййид Бурҳониддин хожа бин Саййид Амир Мажнун ибн Саййид Бурҳониддин Қилич бин Саййид Камолиддин бин Саййид Жалолиддин бин Саййид Шоҳ Хусан бин Саййид Ҳасан бин Саййид Муҳаммад бин Саййид Аҳмад бин Саййид Абдулло ал-Афзал бин Саййид

авлодларидан эканлиги тўғрисида ёзма манбалардан маълумотлар учрайди.

Дастлаб Саййид Абдуллахон тўра ҳақида. Ул зот ҳақида Жўрахон Авлиёхоннинг «Фарғона водийсида Расулulloҳ авлодлари» номли мақоласида жумладан қуйидагилар келтирилган:

«Саййид Абдуллахон хожа Эшон буваимиз Ҳиндистондаги пирлари Миёни Обид раҳматиллоҳи алайҳираҳмон ҳузурига таълим олмоқ ниятида Қошғардан жўнаб кетадилар. Ўша даврда Бобур сулоласидан (авлодидан) бўлмиш подшоҳ Алигавҳарни чиройда тенги йўқ, гоят гўзал бир париваш қизлари бўлиб, туғма шол бўлгани, балозат ёшига етса-да юролмай, узоқ-яқиндан кўрсатмаган табиби қолмагани туфайли чуқур изтиробда қолган эди. Подшоҳ чорасиз қолгач, бу ҳақда Миёни Обид раҳматиллоҳи алайҳираҳмонга ҳам хабар беради. Шу муносабат билан у зоти шариф шогирдлари бўлмиш Саййид Абдуллахон хожани саройга юборадилар. У киши одоб сақлаб, подшоҳ ҳузурига ташириф буюрдилар ва қизнинг ётган хоналарини, исм-шарифларини суриштириб, икки марта чақирадилар. Шунда балозат ёшигача ҳеч қачон оёқда юрмаган қиз ўринларидан туриб «Лаббай, Хожам» деб истиқболларига пешвоз чиқиб келади.

Бу мўъжизадан сарой аёнлари ҳанг-манг бўлиб қоладилар Подшоҳ Алигавҳар гоят мамнуният билан қизини Саййид Абдуллахонга қўш-қўллаб тутиб юборади. У киши пирлари ризолигини олгач, бу никоҳга розилик билдирадилар ва шу кунни катта тўй томоша билан никоҳ нишонланади.

Аллоҳи таолонинг карами кенг. Тез орада улар ўгил кўрадилар, исм-шарифларини Убайдуллоҳ деб атайдилар. Бу зоти шариф пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг насабларидан бўлганликлари туфайли Саййид Убайдуллоҳхон хожа деб номланадилар.

Абдуллои Акмал бин Саййид Абу Толиб ҳужжатуло Саййид Муҳаммад Али бин ҳазрати Имом Али Мўсо ар-Ризо бин ҳазрати Имом Мўсо Козим бин ҳазрати Жаъфари Содик бин ҳазрати Имом Муҳаммад Боқир бин ҳазрати Имом Зайнул-Обиддин бин ҳазрати Имом Ҳусайн бин ҳазрати Амирал-мўъминин Имом Али ва Фотимаи Заҳро (р.а.) ҳазрати Муҳаммад мустафо саллолоху алайҳи васаллам!». Бу ҳақда қаранг: Каттаев К. Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед. Самарқанд.: «Сўғдиён», 1994.

Беш йилдан сўнг Аллоҳ таоло буларга қиз фарзанд берди. Шунда хасталикка чалинган аёллари оламдан ўтдилар.

Саййид Абдуллахон хожа бу қайғули воқеадан кейин қаттиқ изтиробда қоладилар. Олам қоронги туюлиб, зериккансифат, ажиб тушкун бир кайфиятда ҳаёт кечира бошлайдилар. Шу орада пир сабоқлари ҳам ниҳоясига етади. Мукаммал олим, тасаввуф бобида беқиёс бўлиб етишадилар. Шунинг учун бўлса керак, пирлари Миёни Обид раҳматиллоҳи алайҳираҳмон эшонлик сулукини тебратиш учун у кишига иршод бериб, Мовароуннаҳрга жўнатадилар. Шундай қилиб, Саййид Абдуллахон хожа 7 ёшли ўғиллари Саййид Убайдуллоҳхон хожани етаклаб Марғилонга қараб йўл оладилар.

Марғилон аҳли азалдан улуг зотларга эътимодли бўлганликларидан пайгамбарзодани илиқ кутиб оладилар. Марғилон жоме масжидида намоздигарини ўқигач, жамоа даврага йиғиладилар. Хатиб домла ҳаммага кўз югуртирар эканлар, меҳмонга кўзлари тушиб, Қуръон сурасидан ўқиб беришларига ишорат қиладилар. У киши «Амма» сурасини тажвидга монанд қилиб, ёқимли арабий савтда ажойиб қироат қиладилар. Шу тариқа Хатиб домла меҳмон билан яқиндан танишар эканлар, ул зоти шарифнинг билимига тан берадилар, ўзларининг кексайиб қолганликларидан шикоят қилиб (86 ёшда эдилар) ўринларига хатиб бўлишликни талаб ва таклиф қиладилар.

Саййид Абдуллахон хожа бу таклифдан ҳижолат бўладилар, қўлида қолган ўғилчаси борлиги, шарият талабларига мувофиқ ҳозирда имомгарчиликка ярамасликларини айтадилар. Шунда Хатиб домла олийжаноблик билан дедилар: «Тақсир, розилик билдирсалар, 16 ёшли қизимни жуфти ҳалолликка ўзларига тутдим».

Тақдир тақозоси билан у зоти шариф Марғилон шаҳрида қолиб кетдилар. Ана шу рўзгорларидан Тангри таоло уч ўғил фарзанд бердиким, қизлари ҳақида бир нарса дейиш мушкул, чунки манбаларда маълумотлар ҳар хил: бирида 9, яна бирида 7, бошқасида 4 фарзанди айтилган.

Ўз даврида Саййид Абдуллахон хожа Эшон Қутбул ақтоб даражасига етадилар. Кунлари етиб қазо қилганларида бутун Мовароуннаҳр аза тутди. Марғилон шаҳрида дафн этилдилар. Дафн

этилган жойлари бу улуг зот шарафларига «Улуг Ҳазрат» ёхуд «Улуг Ҳазрат Бобо» деб аталиб қолди»⁴³².

Маълумотларга кўра Саййид Абдуллахоннинг Убайдуллахон ва Раҳматуллохон исмли фарзандлари бўлиб, биз сўз юритаётган хўжариклик Авлиёхон тўранинг бобоси ўша Убайдуллахон тўра бўлган. Саййид Убайдуллахон тўғрисида биз Қалъача маҳалласи мавзусида сўз юритганимизда маълумот келтириб ўтамиз.

Авлиёхон тўранинг отаси Подшоҳон тўра ибн Убайдуллахон тўғрисида «Равзат ул ансоб» асарида жумладан қуйидагилар баён этилган:

«Бу Маргинон шахрида бир авлоди Ҳазрат Махдуми Аъзам бор эрдилар. Номи шарифларини Ҳазрат Подшоҳон тўра дер эрдилар. Бисёр улуг эрдилар, аларнинг овозалари Мағрибдан Маширикқа кетган эрди. Жиловларида подшоҳлар югуриб юрар эрди ва хок пойларини топқон одамлар кўзларига тўтиё қилур эрдилар ва суҳбатларини тобқон одамлар Мажнун каби маст бўлур эрдилар ва мурид мухлисларининг ҳад ҳисоби йўқ эрди ва неча минг халафолари камолот ҳосил қилгон эрдилар.

Аларнинг авсофлари оламга машҳур ва шарият ишида устувор ва тариқатда беназир эрдилар. Аларни мадҳ, сифатларини ҳаддин ташқари ва ададдин ва хориқ одат ва кароматларини баён қилиб то қиёматгача туганмас.

Бинобарин, шамма аҳволот ва камолот ва хориқ одатлари баён қилинди. Токи мурид-мухлис эътиқод бирла руҳ пур футуҳларидин мадад ва шафоат тиласа, Худойи таоло ҳар мурад ва мақсудига ато қилгай.

Ул Султони миллат Мустафо ва ул Бурҳон ҳужжат набави ва ул меваи боғи Имом Али Мусо Ризо ва ул жигаргўшаи анбиё, Қутби вақт ва Ғавси замон ҳазрат Подшоҳон тўра соҳиби сиддиқ ва соҳиби ҳиммат ва каромат ва риёзат бирла машҳур эрдилар ва Масиҳонафас эрдилар. Агар тавсифларини баён қилсам, адо бўлмагусидир. Имо ва ишорат талаффуз ва ибодат илмида комил, яъни илми ҳол ва илми қол ҳар икки илмда комил эрдилар.

Ҳамма машойихларнинг пешвоси ва йўл бошлағучиси эрдилар. Шарият ва тариқат ишида ҳамма ул зотга иқтидо қилур эрдилар ва ҳамма аҳли завқнинг ва аҳли ишқнинг пешрави ва жумла обидларнинг болонишини ва зоҳидларнинг соҳиб икромидурлар.

⁴³² Жўрахон Авлиёхон... 30-б.

Каромат ва хорик одатлари офтобидин равшун ҳаддин афзун ва ададдин тошқаридур ва подшоҳлар ва амирлар остоналарида бош қўюб қуллиглари бажо келтируб, бандалик зоҳир қилур эрдилар ва берухсат ҳаракат қилмас эрдилар ва агар киши ранжур бўлса ва ё ҳар наво дардга гирифтор бўлсаки, давоси бўлмаса, мисли қулунж ва шал бўлса ва боргоҳ олийларига ихлос эътиқод бирла бош урса ва арз ҳолини айтиб йигласа, шифо топар эрди. Дарҳол оёғқа миниб уйига юруб борур эрди»⁴³³.

Саййид Подшоҳон тўра тахминан 1855 йили 82 ёшида оламдан ўтган. Нақд қилишларича, унинг жанозасига беҳисоб киши йиғилиб, ул зот оламдан ўтган куни бутун Марғилон аҳли мотамда қолган экан.

Ҳозирда Подшоҳон тўранинг мозори Марғилон шаҳри Жўрахон Султонов маҳалласида жойлашган.

«Равзат ул ансоб» асарида Авлиёхон тўранинг таваллудлари хусусида қуйидаги маълумотлар келтириб ўтилган:

«Келтирубдурларким, бир куни Подшоҳон хожамнинг жанобларига жамиъ уламо ва фузало ақобир ва ашироф жам бўлуб эрдилар. Ҳар тарафдин сўз баён қилиб мажлислари кирм бўлди. Бу аснода Хожам Подшоҳ мажлис аҳлига латиф карам бирла боқиб илтифот қилиб айдилар.

– Кунлардан бир кун мени Ҳазрат дадам марҳуми мағфури илтифот қилиб мени хабарлатилар ва мен бу сўзни эшитгач жанобларига бошим бирла югурдим ва одоб ҳурмат бирла хизматларига кириб таъзим бажо келтирдум. Кўруб мен сори боқиб сўз бошладилар. Мен олдиларида одоб бирла икки кўзумни ерга тикиб ултурдум ва менга илтифотлар қилиб айдиларким, Эй Подшоҳон ўғлум Худованди таборак ва таоло менга нечанд ўгул ато қилди. Буларни ичида ҳаммасидин сен менга мақбулсен ва пок баданим ичра жонимсен ва мени тамоми муҳаббатим ва рағбатим сенга бисёрдур. Онинг учун тамоми нисбатим ва жумла ҳосиятимни сенга бердим ва сени ўз ўрнумда жонишин қилдим. Эй ўғлум олам гайбидин бир асрорни сенга тақрир қилайин. Огоҳ бўлгил дедилар ва мен жон дил бирла қулоқ солиб ўлтурдим. Ондин сўнг илтифот қилиб айдиларким, Ўғлум Подшоҳон сенга мендин кейин руйи замин таслим бўлур. Подшоҳ ва гадо эшигинда хизмат қилиб гулом халқи бекуш бўлурлар. Давлатинг улуғ ва мартабанг қави ва даражанг олий бўлур.

⁴³³ «Равзат ул ансоб» қўлёзмаси. Ушбу қўлёзма Марғилон шаҳрида яшовчи Аҳрорхон Қиличхонов хонадонидида сақланмоқда.

Худойи иззужал сенга тўрт ўгул ато қилур ва улар ичида бири яхши от кўтариб олам ичра жуд саховат бирла машҳур бўлуб кўб хосиятлар ул ўгулдин зуҳур келур ва жами авлодимнинг рукаши ул бўлур. Аҳли жаҳон ичра иззат ва иқбол ўшал ўгулга муссалам бўлур. Ҳар ишга даст урса фатҳ нусрат топар. Ул ўгулга ҳамма вақт Хизр ва Илёс мададкор эрурлар ва яна ул ўгул ҳиммат камарин белига боғлаб бобом Али Муртазо Ҳазрат Шоҳи Мардоннинг мазор файз осорларини йўлини ҳамвор қилиб ароба юрмакни осон илгай. Мундин ўзга нечанд хосиятлар бу ўгулда мавжуд эрур деб мени кўб навозишлар қилиб хушвақт қилдилар. Бу сўздин бошим осмонга етти ва муборак оёғларига бош қўйдум. Неча қотла қулликлар айлаб рухсат олиб тошқари чиқтим ва шукур Ҳақ таолога адо айлаб доимо Худони зикрига машғул бўлдум.

Бу сўздин сўнг неча кун ўтти вожиб Таоло бир ўгул каромат қилди. Бу ўгулни Ҳазрат дадамнинг хизматларига элтим меҳрибончилик қилиб қўлларига олиб сўйиб Эшонхон от қўйдилар ва айдиларким мен айтган ўгул бул эмас. Ўшал хосиятлар мунда мавжуд эмас. Андин сўнг неча ой ўтти Тангри таоло яна бир ўгул берди. Мунди ҳам Жаноб олийларига олиб кирдим. Мунди отини Тўражон тўра қўйдилар ва айдиларким, Подшоҳхон ўғлум мен айтган ўгул бу ҳам эмас. Мунда ҳеч нишонаси йўқ дедилар. Яна икки йилдин сўнг Худойи таоло яна бир ўгул ато қилди. Они ҳам улуг даргоҳларига олиб бордим. Эrsa, қўлларига олиб синчиклаб қарадилар. Авлиёхон қўйдилар»⁴³⁴.

Нақл қилишларича, Авлиёхон тўра балоғат ёшига етгач отаси Подшоҳхон тўрамдан ижозат олиб, ҳозирги Тошлоқ тумани Хўжариқ маҳалласига келиб ўрнашади. Бу ердаги ўзлаштирилмаган ерларни обод этиб ажойиб сўлим маскан барпо этади. Бу жой кейинчалик аҳоли орасида Ўрда номи билан машҳур бўлган⁴³⁵. Авлиёхон тўранинг ҳозирги кунда авлодларидан бири Содирхон тўранинг сўзларига қараганда Худоёрхон саййидлар авлодига Хўжа ариқ атрофларидан бир неча юз таноб (?) ерни ов

⁴³⁴ «Равзат ул ансоб» қўлёзмаси. Ушбу қўлёзма Марғилон шаҳрида яшовчи Аҳрорхон Қиличхонов хонадонида сақланмоқда.

⁴³⁵ Бу ҳақда қаранг: Яёи Кавахара, «Святые семейства» Маргелана в Кокандском ханстве в XIX в., Мир Ислама, 1(4)/2010, стр. 121-139.

қилиш учун қилиш учун ажратиб, ҳар йили бир-икки марта Хўжа ариқдаги Ўрдага Авлиёхон тўра олди зиёратга келиб турар экан ⁴³⁶.

Маълумотларга кўра, Авлиёхон тўранинг Абдуллахон, Мусахон, Исахон исми уч ўғли фарзанди бўлган. Авлиёхон тўра вафотидан сўнг Хўжа ариқ қабристонига дафн этилган. Унга атаб кейинчалик мақбара ҳам барпо этганлар. Бироқ ўтган асрнинг 30-йилларга келиб қатағонлик даврида мақбара ҳам унинг ёнидаги мухташам масжид ҳам бузиб юборилган⁴³⁷.

Учолиш

Учолишнинг тарихий номи ўтмишда Рамадон номи билан юритилган бўлиб, Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда كول رمضان, رمضان – Рамадон, Рамандон қўл номи тарзида тилга олинади⁴³⁸.

XIX асрнинг 60-йилларида ёзилган Аҳмад Бобо қозикалон қарорида баён этилишича, Рамадонлик Сожида биби исми аёл эрининг вафотидан сўнг ер-мулкка эгалик қилиш масаласида даъво хати билан маҳкамага арз қилган. 1872 йилдаги Марғилон қозиларининг чиқарган ҳукмларидан бирида Рамадон қишлоғида Жулқунбой фарзандларининг ер масаласига доир даъволари тўғрисида маълумотлар учрайди. 1873 йилда Мавлонбекдан Мулла Муҳаммад Олим саркор номига берилган ҳужжатда Домла Исмоил муфтининг Рамадондаги ғалласидан хирож олинмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатлардан бирида келтирилган маълумотларга кўра, Рамадон ҳудудида Гўри аввал мадрасасига тегишли вақф ерлари мавжуд бўлиб, мазкур ерларда етиштирилган полиз экинларидан танобона солиғи олинмаган. Қолаверса, Султон Муродбек томонидан Мулла Исроил мирза номига берилган ҳужжатда ёрлиқдор хожаларнинг Рамандондаги ерларидан ҳам солиқ олинмаслиги қайд этилган. Султон Муродбек

⁴³⁶ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Хўжа ариқ маҳалласида яшовчи Содирхон Акрамхоновдан (1939 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴³⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Хўжа ариқ маҳалласида яшовчи Олимхон Акрамхоновдан (1939 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴³⁸ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. –М.: «Наука», 1968. С.62, 72, 120, 178, 179, 184, 203, 213, 214, 218, 1496, 280, 348, 422.

томонидан берилган яна бир хужжатда отбоқар Муҳаммад Саййиднинг Рамадондаги Тошбека ерига экилган қовунларидан танобона солиғи олинмаслиги таъкидланади.

Худоёрхон ҳукмронлиги даврида Рамадон қишлоғида Шермуҳаммад исми амалдор саркорлик қилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд⁴³⁹.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Рамадон қишлоғи Марғилон уездининг Яккатут волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 1637 нафар аҳоли истиқомат қилган⁴⁴⁰

Айтишларича, Рамадон номи Рамадон исми бойнинг номи билан боғлиқ бўлиб, у Исфайрамсойдан ариқ қаздириб келган. Мазкур ариқ кейинчалик шу сабабдан Рамадон ариғи деб юритиб келинган экан⁴⁴¹. Рамадон қишлоғи ҳудудида қадимда кўл бўлганлиги учун қишлоқ Рамадонкўл номи билан ҳам аталган⁴⁴².

Бизнингча, Рамадон атамаси Рамадон исми бой номи билан эмас балки, рамадон деб аталувчи ўзбек уруғи билан боғлиқ бўлса керак. Чунки юртимизда бир неча қишлоқлар айнан шу ном билан аталади.

Учолиш номининг иккинчи қисмидаги олиш сўзи ўзбек тилининг Фарғона водийси шеваларида «сув тарқаладиган жой», «арик ёки сойнинг сув чиқариш учун тўсилган жойи», «сувнинг бўлинган жойи», «сув тақсимлагич» маъноларида қўлланилади. Англашиладики, Учолиш-уч тармоққа бўлинган, ажралган ариқ ёки анҳор маъносини ифода қилади⁴⁴³. Дарҳақиқат Рамадон ариғи сувининг Шўр қишлоқ, Оқ мазор бува, Қипчоқ қишлоғига ажраладиган қисми шу ном билан, яъни Учолиш деб аталган.

Бехабар

⁴³⁹ Бу ҳақда қаранг: Набиев Р.Н. Истории Кокандского ханства.–Т.: «Фан», 1973. Приложения 3 в.

⁴⁴⁰ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 99.

⁴⁴¹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қипчоқ маҳалласида яшовчи Холисали Турғуновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴⁴² Бу ҳақда қаранг: Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? – Т.: «Ўзбекистон», 1970.

⁴⁴³ Охунов Н. Жой номлари таъбири...54-б.

Маҳалланинг Бехабар деб аталиши хусусида турли тахминлар мавжуд. Бу ернинг Яккатутдан бир мунча олис масофада жойлашганлиги туфайли турли воқеалардан хабардор бўлмай қолиши сабаб бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Аҳоли орасидаги айрим тахминларга кўра, маҳалла номи аслида Бохабар деб аталган. Бу номни Бехабар деб аталишига 1933 йили ўша вақдаги раислардан бирининг «Мажлисда сиз Бохабар қишлоқ аҳли янгиликлардан бехебар қолибсизлар», деб берган танбеҳи сабаб бўлган дейишади⁴⁴⁴. Бироқ, XIX аср охири XX аср бошидаги маълумотларда ҳам жой номи Бехабар деб аталган. Хусусан, 1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Бехабар маҳалласи Марғилон уездининг Қоратепа волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 816 нафар аҳоли истиқомат қилган⁴⁴⁵.

Айтишларича, қадимги вақтларда теварак-атрофдаги қишлоқларни сел босиб, одамлар ваҳима ичида қолган бир пайтда таажжубки бу қишлоқни умуман сув босмабди. Шу сабабдан аҳоли бамайлихотир бўлиб, қўшни қишлоқларда юз берган воқеалардан воқиф бўлмай бехабар қолибдилар. Шундан сўнг қишлоқни «Бехабар» деб атаган эмишлар.

Маълумотларга кўра, ўтмишда Бехабар маҳалла ҳудудида қадимги тепалик мавжуд бўлган. Ўтган асрнинг 40-йилларида мазкур тепалик тупроғини селитрага бой эканлигини ҳисобга олиб экин ерларига солишда фойдаланганлар. Натижада кўп ўтмай тепалик шу тарзда йўқ бўлиб кетган. Аҳоли орасида ушбу тепаликни тупроғини олиш чоғида турли хум қолдиқлари ҳатто тангалар хазинаси топилганлиги тўғрисида ҳали-ҳануз хотиралар сақланиб қолган.

Тожикқишлоқ

1916 йилда Туркистонда кўтарилган мадикорликка қарши қўзғолон билан боғлиқ архив ҳужжатларида Тожи қишлоқ номи билан ҳам қайд этилган. Унга Яккатут волостининг Тожикқишлоқ

⁴⁴⁴ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бехабар маҳалласида яшовчи Набижон Жўрабоевдан (1924 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴⁴⁵ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 89.

аҳолиси волость марказида бошланган кўзғолонда фаол иштирок этган⁴⁴⁶.

Маълумотларга кўра, бу қишлоқда Арсиф, Бойистон, Уштирхон қишлоқларида яшовчи тожик хонадонларига қиз бериш ва у жойлардан келин олиш одат бўлганлиги учун йиллар ўтиши билан қишлоқ номи Тожикқишлоқ деб юритилган экан⁴⁴⁷.

Шўрқишлоқ

Мазкур қишлоқ ўрнидаги ерлар ўтмишда шўрхок тупроқдан иборат бўлган. Шу сабабли – тупроқ таркибидаги туз мидорининг кўплигига нисбат бериш натижаси ўлароқ қишлоқ Шўрқишлоқ номини олган.

Айтишларича, Шўр қишлоқда ҳам XX асрнинг биринчи ярмига қадар қадимги тепалик сақланган. Ўша пайтларда маҳаллий аҳоли бу тепаликни қадимда яшаб ўтган бойнинг кўрғонининг қолдиқлари эканлиги ҳақда кексалардан эшитганликларининг таъкидлайдилар.

Ўтган асрнинг 40-йилларида мазкур тепалик ҳам худди Бехабар қишлоғидаги тепалик сингари тупроғини селитрага бой эканлигидан экин ерларига солиб юборилган. Натижада кўп ўтмай тепалик шу тарзда йўқ бўлиб кетган⁴⁴⁸. Аҳоли орасида ушбу тепаликни тупроғини олиш чоғида ҳам турли хум қолдиқлари кўп миқдорда тангалар топилганлиги тўғрисида ҳали-ҳануз хотиралар сақланиб қолган.

Шўрқишлоқда Оқ мазор бува номли зиёратгоҳ жойлашган бўлиб, мазор жойлашган ҳудудлар аҳоли орасида «Оқ ваҳм ерлар» деб юритилади. Авваллари бу мазор яқинида Малла девона исми киши яшаган экан.

Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 30-йилларида қишлоқнинг зиёли кишиларидан бўлган Мулла Жалол қатағон

⁴⁴⁶ Турсунов Ҳ. Ўзбекистонда 1916 йил халқ кўзғолони...147-б.

⁴⁴⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Тожикқишлоқ маҳалласида яшовчи Мўминжон Тиллабоевдан (1920 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴⁴⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Учолиш маҳалласида яшовчи Улуғбек Турғунбоевдан (1963 йилда туғилган) ёзиб олинди.

қилинган. Унинг укаси Мулла Камол бўлса, тоғларда яшириниб жон сақлаб қолган экан.

Қипчоқ

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда قىچاق – Қипчоқ номи билан тилга олинади⁴⁴⁹. Маълумотларга кўра, бу қишлоқда қипчоқларнинг Тўрт айғир, Қалта байтал сингари қипчоқлар уруғлари яшаганлиги учун қишлоқ Қипчоқ номини олган. Ўтган асрнинг 50-60 йилларига қадар Қипчоқ қишлоғида қипчоқларга хос айрим одатлар, жумладан фақат ўз уруғидан қиз олиб, қиз узутиш сингари одатлар сақланиб қолган. Бироқ бу кунга келиб мазкур одатлар йўқолиб кетган.

Аҳоли орасида қипчоқ атамасини келиб чиқиши тўғрисида ҳам ривоятлар сақланиб қолган. Унга кўра қадим замонларда қаттиқ жангларнинг бирида душман қўли баланд келиб Фарғона подшосининг қўшинлари енгиләтган оғир дамларда уларга катта мадад кучи етиб келади ва душман мағлуб этилади. Ўша мададга келганларни хўбчоқда, яъни айни вақтда келдингизлар дейишган. Кейинчалик уларга Хўбчоқ номи берилиб вақтлар ўтиши билан бу ном Қипчоқ атамасини олган эмиш⁴⁵⁰.

Айтиш жоизки, юртимизда Қипчоқ номи билан аталатувчи жой номлари кўп учрайди. Шу сабабдан хизмат сафарларимиз давомида Қипчоқ деб аталувчи қишлоқларга тез-тез дуч келамиз. Шу сабабдан қипчоқ атамаси тўғрисида айрим маълумотларни келтириб ўтсак.

Маълумки қипчоқ – туркий халқларнинг энг йирик ва нуфузли қадимий қабилаларидан биридир. Баъзи бир тарихий асарларда қипчоқ сўзи «ичи кавак» деган маънони англатиши таъкидланади. Чунончи, XI асрнинг машҳур олими, тилшунос Маҳмуд Қошғарийнинг туркий халқлар жумладан қипчоқ қабиласи тўғрисида кенг маълумотлар келтирилган «Девону луғотит турк» асарида бу хусусда фақат уларнинг шаҳарларидагина

⁴⁴⁹ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С.142.

⁴⁵⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қипчоқ маҳалласида яшовчи Бердибой Жумашевдан (1940 йилда туғилган) ёзиб олинди.

яшайдиган ҳайвон тўғрисида маълумот характерлидир. Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, катта гавдали булан дейилган ов ҳайвони қипчоқ шаҳарларидагина яшар экан, холос. Унинг ичи ковак, учи осмонга қаралган бир шохи бўлиб, қор, ёмғир сувлари унга тўпланиб қолар ва эркак булан урғоқчи буланнинг шохидан ва урғоқчи булан эркакигининг шохидан энгашиб сув ичар экан. Қипчоқ сўзининг маъноси ҳақидаги тахминлар шу ҳодиса билан боғлиқ бўлса керак⁴⁵¹.

Таъкид жоизки, «Девону луғотит турк» асари каби бошқа ёзма манбаларда ҳам туркий халқларга мансуб қавм, уруғ, жамоа ва қабилаларнинг пайдо бўлиши тарихи ҳақидаги ривоятлар ва айрим маълумотлар изоҳлаб берилган. Масалан, Қипчоқ атамасининг вужудга келиши тарихи «Нусратномада» шундай изоҳланади:

«Итбарақхон билан бўлган жангда Ўғузхон мағлубиятга учрайди. Ана шу ҳарбий ҳааркатлар пайтида бир аёл дарахт ковагида кўз ёради. Болага қипчоқ, яъни дарахат ковагида тугилган, деб ном беришади. Бола улгайгач, Ўғузхоннинг энг яқин кишиси бўлиб қолади ва унинг лашкаларида энг масъул мансублардан бирини эгаллайди. Ана шу Қипчоқ исмли шахсдан тарқалган авлодлар қипчоқ уругини ташкил этади»⁴⁵².

Ўрта Осиё тарихшунослигининг мўътабар манбалардан бири, йирик муаррих Ҳофиз Таниш ал-Бухорий (тахм.1549-1635) қаламига мансуб «Абдуллонома» («Шарафномаи шоҳий») асарида қипчоқ уругининг пайдо бўлиши билан боғлиқ юқорида келтирилган ривоят тўлиқ баён этилган:

«Қипчоқ (қавми). Ўғизхон итбороқ (қавми билан) жангда шикаст еб икки дарё оралигида қолиб, унда макон қилган (вақт)да ўша жангда эри шер шамширининг чангалига тушган (яъни ўлдирилган) бир ҳомиладор хотин замоннинг ажиб вазияти туфайли ҳомиладорликдан бўшашиш учун чириган катта бир дарахтнинг кавалига кириб бир ўғил тугди. Бу ҳол кайфияти Ўғизхоннинг шарафли қулоғига етгач, марҳамат ва карам юзасидан амр қилдики, «Бу боланинг отаси йўқлиги учун менга фарзанд ўрнида бўлсин ва менинг тарбиямдан баҳраманд бўлсин». (Ўғизхон) унинг исмини Қипчоқ қўйди ва унинг тарбиясида (зўр) ҳиммат кўрсатди; уни фарзанд ўрнида тутди. Мазкур исм «қабак»

⁴⁵¹ Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. Уч томлик I том / Таржимон ва нашрга тайрловчи С.М. Муталлибов. Тошкент, 1960. 495-496-б.

⁴⁵² Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Т.: «Фан», 1991. 183-б.

сўзидан олинган бўлиб, туркчада кавакли дарахтни шундай атайдилар. (Орадан) ўн етти йил ўтгач, Ўғизхон итбороқ қавмини енгди ва Эронзаминни (ўзининг) осмондаги юлдузлар каби камол(га етган) маҳрамлари беағи билан тўлдирди. (Бутун) дунё мамлакатларини тақдир ёрдами билан бўйсундирди ва жаҳонни тиг ва найза зарби билан ўзига қаратди. (Бундан) бир қанча вақт ўтгач, (Ўғизхон) ўз юртига ва қароргоҳига қайтган эди (ҳам)ки, яна хабар келдики, итбороқлар (унга қарши) яна исён бошлабдилар ва душманчилик шамширини тугёнсуви билан сугорибдилар. (Ўғизхон) уларнинг зарар(ли ҳаракат)ларининг олдини олиш ва ёмонлик (ният)ларини дафъ этиш учун Қипчоққа яйловда ўлтириши ва уларнинг (исёнчиларнинг) йўлини тўсишни буюрди. Ўша замондан бери қавмнинг яйлов ва қишлоқлари ўша оташнинг учқунларидир»⁴⁵³.

Элшунос олим, академик Карим Шониёзов (1924-2005) қипчоқлар тўғрисида жумладан қуйидагиларни баён этади: «Қипчоқлар ҳам ўзбек халқининг этногенетик жараёнида фаол қатнашган этник гуруҳлардан ҳисобланади. Буларнинг салмоқли қисми қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман, бошқирд ва бошқа туркий халқларнинг таркибига ҳам кириб, уларнинг элат бўлиб шаклланишида муҳим роль ўйнаган»⁴⁵⁴. Дарҳақиқат қипчоқлар ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз ва бошқа туркий халқларнинг миллат бўлиб ташкил топишида қатнашган қабилалардан бири ҳисобланади⁴⁵⁵.

⁴⁵³ Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома / Форс тилидан С.Мирзаев таржимаси. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. Биринчи китоб. – Т.: «Шарқ», 2000. 38-39-б.

⁴⁵⁴ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни.–Т.: «Шарқ», 2001. 360-б.

⁴⁵⁵ Бу ҳақда қаранг: Абрамзон С.М. К вопросу патриархальной семьи у кочевников Средней Азии // КСИЭ. – М., 1958., Вып. XXVIII; Абрамзон С.М. Киргизы и их этнические и историко-культурные связи. Фрунзе.: «Киргизистан», 1990; Абрамзон С.М. Формы родоплеменной организации у кочевников Средней Азии // ТИЭ. – М., 1951. Т. XIV; Аристов Н.А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности // Живая старина. СПб., 1896., Вып. III-IV; Асанов Г.Р. Сельское расселение Наманганской области. –Т.: «Фан», 1975; Ахмедов Б. Ўзбек улуси. –Т.: «Мерос», 1992; Ахмедов Б. Ўзбекларнинг этник тарихини ўрганишда қўлғезма манбаларнинг роли // Тарихдан сабоқлар. – Т., 1994; Ахмедов Б. Государство кочевых узбеков. – М.: «Наука», 1965; Винников В.Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине // СЭС. 1959. – Т. II; Винников Я.Р. Родоплеменной состав и расселение киргизов на территории Южной Киргизии // ТКАЭЭ. Фрунзе, 1956. Т. I; Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX начале XX вв. – Т.: «Фан», 1983; Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX века // Этнокультурные процессы. –Т., 1991; Дониёров Х. Ўзбек халқининг шажара ва шевалари. –Т.: «Фан», 1968; Жданко Т.А. Проблема полуседлого населения в истории Средней Азии и Казахстана. // СЭ. – М., 1961. № 2; Жабборов И.М. Ўзбек

Ўзбекистон ҳудудида қипчоқлар Самарқанд билан Каттакўрғон ўртасидаги районларда, Амударёнинг ўнг соҳилида, Фарғона водийсининг шимолий-шарқий ва шимолий-ғарбий қисмларида ўтроқлашиб қолган. Қипчоқларнинг Фарғона водийсига келиб ўрнашишлари хусусида элшунос олим Улуғбек Абдуллаев қуйидагиларни баён этади:

«Қипчоқларнинг Фарғона водийсида пайдо бўлиши ҳақида турли фикрлар билдирилади. Бир гуруҳ тадқиқотчилар, хусусан Н.А.Аристов, бу ерда улар XVI аср бошларида Шайбонийхон қўшинлари таркибида кириб келганлигини таъкидлайди. В.П. Наливкин эса қипчоқларнинг катта қисми Фарғонага XVIII асрда келиб ўрнашганлар деб ҳисоблайди. К.Ш. Шониёзов қипчоқларнинг Фарғона водийси ҳудудига келиб жойлашиш масаласига тўхталар экан, бу ҳодисани янада аниқроқ сана -XVIII аср 20-йилларининг охири – 30-йилларининг бошлари билан боғлайди. Унинг таъкидлашича, қолмиқлар таъқибидан қочган қипчоқларнинг катта гуруҳи айнан шу даврда Шимолий Фарғонанинг тоғли ва тоғолди ҳудудларига келиб жойлашганлар.

Фарғона қипчоқларининг асосий қисми Андижон уездида; Андижонсой, Норин дарёсининг қуйи қисми, Мойли-сув ва Қорадарё атрофидаги қишлоқларда яшаганлар.

Уларнинг маълум қисми Наманган уезди ҳудудида Косонсой, Сумсар, Чодак, Подишо-Ота, Норин, Ғова каби дарё ва сой ҳавзаларида ҳамда Янги-ариқ канали атрофидаги манзилгоҳларда жойлашганлар. Фарғона уезди ҳудудидаги Шахонсой ва Аравонсой,

халқи этнографияси. –Т.: «Ўқитувчи», 1994; Кармышева Б.Х. Этнографическая группа «тюрк» в составе узбеков. (Историко-этнографические данные) // СЭ. – М., 1960. № 1; Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Узбекистана и Таджикистана. – М., 1976; Кармышева Б.Х. «Кочевая степь» Мавераннахра и ее населения в конце XIX начале – XX в. (по этнографическим данным) // СЭ. 1980; Файзиев Т. К вопросу изучения узбеков-кураминцев // Научные работы и сообщения АН УзССР. ООН. – Т., 1961; Файзиев Т. О родо-племенном составе узбеков-кураминцев XIX – начала XX века // ОНУ. 1963; Хўжайов Т.К., Хўжайова Г.К. Ўзбек халқининг антропологияси ва этник тарихи. (Ўқув қўлланма). –Т.: Ун-т., 1995; Шаниязов К.Ш. К этнической истории узбекского народа (Историко-этнографическое исследование на материалах кипчакского компонента). –Т.: «Фан», 1974; Шаниязов К. Некоторые вопросы этнической динамики и этнических связей узбеков в XIV – XVII вв. // Материалы к этнической истории населения Средней Азии. –Т., 1986; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ҳақида баъзи фикр-мулоҳазалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1996. № 6; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: «Шарк», 2001.

Қўқон уезидаги Сўх ва Исфара дарёси ўзанида ҳам бир неча қипчоқ қишлоқлари мавжуд бўлган.

К.Ш. Шониёзов 1961 - 1970 йиллар мобайнида тўплаган дала материаллари асосида Фарғона водийси ҳудудидаги қипчоқлар яшаган кўплаб қишлоқларни кўрсатиб ўтади. Хусусан, у Фарғона водийсида жойлашган Поп, Бувайда, Фрунзе (ҳозирги Данғара), Чуст, Косонсой, Норин, Учқўрғон, Избоскан туманлари ҳудудидаги бир қанча қишлоқларда қипчоқлар яшаганлигини аниқлади.

Қипчоқларнинг айрим гуруҳлари водийнинг Тожикистон Республикаси таркибига кирувчи қисмида ҳам жойлашганлар. Айниқса, Ашт туманига қарашли Қирққудуқ, Кўприкбоши ва Оқжар қишлоқларида улар ғуж яшаганлар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Фарғона қипчоқларининг салмоқли қисми қирғизлар таркибига ҳам қўшилиб кетган. Қирғиз-қипчоқлар асосан водийнинг шарқий ва жанубий ҳудудларида жойлашган эдилар.

Бундан ташқари, унча кўп бўлмаган қипчоқ гуруҳларининг водий ҳудудидаги қорақалпоқлар таркибига ҳам сингиб кетганликлари Л.С. Толстова томонидан қайд этилган.

Уруғ ва қабилаларга бўлиниш азалдан қипчоқлар учун ҳам характерли этник жиҳатлардан бири бўлган. XIX - XX аср бошларида водий ҳудудида яшаётган қипчоқлар К.Ш. Шониёзовнинг фикрича, тўртта катта гуруҳга бўлинган. Булар- *қипчоқлар* (ёки тоза қипчоқлар), *қирғиз-қипчоқлар*, *хитой-қипчоқлар* ва *сорт-қипчоқлар*.

Ушбу қипчоқ гуруҳлари ўз ўрнида бирқанча уруғларга бўлинганлар. *қўғай*, *бугоч*, *кумушой*, *ўлмас*, *яшиқ*, *жайдоқ*, *пучугой*, *элатан*, *бўғоз*, *огим*, *тоз*, *сирмоқ*, *еттиқашқа*, *қутлуқ-саид*, *черек*, *кўкмўйин*, *тўртайгир* (ёки *тўрт оғайни*), *тўрт-той*, *товулди*, *чангроқчи*, *чиял*, *кўлон*, *оқ-бўйра*, *қорабовур*, *бошқирт*, *тикан*, *қоратикан*, *сари-қипчоқ*, *қорамоюн* каби уруғлари Фарғона водийсида қайд этилган.

Я.Р. Винников ҳам қипчоқларнинг Фарғона водийсида *катта-ўлмас*, *элатан*, *еттиқашқа*, *яшиқ*, *яйдоқ*, *пучугой*, *қўй-қулоқ*, *бўғоч*, *огин*, *жикан*, *тўрттойлик*, *сирмоқ*, *туячи*, *сарой*, *ёрбоши*, *қози*, *кумушой* каби қатор уруғлари яшаганлигини эътироф этади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Фарғона водийси қипчоқларининг уруғлари ичида энг йириклари бу *етти қашқа, ўлмас, кулон*, элатан ва *яшиқ* этнонимлари билан аталувчи уруғлар ҳисобланган.

Шуни ҳам айтиш ўринлики, Фарғона водийсида қипчоқ уруғларига тегишли жуда кўп этнонимлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчасини аниқлаш ва қайд этиш мушкул. Боз устига, уларнинг кўплари бошқа ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ каби туркий тилли уруғ-қабилалар бирикмалари таркибида ҳам учрайди»⁴⁵⁶.

Дашт

Қишлоқ номидан маълум бўладики, ўтмишда мазкур қишлоқ ҳудудлари экин экилмай ётган сувсиз, тош-шағалли ердан иборат бўлган. Шунда жойда аҳоли яшай бошлаганидан сўнг «Дашт» қишлоқ номига қўчган.

Қумкўча

Қумкўча қишлоғининг номи ўз-ўзидан аввалги вақтларда бу ерларда қум кўп бўлганлигидан далолат беради. Айтишларича қадимги замонларда қумларга эгалик қилиш учун подшоҳлардан айрим кишиларга, масалан, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) авлодларига ёрликлар берилган эмиш⁴⁵⁷.

⁴⁵⁶ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар...16-19-б.

⁴⁵⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Бирлик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Яккатут маҳалласида яшовчи Оминахон Комиловадан (1941 йилда туғилган) ёзиб олинди.

НАЙМАН

Найман қишлоқ фуқаролар йиғини маркази Найман қишлоғи ҳисобланади.

2010 йилнинг декабр ҳисобига кўра, Найман қишлоқ фуқаролар йиғинида 2212 та хонадон мавжуд бўлиб унда 10 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Умумий майдони 2250 гектарни ташкил этади.

Қишлоқнинг ижтимоий-маданий ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда 2 та даволаш муассасалари, 5 та мактаб, 1 та болалар боғчаси, 1 та касб-ҳунар коллежи, 5 та сартарошхона, 4 та савдо шаҳобчалари, 4 та қассобхона, 1 та ёғочни қайта ишлаш цехи, 7 та хусусий тегирмон, 4 та оталар чойхонаси фаолият кўрсатмоқда. Найман қишлоқ фуқаролар йиғинидан шу кунга қадар 3 нафар доктор ва фан номзоди даражасини олган олимлар етишиб чиққан.

Найман қишлоқ фуқаролар йиғини Найман, Нурхон (Хўжақишлоқ), Чек, Донбос Шилва сингари маҳаллалардан иборат бўлиб, қуйида уларнинг айримлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтамиз.

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда **نيمان** – Найман номи билан тилга олинади⁴⁵⁸. Мазкур ҳужжатлардан бирида қайд қилинишича, Муслмонқул мингбоши томонидан XIX асрнинг ўрталарида Найман ҳудудидаги ерлар мадарасаларга вақф сифатида ажратиб берилган⁴⁵⁹. Шу боис аҳоли орасида ҳозирга қадар вақф ерлар тўғрисида айрим хотирлар сақланиб қолган.

Маълумотларга кўра, Найман қишлоғига XIX асрнинг 60-йилларида Мулла Қувват бошчилигидаги найман уруғига мансуб хонадонлар келиб ўрнашганлиги учун ҳам жой номи Найман деб аталган экан. Айтишларича, Найман қишлоғи ҳудудида ўтмишда Мирзатўпи, Гала, Қарғатирноқ сингари маҳаллалар ҳам мавжуд

⁴⁵⁸ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. –М.: «Наука», 1968. С.111, 150.

⁴⁵⁹ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства...С. 39.

бўлиб, Мирзатўпи маҳалласида асосан Олтиариқ томондан келиб ўрнашган аҳоли истиқомат қилган⁴⁶⁰.

Таъкид жоизки, Найман атамаси билан боғлиқ жой номлари Ўзбекистоннинг барча вилоятларида жумладан Фарғона водийсида кўп учрайди. Бу ҳақда Э.Дўсимов ва Х.Эгамовлар қуйидагиларни келтириб ўтадилар:

«Найман – ўзбек уруғларидан бирининг номи. Рашидиддин «Жомеъ ат-таворих» асарида найман қадимги кучли қабилалардан биридир. Унинг бир қанча тармоқлари бор (эканлигини ёзади).

Найман сўзи мўғулча бўлиб Найма «саккиз» деган маънони билдиради. Н.Аристов найман сўзи Найма дарёси (Катуннинг бир ирмоғи)нинг номи билан боғлиқ бўлиб, дарё номи асосида вужудга келган, дейди»⁴⁶¹.

Топономист олим Суюн Қораевнинг келтирган маълумотларига кўра, найманлар асли туркий қабила бўлиб, саккизўғулларни мўғуллар ўз тилига мослаб найман деб атаганлар⁴⁶².

Ёзма манбаларда Фарғона водийсига найманларнинг XIII асрнинг бошларида Кучлукхон бошчилигида кириб келганликлари тўғрисида маълумотлар учрайди. Ўша вақтда найманларнинг катта қисми Чингизхон қўшинлари билан бўлган жангларда қириб ташланган. Найманларнинг омон қолган айрим қисмлари кейинчалик маҳаллий аҳоли таркибига қўшилиб кетган. Элшунос олима С.С.Губаевнинг фикрига кўра, XVI асрнинг бошларида найманларнинг яна бир қисми Шайбонийхон қўшинлари билан Фарғона водийсига кириб келган кўринади⁴⁶³. Бинобарин, Шайбонийхон қўшинида найманлар кўпсонли бўлганлигини XVI аср адабиётининг истеъдодли шоири Муҳаммад Солиҳ ўзининг «Шайбонийнома» асарида ҳам баён этади:

Тангри берган черики бор эди,
Ҳашаму ҳашмати бисёр эрди...

⁴⁶⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Найман қишлоқ фуқаролар йиғинининг Найман маҳалласида яшовчи Тожиали Қирғизбоевдан (1947 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴⁶¹ Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номларининг қисқача изоҳли луғати...104-б.

⁴⁶² Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари...206-б.

⁴⁶³ Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в... С. 53-54.

Кўп эди, монғкиту найман усру,
Барча шойистайи эҳсон усру⁴⁶⁴.

Чек

Кўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда چيك – Чек номи билан тилга олинади⁴⁶⁵.

Изланишлар давомида Чек маҳалласи тўғрисида қуйидагилар аниқланди.

Маълум бўлишича, Худоёрхон ва қипчоқлар ўртасидаги Яккатутда юз берган жанглар чоғида Мулла Рўзимуҳаммад (Рўзиматхожи ҳам дейилади) исмли хоннинг яқин кишиларидан бири ҳалок бўлади. Худоёрхон Рўзимуҳаммаднинг садоқатли хизматларини қадрлаб беваси Туман хотинни саройга чорлайди ва васиқа тарзида унинг Илмхожи исмли ўғлига ер сифатида ҳозирги Чек маҳалласи ҳудудларини инъом этади. Шу тарзда Илмхожи ўз қариндош уруғлари билан кўчиб келиб, Чек маҳалласини ташкил этади. Илм хожининг Мирзараҳмонбой ва Мирзааҳмадбой исмли икки ўғли ва Ҳожиқиз исмли бир қизи бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд⁴⁶⁶.

Айтишларича, Илмхожининг Мирзааҳмадбой исмли ўғли ўтган асрнинг 20-йилларида Фарғона водийсида миллий-озодлик ҳаракатини бошқарган қўрбошиларидан бири сифатида қатағон қилинган.

Зангуштепа ёдгорлиги

Зангуштепа археологик ёдгорлиги Чек маҳалласининг қабристониде жойлашган бўлиб, тепаликни бундай ном билан аталишини Қайқубод подшонинг бевафо аёли билан боғлиқлиги

⁴⁶⁴ Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома / Нашрга тайёрловчи: Насрулло Даврон. – Т., 1961. 207-б.

⁴⁶⁵ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С.228, 233.

⁴⁶⁶ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Найман қишлоқ фуқаролар йиғинининг Чек маҳалласида яшовчи Солижон Мирзараҳмоновдан (1955 йилда туғилган) ёзиб олинди

тўғрисида аҳоли орасида қарашлар мавжуд⁴⁶⁷. Аниқроғи шу тепаликка ўша аёлнинг бевафоллиги учун от думига боғлаб бурдалаб юборилган танасининг бир қисми кўмилганлиги учун Зангушт деб аталган эмиш⁴⁶⁸.

Зангуштепа бўйлаб кезар эканмиз Қайқувот подшо ва унинг бева аёли тўғрисида афсонани ўқувчилар эътиборига ҳавола этишни лозим кўрдик. Мазкур афсона халқимиз орасида қадимда машҳур бўлиб, кейинчалик фольклоршунос олим Маматқул Жўраев томонидан тайёрланган «Ипак йўли афсоналари» китобидан ҳам ўрин олган:

«Бундан анчагина йиллар илгари Қувада бир подшо яшаган экан. У энг кучли, энг бақувват подшо бўлиб, унинг асли оти Қайқувот экан. Унинг арки Пилолтепа устида экан. Бу тепа ўша даврда подшонинг у ёқдан-бу ёқдан келган душманни кузатиб турувчи қалъаси бўлиб, доим ўшатта ўтириб, ўзи кузатиб ўтираркан. Тепа атрофи кўл бўлиб, келган душманни ўша кўл ичида енгиб йўқ қилинарган. Ана шундай бўлавергандан кейин бир донишманд чиқиб, биз бу подшони енгмоқчи бўлсак, олдин унинг хотинини қўлга олишимиз керак дебди. Ўшанда биз подшони енгамиз деб душманлар ишга киришиб, хотинини қўлга киритишга уринишибди.

Подшо хотинини жудаям яхши кўрар, қирқ қават кўрпача солинган тахт устига қирқ сават пахта қўйдириб ўшанинг устига устига ўтқазиб, ҳар куни қирқта қора қўйнинг илигидан ош қилдириб боқар экан. Шундай қилиб боққан хотини ҳам Қайқувотга душманлик қилиб, унинг сирини очиб берибди. У душман лашкабошисига махфий одам юбортириб:

– Бу кўлнинг сувини қуришиб, эримни қўлга туширмоқчи бўлсаларинг Каркидон деган жойнинг устига бориб, ўшатдан сомон оқизсаларинг, сомонни сув оқизиб келиб, бир ерда гирдоб ҳосил қилади. Сомон қаерда айланиб сув тагига кириб кетса, ўша жойни текшириб кўринглар, ўша жойда сув ости йўли бор, агар ўшани бекитсаларинг, бас кўлга келадиган сувнинг йўли тўсилади. Сувнинг боши бекитилгандан сўнг кўл ҳам қурийдди. Кейин Зиндонтепаниям бир бориб кўринглар.

⁴⁶⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Найман қишлоқ фуқаролар йиғинининг Найман маҳалласида яшовчи Ҳолтой Холматов (1928 йилда туғилган) ёзиб олинди

⁴⁶⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Найман қишлоқ фуқаролар йиғинининг Чек маҳалласида яшовчи Низомиддин Шароповдан (1929 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Ўша тепаликнинг остида лаҳимлаб келинган йўл бор. Ўшанда овқат пишириб, овқатни қўлма-қўл қилиб подшо аскарлари қалъага олиб келишади, – дебди.

Душман хотиннинг гапига кириб, сув келадиган жойни бекитибди. Тепалик остидаги ошхонани ва қалъага борадиган йўлниям топишибди. Сув, овқат ўтмай қолгандан сўнг қалъа ҳимоячилари таслим бўлишибди.

Шундай қилиб, душман Қайқувотни олиш учун хотинини ҳийла билан қўлга туширган экан»⁴⁶⁹.

Ушбу афсонанинг хотимасида душман шаҳарни олиб бўлгач Қайқувотнинг хиёнаткор хотинини отнинг думига бойлаб ўлдиртириб юборганлиги нақл қилинади. Айнан Зангуштепада ўша аёлнинг танаси кўмилганлиги ҳақидаги ривоят қадимдан оғиздан оғиздан ўтиб келган.

Биз Зангуштепани кўздан кечирар эканмиз, ҳар қадамда сочилиб ётган қадимги пишиқ ғишт ва сопол парчаларига дуч келдик. Тепалик ҳозирда қабристон бўлганлигидан қайси қабрдан ғишт ёки сопол чиқса, шу қабрга қўйилиб кетаверилган. Ғиштларнинг ўлчами асосан 30x16x4 см. бўлиб, бизга XI-XII асрларда Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган Қорахонийларга даврида кенг қўлланилган ғиштларни эслатади. Бизнингча, ҳозирда тахминан 1,3 гектар майдонни ўз ичига олган Зангуштепа айнан ўша даврларда аҳоли учун кўрғон вазифасини ўтаган бўлса керак. Кейинчалик мўғуллар босқини вақтида Зангуштепа вайрон этилиб, хароба холига келиб қолганлиги эҳтимолдан холи эмас. Балки ўша мўғуллар босқини вақтида бу ернинг ёшу қари аёллари ўлдирилиб жасадлари қолиб кетгач, Зан куштан, яъни ўлдирилган аёл деб аталган бўлиши ҳам мумкин. Вақтлар ўтиши билан бу мудҳиш воқеалар унутилиб, кейинги пайтларда яшаган аҳоли фақат Қайқувот подшонинг аёли тўғрисидаги афсонадан хабардор бўлган кўринади.

ЁҒОЧ ПОЛВОН

⁴⁶⁹ Ипак йўли афсоналари / Тузувчи, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М. Жўраев. –Т.: «Фан», 1993. 70-71-б.

Найман қишлоқ фуқаролар йиғинининг Дўстлик (собиқ Данбосс) маҳаллалик машхур полвон Султон ота «Ёғоч полвон» (1905-1986) номи билан машхур бўлиб, у тўғрисида матбуот саҳифаларида қатор мақолалар чоп этилган⁴⁷⁰.

Султон полвоннинг фарзади Зайлидин аканинг ҳикоя қилишича, Султон полвон ўн олти ёшга қадам қўйганида отаси Саттор улоқчи бир ғунажинни сотиб пулини фарзандига беради. Шундан сўнг Султон полвон Шаҳрихонда ўтказилаётган кураш сайлида иштирок этиб ғалаба қозонади. Бу кураш сайли унинг ҳаётидаги биринчи муваффақияти бўлиб, Султон полвон учун нутилмас таассуротлар қолдирган. Энг қизиғи шундаки, Шаҳрихондаги полвонлар беллашувидаги томошабинлар орасида Султон полвоннинг отаси Саттор улоқчи ҳам бор бўлиб, у фарзандининг маҳоратига қойил қолади ва шу ернинг ўзида ўғлига полвонлик йўлида оқ фотиҳа беради. Ўша-ўша халқ сайлларида ўтказиладиган кураш мусобақалари Султон полвонсиз ўтмайдиган бўлган⁴⁷¹.

Султон (Ёғоч) полвон тўғрисида журналист Собиржон Қодиров «Сўнмас диёр» номли китобида қуйидагиларни келтиради:

«Усмонжон отанинг дўсти Султон полвон урушдан олдин жумҳуриятга танилган одам бўлган.

– Дўстим Саттор улоқчининг ўгли эди, – деб ҳикоя қилади. Усмонжон ота Мамажонов. – Қаерда улоқ бўлса, қолган эмас. Ўглини ҳам ўзи билан бирга олиб юрар, курашларга туширарди. Султон билан биз ҳам томошадан қолмасдик. Султон полвон йил сайин кучга тўлиб маҳорати ортиб борарди. Ён атроф қишлоқларда унга тенг келадигани қолмагач, узоқ-узоқлардаги курашларга ҳам боришга жазм қила бошладик.

Султон полвонга ўн, ўн беш киши шерик бўлиб борардик. Ахир полвон рақибини кўтариб уришга ҳаракат қилаётганда далда қанчалик зарурлигини бошидан ўтган билади. Олтиариқда у Имямин ака деган полвондан сабоқ олганди. Бир кунги ўша ёққа томошага бордик. Султонга

⁴⁷⁰ Бу ҳақда қаранг: Иброҳимов И. Кураги ерга тегмаган азамат. Тошлоқ тонги. 30.03.1992; Иброҳим Раҳим. Ёғоч полвон. Кураш. Халқаро журнал. 2000.3-4(5-6); Эргашев Ф. Несгибаемый Султанпалван. Ферганская правда. 06.05. 2010.

⁴⁷¹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Найман қишлоқ фуқаролар йиғинининг Дўстлик маҳалласида яшовчи Зайлидин Султоновдан (1957 йилда туғилган) ёзиб олинди.

тенг келадиган полвон топилмади. У ҳамманинг курагини ерга теккизди, тўғрироғи кўтариб урди, ёнбошга отиб ташлади, ё боши устидан ошириб отди. Шогирдидан мамнун бўлган Имямин ака полвонни давра бўйлаб айлантирар экан, унга «Ёғоч полвон» деган тахаллус қўйганди. У белини ёғочдай тутиб олса, уни биров буколмасди. Султон полвоннинг бўйи ҳам узун, икки метр атрофида, вазни 120 килодан ортарди (Султон полвоннинг энг катта вазни 140 кг бўлган – муаллифлар). Қўллари ҳам шу қадар узун эдики, ҳар қандай отни белидан қучоқлаб кўтара оларди. Жалолобод шаҳрига борганимиз эсимда. Уч кун кураш бўлиб Султон полвонни ҳеч ким енга олмади. Кураш ҳаками эртасига Турк полвон билан Султон полвон ўртасида кураш бўлишини, голиб минг сўм пул ва ҳакамнинг қизини олиши мумкинлигини эълон қилди. Турк полвонни кўриб эсимиз оғиб қолди. Одам деган ҳам шунақа баҳайбат бўлар эканми деб ёқамизни ушладик. Дўстим ҳам ўша пайтда 120 килога яқинлашиб қолган эди. Аммо Турк полвоннинг вазни икки юз ўн килодан ҳам ортиқ экан. Биз дўстимизни курашдан қайтаришга уриндик. «Кўй ошна, мана неча полвонларни йиқитдинг, улар тавбасига таяниб сенга тан бериб кетишди. Буни келбатини қара. Сени майиб қилиб олиб кетмайлик, бизга кераксан» десак нима дейди денг. «Қочиб қўрқоқ деган ном олгандан майдонда ўлганим яхши» деганди раҳматли.

Худодан тилаб ётибмиз, ишқилиб, дўстимизни бешикаст олиб кетмайлик деб. Эртаси кун кураш бошланди. Йўқ хайтовур ҳеч ким бир-бирини енголмади. Биз дўстимизни яна аврадик, қўй энди кетдик, мана дуранг бўлди ҳисоб, деб. Аммо курашда дуранг бўлмас экан. Иккинчи кун ҳам роса бир-бирларини судраб тортишди. Ҳар иккисидан ҳам тер қуйилиб оқар, бу кураш уларга нечоғлик қийин бўлаётганини сезиш мушқил эмас. Яна ҳеч кимнинг қўли баланд келмади. Учинчи кун Султоннинг йиқилишига оз қолди. Турк полвонни кўтарганда у тепасига босиб тушай деди. Аммо кейинги зўр беришда ҳолсизланиб қолган Турк полвон ўзини ерда кўрди. Ёғоч полвоннинг мардлигига, маҳоратига тан берган халойиқ бор нарсасини олиб унга ошиқдилар. Соврин учинчи кун ўн минг сўмга чиққанлиги эълон қилинди. Ким пул, ким чопон, ким чорсисини Султон полвонга совга қилар эди. Ўртани олиб борувчи ҳакам ваъдасида турди. Қизини никоҳлаб тўй қилиб берди. Султон полвон Жалолободдан хотинлик, катта чорсида пул билан қайтди»⁴⁷².

⁴⁷² Қодиров С. Довруғи сўнмас диёр...42-43-б.

Мазкур ҳикояга бўлган қизиқишимиз натижасида биз Султон полвоннинг фарзанди Зайлиддин акадан ўша кураш хусусида отасидан эшитганларини сўзлаб беришини сўрадик. Оқибатда Зайлидин ака бизга қуйидагиларни айтиб берди:

«Отамизнинг хотираларига кўра, Жалолободдаги кураш сайлидан уйланиб қайтиши аслида қуйидагича юз берган.

Турк полвони билан боғлиқ воқеадан сўнг навбатдаги сайилларнинг бирида кекса бир полвоннинг ёлғиз қизи барча полвонларни курагини ерга текизади. Бундан хурсанд бўлиб кетган отаси «Ким менинг ёлғизгина полвон қизим билан курашга тушиб, уни мағлуб эса, ўша полвонга қизимни турмушга бераман» деб ваъда беради. Бироқ ҳеч кимнинг юраги дов бериб майдонга ўша полвон қиз билан курашга чиқишга ботина олмайди. Шу пайт ўз бахтини синамоқчи бўлиб Султон полвон даврага тушади ва курашда ғолиб чиқади. Ваъдага мувофиқ полвон қиз Султон полвонга турмушга чиқади ва улар Тошлоққа қайтиб келадилар. Бироқ уларнинг биргаликдаги турмуши узоққа чўзилмаган. Ой куни яқинлашиб қолган полвон қиз ота юртига қайтиб кетиб, ўша ерда қиз фарзанд кўради. Унинг кейинги тақдири бизга номаълум»⁴⁷³.

Ҳамқишлоқларининг эътирофларига кўра, Султон полвонни бўйи 2 метр бўлиб, қўллари узун эди. У ҳар қандай отни қорни остидан қўлини ўтказиб, узангисини ушлаб туриб елка бўйи кўтариш қобилиятига эга бўлган. Марҳум адиб Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад (1920-2007) ўзининг машҳур «Уфқ» асарида қўллари узун Ёғоч полвон танасини худди саксовулга қиёслаб таъриф берган эди⁴⁷⁴.

Султон полвон, яъни Ёғоч полвон Қирғизистон, Тожикистон. Қозоғистонда бўлиб ўтган кураш мусобақаларида иштирок этиб ҳар доим ғолибликни қўлга киритиб қайтган.

Ёзёвоннинг Иштирхон ва Қирғизистонинг Қизилқиясида бўлиб ўтган халқ сайларидаги Ёғоч полвонни кураши тўғрисида

⁴⁷³ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Найман қишлоқ фуқаролар йиғинининг Дўстлик маҳалласида яшовчи Зайлидин Султоновдан (1957 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁴⁷⁴ Саид Аҳмад. Сайланма. 3 жилдлик. 2-жилд. Уфқ: Трилогия. –Т.: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1980. 72-б.

Ҳолтой ҳожи ота Холматовдан биз қуйидаги хотираларни ёзиб олдик.

Иштирхонда халқ сайлида ҳар доим полвонлар беллашуви ўтказиб келинар, шу сабабдан бирор бир сайилни Султон полвон ўтказиб юбормасликка ҳаракат қилар эди. Навбатдаги ўтказилаётган сайилга Андижондан соябонли аравада қийиқ кўзли полвон келганлиги ҳамаёққа шов-шув бўлиб кетади. Қийиқ кўзли полвон атайлаб ушбу сайилда Ёғоч полвонни курагини ерга тегизиш ниятида келганини ва ёлиб бўлмай туриб бир пиёла чой ҳам ичмаслигини сайилдагиларга овоза қилади. Ваниҳоят икки барваста полвон ўртасида кураш бошланади. Барчанинг нигоҳи кураш майдонига қаратилади. Одатдагидай бамайлихотир курашга тушган Ёғоч полвон қисқа муддатда рақибни устидан яна ёлиб келади.

Ёғоч полвоннинг Қизилқияда россиялик машҳур цирк курашчиси билан беллашгани кўпчиликни ҳайрон қолдирган. Чунки рус полвонини ҳайбатидан чўчиган бошқа курашчилар майдонга тушишга юраклари дов бермайди. Буни сезган рус полвонини йиғилганларга қараб: «Ким мен билан кураш тушмоқчи бўлса, майдонга чиқсин. Аммо олдиндан огоҳлантириб қўй. Агар бирон бир кор-ҳол бўлса ўзидан кўрсин. Мен айбдор бўлмайман», деб хитоб қилади. Унинг бу гапларидан даврада сукунат чўмган пайт Ёғоч полвон майдонга чиқиб келади. Уни кўриб россиялик полвон «Сен мен билан кураш тушишдан аввал яхшилаб ўйла кўридингми?», деб сўрайди. Ёғоч полвон фикрида қатъий туриб олгач кураш бошланади. Худди Жалолободда бўлгани каби бу ерда ҳам кураш узок давом этади. Бироқ ўзини моҳир полвон деб билган цирк курашчиси қанча уринмасин Ёғоч полвонни енга олмай ҳолдан тояди. Буни сезган Ёғоч полвон чапдастлик қилиб уни ерга босади. Зўр ҳаяжон билан курашни кузатиб турган одамларни қийқириғи атрофни тутиб кетади.

Айтишларича, Султон полвон кейинчалик Тошкент циркида ҳам бир неча йил тош ўйнатиб, кураш тушиб ўз маҳоратини намойиш этган. Қолаверса, Катта Фарғона канали қурилишида 5-6 кишининг ишини ўзи бажариб катта матонат кўрсатган. Натижада ҳукумат томонидан тилла соат билан мукофотланган. Канал қурилишидан сўнг Султон полвон 27 йил пахтачилик бригадасига

бошчилик қилиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор унвонига сазовор бўлган.

Кўрганларнинг ҳикоя қилишларича, Султон полвон ёши етмишга бориб қолган бир пайтда пахта териш учун унинг даласига институтнинг ўқитувчи ва талабаларини олиб келадилар. Улар орасида курашчилар ҳам бўлиб, суҳбат давомида Султон полвоннинг курашчи бўлганидан хабар топадилар. Аввалига улар Султон полвонни менсимагандек муносабатда бўладилар. «Полвон бўлсангиз қани биз билан кураш тушиб кўринг» дея унга пичин кесатик сўзларни айтадилар. Ҳатто уларнинг ичидан бири «Бу одамдан полвон чиқмаган. Атайин ўзига полвон номини ўзлаштириб олган», дея кекса полвонни қаттиқ ранжитади. Шунда Султон полвон ўзини тенгсиз деб ҳисоблаган ўша полвонни курашга таклиф қилади ва бир неча дақиқадаёқ уни елкадан улоқтириб ташлайди. Бир оз олдин ўзини енгилмас полвон деб ҳисобланган одам етмиш ёшли қариядан шармандаларча йиқилганидан сўнг юзи шувут бўлганидан лом-лим демай ғойиб бўлади.

Султон полвон Сатторовнинг полвонлик маҳорати тўғрисидаги ҳикоя билан танишар эканмиз қадимда аждодларимизнинг ҳар бир шодиёна маросимлари курашсиз ўтмаганлигини ёдга олгимиз келди. Зеро, паҳлавонлар курашлари тарихи болалиқдан бошлаб, барчамизни қизиқтириб келган. Шу сабабдан, тарихчи олимларнинг бу борада билдирган айрим фикрларини келтириб ўтмоқчимиз.

Қадимшунос олим, академик Аҳмадали Асқаров ўзининг «Ўзбек миллий курашининг археологик материалларда акс этиши» номли мақоласида ўзбек миллий курашининг ҳар иккала (фарғонача ва бухороча) усулларини жуда қадимий даврларга, яъни бронза даврига бориб тақалишини (милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми) таъкидлаб: *«Тинчлик пайтларда шахснинг замон талаби асосида жисмоний ва ҳарбий тайёргарлигини тақозо этадиган турли спорт ўйинлари вужудга келди. Давр тақозосига кўра, абжир ва чаққон чавондоз, моҳир мерган, чайир ва чапдаст курашчи бўлишга интилиш ҳар бир ёшнинг орзу-умиди, кундалик ҳаракат дастурига айланиб борди. Ўтиш даврининг худди ана шу жанговор ҳарбий руҳияти*

жараёнида спорт ўйинларининг тўнгич турларидан бири сифатида миллий кураш вужудга келди», деган эди⁴⁷⁵.

Академик А.А.Асқаров мазкур мақоласида қадимги полвонлар хусусида жуда қизиқ маълумотларни келтириб, жумладан шундай дейди: «Қадимда кураш майдонига олишишга чиқадиган таниқли полвонлар билагида татуировкаси бўлган. Курашувчи агар аёл бўлса, бундай татуировка аёлнинг бўйнида бўлган. Бу одат жуда қадим-қадимлардан Енисей қирғизлари ва Олтой туркларидан бўлганлиги ҳақида Хитой манбаларида маълумотлар учрайди. Татуировкали йигит ва қизлар туркий халқларда полвонларнинг полвони, таниқли курашчилар ҳисобланган. Оддий кундалик ҳаётда улар ўз татуировкаларини кийим остида сақлаб, уларни бошқалар пайқаманган, кураш майдонига чиққанда эса, уларнинг татуировкасига кўзи тушган рақиб ҳаяжонга тушган. Томошабинларнинг олқишлари ҳам кўпроқ уларга қаратилган»⁴⁷⁶.

Асрлар давомида Султон Сатторов, яъни Ёғоч полвон сингари паҳлавонлар халқ ардоғида бўлиб келганлар. Маълумотларга кўра, Фарғона водийси қадимдан паҳлавонлар ватани сифатида эътироф этилган. Чунки улар нафақат кураш майдонидан балки юртни ҳимоя қилишда жанг ва меҳнат майдонларида зўр жасорат кўрсатганлар. Бу полвонлар курашни тирикчилик манбаи деб билмай, меҳнат билан турмуш кечирганлар. Масалан, риштонлик кураги ерга тегмаган Дакан полвон мироблик билан машғул бўлган. У ҳақда риштонлик ижодкор ўқитувчи, ўлкашунос Умринса Абдувоҳидова ўзининг Амиробод қишлоғи тарихига доир изланишларида Дакан полвон ҳақида қуйидагиларни келтиради.

«Амиробод қишлоғида туғилган Холиқ полвон Хусанбой ўғли, (1853-1948) Дакан полвон номи билан машҳур бўлган. Ўша даврларда риштонлик Шокир мингбоши томонидан ташкил қилинган кўплаб курашларда иштирок этган. Айтишларича, Дакан полвонни гавдасини кўрган кўплаб полвонлар ўйин майдонини ташлаб чиқиб кетар эди.

Қайсидир сайилга Шокир мингбоши андижонлик полвонларни таклиф қилади. Ўртага тушган барча полвонлар меҳмонларга мағлуб бўлиб чиқиб кетади.

⁴⁷⁵ Асқаров А.А. Ўзбек миллий курашининг археологик материаллаода акс этиши // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2–қисм. Тошкент, 2005. 11-б.

⁴⁷⁶ Ўша асар. 6-б.

Шокир мингбоши: «Яна бир қидириб кўринг кавак чанақда бирорта полвонингиз қолган бўлса даврага чиқсин», деб риштонликларга хитоб қилади. Шу пайт бир четда турган Дакан полвон даврага чиқади ва бир хамла қилганда андижонлик полвон ерга қулаб оламдан ўтади. Дакан полвоннинг доврўғидан фахрланган Амирободликлар у кишига мироблик вазифасини топширадилар. Полвон Амиробод ариғи бўйлаб сув ҳайдаб келар эди. Жуда кўплаб сув тошқинларида тегишли чора-тадбирлар кўрилгунча Дакан полвон гавдаси билан сувни тўсиб турган. Вохимлик Облоёров Баракабой отанинг айтишларича, Амиробод ариғи даҳанасининг бошида Холиқ полвон сувни пойлаб ётар эди. У кишининг олдида сувни ҳеч ким бошқа томонга буриб кета олмаган. Дакан полвон ўз кучидан халқнинг манфаати учун фақат яхши ишлар учун фойдалантб келган. У 1939 йилда туманда бош мироб вазифасида ишлаган Фарғона каналини режасини тузиш вақтида режага 5 йўналишдаги ташлама сувларни Марказий Фарғона каналининг тагидан ўтказиб Амиробод ариғига ташлаб юбориш ғоясини киритади. Бу ишларни режалаштираётганда Амирободнинг сув етиб бормаган далаларида янтоқ, оқ бош каби ўтларнинг томирига уруғ қадаб қовун, тарвуз етиштираётган ака – ука Шерматовлар хонадони кўз олдига келар эди. Мана неча йилдирки Амиробод аҳли Холиқ (Дакан) полвонни хотирлаб Амиробод ариғидан сув ичадилар»⁴⁷⁷.

Фарғоналик Али полвон, Омон полвон, Аҳмад полвон, Шукур полвон, Азимхўжа полвонларнинг курашлари тўғрисида ҳозир ҳам кексалар оғзидан эшитиб қоламиз. Шу сабабдан, улардан бири хусусида маълумотлар бергучи Р. Файзуллаев ва И. Сиддиқовларнинг «Белбоғли курашимиз тарихидан лавҳа» номли мақоласини эътиборингизни ҳавола этмоқчимиз.

«Бугунги кунда ўзбек миллий курашининг жаҳондаги кўпгина мамлакатларда тан олинган оммавий спорт ўйинлари даражасида эътироф этилиши, ўзбек миллатининг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни борлигига далил» десак муболаға бўлмайди. Белбоғли курашимиз тарихига бир назар соладиган бўлсак, у асосан, халқимизнинг оммавий сайллари, ҳосил байрами, Наврўз

⁴⁷⁷ Умринса Абдувоҳидованинг «Амиробод тарихи» номли рисоласидан фойдаланилди. Бунинг учун муаллифга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

байрамларида, тўйларида ташкил этилган бўлиб, мард ўғлонларни синаш майдони бўлган.

Ана шундай сайллардан бири 1904 йили Тошкентда, Наврўз байрами кунлари бўлиб ўтган. Фарғона водийси, Хўжанд ва Тошкентнинг мана ман деган полволлари тўпланишган. Бу хусусда «Туркистон вилояти газетаси» да шундай хабар босилган эди:

«Ушбу март ойининг тўртинчисида, пайшанба куни Тошкент шаҳридаги «Қаландархона»да (Хадрада-Р.Ф.) кураш томошаси бошланиб, тахминан беш минг одамдан зиёдроқ томошабин бўлди ва мазкур кураш жойини ниҳоятда яхши ва тартиблик қилиб барпо айлаб ва мазкур курашни ва мустажири (ижрочиси) Усмон паҳлавон ва ушбу мавзени ораста ва пораста айлаб ўлтириш, жойларини тузатиб, ҳар қайси одамлар беш тийинлик билетларни сотиб олиб кириб ўтирдилар. Ва мазкур курашга келган одамлар бетартибчилик қилмаслик учун 4 частни ҳурматлик пристави, икки нафар рус старшинаси ва ўн беш нафар полициялар назик қилиб қўйдилар. Ушбу томоша қиёмдин сўнгра соат бирда бошланиб соат бешда тамом бўлди. Лекин ушбу курашнинг ҳар гўшасида баъзи навжувон йигитлар кураш тушишиб, бир-бирларини йиқитиб турдилар.

Хусусан, Фарғона областига қарашли Марғилон уездининг Қабо (Қува) қишлоғининг фуқароси Азимхўжа Подшоҳхўжа ўғли Тошкент шаҳрини курашчиларини кўрмоқ учун ушбу тарафга азамат айлаб, Хўжанд шаҳрини Саритол ҳайитига келиб ва ул шаҳарда курашга тушиб, кўп одамларни забун қилиб ва энди жўнаб Тошканд шаҳрига келиб, қадимги Яккабозор мавзеидаги кураш жойида бир неча паҳлавонларни бўлиб, талабгор деб чақирган вақтда бир неча паҳлавонлар чоғ ва тайёр бўлиб турдилар ва мазкур Азимхўжа ҳар қандай катта ва кичкина одамни озод ердан узиб олиб бир-икки айлангириб, янада оҳиста ерга қўйиб, икки минут қараб туриб яқбора кўтариб чунон ерга урадирким, ул бечора навжувонлар ерга парт (чалпак) бўлиб қоладур. Ва баъзиларини бир силтаб ўнг ёнига ёки чап ташлаб юборадур ва гоҳо озод кўтариб ерга урадур, ҳосил калом беш соат ичида ўн саккиз одамни бир-бир йиқитиб охирида кураш тамом бўлиб ҳамма ҳалойиқлар қайтиб кетдилар. 5-числода жума куни янада мазкур кураш жойига тахминан ўн минг одам жамъ бўлиб, мазкур Азимхўжа паҳлавон келиб, тўрт нафар катта

пахлавонман деганларини бир онда йиқитиб қараб турди. Шул вақтда машҳур Аҳмад пахлавоннинг бир ошнаси ва Аҳмад пахлавон баробари Охунжон ҳожи деган талабгор бўлиб, майдонга тушиб ҳар икки пахлавон бир-бирига муқобил бўлганда мазкур Азимхўжа Охунжон ҳожи олдида бир ёш боладек кўриниб қолди, зероки, Охунжон пахлавонни қад-қомати уч газ чамали ўзи 12 пут келадургон ва онинг қўл-оёғининг остида Мўқдек кўриниб ва мазкур Охунжон чапдастлик қилиб мазкур Азимхўжани икки мартаба кўтарса ҳам ташлаб юбориб йиқитмоқнинг иложини топа олмай турган вақтда мазкур Аҳмадхўжа бир зўр билан тортиб олиб озод кўтармасдан бир силтаб юбориб иккинчи даъфада мазкур Охунжон ҳожини ҳам забун қилди ва мазкур Охунжон ҳожи йиқилгандан сўнгра кураш тамом бўлди. Кейинги жума бўлган курашда тахминан саккиз юз сўм жам бўлибдур деб атадурлар.

Ушбу март ойининг ўн биринчи кунида Тошкент шаҳридаги Қаландархона деган жойда ўтган ҳафтада бўлган кураш томошаларидек ниҳоятда қизиқ бўлиб, тамоми Тошкент раъиаларидан миқдори беш минг одам жамъ бўлиб, Фарғона музофотидан келган Азимхўжа пахлавон Подшоҳ ҳожи ўғли ва Неъматилла пахлавон Исматилла ўғли ва Тошмуҳаммад Орифбой ўғли ва Музаффар Асрорқулибой ўғли ва Саримсоқ пахлавон Мир Розик ўғиллари кураш майдонига кириб ўлтирган вақтда ҳар тарафдан тошкандлик пахлавонлар чиқиб мазкурлар илан кураш тушишиб ва мазкур хўқандликлар қайси одамлар илан бел тушушса беиштабоҳ озод кўтариб йиқитиб турдилар. Ва мазкур пахлавонларга қуввати етмай баъзилари беш нафар ва баъзилари ўн одамни забун айлаб хусусан Азимхўжанинг қилгон курашларига сар сар ва озод кўтариб ва чархпалақдек айлантириб урғонига ҳамма халойиқлар аҳсан ва офарин қилдилар ва шул куни кураш тамом бўлиб, 12-мартда жума куни ҳурматли иккинчи частнинг пристави заъифалари илан ва тўртинчи частнинг пристави старшинаси ва полициялари илан мазкур кураш жойига келиб нозир бўлиб қараб турдилар. Ушбу кун Аҳмад пахлавон машҳур курашга тушар эмиш деб миқдор ўн минг одам жамъ бўлиб ва мазкур Аҳмад пахлавон ўзига қарашли номдор пахлавонларни ёнига олиб ўлтирди. Ва мазкур Азимхўжа ҳурматли приставга старшина воситаси илан илтимос қилдики, мен Қува қишлоғидин Аҳмад пахлавоннинг

овозасини эшитиб келиб эдим. Ушбу кун Аҳмад паҳлавон илан курашиб Худованди Карим мадад ионад берса, йиқитиб ё йиқилиб, ўз ватанимга қайтиб кетсам деб, жаноб пристав айтдиким, келадурган жума кунигача таваққуф қиласиз, андин сўнгра Аҳмад паҳлавон илан кураш тушасиз деб. Ва мазкур Азимхўжа ушбу жавобни эшитиб дуруст деб ўлтирди ва андин сўнгра ҳар тарафдин талабгор чиқиб мазкур Азимхўжа илан тутушиб ҳеч бир зафар ва нусрат топмай мағлуб бўлиб, ҳосили калом ўн аъдад паҳлавонман деб лоф-қоф уруб майдонга тушганлари ниҳоятда танба (танбих) бериб, гоҳ кўтариб ва гоҳ чархпалакдек айлантириб ерга уриб турди ва онинг маърака майдонига ҳеч ким кирмади. Хусусан Музаффар Асроркул ўғли чунон чабдаст ва тез кураш эканким, қайси одам белини ушлаган он тўхтовсиз айлантириб якбор ерга уриб турди ва Тошмуҳаммад паҳлавон ҳам бир неча одамларни забун қилиб охирида Охунжон ҳожи анга мақобил бўлиб, бир-икки кўтариб ташлай олмай охирида анинг оғирлигини остига тушиб қолди ва бул бечора мусофир тўғри йиқитса ҳам баъзи ҳурматлик одамлар мазкур Охунжон ҳожи кўтарди деб мазкур ҳожига ақча бердилар. Охирида ҳисобга қўшмай Охунжон ҳожи илан бошқадан тушган вақтида мазкур Охунжон илож қила олмай ажрашиб кетди ва хўқондлик паҳлавонлар биддиларким, Тошканд аҳлига ноҳушлик пайдо бўлинди. Уларни хурсанд қилмоқ учун катта паҳлавон Неъматилла, Усмон паҳлавон мустажир илан курашга тушди ва мазкур Неъматилла бир-икки кўтариб ерга қўйиб охирида остида қолган бўлиб, шул сабаб илан тамомий томошабинлар мазкур Усмон паҳлавонга кўб ақчаларин бердилар, Албатта ўшал ақчаларни меҳнати зоеъ кетгудек кўринди ва мунга таажжубда қолдик, зероки Неъматилла паҳлавоннинг мундан муқаддам туткан курашларига қараганда биргина Усмон эмас, ҳар қандай Усмон бўлғонда бир онда йиқитиб қўяр эди ва бул қилғон иши албатта тадбирдек кўринди мундин сўнгра янада мазкур Азимхўжа бир кеча паҳлавонларни йиқитиб қараб ўлтирди. Шул вақтда бир барваста бўйли узун қозоқ ўртага туйиб Музаффар паҳлавонга талабгор бўлди ва мазкур Музаффар ушбу қозоқни бе ибо ва истиҳола кўтариб чунон урдикки ғиқ-ғиқ деган овозини аҳли мажлис эшитиб ҳамма якбор кулишиб шул тариқа Афросиёбдек одамни кўтариб урганига раҳмат ва баракалло деганлар ва лекин аксар одамлар юқорида

зикр улунгон хўқондлик паҳлавонларнинг қилгон ишлариға таажублар қилиб айтадурларким, баракалло, ҳеч вақт бул тариқа кураш барпо бўлгони йўқ деб гуфтуту қиладургон ва мундин сўнгра кураш тамом бўлиб, фасли аср бўлиб, ҳаммалари ўз ватанларига кетдилар»⁴⁷⁸.

Хўжа қишлоқ

1916 йилда Туркистонда кўтарилган мадикорликка қарши қўзғолон билан боғлиқ архив ҳужжатларида Хўжа қишлоқ номи билан қайд этилган. Мазкур ҳужжатларда Яккатут волостининг Хўжа қишлоғи аҳолиси волость марказида бошланган қўзғолонда фаол иштирок этганлиги таъкидланади⁴⁷⁹. 1968 йилдан Нурхон номи билан юритила бошланган.

Нурхон

Ушбу маҳалла профессионал театр соҳасига кириб келган биринчи ўзбек раққосаси Нурхон Йўлдошхўжева (1913-1929) номи билан ҳам боғлиқдир.

Маълумотларга кўра, Нурхон Хўжа қишлоқлик Йўлдошхўжанинг қизи бўлган. Нурхон олти ёшида эканлигида онаси Кимёхон оламдан ўтади. Шундан сўнг у 1926 йилга қадар андижонлик холаси Фотимахон тарбиясида катта бўлган. Нурхон болалик кезларидаёқ ўқиш ёзишни ўзлаштириб, мумтоз ғазалларни ёд олган санъатга иштиёқманд бўлиб ўсади. Айниқса, катта опаси Бегимхоним ва поччаси ўзбек рақс санъатининг асосчиларидан бири, созаңда Уста Олим Комиловларнинг ижоди (1875-1953) Нурхоннинг келгуси ҳаётида муҳим ўзгаришларга сабаб бўлган. 1927 йилда Бегимхоним ва Уста Олим Нурхонни ўзлари билан Самарқандга олиб келишади. Бу ерда Нурхон Тамарахоним ва Муҳиддин Қориёкубов раҳбарлигидаги концерт-этнографик

⁴⁷⁸ Файзуллаев Р., Сиддиқов И. Белбоғли курашимиз тарихидан лавҳа (Фарғоналик Аҳмад полвон хотирасига бағишланади) // «Фарғона – кеча, бугун ва эртага» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. Фарғона, 2003. 127-130-б.

⁴⁷⁹ Турсунов Х. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолони...147-б.

ансамблига қабул қилинади. Тез орада Нурхон дилбар қўшиқларининг ёқимлилиги, халқчилиги билан, рақсларни нафис ва шўхлиги билан барчани мафтун этади⁴⁸⁰. Айниқса, Комил Яшиннинг мусиқали драмасидаги Лолахон ролини зўр маҳорат билан ижро этганлиги Нурхонни кўп қиррали ижодкор эканлигини яна бир бор исботлайди. Афсуски, Нурхон 16 ёшида эндигина рақс санъати оламига кириб келаётган бир пайтда ҳаётдан кўз юмади.

Ансамблнинг Марғилонга қилган сафари чоғида Марғилоннинг Чилдухтарон маҳалласидаги қариндошларининг уйида Нурхон ваҳшиёна ўлдирилган. Кейинчалик Бу фожиага бағишланган «Нурхон» (К. Яшин асари, Т.Жалилов мусиқаси) мусиқали драмаси яратилган. Марғилон шаҳрининг маданият уйи олдида Нурхонга ҳайкал ўрнатилган (1968, ҳайкалтарош В.Клебанцов)⁴⁸¹.

Шилва

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Шилва маҳалласи Марғилон уездининг Яккатут волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 550 нафар аҳоли истиқомат қилган⁴⁸²

Нақл қилишларича, қадим замонларда маҳалла ҳудудида шиллиқ ўтлар кўп ўсганлиги учун «Шилва қишлоқ» номини олган деган тахмин мавжуд⁴⁸³. Бундан ташқари маҳалланинг пойгагида ортиқча сувларни ташлайдиган ариқ «Шилва ариғи» деб юритилганлиги учун маҳалла Шилва номини олганлиги айтадилар⁴⁸⁴.

Таъкид жоизки, Фарғона водийсида ўтмишда шу ном билан аталувчи яна бир неча қишлоқлар мавжуд бўлган. Масалан, 1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Наманган уездининг Нанай волости таркибига кирувчи қишлоқлар орасида Шилви

⁴⁸⁰ Ханкельдыев Ю. Маргилан. – Т.: «Ўзбекистан», 1968. С.86.

⁴⁸¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6 жилд. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. 423-б.

⁴⁸² Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 99.

⁴⁸³ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Найман қишлоқ фуқаролар йиғинининг Шилва маҳалласида яшовчи Қозибой Бакировдан (1940 йилда туғилган) ёзиб олинди

⁴⁸⁴ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Найман қишлоқ фуқаролар йиғинининг Шилва маҳалласида яшовчи Неъматжон Умаровдан (1939 йилда туғилган) ёзиб олинди

қишлоғининг номи ҳам қайд этилган⁴⁸⁵. Қолаверса, ҳозирда ҳам Қашқадарёнинг Қарши туманида Шилви деб аталувчи қишлоқ мавжуд⁴⁸⁶.

Шилва атамаси хусусида С.Қораев жумладан шундай ёзади: «Шилви – Ўрта Осиё тоғларининг пастроқ жойларида ўсадиган бута. Ундан панжшаха, дук (йик) каби буюмлар ясалган»⁴⁸⁷.

Халфа ота зиёратгоҳи

Халфа ота зиёратгоҳи Шилва маҳалласида жойлашган. Нақд қилишларича, Халфа отанинг асл исми Субҳон ота бўлган. У XIX асрда яшаб ўтган. Ўз даврида Халфа ота маҳалласига масжид солдириб, камбағал бева-бечораларга ўз ерини ҳам бўлиб берган⁴⁸⁸.

⁴⁸⁵ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 109.

⁴⁸⁶ Қораев. С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари...187-б.

⁴⁸⁷ Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми?... 137-б.

⁴⁸⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Найман қишлоқ фуқаролар йиғинининг Шилва маҳалласида яшовчи Йўлдошали Иминовдан (1923 йилда туғилган) ёзиб олинди

НАЙМАН-БЎСТОН

Найман-бўстон қишлоқ фуқаролар йиғининг маркази Найман-бўстон қишлоғи ҳисобланади. 2009 йилдаги маълумотга кўра, Найман-бўстон қишлоқ фуқаролар йиғинида 1607 та хонадон мавжуд бўлиб унда 7700 нафар аҳоли истиқомат қилади. Умумий майдони 3075 гектарни ташкил этади.

Қишлоқнинг ижтимоий-маданий ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда 1 та даволаш муассасалари, 3 та мактаб, 2 та болалар боғчаси, 1 та касб-ҳунар коллежи, 1 та ошхона, 8 та савдо шаҳобчалари, 2 та қассобхона, 5 та хусусий тегирмон, 3 та оталар чойхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Найман-бўстон қишлоқ фуқаролар йиғини, Найман-бўстон, Хонариқ, Холматобод, Меҳнатобод сингари маҳаллалардан иборат бўлиб, қуйида уларнинг айримлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтамиз.

Хонариқ

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда خان اريق – Хонариқ номи билан тилга олинади⁴⁸⁹.

Маълумотларга кўра Хонариқ қишлоғидаги айрим ер мулклари Худойназар понсадбоши⁴⁹⁰ исмли Худоёрхоннинг хизматида турган бошқа мерган, элликбоши, ботир, ясовул⁴⁹¹ сингари лавозимларни эгалланган амалдорга тегишли бўлган.

1872 йили Султон Муродбек томонидан Муҳаммад Қосим мирохўр номига берилган ҳужжатда Хонариқда яшовчи хўжаларнинг полиз экинлари танобона солиғидан озод этилганлиги таъкидланади. Худди шу мазмундаги яна бир ҳужжатда Уста Холиқберди исмли шахснинг Хонариқдаги сабзавот ва полиз экинларидан солиқ олинмаслиги таъкидланади.

⁴⁸⁹ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С.25, 61, 115, 121, 122, 142, 145, 147, 149, 163, 165, 168, 184, 190, 197, 213, 214, 217, 218, 220, 227, 229, 230, 233, 243, 266, 270, 274, 278.

⁴⁹⁰ Понсадбоши – Қўқон хонлигидаги ҳарбий унвон, беш юз нафар аскардан иборат гуруҳнинг раҳбари.

⁴⁹¹ Ясовул – саройдаги ва қўшинда кичик масаб.

1874 йили Домулло Хўжа Назар томонидан Мулла Муҳаммад Шокир номига берилган хужжатда Мирзо Исмоил муфтининг⁴⁹² Хон ариқ қишлоғида жойлашган бедазори танобона солиғидан озод этилганлиги баён қилинган.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Хонариқ қишлоғи Марғилон уездининг Яккатут волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 925 нафар аҳоли истиқомат қилган⁴⁹³

Холматобод

Холматобод маҳалласи Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштириш ва уни бепоён экинзорларга айлантиришда хизмат кўрсатган азамат чўлқувар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, кўп йиллар жамоа хўжалигига раислик қилган Холматжон Марозиқов номи билан боғлиқдир. У ҳақда Собиржон Қодиров шундай ёзади: «60-70 йилларда унинг довруги бутун республикага ёйилганди. Раис тўғрисида Саид Аҳмаддек катта ёзувчилар, Мамадали Муродовдек тажрибали журналистлар кўплаб мақолалар ёзишган. Унинг ташаббуси билан яратилган Холматободга дунёнинг кўплаб мамлакатларидан меҳмонлар тез-тез келиб туришган»⁴⁹⁴.

Холматобод заминида меҳнат қилиб ҳукумат томоиндан юксак унвонларга сазовор бўлган исонлар талайгина. Жумладан собиқ иттифоқ даврида Ҳамроли Ҳасанов меҳнат қаҳрамони деган унвон берилган эди. Мустақиллик даврига келиб, 1995 йилда холматободлик миришкор деҳқон, чўлқувар Комилжон Мамажонов Ўзбекистон қаҳрамони деган шарафли унвоннинг соҳиби бўлди.

⁴⁹² Муфти – турли масалалар бўйича тўғри қарор чиқариш учун фатво, хулоса берувчи олим.

⁴⁹³ Список населенных месть Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 99.

⁴⁹⁴ Қодиров С. Довруғи сўнмас диёр... 1995. 23-б.

АРАБМОЗОР

2010 йил декабр ҳисобига кўра, Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғинида 3165 та хонадон мавжуд бўлиб унда 14370 нафар аҳоли истиқомат қилади. Умумий майдони 2130 гектарни ташкил этади.

Қишлоқнинг ижтимоий-маданий ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда 2 та даволаш муассасалари, 4 та мактаб, 2 та болалар боғчаси, 7 та сартарошхона, 3 та ошхона, 3 та савдо шаҳобчалари, 14 та қассобхона, 2 та ёғочни қайта ишлаш цехи, 5 та хусусий тегирмон, 2 та оталар чойхонаси фаолият кўрсатмоқда. Қумариқ қишлоқ фуқаролар йиғинидан шу кунга қадар 1 нафар фан номзоди даражасини олган олим етишиб чиққан.

Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғини Арабмозор, Хонақа, Айланмажар, Турклар, Бесаранг, Кўприкбоши, Қашқарқишлоқ, Бойтўпи, Тегирмонбоши сингари маҳаллалардан иборат бўлиб, қуйида уларнинг айримлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтамиз.

Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғинининг маркази Арабмозор қишлоғи ҳисобланади.

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда عرب مزار – Араб мозор номи билан тилга олинади⁴⁹⁵.

1867 – 1868 йилларда Султон Муродбек ва Мир Шер хазиначи томонидан Мулла Абдурахмон ҳамда Мулла Исроил номига берилган ҳужжатларда Дадахўжа, Уммат баҳодир исмли мулозимларнинг Арабмозор қишлоғидаги полиз экинлари танобона солиғидан озод қилинганлиги баён этилган. Бундан ташқари Домулла Хўжа Назар томонида Мулла Муҳаммад Шокир номига берилган ҳужжатда Арабмозор қишлоғида яшовчи Қора Мулла исмли шахснинг бедазор ва узумзорлари танобона солиғидан озод эканлиги таъкидланади.

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатлардан бирида бўлса, Арабмозор қишлоғида Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбекнинг⁴⁹⁶

⁴⁹⁵ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. –М.: “Наука”, 1968. С.59, 115, 120, 123, 142, 144, 147, 149, 152, 164, 183, 197, 207, 208, 213, 219, 230, 281, 293.

хизматида турган мулозимлардан бирининг ҳам Арабмозор қишлоғидаги полиз экинлари ҳам солиқдан озод бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

1872 йилда қозилар томонидан чиқарилган ҳукмларнинг бирида Арабмозор қишлоғида яшовчи Гулсум биби исмли аёлнинг тоғасига нисбатан кўтарган даъвоси хусусида сўз боради.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Арабмозор қишлоғи Марғилон уездининг Ёзёвон волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 1680 нафар аҳоли истиқомат қилган⁴⁹⁷.

Изланишлар давомида шу нарса маълум бўлдики, ўтган асрнинг 30-йилларида собиқ советларнинг олиб борган қатағонлик сиёсати натижасида Арабмозор қишлоғидан ҳам бир нечта юртнинг фидойи инсонлари қулоқ ҳамда давлат душмани сифатида қамоққа олиниб, ном-нишонсиз бедарак кетганлар. Исоқжон Қорахўжаев, Хўжалибой, Тожибой, Норқўзи ота, Усмонбойлар ана шула жумласидандир. Афсуски уларнинг баъзи бирларини ҳатто фамилиясини аниқлашнинг ҳам иложи бўлмади. Шундай бўлсада, тарихчи олим Рустам Шамсутдиновнинг «Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари» номли асарида яна бошқа икки нафар арабмозорлик қулоқ қилинганларнинг номлари қайд этилган:

«Мирзараҳимов Ёқубжон – Марғилон тумани Арабмозор қишлоғидан, Марғилон туман ижроия комитетининг собиқ раиси, партия аъзолигига номзод, мажбуриятидаги 990 кг пахтанинг 730 кг.ни топширмагани учун партиядан ўчириб, қамоққа олиш ва судга беришга қарор қилинди;

Отақул Нурматов – Арабмозор қишлоғидан, баққол, сайлов ҳуқуқидан маҳрум, 8 таноб ери бор, мажбуриятидаги 660 кг пахтанинг 299 кг.ни топширмагани учун судга беришга қарор қилинди, унинг мол-муқини мусодара қилиш ҳақидаги туман “учлиги” қарорини вақтинча тўхтатиб қўйишга қарор қилинди»⁴⁹⁸.

⁴⁹⁶ Насриддинбек – Худоёрхоннинг тўнғич ўғли. 1850 йилда туғилган. 1875 йил Андижон кўзғолончилари Насриддинбекни Сартол маҳалласида Худоёрхон ўрнига хон деб эълон қилган. Кўқон хонлиги босиб олинганидан кейин Насриддинхон Россиянинг Владимир губернясига юборилган.

⁴⁹⁷ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 97.

⁴⁹⁸ Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари.–Т.: «Шарқ», 2001. – Б.85.

Арабмозор зиёратгоҳи

Арабмозор маҳалласида Арабмозор ҳамда Саййид Бурҳон эшон номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар мавжуд. Афсуски, Арабмозор зиёратгоҳи ҳозирда сақланиб қолмаган бўлсада, бироқ зиёратгоҳ жойлашган қабристон Арабмозор номи билан юритилади. Аҳоли орасида Катта мозор деб ҳам аталади⁴⁹⁹. Ривоятларга кўра, бу моозорда Қутайба ибн Муслим замонида келган араб лашкарбошиларидан бири дафн этилган⁵⁰⁰.

Саййид Бурҳон эшон зиёратгоҳи

Нақл қилишларича, Саййид Бурҳон эшоннинг аجدодлари дастлаб Арабистонда сўнгра Туркманистонинг Чоржўй вилоятига келиб ўрнашганлар. Бу ерда улар кўпайишиб катта бир оилани ташкил этганлар. Сўнгра мазкур хонадон вакилларида, жумладан Назар эшон Бухорога келдилар. Назар эшон Бухоро тумани, Кўл Юрин қишлоғида яшаб ўтган ва шу ерда дафн этилган⁵⁰¹.

Назар эшоннинг ўғиллари Саййид Бурҳон Эшон Бухорада эканлиги чоғида тушида Марғилонга боришлиги тўғрисида азизлардан ва падари бузрукворидан башорат топади. Тушларида оталари «Сизни Марғилонда беш ўғил ва икки қиз кутиб турибди» деб башорат берадилар ва «тезлик билан Марғилонга жўнанг» дейдилар. Ўшанда эндигина тахминан ўн етти ёшга қадам қўйган Саййид Бурҳон ҳеч иккиланмай Бухородан Марғилонга қараб сафарга отланади. У кишига Қўқонлик Пирмат (Пирмуҳаммад) халфа ҳамроҳлик қилади. У дастлаб Каптарлик (Пур Сиддик)

⁴⁹⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғинининг Кўларик маҳалласида яшовчи Мўйдинжон Исақовдан (1930 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁰⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғинининг Арабмозор маҳалласида яшовчи Турғунбой Исақовдан (1937 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁰¹ Садриддин Салим Бухорий. Икки юз етмиш етти пир. Бухоро.: «Бухоро» нашриёти, 2006. 270-б.

мозори ичидаги буйранинг устида риёзатда турмуш кечиради, яъни қирқ кун давомида чилла ўтиради⁵⁰².

Маълумки, тариқатларда нафсни тарбиялаш ва руҳни тасфий қилиш мақсадида баъзи вақтлар хилватга кириб, маълум муддат Аллоҳ билан яккама-яка, дунёвий машғулот ва ўй-фикрлардан узоқ ҳолатда ибодат ва зикр билан шуғулланиб, вақт ўтказилади. Бунинг маълум муддати йўқ. Аммо умуман қирқ кун ўтириш анъанадир. Шу боис хилватга «қирқ» (қирқ кун) маъносини берувчи форсча «чэхил» дан келиб чиққан «чилла» ва арабча «арбаин» (қирқ) сўзлари қўлланади. Хилват кўпчилик тақяларнинг хилватхона ёи чиллахона деб аталадиган махсус хоналарида, пинҳон ерларда, ғорларда ўтказилади. Хилватга кириладиган жойлар нафсга ёқмайдиган даражада тор ва қоронғу бўлиши керак. Хилват шайхнинг назорати остида ва муайян қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Хилват, одатда қуйидагича, ўтказилади: шайх хилватга кирмоқчи бўлган дарвишни хилватхонага олиб боради, дуо қилгач у ердан чиқади. Хилват пайтида дарвиш зарурат бўлмаса ташқарига чиқмайди ва ҳеч ким билан сўзлашмайди. Кеча-кундуз ибодату зикр билан шуғулланади. Ҳатто баъзилар хилватда ётиб ухламайди, балки ўтириб ухлайди. Хилватдаги дарвишнинг кундалик емаги-ичмаги олдига ҳар куни олиб борилади. Емак дарвишнинг табиати ва сабрига кўра босқичма-босқич озайтирилиб борилади. Кунда бир неча дона зайтун билан хилват ўтказганлар ҳақида ривоятлар бор. Қирқ кун тугагач, шайх дарвишнинг ёнига киради ва дарвишнинг хилват давомида кўрган тушларини тинглаб, таъбирлайди⁵⁰³.

Саййид Бурҳон эшоннинг ғорда ҳаёт кечираётганлигини кўрган шу ерлик бир одам доим унинг озиқ-овқатидан хабар олиб турган. У Каптарлик (Пур Сиддиқ) мозорида таважжух (Аллоҳга юзланиш) вақтида «Турватга борасиз» деган хабар топади. У Турватга бориб бу ерда ҳам мазорда доимий риёзатда кун кечиради. Бир неча муддатдан сўнг яна қайтиб Каптарлик (Пур Сиддиқ) мозорига келади. Ўша даврда Каптарлик мазор яқинидаги чойхонада ҳар куни бойвучча йигитлар улфатчилик қилиб

⁵⁰² Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғинининг Арабмозор маҳалласида яшовчи Тўраҳон Саййид Камолiddин ўғлидан (1940 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁰³ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи... 78-б.

ошхўрлик билан кўнгилчоғлик қилардилар. Саййид Бурҳон эса ҳар доим Пури Сиддиқ мазори ёнидан ўтган катта ариқдан таҳоратлари учун сув олиб келиб турар экан. Кунлардан бир куни Мавлонназарбой жўралари билан Пури Сиддиқ мазори ёнидаги чойхонада гаплашиб ўтиришган бир пайтда сув олиб келаётган ёш Саййид Бурҳонни кўриб дилига ножўя фикрларни келтиради. Сўнг уйга қайтиб келгандан кейин эртаси куни танаси бирдан оқарганини кўриб даҳшатга тушади. Танаси оқарганлиги сабабли Мавлонназарбой гузар чойхонасидаги жўраларини олдига чиқмай кўяди. Мавлонназарбойнинг қадрдон дўсти Қаҳрамонбой чойхонага нима сабабдан чиқмаганини билиш мақсадида унинг уйига кўргани келади. У Мавлонназарбойдан «нима сабабдан чойхонага чиқмай кўйдингиз?» деб сўрайди. Бироқ Мавлонназарбой бунинг сабабини айтмайди. Қаҳрамонбой қайта-қайта сўрагандан сўнг танасидаги ўзгаришни айтади. Шунда фаросатли Қаҳрамонбой «Сиз бир ўйлангчи, дилингиздан Оллоҳнинг суйган бандларига нисбатан ножўя фикрлар ўтказган бўлманг яна», деб сўрайди. Мавлонназарбой дўстининг бу саволидан сўнг бир муддат ўйга чўмиб, Пури Сиддиқ мазори ёнидаги чойхонада ўтириб Саййид Бурҳон эшонга нисбатан дилидан ўтказган ножўя фикрини айтади. Бу гапларни эшитган Қаҳрамонбой «Сиз ўша кишидан бориб узр сўранг. Шояд дардингиз шу билан шифо топса», деб маслаҳат беради. Шундан сўнг Мавлонназарбой ўша заҳоти Пури Сиддиқ мазорига бориб ғорда ўтирган Саййид Бурҳон эшон олдига киради ва узр сўрайди. Саййид Бурҳон унга қараб «Мен ҳеч ким эмасман, шифони Оллоҳ беради. Демак шифони Оллоҳдан сўранг», деб айтади. Унинг бу сўзларини эшитган Мавлонназарбой кўзида ёш билан «Кечиринг» дея такрор-такрор узр сўрайди. Саййид Бурҳон эшон шундан сўнг: «Ундай бўлса, ана бу ерга ўтириб, қиблага қараб Оллоҳдан шифо сўранг. Мен ҳам қўшилишиб сиз учун шифо сўрайман» дейди. Шу тарзда иккаласи сидқидилдан шифо сўрайдилар. Алал оқибатда уларнинг илтижолари мустажоб бўлиб, Мавлонназарбой шифо топиб яна аслига қайтади. Бу воқеа сабаб бўлиб, Мавлонназарбой қизини Саййид Бурҳон эшонга турмушга беради. Саййид Бурҳон Мавлонназарбойнинг қизи билан бирга яшаш даврида тўрт ўғил ва бир қизлик бўлишади. Улар қуйидагилардир: Тоҳиржон эшон⁵⁰⁴, Зокиржон эшон⁵⁰⁵, Юсуфжон

⁵⁰⁴ Тойиржон эшон Тошлоқнинг Арабмозор қишлоғида яшаб ўтган бўлиб, уни

тўра⁵⁰⁶, Йўлчибой эшон⁵⁰⁷ ва бир қиз. Кейинчалик аёли оламдан ўтгач иккинчи марта яна уйланган⁵⁰⁸, иккинчи аёлларидан Тўра бува⁵⁰⁹ ва Тўппанисо исмли қизлари бўлган.

Айтишларича, Сайид Бурҳон эшоннинг бўйига етган катта қизи кунлардан бирида отасига бировнинг ерини кўрсатиб «Отажон шу ерда Шоҳимардон пиримизнинг қирқ қулоқли қозонлари қайнаб турганлиги менга аён бўлди. Бу азиз жойни сотиб олсангиз» деб айтади. Қизининг бу таклифини бажариш мақсадида Сайид Бурҳон эшон ўша ерни эгасидан сотиб олади. Отаси ерни сотиб олганини кўрган қизи Сайид Бурҳон ҳузурига келиб: «Отажон мен турмушга чиқмайман. Ўша сотиб олинган ерда бир туп қайрағоч бор. Мен ўтсам шу қайрағочнинг остига дафн этсангизлар. Дуо қилинганки шояд мени тупроғим турли яра ва жарроҳатларга шифо бўлса» деб айтади. Чиндан ҳам орадан кўп ўтмай қизи вафот этиб қайрағоч остига дафн этилади. Ўша-ўша бу ер кейинчалик Сайид Бурҳон эшон авлодининг қабристонига айланади⁵¹⁰.

бир Ойимхон пошшо исмли бир нафар қизи бўлган.

⁵⁰⁵ Зокиржон эшон Тошлоқнинг Арабмозор қишлоғида яшаб ўтган бўлиб, уни Хотамхон исмли ўғли ва бир қизи бўлган. Тойиржон эшон Ойимхон пошшо қизини укаси Зокиржонни ўғли Хотамхонга турмушга берган. Хотамхон эшоннинг Аҳмадхон, Сайид Камолидин эшон исмли икки ўғли ва Ҳажалхон, Жаннатхон, Шаҳрихон исмли уч қизлари бўлган.

Маълумотларга кўра Хотамжон эшоннинг ўғли Сайид Камолиддин (1910-1975) марғилонлик Муниҳон (1910 йилда туғилган) исмли қизга уйланиб, ундан олти фарзанд кўрган. Катта ўғли Сайид Жалолхон олти ойлик чақалоқлигида дунёдан ўтган. Қизи Мелиҳон 1978 йили 42 ёшида вафот этган. Яна бир қизи Манзурахон бўлса, 1941 йили уч ёшида вафот этган. Ҳозирда Сайид Камолиддиннинг Тўрахон (Сайид Умархон) (1940 йилда туғилган) ва Сайид Акбархон (1955 йилда туғилган) исмли икки ўғиллари Арабмозор қишлоғида ва Тўра пошшо (1947 йилда туғилган) исмли қизи Марғилонинг Янги Марғилон шаҳарчасида ҳаёт кечирмоқда.

⁵⁰⁶ Юсуфжон тўра Андижоннинг Толмозор ҳудудида яшаб ўтган бўлиб, икки қиз фарзанди бўлган.

⁵⁰⁷ Йўлчибой эшон Андижоннинг Балиқчи туманида яшаб ўтган бўлиб фарзандлари тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўла олмадик.

⁵⁰⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғинининг Арабмозор маҳалласида яшовчи Сайид Акбархон Сайид Камолиддин ўғлидан (1955 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁰⁹ Тўра бува Тошлоқнинг Арабмозор қишлоғида яшаб ўтган

⁵¹⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғинининг Арабмозор маҳалласида яшовчи Сайид Акбархон Сайид Камолиддин ўғлидан (1955 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Нақл қилишларича, Саййид Бурҳон эшон ҳозирги Қирғизистон Республикаси Баткент вилояти Қадамжой туманидаги кон йўлидаги Белтус қишлоғига келаётганидан хабар топган қишлоқ аҳли унга пешвоз чиқишиб, йил бўйи сувсизликдан қийналаётганликларини айтадилар. Шунда Саййид Бурҳон эшон ўз ҳассасини ерга чизган маҳал бир ариқ сув пайдо бўлиб оққан экан. Саййид Бурҳон эшон мозоридаги катта тошни ҳам ўша жойдан олиб келинганлигини айтадилар.

Нақл қилишларича, ўша тошни олиб келаётганларида арава ғилдирагининг ўқи узилиб кетган. Шунда аравакаш «Ё пирим мадад қилинг», дея Саййид Бурҳон эшон қишлоғи томонига юзланади ва шу тарзда у Арабмозорга қадар етиб келган. Қачонки Арабмозорга кириб келганида арава ғилдираклари икки томонга думалаб кетган экан. У Саййид Бурҳон эшон олдига келган чоғида «Ҳадеб пирим мадад қилинг деявериб елкаларимни арчиб юбординг», деб Саййид Бурҳон эшон аравакашга танбеҳ бергандек бўлибди. Қарасалар, Саййид Бурҳон эшоннинг елкалари ўша тошнинг вазминлигидан шилиниб кетган эмиш⁵¹¹.

Айтишларича кунларнинг бирида Саййид Бурҳон эшон аравада кетаётса бир маҳал араванинг ғилдираги чиқиб кетибди. Шунда у ҳамқишлоғидан ғилдиракни қўйиб юборишга ёрдам сўрабди. Аммо бу киши Саййид Бурҳон эшонни ёқтирмаганлиги учун «Эшон бува ўзи бош қашлашга вақтим йўқку, сизга қандай ёрдам бераман» дебди. Шунда Саййид Бурҳон эшон у кишининг кўнглидаги фикрларини сезиб «Ҳа майли ҳали сизга ҳам бош қашлашга вақт бўлиб қолар», деб ўзи ишни ниҳоясига етказибди. Шундан сўнг бир мунча вақт ўтиб ҳалиги киши кучли қичишқоқдан қўлларини бошидан ололмай қолибди. Икки-уч кун ўтмай бошидаги сочлари ҳам тўкилиб кетибди⁵¹².

Нақл қилишларича, Саййид Бурҳон эшоннинг илк кароматлари Бухорода эканлиги даврида юз берган. Ўша вақтда

⁵¹¹ Дала тадқиқотлари. 1997 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Кўприкбоши маҳалласида яшовчи Ҳалимжон Ҳасановдан (1961 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵¹² Дала тадқиқотлари. 2005 йил. Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғининг Арабмозор маҳалласида яшовчи Машрабжон Нурматовдан (1936 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Саййид Бурҳон онасининг ғамгин ҳолатда кўриб бунинг сабабини сўрайди. Шунда онаси Чоржўйдаги қариндошларини кўмсаганлигидан юраги пор-пора бўлаётганлигини айтиб, Саййид Бурҳондан Чоржўйга олиб бориб келишини сўрайди. Онаизорини истаклари армон бўлиб қолмаслигини хоҳлаган Саййид Бурҳон «Онажон елкамга ўтириб кўзингизни юминг», деб бир оз вақтдан сўнг «кўзингизни очинг» дейди. Онаси кўзини очсаки, ўзини Чоржўйда кўради. Қариндошлари билан шу тарзда дийдорлашган онасини Саййид Бурҳон яна шу тарзда Бухорода ҳозир этади. Айтишларича, бу воқеа бир неча дақиқада содир бўлган экан⁵¹³.

Ҳозирда Саййид Бурҳон эшон⁵¹⁴ ва унинг авлодларини дафн этилган қабристон Саййид Бурҳон эшон қабристони деб аталади.

Саййид Бурҳон эшон тўғрисида олиб борган изланишларимиз давомида ушбу зотга тегишли шажара мавжудлигини айтган эдилар. Биз бундай янгиликдан жуда хурсанд бўлдик. Ваниҳоят бизга ўрама шаклидаги қўлёзмани олиб келганларида, бу ҳужжат иршоднома бўлиб чиқди.

Саййид Бурҳон авлодлари қўлида сақланаётган мазкур нодир иршод хати (йўлланма)да Саййид Бурҳон эшоннинг отаси Назар эшонни пиру устозларининг ҳамда муридларининг тариқат силсиласи, яъни «силсилаи шариф» бирма-бир кўрсатиб берилган. Бу эса, иршод хатида XVII-XIX асрларда Фарғона водийсида тасаввуф тариқатиинг тарихига доир муҳим маълумотлар акс

⁵¹³ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғининг Арабмозор маҳалласида яшовчи Мунисхон Ҳатамова дан (1910 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵¹⁴ Эшон – мусулмонларининг дин пешвосини англатувчи «эшон» сўзининг келиб чиқиши замирида унинг исмларга бўлган алоҳида муносабати ётади. Таркибида эшон сўзи бўлган исм-шарифларни эҳтимол кўпчилик эшитган бўлса керак, масалан, Эшонқулов, Эшонжонов, Эшонхожаев, Эшонтўраев, Эшонхонов ёки жўнгина Эшонов. Бу ерда ҳам бизга таниш бўлган ривожланиш чизиғини кўрамиз: сўз - лақаб - ном. Эшон сўзининг келиб чиқиши шу қадар ғайритабиийки, ҳали-ҳанузгача кўплар унинг олмош эканига сира иқрор бўлганлари йўқ. Марказий Осиё ва унга чегарадош кўпгина мамлакатларда шундай одат бор эди: жамият поғонасининг юқори пиллапоясида турган, айниқса руҳонийларга мансуб бўлган бўлса, ундай одамни ўз исми билан айтиб чақириш қаттиқ беадаблик ҳисобланган. Кўпинча бунда кишиларни юз-кўзича ҳам орқаворатдан, ҳам қисқагина, аммо ғоят ҳурмат билан эшон, яъни «улар» дейишган. Бу ҳақда қаранг: Ғафуров О. Асма ул – ҳусна ёхуд табаррук исмлар. I қисм. –Т., 1998.

этганидан далолат беради. Шу ўринда силсила тўғрисида қисқача изоҳ бериб ўтсак.

Силсила сўзи асли арабча сўз бўлиб, занжир, халқа, кишан маъносини англатади. Тасаввуфда тариқат машойихларининг икки хил нисбий боғланишлари худди шу тарзда айтилади. Биринчиси – ҳар бир шайх ўз пиру устози, устозининг устози номларини шу тартибда то Муҳаммад алайҳиссаломгача номма-ном баён қилишлик. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанднинг пири Саййид Амир Кулол, унинг пири Муҳаммад Самосий, унинг пири Маҳмуд Анжир Фағнавий ва ҳоказо. Иккинчиси – ҳар бир шайх ўзининг ота-боболари кимлар бўлгани ва қайси машхур зотга бориб етишини исботлаб берадиган шажарадан иборатдир. Масалан, Баҳоуддин Нақшбанд ибн Жалолиддин ибн Бурҳониддин ибн Абдуллоҳ... то Али ибн Абу Толиб(р.а)гача⁵¹⁵.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, тасаввуф тариқатида пайғамбарликдан кейинги энг юқори валийлик мартабаси «сиддиқ» деб аталган. Бу мартаба биринчи бўлиб халифа Абу Бакр(р.а.)га насиб бўлган. У зотдан бизнинг давримизгача сиддиқлик мартабасига эришган валийлардан 19 тасини силсила шаклида алоҳида бир рисола қилиб ёзиб кетган зот – бу Аҳмад ибн Жалолиддин Хожагийи Косоний (Маҳдуми Аъзам)дир⁵¹⁶. Саййид Бурҳон эшоннинг силсиласи ҳам айнан шу тартибда келтирилган бўлиб, макур силсила ҳижрий 1288 (милодий 1864) йилда Пирмуҳаммад Марғинович томонидан тузилган.

Форс-тожик тилида қўчирилган мазкур нодир қўлёзманинг ўлчами 27,5 x 530 см.дан иборат бўлиб, ушбу ҳужжат муҳр билан тасдиқланган. Биз қўлёзманинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда ундан айрим парчаларнинг ўзбекча таржимасини қисқартирган ҳолда беришни маъқул кўрдик.

Бисмилоҳир роҳманир роҳийм

(Худонинг) марҳамати ва саломлари одамларнинг сараси, пайғамбарларнинг сўнггиси Муҳаммад (мустафога), Худо унга ва асҳобларига раҳмат ва саломини йўлласин.

⁵¹⁵ Нақшбандийя тариқатига оид қўлёзмалар фихристи. –Т.: «Мовароуннаҳр», 1993. 117-б.

⁵¹⁶ Ўша асар. 16-б.

Ушбу шарафли насаб Муҳаммад Мустафо салаллоҳу алайҳи васалламдан Абу Бакр Сиддиқ разиаллоҳу анҳуга⁵¹⁷ ва ундан Салмони Форсий разиаллоҳу анҳуга⁵¹⁸ ва ундан ҳазрат Қосим ибн Муҳаммад ибн Сиддиқ разиаллоҳу анҳуга ва ундан ҳазрат Имом Жаъфар Содиқ разиаллоҳу анҳуга⁵¹⁹ ва ундан ҳазрат Султон Боязид Бистомий (қуддиса сирруҳу)га⁵²⁰ ва ундан ҳазрат Абулҳасан Ҳарқоний (қуддиса сирруҳу)га⁵²¹ ва ундан ҳазрат Абу Али Фармудий (қуддиса сирруҳу)га ва ундан ҳазрат Абу Юсуф Ҳамадоний (қуддиса сирруҳу)га⁵²² ва ундан ҳазрат Абдуҳолиқ Ғиждувоний (қуддиса сирруҳу)га⁵²³ ва ундан ҳазрат Ориф Ревгарий (қуддиса сирруҳу)га⁵²⁴ ва ундан ҳазрат Маҳмуд Анжир Фағнавий (қуддиса сирруҳу)га⁵²⁵ ва ундан ҳазрат Азизон Рометоний (қуддиса сирруҳу)га⁵²⁶

⁵¹⁷ Абу Бакр Сиддиқ (р.а.), тўлиқ исми Абу Бакр Сиддиқ Абдуллоҳ ибн Абу Қаҳҳоқа ибн Омир (571/572-634) – исломда «хулафои рошидин» («тўғри йўлдан борувчи халифалар»), Мовароуннаҳрда чорёрлар деб аталган дастлабки тўрт халифадан биринчиси (632-634). Муҳаммад (с.а.в.)нинг қайинотаси. Йирик савдогар, Макканнинг Курайш қабиласидан.

⁵¹⁸ Абу Абдуллоҳ Салмон ал-Форсий (? – 658) – саҳоба; Расулulloҳ (с.а.в.)нинг мавлоларидан. Расули ақрам (с.а.в.)дан кўплаб ҳадислар ривоят қилган.

⁵¹⁹ Имом Жаъфар ас-Содиқ, тўлиқ исми Жаъфар ибн Муҳаммад Абу Абдуллоҳ (тахм. 700-765) – шиалиқдаги жаъфарийлик мазҳаби асосчиси, шиаларнинг олтинчи имоми. «Содиқ» лақабини тўғри сўз бўлганлиги учун олган. Жаъфар ас-Содиқ Ҳанафийа мазҳабининг асосчиси Нуъмон ибн Собитнинг устози бўлган.

⁵²⁰ Султонул орифин, бурҳонул муҳаққиқин (таҳқиқ аҳли ҳужжати) ҳазрат Боязид Бистомий (801-875).

⁵²¹ Иршодноманинг шу қисмида ҳазрат Абулқосим Гургоний (қуддиса сирруҳу) номи тушиб қолдирилган.

⁵²² Юсуф Ҳамадоний (1048-1141) – тасаввуфнинг йирик намояндаси. Хожа Абдуллоҳ Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳмад Ясавийларни тарбиялаб вояга етказган.

⁵²³ Авлиёлар султони, замон қутби, олими Рабонний, шайхуш шуоҳ, хожагон тариқатининг асосчиси ҳазрат Абдуҳолиқ Ғиждувоний (1103-тахм.1220). Ул зот «Силсилаи шариф» даги ўнинчи халқанинг пири муршиди бўлган.

⁵²⁴ Ҳазрат Хожа Муҳаммад Ориф Хожа Орифи Моҳитобон номи билан машҳурдир. Ул зот «Силсилаи шариф»даги ўн биринчи халқанинг пири муршиди. Айтишларича, Хожа Ориф Ревгарий 100 йилдан ортиқ умр кўриб, 1234 йилда вафот этган.

⁵²⁵ Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий Вобкент тумани Анжир Фағни қишлоғида туғилиб, 1286 йил шу қишлоқда вафот этган. Ул зот «Силсилаи шариф»даги ўн иккинчи халқанинг пири муршиди бўлган.

⁵²⁶ Ҳазрат Хожа Али Рометаний Бухоро вилояти Рометан туманинг Қўрғон қишлоғида туғилиб 1321 йили оламдан ўтган. Ул зот «Силсилаи шариф»даги ўн учинчи халқанинг пири муршиди бўлиши билан бирга тўқувчиларнинг пири ҳисобланган.

ва ундан ҳазрат Муҳаммад Бобо Самосий (қуддиса сирруҳу)га⁵²⁷ ва ундан ҳазрат Амир Кулол (қуддиса сирруҳу)га⁵²⁸ ва ундан ҳазрат хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қуддиса сирруҳу)га⁵²⁹ ва ундан ҳазрат Яъқуб Чархий (қуддиса сирруҳу)га ва ундан ҳазрати Хожа Аҳрор (қуддиса сирруҳу)га ва ундан ҳазрат хожа Муҳаммад Зоҳид (қуддиса сирруҳу)га ва ундан ҳазрат Мавлоно Дарвиш (қуддиса сирруҳу)га ва ундан ҳазрат Хожа Имканагий (қуддиса сирруҳу)га ва ундан ҳазрат хожа Муҳаммад Боқибиллоҳ (қуддиса сирруҳу)га ва ундан ҳазрат имом Раббоний (қуддиса сирруҳу)га ва ундан ҳазрат хожа Муҳаммад Саййид (қуддиса сирруҳу)га ва ундан ҳазрат хожа Абдулаҳад(қуддиса сирруҳу)га ва ундан Мавлоно Муҳаммад Обидга⁵³⁰... ва ундан ҳазрат Миён Обид махдум(қуддиса сирруҳу)га⁵³¹ ва ундан ҳазрат Мусохон Даҳбедий(қуддиса сирруҳу)га ва ундан эшон халифа Сиддиқ(қуддиса сирруҳу)га⁵³² ва ундан ҳазрати халифа Хусайн⁵³³(қуддиса сирруҳу)га ва ундан...ҳазрат Довудхўжага ва ундан Сулаймонхўжага ва ундан Пирмуҳаммад халифа ибн Мулло Шералига таълим ва тариқат илмига ижозат берилди.

⁵²⁷ Ҳазрат Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий (1259-1354) соҳибкаронат валиюллоҳ, хожагон-нақшбандия тариқати «Силсилаи шариф»идаги ўн тўртинчи халқанинг пири муршиди бўлган.

⁵²⁸ Ҳазрат Саййид Амир Кулол (1287-1370). У зотнинг асл исмлари Саййид Амир Калон бўлиб, кулолчилик билан шуғуллангани учун Амир Кулол номи билан машҳур бўлган. Маълумотларга кўра ул зотнинг 114 нафар авлиёлик даражасига эришган шогирдларига бўлган. Саййид Амир Кулол «Силсилаи шариф»даги ўн бешинчи халқанинг пири муршиди бўлган.

⁵²⁹ Ҳазрат Саййид Муҳаммад Баҳоул ҳақ миллат вад дин Нақшбанд ибн Саййид Муҳаммад Жалолиддин (1318-1389) нақшбандия тариқатининг асосчиси. Ул зот «Силсилаи шариф»даги ўн олтинчи халқанинг пири муршиди бўлган.

⁵³⁰ Шайх Муҳаммад Обид Алфи Соний тариқатининг пиру муршиди. 1746 йилда вафот этган.

⁵³¹ Ҳазрати Муҳаммад Мусохонхожа ибн Исохожаи Даҳбедий (тахмн. 1708-09 – 1776). Ул зот тўғрисида манбаъларда тасаввуфнинг «Қутбул-мутаахирини», яъни силсиланинг охириги қутбул-ақтобларидан дея таъриф берилган.

⁵³² Иршодноманинг шу қисмида ҳазрат Муҳаммад Амин(қуддиса сирруҳу) номи тушиб қолдирилган.

⁵³³ Хусайн халифа (1754–1835) Муҳаммад Аминнинг ўринбосари бўлиб, муридлари орасида машҳур ашрафу ақобирлар, шоир ва уламолар кўп бўлган. Шу боис унинг пирлик довуғи бутун Мовароуннаҳрга ёйилган. Маълумотларга кўра, Нақшбандийлик XIX асргача уч марта «қайта тирилиб», ривожланган - аввал Хўжа Аҳрор Валий шарофати билан Темурийлар салтанати ҳудудларида жорий бўлган, иккинчи марта Имом Раббоний Аҳмад Сарҳиндий шарофати билан Бобурийлар салтанати ҳудудида ёйилган, учинчи марта Халифа Хусайн шарофати билан Бухоро, Хива, Қўқон мамлакатлари ҳудудида улкан нуфузга эга бўлган.

Маълум бўлишича, ушбу иршодномада номи қайд этилган Пирмуҳаммад халифа нафақат Нақшбандия тариқатидан балки Яссавия тариқати муршидларидан ҳам иршод олган бўлган мазкур қўлёзмада унинг яссавия тариқатидаги силсиласи ҳам қайд этилган.

Хожа Юсуф Ҳамадонийдан ҳазрат Султон ул-Орифин⁵³⁴ ва ундан Ҳаким ота ва ундан Занги ота ва ундан ҳазрат Садр ота ва ундан Саййид ибн айн (аслида Айманам) ва ундан ҳазрати шайх Али ота ва ундан Мавдуд отав а ундан Ходим ота ва ундан ҳазрат шайх Жамол ва ундан ҳазрат Саййид ота ва ундан Эшон Имло⁵³⁵ ва ундан ҳазрат Чақмоқий⁵³⁶ ва ундан Набирахўжа ва ундан Назар эшон ва ундан Муҳаммад Амин ва ундан Муҳаммад Саййидхўжа ва ундан Пирмуҳаммад Халифа ибн Мулло Шералига тариқат илми ижозат берилди ва ундан Зокирхўжа эшон ва Мулло Муҳаммад Ражаб халфа тариқат илмини олдилар.

Юқорида келтирилган иршодномалар ва «Силсилаи шариф»ларни яна бир қизиқарли томони бу яссавияга тариқатига мансуб иршодномада кўрсатилганидек Саййид Бурҳон эшоннинг отаси Назар эшонни Набирахўжадан иршод олганлигидир. Гарчанд мазкур қўлёзма соҳиблари Назар эшон иршодни Бухорода олганлигини таъкидласаларда, бироқ Набирахўжа исми тариқат муршиди ўша даврларда айнан Қўқонда яшаганлиги тўғриси маълумотлар мавжуд. Қолаверса, мазкур қўлёзмадаги нақшбандияга доир иршодномада зикр қилинган Халифа Хусайндан иршод олган зот Довудхожанинг асл номи Набирахўжа бўлган ва ул зот Қўқон яқинида Катта Кенагас қишлоғида яшаб ўтган шоир Зиёвуддин Ҳазиний (1867-1923) Ҳазинийнинг бешинчи

⁵³⁴ Султон ул-Орифин Аҳмад Яссавий (1105–1166/67) – донишманд, шоир, яссавийлик тариқатининг асосчиси бўлиб, тахаллуслари: Ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий, Қул Хожа Аҳмад, Қул Аҳмад. Алишер Навоий томонидан «Мақомоти олий ва машхур, каромоти мутоводи ва номаҳсур эрмиш. Муриду асҳоби ғоятсиз ва шоҳу гадонинг иродату ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш» дея таърифланган ул зотнинг зиёратгоҳи шу қадар машхур эдики, эл-юрт орасида «Мадинада – Муҳаммад, Туркистонда – Қул Аҳмад» деган овозолар тарқалишига сабаб бўлган.

⁵³⁵ Эшони Имло Бу хорий(1686-1749). Ул зотнинг асл исми ҳазарт Охунд Мулло Муҳаммад бўлиб, ўз даврининг забардаст шоири сифатида Имло тахаллуси билан ижод қилган. Эшони Имло кубравия, нақшбандия, ишқия, жаҳрия сингари тўртта тариқатнинг пири муршиди бўлганлар. Шу сабабдан ул зотни жомеус сулук (сулуклар мажмуаси) деб атаганлар.

⁵³⁶ Ҳазрат Шайх Ниёз Чақмоқий Бухоронинг Хожа Чақмоқ қишлоғида туғилганлар. Ул зот Эшони Имлонинг етук шогирди бўлиб, XVIII асрда яшаб ўтган. Айтишларича ҳазрат Чақмоқий тухмат туфайли ҳалок бўлган.

бобоси бўлиб, насаблари қуйидаги тартибда уланган. Зиёвуддин эшон (Ҳазиний)ибн Каттахожа эшон ибн Шамсиддин Хожа Охун эшон ибн Муҳаммад Амин Хожа ибн Низомиддинхожа ибн Набирахожа эшон⁵³⁷. Хўш бу тасодифий ўхшашликми ёхуд аслида бу икки ном бир кишига тегишли бўлганми?! Шу ўринда Саййид Бурҳон эшон хонадонида сақланаётган иршоднома билан шоир аждодлари Набирахожа ва унинг фарзанди Низомиддинхожа тегишли иршодномани солиштириб кўрсак.

«Ҳазрат Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам ва ҳазрати Сиддиқи акбар розиаллоҳу ва эшони Салмон Форс ва эшони Қосим бин Сиддиқ ва эшони ҳазрати имом Жаъфар ас-Содиқ ва эшони Боязид Бастомий ва эшони шайх Абдул Ҳасан Харақоний ва эшони шайх Абу Али Фармадий ва эшони Хожа Юсуф Ҳамадоний ва эшони Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ва эшони Хожа Ориф Ревгарий ва эшони Хожа Маҳмуд Фатавий ва эшони Хожа Али Ромитаний ва эшони Хожа Бобои Саммосий ва эшони хожа Саид Амир Кулол ва эшони Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва эшони Мавлоно Яъқуб Чархий ва эшони Хожа Аҳрор ва эшони Мавлоно Зоҳид ва эшони Мавлоно Дарвеш ва эшони Мавлоно Хожа Имканагий ва эшони Мавлоно Хожа Боқибиллоҳ ва эшони ҳазрати Имом Раббоний ва эшони Хожа Муҳаммад Саййид ва эшони Миён Абдулаҳад ва эшони Миён Обид ва эшони Хожа Мусахон ва эшони халифаи Сиддиқ ва эшони ҳазрати Муҳаммад Ҳусайн қуддусаллоҳ.

Бу сирлар ва маърифат дарёсининг бир қатраси қалбини обод этди. Фақир ҳам Аллоҳ субҳонаҳу таоло инояти ва муруввати ила кўзимизнинг нури, фарзанди аржуманди Низомиддинхожа Набирахожа эшон ўғилларига таълим ва тариқат илмига ижозат бериб, орифлар толиби бўлиб, шариат ва тариқат йўлини тутишларини фарз этамиз ва бу муқаддас — Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам йўлларида муҳаббат ва сабот тилаймиз.

Валлоҳу аълам.

муҳр.

(Изоҳ: *Муҳр ичида шундай ёзув бор:*

Бэ Довудхожа аз қутби низоми

Худовандо, бэдэх файзи камоҳи,

⁵³⁷ Бу ҳақда қаранг: Абдулаҳатов Н., С.Мастонов., И.Тўхтабоев. Ҳазиний юрти. – Т.: «Янги аср авлоди», 2010.

Яъни: *Худавондо, Довудхожага хизмат йўлида адолат файзини багишла. «Довудхожа» — Набирахожа эшоннинг асл исмидир*)⁵³⁸.

Эътибор берган бўлсангиз мазкур иршоднома юзасидан тадқиқот олиб борган адабиётшунос олим О.Жўрабоев Довудхожа Набирахўжанинг асл исми эканлигини таъкидлайди⁵³⁹. Бундан чиқди Ҳазинийнинг аждоди бўлган Набирахўжа ҳам нақшбандия ва ясавия тариқатларини пири бўлган. Қолаверса, Назар эшоннинг пири бўлган Набирахўжа кенагаслик Набирахўжанинг айнан ўзи эканлиги эҳтимолдан холи эмас. Бундан кўринадики, Саййид Бурҳон эшон авлодлари хонадонида сақланаётган мазкур қўлёзма ўз навбатида жиддий тадқиқотларни талаб этади.

Арабмозортепа

Арабмозор маҳалласи ҳудудида Арабмозортепа деб аталувчи археологик ёдгорлик мавжуд бўлиб, худди Гарбобо археологик ёдгорлигидаги сингари бу тепаликда ҳам ер устида сочилиб ётган сопол парчалари орасидан милоддан аввалги II асрдан милодий II асрга мансуб қизил ангобли сопол идишларнинг парчаларини учратиш мумкин. Тепаликни кўздан кечирганимизда дастлабки археологик тадқиқотлар, яъни шурф ўрнини эслатувчи чуқурликларга дуч келдик. Айтишларича, ўтган асрнинг 70-йилларида ёдгорлик тарихини ўрганиш мақсадида мутахассислар келиб қазилма ишларини олиб борган эканлар.

Мазкур археологик ёдгорликнинг умумий майдони 1 гектардан ортиқ бўлиб, баландлиги 6-7 метрни ташкил этади. Бошқа ёдгорликлардан фарқли томони шундаки бу тепаликка одам дафн этилмайди, яъни аҳоли томонидан қабристонга айлантириб юборилган эмас. Шундай экан келгусида Арабмозор тепалигида атрофлича археологик тадқиқот ишларини олиб бориш натижасида ўлкамизга тарихига доир қимматли маълумотларни олиш мумкин бўлади.

Изланишлар мобайнида Саййид Бурҳон Эшон қабристоннинг жанубий ғарбий бурчагида пишиқ ғишт уюмларига дуч келинди. Бу пишиқ ғиштлар ўлчами 26x13x3см.дан иборат

⁵³⁸ Жўрабоев О. Ҳазиний тўра (ҳаёти ва ижоди). – Т.: «Фан», 2007 121- 122.-б.

⁵³⁹ Ўша асар. Ўша бет.

бўлиб, Қорахонийларга даврида кенг қўлланилган ғиштларни эслатади. Шу ерлик одамларнинг сўзларига қараганда бундай ўлчамда ғиштлар худди йўлакча шаклида Арабмозор тепалиги томон ётқизилган. Қадимда Арабмозор тепалигига ер ости йўли бўлганлиги тўғрисидаги ривоят айнан шу ғишт йўлаклар топилгач пайдо бўлган экан. Аҳоли орасида Арабмозор тепалиги билан боғлиқ кўк от ривояти сақланиб қолган.

Айтишларича, Арабмозор тепалигини муқаддас деб билган одамлар тепаликни ўзлаштирмай унинг атрофида деҳқончилик қилган эканлар. Кунлардан бир кун Арабмозор тепалиги яқинида экилган бедадан хабар олгани келган бир деҳқон беда даласини пайхон бўлиб ётганлигини кўриб, нима қиларини билмай боши қотибди. У бу ишларни сабабчисини топмасдан қўймасликка аҳд қилибди. Тун ярмига борган маҳал беда даласида кўк от пайдо бўлибди. Деҳқон умри бино бўлиб, бундай отни кўрмаган экан. У отни ушламқўкчи бўлибди. Бироқ харчанд уринмасин буни уддасидан чиқолмабди. Қарасаки от Арабмозор тепалиги томон кета бошлабди. Деҳқон ҳам кўк отни ортидан юрибди. Кўк от бўлса, тепаликка яқин келиб, кўздан ғойиб бўлибди. Деҳқон тепаликка яқинроқ бориб қараса, у ерда ер ости йўли бор эмиш. У нима бўлса Худодан дебди-да ер остига кирибди. Бир оз юргандан сўнг ёғоч рандалаётган соқоли кўксига тушиб турган нуроний чолга дуч келибди. Деҳқон чолга салом бериб, ундан кўк отни қаёққа кетганини сўрабди. Шунда ҳалиги чол: «Мен сени бу ерга нима мақсадда келганлигини биламан. Менинг отим сен эккан беда даласини пайхон қилган. Нобуд бўлган ҳосилини эвазига буни олгин», деб деҳқон чопонини этагига бир сиқим ёғоч пайраҳасини солиб берибди. Деҳқон кекса чолни бу ишдан ҳайрон бўлиб, бирон бир сўз айтмай ортига қайтибди. Йўл-йўлакай этагидаги пайраҳаларни тўкиб ташлаб уйига келибди. Эрталаб уйқудан тургач, кечаги Арабмозор тепалигида бўлиб ўтган воқеаларни эслаб чопонига қарабди. Не кўз билан кўрсинки, чопонида пайраҳа қолдиқлари эмас олтин зарралари ёпишиб турганмиш. Деҳқон кечаги чол оддий чол эмас, балки азизлардан эканлигини

тушунибди. У дарҳол Арабмозор тепалиги томон йўл олибди. Аммо кечаги ер ости йўлидан ном-нишон ҳам тополмабди⁵⁴⁰.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, халқимизда қадимдан муқаддаслаштирилган тепаликлар ва зиёратгоҳларда оқ ва кўк от билан боғлиқ ривоятлар кўплаб учрайди. Ахборотчиларнинг сўзларига кўра, оқ ва кўк тусли отлар азиз-авлиёларга хос бўлиб, бундай отлар айнан муқаддас жойларда кишиларга кўриниш берадилар. Чунончи, Арабмозор тепалигидаги кўк от билан боғлиқ ривоятга ўхшаш ҳикояни биз 1999 йили Олтиариқ туманидаги Зурайк момо тепалигини ўрганиш чоғида ёзиб олган эдик⁵⁴¹.

Хонақа

Аҳоли орасида Хонақа номини келиб чиқишини Арабмозорга хоннинг келиши билан боғлайдилар. Айтишларича, хон ортидан келаётган бир неча сарой мулозимлари йўлда адашиб қолиб ҳозирги Арабмозор қишлоғига етиб келганларида аҳолидан хоннинг қайси томонга йўл олганлигини суриштирибдилар. Шунда одамлардан бири «Хон анақа кетди», дея ҳозирги Хонақа маҳалласи томондаги йўлни кўрсатган экан. Ўшандан буён «Хон анақа кетди» сўзи маҳаллага ном бўлиб кейинчалик Хонақа номини олган эмиш.

Аслида Хонақа сўзи Хонақоҳ атамаси билан боғлиқ бўлиб, бу ҳақда топонимист олим Суюн Қораев қуйидаги фикрни билдиради:

«Хонақоҳ (форсча, асл маъноси «шайхлар, дарвешлар зикру само қиладиган хона») – масжиднинг намоз ўқиладиган хонаси; гариб ва мискинлар истиқомат қиладиган уй, гарибхона, дарвешхона. В.В. Бартольд хонақоҳ форсча хона сўзининг сугдийлар тилида талаффуз қилинишидир дейди»⁵⁴². Шундай экан қадимда бу ерда хонақоҳ мавжуд бўлганлиги боис маҳалла ҳам шу ном билан аталган кўринади.

Шанамозор зиёратгоҳи

⁵⁴⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғинининг Арабмозор маҳалласида яшовчи Маҳмуджон Қўрғоновдан (1938 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁴¹ Бу ҳақда қаранг: Абдулахатов Н., Азимов В. Олтиариқ зиёратгоҳлари. – Т.: «Шарқ», 2005.

⁵⁴² Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари...39-б.

Хонақоҳ маҳалласида Шана (Тана) мазор ва Тезгузар мазор деб аталувчи зиёратгоҳлар мавжуд.

Дастлаб Шана (Тана) мазор ҳақида. Нақл қилишларича, бу ерда Бесаранг номини келиб чиқишига сабаб бўлган лашкарбошининг танаси дафн этилганлиги учун Танамазор деб аталган. Кейинчалик аҳоли орасида Шанамазор номи билан машҳур бўлган. Ҳозирда бу ерда фақат Шанамазор зиёратгоҳи сақланиб қолган, холос. Ўтган асрнинг 40-йилларига қадар бу ерда катта қабристон бўлган. Бироқ 40-йилларнинг охирига келиб қабристон текисланиб юборилган. Унинг бир қисмига дала меҳнаткашлари учун шийпон бунёд этилган. Аҳоли бу қабрни ҳар доим эъзозлаб, йил давомида зиёрат қилиб турадилар. Ҳозирга қадар маҳаллий аҳоли орасида сидқидилдан Шанамазорни зиёрат қилган кишининг тушига ўша мазорга даф этилган зотнинг сиймоси кириши тўғрисида қарашлар сақланиб қолган. Айримлар бу мазорни қора от минган қорасоқолли барваста зот ҳар доим зиёрат қилиши ҳақида ривоятни эшитганлигини нақл қиладилар.

Тезгузар мазор зиёратгоҳи

Зиёратгоҳни бундай деб аталиши хусусида маҳалланинг ёши улуг кексалари «Бу ерда дафн этилган валий зотнинг феъли жуда тезоб бўлган. Шу сабабдан мазор Тезгузар деб аталган», дея жавоб бердилар.

Бизнингча зиёратгоҳнинг дастлабки номи Тезгир деб аталган бўлса керак. Чунки Тезгир ота, Тезоб ота номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар юртимизда ҳозир ҳам мавжуд. Масалан қўшни Қува туманида ҳам Тезгир ота мазори ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Бесаранг (Бесаран)

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда بیسران – Бесаран номи билан тилга олинади⁵⁴³.

1873 йилда Султон Муродбек томонидан Мулло Исроил мирзо номига берилган ҳужжатда Бесаранг қишлоғида хон хизматида

⁵⁴³ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. –М.: «Наука», 1968. С. 142, 144, 145, 147, 149, 205, 230, 238.

турган аскарлар ерларидан танобона солиғини фақат ярим қисмигина олинishi лозимлиги таъкидланади.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Бесаранг қишлоғи Марғилон уездининг Ёзёвон волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 1376 нафар аҳоли истиқомат қилган⁵⁴⁴

Бесаранг номини келиб чиқиши хусусида бесарангликлар орасида икки хил ривоят сақланиб қолган. Биринчи ривоятга кўра, қишлоққа боши танасидан жудо бўлган чавандоз дафн этилганлиги боис вақтлар ўтиши билан шу чавандоз номи билан, яъни бесар – бошсиз дея аталган эмиш.

Айтишларича, Бесаранг ариғидан бошсиз танани топган аҳоли уни ҳозирги Хонақоҳ маҳалласидаги Шанамозорга дафн этганларидан сўнг орадан бир неча кун ўтиб унинг ёнига ҳамқишлоқларидан бирини дафн этадилар. Аммо марҳумнинг майити эртаси куни ер юзасига чиқиб қолган. Бундан таажжубга тушган аҳоли марҳумни яна қайта дафн этганлар. Бироқ кечаги ҳолат яна такрорланган, яъни яна марҳум танасини ер бетида кўрганлар. Шундан бу мазор бесарамжон экан деб атаганликлари учун ҳам маҳалла Бесарамжон деб аталиб кейинчалик Бесаранг шаклига келиб қолган эмиш⁵⁴⁵.

Бесарангликларнинг тахминларига кўра, Шанамозорга дафн этилган зот аслида лашкарбоши эмас балки валийлардан бири бўлиб, Бешолишдаги сувбошига борган кезде ўлдирилганлиги ва унинг боши Марғилон яқинидаги Сармозорга дафн қилинган экан. Бунга мисол қилиб зиёратгоҳнинг номини келтирадилар. Сармозор номи аслида авлиёнинг боши қўмилганлиги туфайли Бошмозор, яъни Сармозор деб аталган эмиш⁵⁴⁶.

⁵⁴⁴ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 97.

⁵⁴⁵ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғинининг Хонақоҳ маҳалласида яшовчи Ҳокимжон Қўчқоровдан (1957 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁴⁶ Сармозор аслида катта қабристонларга нисбатан ишлатилган атама бўлиб, бундай номдаги Сармозор, яъни катта, бош мазорлар Фарғона водийсининг Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон сингари шаҳарларида мавжуд бўлган. Марғилон шаҳри яқиндаги шу ном билан аталувчи зиёратгоҳ Сармозор маҳалласида жойлашган. Маҳаллий аҳоли мазорга дафн этилган зотни Сармозор бува дея тилга оладилар. Ривоятларга кўра, Сармозор ҳазратларининг асли келиб тўхтаган жойлари Марғилон шаҳри бўлган. Ҳазратнинг зиёрат қилгани келган одамлар сони кўпайиб, ушбу маҳалла торлик қила бошлаган. Шундан кейин кенг ва каттароқ жойга кўчишга мажбур бўлиб, шаҳар чеккасига бориб ҳассалари билан бир уриб мана шу ер менинг

Яна бир ривоятга кўра, қишлоқ аҳлини душман таъқиб этиб келаётган пайтда азизлардан бири одамларни халос этган ва каромати билан душман қўшинини сойга чўктириб юборган эмиш. Бироқ одамлар Хизр бувани қилган яхшиликларини унутиб у дам олаётган вақтида билдирмасдан отини еб қўйибдилар. Одамларни қилган номаъқулчиликларидан ранжиган авлиё зот «Бу ерни одамларини боши йўқ экан» деб ғойиб бўлибди. Ўша-ўша қишлоқ Бошсиз, яъни Бесаранг деб аталган дейишади⁵⁴⁷.

Шу ўринда Бесаранг номи хусусида яна бир мулоҳазани келтириб ўтмоқчимиз. Масалан, қорақалпоқларда хасис ва зикна кишини саран деб деб атаганлар⁵⁴⁸. Шундай экан маҳалла аҳлини қўли очик, сахий бўлганликлари учун Бесаран, яъни хасис эмас деб ном бермаганмикинлар?

Изданишлар давомида шу нарса маълум бўлдики, Хизр бува ва унинг оти билан боғлиқ ривоят Нақшбандия силсиласининг йирик вакили Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий (тахм. 1485-1571) тўғрисидаги ҳикоятларда ҳам ўз ифодасини топган⁵⁴⁹.

1913 йилда Фарғона водийсида тарихий-этнографик тадқиқотларни олиб борган И Кастанье Мавлоно Лутфуллоҳ Чуст шахрига келган вақти кечаси унинг отини ўғирлаб еб

жойим дейдилар. Одамлар эса бу ер шаҳардан чеккароқ эканлигини айтадилар. Шунда бу ер кейинчалик шаҳарнинг ўртаси бўлади деб жавоб берадилар. Мана ҳозир эса йиллар ўтгач, ҳақиқатдан ҳам шаҳар маркази ҳисобланади.

Сармозор ҳазратлари шу ерда бир неча йил яшаб мана шу ерга дафн қилинадилар. Нақд қилишларича, Қўқон хони Худоёрхоннинг қайнотаси бўлган Мусулмонкул мингбоши Сармозор маҳалласидан отда ўтиб кетаётган бир пайтда отидан учиб кетиб, ерга йиқилиб ҳалок бўлишига бир баҳя қолади. Ҳаётида сира ҳам отдан йиқилмаган мохир чавандоз Мусулмонкул бу ерда қандайдир сир борлигини англаб, нима сабабдан бу ерда йиқилганлигини маҳалланинг кексаларидан сўрайди. Бунга жавобан одамлар унга бу ерда Сармозор ҳазратларининг қабрлари борлигини айтадилар. Ушбу воқеадан сўнг Мусулмонкул қилган беодобчиликни тушуниб, Сармозор ҳазратларининг қабрлари устига мақбара қурдиришга буйруқ беради. Бу мақбарани Мусулмонкулнинг куёви барпо этади. Ўша воқеадан сўнг Сармозор маҳалласидаги қабристоннинг у бошидан бу бошига қадар отличлар отларидан тушиб, отларини етаклаганича пиёда ўтиб кетишга одатланган эканлар.

⁵⁴⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бесаранг маҳалласида яшовчи Тўйчибой Нишоновдан (1968 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁴⁸ Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Т.: «Фан», 1977. 150-б.

⁵⁴⁹ Шевяков А. Культурый фольклор на шелковом пути // На Среднеазиатских трассах Великого Шелкового пути. Очерки истории и культуры. –Т.: «Фан», 1990. С. 140.

қўйганликлари билан боғлиқ ривоятни ёзиб олган⁵⁵⁰. Демак, Бесарангликлар орасида сақланиб қолган ривоят атайин тўқиб чиқарилган ёхуд бирон бир кишининг хаёлий уйдирмаси бўлмаса керак.

Бизнингча, Бесаранг номини келиб чиқиши аслида этник ном билан боғлиқ бўлса керак. Чунки, ўзбек қорақалқапоқ ва қирғиз халқларининг бир уруғи Бесари ва Босиз сингари номлар билан аталган. Эҳтимол мазкур уруғлар номи вақтлар ўтиши билан жой номига ўтган бўлиши ҳам мумкин⁵⁵¹. Масалан, XX асрнинг бошларида келтирилган рўйхатга кўра, Андижон уездининг Кўфорт волости таркибида Бошсиз деб аталувчи қишлоқ номи ҳам қайд этилган⁵⁵².

Айтишларича, Бесаранг маҳалласи таркибида авваллари Қизил қипчоқ ва Кўсамаҳалла, Лахадчи (?) сингари маҳаллар ҳам мавжуд бўлган экан⁵⁵³.

Маълумотларга кўра, аввалги пайтларда аслини олганда Қизил қипчоқ маҳалласи Бесаранг таркибига кирмай алоҳида маҳалласи сифатида қайд этилган.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Қизил қипчоқ маҳалласи худди Бесаранг сингари Марғилон уездининг Ёзёвон волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 67 нафар аҳоли истиқомат қилган⁵⁵⁴.

Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг бошларида Бесарангда саховатли Қамчи мингбоши деган инсон ўз қўл остидаги ерларни эшонларга мулк қилиб бермоқчи ҳам бўлган. Бу ҳақда Алишер Бек ўзининг «Мозий ул-ёзибон» асарида шундай ҳикоя қилади:

«Бобожон эшон бува кексайгач, ўзига қабр учун жой танламоқчи бўлганда, Мамарасул халфа: «Исфайрамсой бўйлаб борамиз. Қайси ер

⁵⁵⁰ Кастанье И. Историко-этнографическая поездка в Наманганский уезд Ферганской области // Известия Туркестанского отдела императорского Русского географического общества. том X. Выпуск I. 1914.

⁵⁵¹ Бу ҳақда қаранг: Жданко Т. А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. – М.-Л., 1950; Абрамзон С.М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. –Л.: «Наука», 1971; Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: «Наука», 1976.

⁵⁵² Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 15.

⁵⁵³ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бесаранг маҳалласида яшовчи Шаробиддин Исақовдан (1933 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁵⁴ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 97.

сизга маъқул бўлса, сотиб оламиз», дейди. Ниҳоят Бесаранг қишлоғидаги (ҳозирги Тошлоқ тумани ҳудудида) бир бойнинг сой бўйидаги тупроғи қуруқ, қаттиқ ери манзур бўлиб, эгаси билан савдолашиб олмоқчи бўладилар. Шунда бой эшон бувага: «Сиздек улуг зотга ерни бекорга бераман», деганида, у зот: «Йўқ, унда берган ерингиз жами муридларимга вақф бўлиб қолади», деб васиқа билан сотиб олади»⁵⁵⁵.

Саховатли Қамчибой тўғрисида бундан бошқа маълумотларга эга бўлмасакда, аммо яна бир бесаранглик Қамчибойнинг тақдири аянчи бўлганлигини Рустам Шамсутдинов «Қатағон қурбонлари» номли асарида келтирган ушбу маълумотлардан кўрса ҳам бўлади:

«5382-сонли иш бўйича Ёқубов Қамчи (1889 йили туғилган, Тошлоқ райони, Бесаран қишлоғидан, қуллоқа тортилган, судланган, жазо муддатини ўтамай қочиб келган, ҳибсга олинган вақтда колхоз аъзоси) отувга ҳукм этилган. Босмачилик йилларида босмачилик ҳаракатида фаол иштирок этганликда, колхозчилар орасида совет ҳокимиятига қарши мунтазам равишда аксинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган»⁵⁵⁶.

Шерали ота зиёратгоҳи

Бесаранг қишлоғининг қабристониди Шерали ота зиёратгоҳи жойлашган бўлиб ул зот Бесаранга қўшни Бўтқачи⁵⁵⁷ қишлоғида XIX асрда яшаб ўтган. Ул зот тўғрисида ёзёвонлик ижодкор шоир Алишер Бек ўзининг «Мозий ул-ёзибон» асарида жумладан қуйидагиларни келтириб ўтади:

«Бўтқачи қишлоғи авлиё Шерали Бува – Эшон Бува номлари билан янада машҳурдир. Шерали бува асли Марғилон шаҳридан бўлишиб, қишлоқ аҳлининг исломий ва дунёвий илми бўлишида катта хизмат қилишган. Эшон бува ташаббуси билан Бўтқачида масжидлар қурилган бўлиб, улар шўролар даврида бузиб ташланган. Шерали буванинг сайъ-ҳаракатлари туфайли қишлоқ аҳоли ўтмишида ҳам, ҳозир ҳам ўқимишли, ҳунарманд кишилар бўлиб келишган...

Ривоят қилишларича, Шерали буванинг авлиёлигини камтарлиги туфайли ўлимидан сўнг билганлар. Камбагал бир бўтқачилик одам Марғилонга янтоқ чопиб, олиб бориб сотган. Тирикчилиги йўлида у бир

⁵⁵⁵ Алишер Бек. Мозий ул-ёзибон...62-б.

⁵⁵⁶ Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари...394-б.

⁵⁵⁷ Бўтқачи Ёзёвон туманидаги қишлоқнинг номи.

куни ўтинини кўтариб шаҳарга кетаётса, Шерали бува қабристонини ёнидан ўтаётганда Эшон буванинг руҳи сиймоларига дуч келади. «Ўтинингдан бизникига олиб бориб ташла. Бугун у ерда худойи қилишяпти. Уйнинг чорвоқиди эски маҳси ичида кумуш танга пуллар бор, сенга олиб беришади». Кейин шаҳардаги уйига қандай бориш йўлини тушунтиради. Ўтинчи, Эшон буванинг шаҳардаги уйини эшитгани бўйича, топиб бориб, бор воқеани у ердагиларга сўзлаб беради. Айтилган жойдан ҳақиқатдан ҳам кумуш тангалар чиқади. Ўша камбағал одам бойиб кетиб, Шерали бува номига мақбара кўтаришига ҳомийлик қилади. Шерали бува қабристонини ҳозир зиёратгоҳ жой бўлиб, илгари у ерда гор ҳам бўлган. Баъзи тузалмас ҳисобланган беморлар ўша горда чилла ўтириб, соғайиб кетишганини айтиб юришади»⁵⁵⁸.

Ёзёвон сойи бўйида жойлашган Шерали бува қабристонини майдони 18 гектардан иборат бўлиб бу ерга нафақат тошлоқликлар балки Қўшни Ёзёвон, Қўштепа туманларидаги қишлоқ аҳолиси ўз яқинларини дафн этадилар. Айтишларича аввали Шерали бува қабристонинида шифобахш қумликлар ҳам бўлган экан⁵⁵⁹.

Кўприкбоши

1916 йилда Туркистонда кўтарилган мадикорликка қарши қўзғолон билан боғлиқ архив ҳужжатларида Кўприкбоши қишлоғи аҳолисининг волость марказида бошланган қўзғолонда фаол иштирок этганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Унга кўра, Кўприкбоши қишлоғидаги қўзғолончилар Пеникан жамоа оқсоқоли Муҳаммадқосим Даминхўжаев ва унинг укаси Отабекнинг уйларида бостириб кириб, уларнинг 2 та икки стволли милицларини олиб келганлар⁵⁶⁰.

Қашқарқишлоқ

⁵⁵⁸ Алишер Бек. Мозий ул-ёзибон. – Ф.: «Фарғона» нашриёти, 2002. 63-б.

⁵⁵⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бесаранг маҳалласида яшовчи Алишер Қорабоевдан (1961 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁶⁰ Турсунов Ҳ. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолони...151-б.

Айтиш жоизки, Фарғона водийсида Қашқар сўзи билан аталган маҳалла ва қишлоқлар номи анчагинадир. Бу хил жой номлари Қашқар вилоятидан кўчиб келган кишиларга нисбатан қўйилган номлардир. Қашқарликлар, яъни уйғур халқи маълум шароит тақозоси билан Фарғона водийси ва Еттисув ерларига кўчиб келганлар⁵⁶¹.

Қозоқ олими Чўқон Валихонов (1835-1865) нинг таъкидлашича, XIX асрнинг ўрталаридаёқ Қўқон хонлигида 300 мингга яқин уйғурлар яшаган⁵⁶². И.В.Захарова ҳам 1860 йилга қадар Қўқон хонлиги ҳудудида 200-250 минг қашқарликлар яшаган бўлса керак, деб ҳисоблайди⁵⁶³.

Маълумотларга кўра, XVIII–XIX асрларда Хитойдаги Цин ҳокимиятига қарши кўтарилган халқ ҳаракатларининг шафқатсизлари бостирилишлари натижасида Шарқий Туркистондан уйғурларнинг Марказий Осиёга, жумладан Фарғона водийси ерларига эмиграция қилинган бўлиб, уларни кўчиш даврларни қуйидаги тарзда кўрсатиш мумкин:

- 1758 йилдаги Азизхожа, Бурҳониддин бошчиликларидаги қўзғолонлар вақтида;
- 1816 йилдаги қоратоғлик Зиёвуддин охун бошчилигидаги қўзғолон вақтида;
- 1826-1828 йилларидаги Жаҳонгирхожа қўзғолони вақтида;
- 1830 йилдаги Жаҳонгирхожанинг биродари Юсуфхожа бошчилигидаги қўзғолон вақтида;
- 1847 йилдаги етти хожалар қўзғолони вақтида;
- 1857-1858 йиллардаги Жаҳонгирхожанинг жияни Валихонтўра бошчилигидаги қўзғолон вақтида;
- 1864 йилдаги Рашиддинхожа қўзғолон вақтида.

⁵⁶¹ Бу ҳақда қаранг: Винников Я.Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине // СЭС. II. – М., 1959; Садвакасов Г.С. Уйгуры Туркмении и их язык Известия АН Каз. Сер. общественная, 1967, № 3; Материалы по истории казахских ханств XV-XVIII веков. Алма-Ата, 1969; Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX - начале XX в. (по данным топонимии). – Т., 1983; Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX - начале XX в. (этнокультурные процессы). – Т., 1991

⁵⁶² Валиханов Ч.Ч. Материалы и исследования о Кашгарии / Соч. Алма-Ата, 1962. Т. II. С. 172.

⁵⁶³ Захарова И.В. Материальная культура уйгуров Советского Союза // СЭС. II М., 1959. С. 223.

Қашқар заминида бундай кўзғолонлар юз берган вақтларда ҳар сафар минглаб уйғурлар оилаларини сақлаб қолишлари мақсадида ўз она юртларини тарк этишга мажбур бўлганлар⁵⁶⁴. Бу кўзғолонлар тарифи ёзма манбаларда ҳамда тадқиқотчиларнинг асарларида ўз ифодасини топган⁵⁶⁵. Биргина 1829 йилда бир неча минг бундай уйғур хонадонлардан Фарғона заминига бош олиб келишга мажбур бўлган эдилар.

Манбаларда ёзилишича, 1829 йилда Қўқон хони Муҳаммадалихон (1822–1842 йиллар) Қашқарга қўшин тортиб боради. Қашқарнинг мусулмон аҳолиси Қўқон хони келганлигидан фойдаланиб хитойларга қарши бош кўтаради, лекин анчагина хитой қўшинлари яқинлашиб келаётганини эшитган Қўқон хони Қашқардан чиқиб кетишга мажбур бўлади, у ердан 70 мингга яқин кишини ўзи билан Фарғонага олиб келиб, хонликнинг турли

⁵⁶⁴ Никольская Г.Б., Матвеев А.М. Присоединение Средней Азии к царской России и сопредельные страны Востока // Материалы по истории присоединения Средней Азии к России. Труды ТашГУ. Ч. I. Вып. 43. – Т., 1969. С. 107.

⁵⁶⁵ Бу ҳақда қаранг: Ходжаев А. Захват Цинским Китаем Джунгарии и Восточного Туркестана: Борьба против завоевателей // Китай и соседию – М., 1986; Тўхтиев И. Тангалар тилга кирганда. –Т.: «Фан», 1989; ; Кутлуқов М. Муҳаммад Содик Қошғарий. – Т., 1968; Муҳаммад Эмин Қурбони. Қашқардаги ёдгорликлардан термалар. «Қашқар – уйғур нашриёти», 1990; Зотов О.В. Китай и Восточный Туркестан в XV – XXVIII вв.: межгосударственные отношения. –М., 1991; Абдували Али. Опоқхўжа. 1-2 китоб. Урумчи.: Шинжонг халқ нашриёти, 2000; Одил Муҳаммад Турон. Қашқардаги қадимги излар. Урумчи.: «Шинжонг халқ нашриёти», 2001. Роҳила Довуд. Уйғур мазорлари. Урумчи.: «Шинжонг халқ нашриёти», 2001; Замир Садуллозода, Фарход Ғаффор. Марказий Осиёдаги ислом мазҳаблари. Урумчи.: «Шинжонг халқ нашриёти», 2002; Акбаров Қ., Маъмуров Ж., Ботирова Н., Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон билан алоқалари тарихидан // «Қўқон асрлар силсиласида» Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. Қўқон, 2004; Непомнин О.Е. Истории Китая. Эпоха Цин. XV- начало XX века. – М., 2005; Вей Ляктоу, Ляо Чигин. Хожалар жамияти ҳақида / Таржима қилгучи Қурбон Турон. Бейжинг. «Миллатлар нашриёти», 2006; Кадырбаев А.Ш. Ходжи Суфийского ордена Накшбандие в Восточном Туркестане накануне в эпоху Маньжуро-Китайского владычества XVII – начала XIX века // Суфизм в Иране и Центральной Азии. Алматы.: «Дайк-Пресс». 2007; Мулло Мўсо Сайрабий. Тарихи Ҳамиди. Бейжинг.: «Миллатлар нашриёти», 2007; Мирзо Олим Маҳдум ҳожи. Тарихи Туркистон / Араб тилидан тадбил: Ш.Воҳидов ва Р.Холиқова. –Т.: «Янги аср авлоди», 2008; Абдулахатов Н., Мастонов С., Тўхтабоев И. Ҳазиний юрти. –Т.: «Янги аср авлоди», 2010. Kawagoe Yasuhiro. "Jihangiru ryakuzono hakken". Tokyo, Bunkoshoho, No.7, 1976; The Bazaars and Mazaars of the Hinjiang Uighur by Sanada Yasusi, Wang Jianxin, Shnmen. Studia culturae islamicae 70. 2002; Papas A. Soufisme et Politque entre Chine, Tibet et Turkestan. Paris: Jean Maisonneuve Successeur. 2005; Shimen Y., Kawahara Y. Mazar Buzryg Khan Tora in Katta Kenagas Village // Islamic Sacred Places in Central Asia: The Fergana Valley and Kashghar Region (Silk roadology, № 28). Tokyo, 2007.

ерларига жойлаштиради. Бундан ташқари, 1856-1860 йилларда ҳам талайгина қашқарликлар Фарғона атрофларига келиб ўрнашадилар. Шундай қилиб, қашқарликлар ҳисобига алоҳида-алоҳида маҳаллалар, қишлоқлар ташкил топади⁵⁶⁶.

Шарқий Туркистон аҳолиси қайси ҳудудлардан кўчиб келган бўлсалар кейинги жойларига нисбатан ҳам аввалги яшаган юртларини номини беришга одатланганлар. Масалан, Қашғар шаҳри ва ушбу воҳадан келганлар -“қашғарлик”, Ёркентдан кўчиб келганлар- «ёркентлик», Турфондан ўтганлар – «турфонлик» номлари билан аталганлар.

Элшунос олим Улуғбек Абдуллаевнинг таъкидлашича, Шарқий Туркистонлик уйғурлар асосан, қашғарликлар Фарғона водийси ҳудудига доимий равишда иш қидириб келиб турганлар. Уларнинг баъзилари бу ерда турғун бўлиб қолганлар⁵⁶⁷. Шундай экан қашқарликларнинг Фарғона водийсига кўчиб ўтишлари нафақат XVIII-XIX асрларда балки XX асрлар бошида ҳам давом этган. Масалан, В.И.Юферевнинг келтирган маълумотларига кўра, Қашқардан Фарғона вилоятига XX асрнинг бошларида тирикчилик мақсадида келган одамлар сони қуйидагиларни ташкил этган:

1904 йилда 14,556 нафар киши;

1905 йилда 13,337 нафар киши;

1906 йилда 16, 882 нафар киши;

1912 йилда 21, 174 нафар киши⁵⁶⁸.

Бу вақт давомида Г.К.Қосимова айтганидек Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтган уйғурлар ўзбеклар ва қирғизлар билан қоришиб кета бошладилар. Ушбу ўзаро аралашиб кетиш жараёни ҳаётнинг барча жабҳаларида намоён бўлди. Хусусан, уйғурлар маҳаллий миллатлар билан ўзаро никоҳ муносабатларига киришдилар, натижада этник аралаш оилалар кўпайди⁵⁶⁹. Бу ҳақда япониялик тарихчилар Шимен Ясуши ва Яёи Кавахараларнинг

⁵⁶⁶ Охунов Н. Жой номлари тарихи... 71-б.

⁵⁶⁷ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослар аро жараёнлар.-Т.: «Янги аср авлоди», 2005. – Б.27.

⁵⁶⁸ Юферев В.И. Труд в колхозьних хозяйствах Туркестана, СПб., 1914. С. 22-23.

⁵⁶⁹ Қосимова Г.К. Уйғурларнинг Фарғона водийсига миграцияси: сабаблари ва оқибатлари // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 1-қисм. Тошкент, 2005. 196-197-б.

«Фарғонада водийсидаги уйғурлар ва уларнинг хотиралари» номли китобларида қизиқарли маълумотлар келтириб ўтилган⁵⁷⁰.

Тегирмонбоши

Қўқон хонлиги архивига доир хужжатларда **تېگيرمانباشى** – Тегирмонбоши номи билан тилга олинади⁵⁷¹.

Маълумотларга кўра, Тегирмонбоши қишлоғининг ўртасида қадимда катта тегирмон бўлиб, шу ерлик аҳолини ун билан таъминлаганлиги боис қишлоқ номи ҳам Тегирмонбоши деб юритилган экан.

⁵⁷⁰ Shinmen Yasushi., Kawahara Yayoi . Fergana bonchino uigurujinto ekkyono kioku (in Japanese, The Uyghurs of the Ferghana Valley and Their Recollections of Crossing the Border), NIHU Program Islamic Area Studies TIAS: Department of Islamic Area Studies, Center for Evolving Humanities, Graduate School of Humanities and Sociology, The University of Tokyo, Tokyo, 2010.

⁵⁷¹ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С.329.

ВАРЗАК

Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг маркази Кўприкбоши қишлоғи ҳисобланади.

2010 йил декабр ҳисобига кўра, Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинида 2757 та хонадон мавжуд бўлиб унда 13 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Умумий майдони 2150 гектарни ташкил этади.

Қишлоқнинг ижтимоий-маданий ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда 2 та даволаш муассасалари, 5 та мактаб, 2 та болалар боғчаси, 1 та касб-хунар коллежи, 7 сартарошхона, 17 та ошхона, та савдо шаҳобчалари, 4 та ёғочни қайта ишлаш цехи, 1 та хусусий тегирмон, 5 та оталар чойхонаси фаолият кўрсатмоқда. Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинидан шу кунга қадар 2 нафар доктор ва фан номзоди даражасини олган олимлар етишиб чиққан.

Варзак қишлоқ фуқаролар йиғини Бештол, Саллах, Кўприкбоши, Хўжатўпи, Қипчоқариқ, Ўзбекистон, Чек, Тўпқўрғон, Бўстон, Бўстонабод, Янги гулистон, Катта ариқ сингари маҳаллалардан иборат бўлиб, қуйида уларнинг айримлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтамыз.

Кўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда وركزك – Варзак номи билан тилга олинади⁵⁷².

1867 йилда Мулла Абдусайид мирзога Султон Муродбек томонидан берилган ҳужжатда Варзак қишлоғида яшовчи Содиқбек исми шахснинг Норимбека исми қизининг полиз экинларидан солиқнинг фақат ярим қисмигина олинishi лозимлиги таъкидланади. Худди шу мазмундаги яна бир ҳужжатда келтирилган маълумотларга кўра, Варзак қишлоғида Мўминбой баққол ва Ортиқбой исми кишиларнинг ҳам ерлари мавжуд бўлган.

1874 йилда Султон Муродбек томонидан Мирза Муҳаммад Олим саркор номига берилган ҳужжатда Варзак қишлоғидаги Қора Мулло охунд ерларидаги жўхори ҳосили хирож солиғидан озод қилинганлиги қайд этилган. Бизнингча, Қора Домулла охунд баъзи

⁵⁷² Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: «Наука», 1968. С. 119, 120, 142, 144, 145, 146, 147, 148, 149, 152, 154, 159, 164, 167, 197, 215, 217, 219, 225, 266, 276, 283, 293.

хужжатларда Қора Мулла номи билан тилга олинган бўлса керак. Чунки, 1875 йили Мавлонбек томонидан Бой Бобо амин номига берилган хужжатда Варзак қишлоғида яшовчи Қора домудла исми шахсинг ерларидаги пахта ҳосилидан хирож олинмаслиги баён этилган. Бундан кўринадики Қора Домудла охунд ва Қора мулла аслида бир шахсинг номи бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Қўқон хонлиги архивига доир хужжатлардан бирида Варзак қишлоғида Худоёрхон замонасида Катта Эшон хўжа исми улдуғ зот яшаб ўтганлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

Варзак номи хусусида сўз юритишдан олдин тошлоқлик ўлкашунос Тожиали Раҳмоновнинг Варзак қишлоғига оид маълумотларини келтириб ўтсак:

«Варзак қишлоқ фуқаролар йиғини Фарғона вилояти Тошлоқ туманининг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, у тумандаги Садда, Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғини ва Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда шимолий-ғарбда Ёзёвон туманидаги Хонобод фуқаролар йиғини ҳамда Қўштепа туманидаги Шоҳмирза фуқаролар йиғини билан чегарадош. У қадимда Қиргули адирликларидан шимолга томон то Ёзёвон туманидаги Хонобод қишлоғигача бўлган кенг майдон Варзак қишлоғи ҳудудига кирар эди. Қиргули адирлигидан Хонобод қишлоғигача бўлган масофа ўн беш чақиримдан зиёд эди. Бу вақтларда Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг идораси Варзак ва Садда маҳаллаларида бўлиб ҳафтанинг уч кунда Варзакда фаолият кўрсатса, уч кунда Саддадаги аҳоли идорасида аҳолини қабул қилар эди...

Бундан тахминан етти асар аввал Варзак қишлоғи ҳудуди кимсасиз бўлиб, Марғилон шахрининг чеккасидаги ҳудудлардан бўлган. Ўша вақтларда Марғилон, Қўқон, Шаҳрихон ривожланиш йўлиги чиқиб олган эди. Ўша вақтлардаги тиниб-тинчимас савдогарлар, йўловчилар карвони кимсасиз чўлу биёбонлар, қиру адирлардан ўтишиб савдо сотиқ қилар эдилар. Уларнинг бир қисми Буюк Ипак йўлининг давоми бизнинг ҳудудга ҳам тегишли деб аташ жойиз бўлади. Ўша қадим замонларда савдогар ва йўловчилар Шаҳрихон, Марғилон, Қўқон йўналиши бўйича йўлларини тўғри солишиб Варзак қишлоғининг ўрта қисмидан шарқдан ғарбга қараб йўл босишар эдилар. Дастлаб қишлоқ ҳудудига қадам ранжида қилган йўловчилар қишлоқ ўрнида катта-кичик ер майдонлари, уларнинг ўрта қисмларидан зах сувни чиқиб

бир-бири билан қўлишилиб оқиб ётганини кўрадилар ва таажжубда «Во зах» деб хитоб қиладилар. Шундай қилиб бу худудни «Во зах» деб атай бошлайдилар. Кейинчалик бу ўлкани Возах, яъни ҳозирги Варзак номи билан юритадилар. Варзакнинг ўрта исмидан, яъни ариқ бўйлаб шимолга томон Марғилон-Бесаранг, Хонобод ва Ёзёвон йўлини ўтиши, яъни икки йўлни устида бўлиши Варзак қишлоғини шаклланиб боришига туртки бўлди. Натижада турли ўлкалар ва шаҳарлардан чорвадор ва деҳқонлар аста-секин қишлоқнинг турли қисмларига келиб қўним топадилар»⁵⁷³.

Варзакликлар орасида жой номини келиб чиқиши хусусида яна бир тахмин мавжуд бўлиб, унга кўра «вар» сўзи «таг, ости» маъносини, яъни «таги зах» деган тушунчани англатар экан.

Бизнингча Варзак номининг келиб чиқиши аслида Варзик «Экинзор» атамаси билан боғлиқ бўлса керак. Бу ҳақда таниқли олим Суюн Қораев жумладан қуйидагиларни келтиради:

«Варзик-қишлоқ, Чуст тумани. Варзик экинзор маъносини англатади. Тожикистон республикасининг Уструшона шаҳрида яқинида ҳам Варзик (Варсиқ) деган қишлоқ бор. Чуст туманида бир қишлоқ Варзигон деб аталади. Бу қишлоқ номи асл сўздча икки сўз «вар», гов, кўра «з, зе» сўзларидан таркиб топган, яъни атрофи қўрғонли, гов билан ўралган жой, ёки қўрғонча «сой бўйидаги қўрғон» маъносида ҳам бўлиши мумкин»⁵⁷⁴.

Умуман олганда Варзак номини келиб чиқишида сўзнинг Варз атамаси муҳим аҳамият касб этган. Шу ўринда Варз сўзи ҳақида.

Эроншунос олима В.И.Савина ҳамда топономист олим Э.М.Мурзаевларнинг таъкидлашларича, варз сўзи «баланд, юқори» деган маънони англатган. Н.Г.Маллицкий бўлса, варз атамаси яғноб тилида «қишлоқ» сўзи билан боғлиқ эканлигини айтади⁵⁷⁵.

Шундай экан Варзак қишлоғининг тарихи узоқ ўтмишга мансуб бўлиб, буни Варзакдан топилган темурийлар даврига

⁵⁷³ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁷⁴ Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари...95-б.

⁵⁷⁵ Бу ҳақда қаранг: Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. – М.: «Мысль», 1984.

мансуб тангалар хазинаси ҳам тасдиқлайди. Шу ўринда мазкур тангалар хазинаси тўғрисида қисқача маълумот.

1998 йили Варзак қишлоғи фуқаролар йиғини Кўприкбоши қишлоғилик Исмоилжон Орипов уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкасида ишлаётган пайтида мис тангалар солинган сопол хумга дуч келган. Тангалар сони жами 322 донадан иборат бўлиб, бундай йирик миқдордаги тангалар хазинаси Фарғона водийсида камдан кам топилган эди. Тангаларни ўрганиш учун ўша вақтнинг ўзида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Самарқанд бўлими – Яҳё Ғуломов номли археология институтига жўнатилди. Институтнинг тангашунос олимлари Варзакдан топилган тангалар хазинасини синчклаб ўрганиб чиқиб уларни илмий жиҳатидан ноёблиги ҳақида қуйидаги хулосани бердилар:

«Тангаларнинг барчаси мисдан зарб қилинган. Уларнинг 90 фоизи Бухорода, қолганлари Самарқанд, Термиз, Шохрухияда (Тошкент вилояти) Темурийлар сулоласи вакили Улуғбек томонидан 332 ҳижрий ёки 1428-1429 йиллари зарб қилинган. Яъни, Улуғбек шу йили пул реформаси ўтказган эди. Тарихий маълумотларга кўра, бу танга пуллар 1428 - 1429 йил билан бир неча зарбхоналарда чиқарилган. Кейинроқ фақат Бухородаги зарбхона қолган. Топилган тангаларнинг 50 фоизи устидан қайта зарб қилинган. Қайта зарб қилиш Андижон, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Шохрухия, Хисорда амалга оширилган. Қайта зарб этишни Абу Саид 1451 йили амалга оширган. Абу Саиднинг пул сиёсати керагидан кўпайиб кетган танга пулларни тартибга солишга қаратилган эди. Яъни, эски тангалар хазинага тушгач, устидан қайта муҳр қўйиб сақланган. Шундай белгиси йўқлари қиймати ярим баҳода қўлланилган. Демак, Фарғонадан топилган тангалар хазинаси Темурийлар даври пул сиёсатини ва ўзбек халқи ўтмиши тарихини ўрганишда муҳим манбадир».

Кўприкбоши

Кўприкбоши қишлоғининг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида Тожиали Раҳмонов қуйидагиларни ҳикоя қилади.

«Кўприкбоши маҳалласи Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, у Бештол,

Саллоқ, Ўзбекистон ва Бектўпи маҳаллаларининг ўртасида жойлашган. Маҳалланинг ўрта қисмидан ғарбдан шарққа томон Марғилон – Қоратепа – Шаҳрихон – Хонобод – Ёзёвоннинг катта йўллари кесиб ўтган. Бу йўллардан жуда қадим замонлардан буён савдогарлар ва бошқа йўловчилар қишин-ёзин қатнаб турганлар. Мазкур йўлдан қадим замонларда теурий шаҳодалар жумладан Мирзо Бобур ҳам ўтганлиги ҳақида ҳали-ҳануз ривоятлар мавжуд.

Нақл қилишларича Бобур Мирзо сафар чоғида Кўприкбоши маҳалласи гузарининг ниҳоятда обод сўлим жой эканлигини кўриб бир оз муддатга дам олишга тўхтади. Бу ернинг одамлари ул зотни ниҳоятда иззат-икром билан кутиб оладилар. Кейинчалик Қўқон хони Амир Умархон ҳам Кўприкбошида тўхтаб ўтишни хуш кўрганли тўғрисида ҳам айрим нақллар аҳоли орасида сақланиб қолган. Демак, бу жой хону беклар, азиз-алиёларнинг пойқадамлари теккан жуда табаррук маскан сифатида қадимдан эъзозлаб келинган.

Олис ўтмишда бу йўлдан қатнаган савдогар ва йўловчи одамлар ариқнинг кенг ёйилиб оққан қисмидан сув кечиб ўтишга мажбур бўлганлар. Бу эса эса одамлар учун қатор қийинчиликларни келтириб чиқарган. Маҳаллий аҳоли йўловчиларга қулайликлар яратиш учун азамат қайрағоч ва теракларни кесиб йўлга тўғри қилиб катта, кенг пухта ёғоч кўприк қуришга киришадилар. Кўприк қуриб битказилгандан сўнг йўлнинг жанубий қисмини Кўприкбоши, яъни тепа қисми деб юрита бошлаганлар. Йўлнинг шимолий қисмини «Бел», яъни Варзак қишлоғининг ўрта қисми бўлганлиги учун бу ҳудудни «Бел» маҳалласи дея ном берганлар. Бел маҳалласига туташ бўлган жойда хўжалар хонадони истиқомат қилганликлари учун у ерни «Хўжа тўпи» деб юритганлар.

Ҳозирги кунга келиб Бел ва Хўжа тўпи Кўприкбоши маҳалласига қўшилиб кетган»⁵⁷⁶.

Бектўпи

⁵⁷⁶ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Бектўпи қишлоғининг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида Тожиали Раҳмонов қуйидагиларни ҳикоя қилади.

«Бектўпи маҳалласининг ўрта қисмидан Марғилон–Қўқон–Шаҳрихон катта йўли кесиб ўтган бўлиб, у Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган.

Бектўпи маҳалласи Кўприкбоши, Бештол, Қипчоқариқ маҳаллаларининг ўрта қисмидадир. Қадимги пайтларда Бектўпи маҳалласи ҳам бошқа маҳаллалар сингари инсон қўли билан ўзлаштирилмаган кўриқ ерлардан иборат бўлган.

Қадимда Шаҳрихон–Қўқон ва ундан нарига борувчи савдогарлар карвони бу ҳудуддан тез-тез қатнаб турганлар. Кечқурунлари Марғилоннинг Пир Сиддиқ бувадаги шаҳар дарвозаси⁵⁷⁷ беркитилгач, кеч қолиб кетган одамлар ва савдо карвонлари ён атрофда тонгга қадар турфа қийинчиликлар билан тунни ўтказишга мажбур бўлганлар. Бундай ноқулайликларга барҳам бериш мақсадида Қўқон хони мулозимларидан бўлган Матмусобек шу жойнинг йўл четидаги қулай ерга карвонсарой ва иморатлар қуришга бел боғлайди. Кейинчалик қурилган карвонсаройлар атрофига Матмусобек авлодлари келиб ўрнашадилар. Улар бек авлодларидан бўлганликлари боис маҳалла ҳам «Бектўпи» номни олади»⁵⁷⁸.

Бектўпи маҳалласида Марғилонлик маҳаллий сармоядор Саййид Аҳмадхўжанинг⁵⁷⁹ қариндошларидан бўлган Аҳмадали

⁵⁷⁷ Маълумотларга кўра, XIX асрда Марғилон шаҳрининг 12 та дарвозаси бўлиб, уларнинг номланиши тўғрисидаги маълумотлар ҳам турличадир. Биз бу ўринда А. К. Писарчик ва В. Д. Жуковлар келтирган маълумотларни қиёслаб кўрсатишимиз мумкин. Ваҳоланки, иккала олимлар ҳам Марғилон дарвозалари тўғрисидаги аҳоли орасидаги хотираларини бир вақтда яъни 1938-1939 йилда ёзиб олган эдилар.

Элшунос олима А. К. Писарчик келтирган маълумотларга кўра, Марғилон дарвозалари қуйидагича аталган: 1) Маъоз ибн Жабал; 2) Нодирмат; 3) Тошлоқ; 4) Хотин ариқ; 5) Бахрин; 6) Гулчаман; 7) Машад; 8) Эшон дарвоза; 9) Олтиариқ дарвоза; 10) Сармозор; 11) Суқтепа; 12) Чимён.

Қадимшунос В. Д. Жуков келтирган маълумотларга кўра, Марғилон дарвозалари қуйидагича аталган: 1) Ёрмозор; 2) Ёйилма; 3) Янгиқўрғон; 4) Тошлоқ; 5) Нодирмат; 6) Шаҳрихон; 7) Ёзёвон; 8) Шомирза; 9) Болтақўл; 10) Қўқон; 11) Машат; 12) Сурхтепа.

⁵⁷⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди

⁵⁷⁹ Муҳаммад Азиз Марғилоний «Тарихи Азизий» асарида келтирилган маълумотларга кўра, Мулло Саййид Аҳмадхўжа ҳожи Ғиёсиддинхўжа эшоннинг

эшон яшаб ўтган⁵⁸⁰. Унинг фарзанди Асомиддин мингбоши тўғрисида Мавлон Шукурзода қуйидагиларни баён этади:

«Асомиддин мингбоши Фаргона водийсидаги кўпчилик қўрбошилар орасида катта обрўга эга бўлган Марғилоннинг катта бойларидан. Ўз даврида Ёзёвон мингбошиси бўлган. Мадаминбек ва Шермухаммадбекларнинг яқин дўсти. Гарви (Гарбува)да уларнинг қўлларига қурол тутқазиб қизил босқинчиларга қарши курашга чорлаган. Туркистондаги истиқлолчиларга катта ёрдам берганлиги учун уни қўрбошилар «Эшон ота» деб ҳам чақирар эдилар. Унинг ўғли Ҳолмухаммадхўжа 1920-йили Афғонистонда ҳарбий билим олиб қайтади. Кейин истиқлол ҳаракатида фаол иштирок этади. Эшон ота 1931 йили оиласи билан ватандан чиқиб кетишга мажбур бўлади. 1943 йили тўхмат орқасидан Қобул яқинидаги Дамазанг турмахонасига ташланади ва кўп ўтмай қизилларга тегишли хуфялар томонидан у ерда ўлдирилади»⁵⁸¹.

Айтиш жоизки, ҳозирда Туркияда умргузаронлик қилаётган ватандошимиз, ёзувчи Собир Сайхон ҳам Асомиддин мингбошининг набираси бўлиб, 1931 йили Варзак қишлоғида дуёнга келади. Афсуски, ҳали чилласи чиқмай туриб, чақалоқлик пайтидаёқ тақдирнинг тақозоси кўра, отаси Ҳолмухаммадхўжа билан киндик қони тўкилган заминни тарк этишга мажбур бўлганлар. Собир Сайхон гарчанд туғилган юртидан олисда умргузаронлик қилаётган бўлсада, Варзак қишлоғи номи бирон бир дақиқа бўлса ҳам оғзидан қўймай яшаб келмоқда. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: «Мен Варзакдан – она Ватаним бағридан чиқиб кетганимда ўтиз кунлик чақалоқ эканман. Бу тупроқ мени бир умргузига тортган, соғинтирган, юрагимга армон ўтинларини осмонўпар қалагану, бутун умрим Ватан фироғида ёниб ўтган одам эдим».

Маълумотларга кўра, Собир Сайхоннинг отаси Ҳолмухаммадхўжа ҳам ижодкор инсон бўлиб, «Хокий» тахаллуси

фарзанди бўлиб, Қилич Бурҳониддин авлодидан ҳисоблаган. Бундан чиқди Варзаклик Аҳмадали эшон ҳам мусулмонлар қавми учун «Аҳли байт» деб, улуғлаб келинган Пайғамбар (с.а.в.) авлодларидан бўлиб чиқади.

⁵⁸⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бектўпи маҳалласида яшовчи Аҳмадхон Юнусовдан (1938 йилда туғилган) ёзиб олинди

⁵⁸¹ Мавлон Шукурзода. Америкалик ўзбеклар. Тошкент.: «Vektor-press», 2010. 241-242-б.

билан шеърлар ёзган⁵⁸². Собир Сайхон «Тўлғаной», «Адашганлар», «Силсила», «Эгасини ғажиган ит», «Гуруҳнинг емирилиши», «Тижорат ва ҳалол луқма» каби асарлари орали ўзбек ўқувчиларига яхши таниш бўлган ижодкорлардан ҳисобланади.

Собир Сайхон тўғрисида Мавлон Шукурзода шундай ёзади:

«Собир Сайхон 1931 йили Фарғона водийсида – ҳозирги Тошлоқ туманининг сўлим жойларидан бири машҳур Варзак қишлоғида таваллуд топган. Собир Сайхоннинг отаси Холмуҳаммадхўжа Асомиддинхўжа мингбоши ўғли ўтган асрнинг 20-йилларида қўрбоши Шермуҳаммадбек раҳбарлигида миллий-озодлик ҳаракатида фаол иштирок этганлардан бири. Онаси Биби Улуғ Пошишо қизи, ўқимишли, зиё тарқатувчи отинойи бўлган. Буvasи Асомиддинхўжи мингбоши (Эшон ота) ўз даврида Ёзёвон мингбошиси бўлган. Миллий истиқлол ҳаракати намояндалари Шермуҳаммадбек ва Мадамминбекнинг қўлида қурол тутқазиб, уларни большевикларга қарши урушга даъват қилган одам.

Собир Сайхоннинг буvasи ва отаси oilалари билан бирга 1931 йили Афғонистонга катта қийинчиликлар билан келишга мажбур бўладилар. 1952 йилда бошқа туркистонлик ватандошлар каби уларнинг oilаси Покистон, Ҳиндистон, Эрон ва Сурия орқали Туркияга кўчиб боради. Собир Сайхон аввал Адана шаҳрида ва 1964 йилдан Истанбулда истиқомат қилади. Тижорат билан шуғулланади. Биринчи бор Ўзбекистонга 1972 йили хориждаги ватандошлар билан алоқа ўрнатиш «Ватан» жамиятининг таклифи билан ташриф буюрган. Шундан бери ҳар йили ватанга келиб кетади. Ўзбекистон мустақиллигини катта хурсандчилик билан кутиб олади. Ёши саксонга яқинлашиганига қарамай мустақилликдан сўнг йилда ватанига икки-уч мартадан келади. Собир Сайхон инглиз, турк, форс, ўзбек тилларида эркин сўзлаша олади, крилл имлосини ўрганган.

Собир Сайхоннинг 1996 йили «Чўлпон» нашриётида чоп этилган «Адашганлар» адабий асари ўзбек китобхоналари томонидан яхши кутиб олинган. Кейинчалик унинг асарлари асосида «Ватан ягонадир», «Бир сиқим тупроқ», «Бировнинг қариндоши» каби телевизион фильмлар яратилди. 1995-1996 йили Собир Сайхон сенарийси асосида мамлакатимизда «Силсила» номли тарихий, бадиий фильм суратга

⁵⁸² Ҳайитов Ш., Салмонов А. «Марғионий» номи хусусида Марғилон асрлар силсиласида (Республика илмий-амалий семинари материаллари). Фарғона, 2005. 99-б.

олинди. Собир Сайхон ҳурматли адиб Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» асарини турк тилига ўғирди ва турк китобхоналарига етказди. Собир ака Сайхон тахаллуси била шеърлар ёзади, ушбу шеърлар «Ватан» жамияти томонидан тайёрланган тўпламларга киритилди. Собир Сайхон Ўзбекистон ва хориждаги ватандошларимиз орасида кенг жамоатчиликка маълум ҳурматли инсон»⁵⁸³.

Қулоқ ота мозори

Қулоқ ота мозори Бек тўпи маҳалла қабристониди жойлашган. Бу ерга асосан қулоғи оғриган кишилар зиёратга келади. Мазкур зиёратгоҳда бўлган чоғимиз кўпдан бери шу мозорга қараб келаётган Иброҳимжон Исомиддинов Қулоқ ота мозори хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

«Қулоқ ота уч марта тушимда ўзларини намоён этганлар. Дастлаб бу ерга келиб ўрнашимга рўйхушлик бермагандек бўлди. Аммо менга шундан сўнг вазифалар берди. Бир вақтлар қабристон олдига айвон қурилмоқчи бўлинди. Шунда атроф очиб ташланиб иш бошланиб кетди. Ўша пайтда Қулоқ ота мозорига нисбатан бир оз ҳурматсизлик қилингандек туюлди. Ахир уни халқимиз тезоб деб бежиз айтмаган эдилар. Дарҳақиқат ўша куни ўзида тракторчининг қўлига синган терак шохи кириб кетди. Буни барча Қулоқ ота мозорига ҳурматсизлик қилинганидан бўлса керак деб тушундилар»⁵⁸⁴.

Бештол

Бештол қишлоғининг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида Тожиали Раҳмонов қуйидагиларни ҳикоя қилади.

«Бизнинг маҳалла ҳудуддаги энг кўҳна маҳаллалардан биридир. Маҳалламиз тарихи бир неча юз йилликка бориб тақалади.

⁵⁸³ Мавлон Шукурзода. Америкалик ўзбеклар... 314-315-б.

⁵⁸⁴ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бектўпи маҳалласида яшовчи Иброҳимжон Исомиддиновдан (1952 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Маҳалламиз қадимги Варзак қишлоғининг ўрта қисимда жойлашган. Қадимда Варзак қишлоғи ҳудудида йигирмадан ортиқ маҳаллалар бўлган. Бештол маҳалласи ҳудудига дастлаб кўчманчи чорвадорлар чорва ҳайвонларини ҳайдаб сер ўт ва ёзи салқин, серсув ерларни ахтариб келиб қолишган. Улар маҳалла ҳудудига етиб келишганда бу жойлар улар ахтарган ер эканлигига ишонч ҳосил қилишиб шу ерларга ўрнашиб қолганлар. Улар кўчиб келганларида маҳалламиз ҳудуди кимсасиз, паст-баланд чакалакзор, ўтлоқдан иборат бўлган экан.

Маҳалланинг қуйи жойларидан ер ости сувлари оқиб чиқиб, пастки томон бир-бири билан қўшилиб оқар экан. Шу кимсасиз кенг майдоннинг ўртасидан суви тўла катта ариқ ўтган бўлиб, мазкур ариқ бу ердан Исфайрам сойидан сув олиб Хонободгача бўлган кенг ҳудуддан оқиб ўтган. Бу ерларга келиб ўрнашган дастлабки аҳоли ўз чодирларини ариқ бўйларига тикишиб ўрнашиб қолганлар. Улар ўзлари яшаб турган жойларни текислашиб, тартибга келтиришган. Ариқ қирғоқларини ободонлаштириш ва яшашлари учун қулай бўлишларини кўзда тутиб ариқ бўйларига тол, теракларни эрка бошлаганлар. Ўша вақтларда ариқнинг кенглиги 4-5 метрдан ортиқ бўлиб, йил давомида сув тўлиб оққан.

Сув етарли ва намли тупроқда дарахтларнинг аксарияти яхши кўқарган. Яшаш учун шарт-шароитнинг қулайлиги боис аҳоли сони борган сари ортиб борган. Бироқ чорва учун доимий равишда янги майдонларга эҳтиёж туғилганлиги учун вақтлар ўтиши билан аҳоли бошқа ерларга кўчиб ўтганлар. Натижада бир мунча пайтга қадар яна бу жойлар кимсасиз масканга айланган.

Иттифоқо Қашқардан вазият тақозосига кўра кўчиб келишга мажбур бўлган қашқарликлар ариқ ёқалаб юра-юра ҳозирги Бештол маҳалласи ҳудудига кириб келадилар. Улар бу ерда дастлаб ариқ бўйида барқ уриб ўсиб ётган беш туп азим толни кўришиб, ажойиб манзарадан завқланишар экан янги масканларига «Бештол» деб ном берадилар. Нақл қилишларича, бу ерга Қашқардан келиб ўрнашганлар Офокхожамнинг муридлари бўлишган»⁵⁸⁵. Бештол аҳоли асосан қадимдан кигизчилик билан

⁵⁸⁵ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

шуғулланиб келганлар ва ҳунармандчиликнинг бу тури ҳозир яхши сақланиб қолган.

Ҳозирда баъзан кексалар суҳбатига қулоқ солсангиз, кигизнинг инсон саломатлигига нақадар фойда эканлиги тўғрисидаги сўзларини эшитиб қоласиз. Шундай суҳбатлар чоғида улар кигиз тўшалган хонадонларда аввалари одамлар бод касали билан оғримаганлиги ҳақида кўплаб мисолларни ҳам келтирадилар. Қолаверса, кигиз тўшалган уйга турли хил ҳашарот ва илонлар уйга яқинлашмаслиги ҳақида ҳам кўп сўзлар айтадилар. Шу боис биз Бештол маҳалласида кигизчилик билан асрлар давомида шуғулланиб келаётган ҳунармандлар билан учрашиб кигиз тайёрлаш ҳақидаги айрим маълумотларни ёзиб олдик.

Айтишларича, кигиз сўзининг маъноси қўй жунини бир-бирига кириштиришдан ҳосил бўлган экан. Кигиз атамасини келиб чиқиши борасида тилшунос олим Баҳром Бафоев «Кўҳна сўзлар тарихи» асарида жумладан қуйидагиларни келтиради:

«Бу сўз умумтуркий бўлиб, ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигида истеъмолдаги тил бирлигидир. Ўрхун-Енисей ёзма манбаларида *ki(d)iz* (Малов, 1961, 394), Маҳмуд Қошғарий луғатида *kiziz* – кигиз, наMAT; *kiwiz* уйга, ерга солинадиган кенг ва элли палос (МК., I, 347), *кэча*– наMAT (Ўғуз) (МК., 238); *kijiz* – наMAT (МК., I, 466), кувуз – юнган тўқилган палос, гилам, шолча (МК., III, 178); «Қипчоқ тили луғати»да *кујуз* – кийиз (Муталибов, 1968, 233), Алишер Навоий асарларида *киз*, *кийз*, *кийиз* каби вариантларда учрайди...

Сўзнинг этимони, морфологик состави ҳақидаги қайдларни учратмадик. Ҳозирги туркий тилларда: қирғиз тилида *кийиз*, туркман тилида *кече*, қозоқ тилида *кииз-кигиз*, қорақалмоқ тилида *кийиз*, озаржайбон тилида *кеч*, уйғур тилида *киргиз*, унинг лаҳжаларида *кигиз* (Малов, 1961. 130), ўзбек тилида *кигиз*, бошқирд тилида *кейез*, татар тилида *киез*, олтой тилида *кийис*, ойрот тилида *киис*... сингари турли вариантдаги кўринишлари бор...Сўз тарихан ясама бўлган. Унинг асоси ҳозирги ўзбек ва бошқа туркий тиллардаги *кийим*, *киймоқ* сўзлари билан бирдир...Тадқиқ этилаётган *киз-кийз-кийиз* сўзлари маъносида ҳам яширмоқ, бекитмоқ маъноси ётади. Бу яширмоқ, бекитмоқ маъноси *кизни* тайёрлаш жараёни билан боғлиқдир»⁵⁸⁶.

⁵⁸⁶ Бафоев. Б. Кўҳна сўзлар тарихи. – Т.: «Фан», 1991. 121-121-б.

Тилшунос олим Б.Бафоев таъкидлаганидек кигиз сўзи уни тайёрлаш жараёни билан боғлиқ экан, ўқувчиларимиз тасаввур қилишлари учун биз қуйида ўша жараён ҳақида қисқача маълумот келтириб ўтмоқчимиз.

Кигиз тайёрлаш бир неча босқичдан иборат бўлиб, булар қуйидагилардан иборат:

1. Иралаш – иралаш деб кигизчиларда қўй жунини оқ, сариқ, қора рангларга ажратиш тушунилади. Кигизчи хунармандларнинг сўзларига қараганда қўзи жунини ва катта қўйлар жунларига қараб майин жун, йирик, аралаш сингари турларга ажратилади. Ёзи билан турган қўй жунини «кунтак» деб аталиб, сифатли кигизлар айнан ана ўшандай кунтакдан тайёрланган. Чунки жун ёз бўйи офтобнинг тафтни олиб, ўзида иссилик жамлаган.

2. Савалаш – бу жараёнда беҳи новдасидан тайёрланган савақчўп билан жун савалган. Чунки саваш жараёнида жун майинлашган ҳолатга келган.

3. Дўконда отиш – бу жараёнда савалган жун тол ёғочдан қилинган ёғочга, яъни дўконга ёнғоқ ҳамда ўрик ёғочидан қилинган тўқмоқда қўй ичаги тортилган зангга жун майин бўлиши урилган. Бу ҳолатда зангга илашиб турган жун қаттиқ зарба остида отилиб чиқиб худди қор парчалари сингари учиб туша бошланган.

4. Ранглаш – отилган жун қизил, кўк, сариқ рангларга бўялган.

5. Қуйиш – кигиз тайёрловчи ускунага дастлаб кигизнинг гули териб чиқилган (гуллар кигизгиз тайёрловчларнинг хохишларига қараб турли туман бўлиши мумкин).

Отилган жун юпқа қилиб қамишдан қилинган қий устига, яъни бардонга қўйилган аниқроғи ёйиб чиқилган.

Гул шаклини ўзи етти қават қилиниб тахланган ва қирқилган. Гуллар шаклига қараб «Андижон гули», «Қўчқорак гули» деб аталган. Андижон гули деб аталишининг боиси бу шакли андижонлик кигизчилардан ўзлаштирилганлиги учун шу номни олган. Қўчқорак гули қадимий нақшлардан бўлиб, қўчқор шохи шаклида тасвирланган. Бундан чиқди қўчқор шохини хунармандчилик буюмларида тасвирлаш аънанаси кигизчилик орасида ҳозирга қадар сақланиб қолган. Шу ўринда мазкур «Қўчқорак» нақши хусусида. Бинобарин, элшунос олима О. А. Сухарева (1903-1983) кашталардаги қўчқор шохига ўхшаш нақшлар хусусида, жумладан шундай фикрларни билдирган эди:

«Нақшларда асосан қўчқорнинг битта белгиси унинг шохи ифодаланган. Бундай нақшлар Марказий Осиёнинг маҳаллий ўтроқ ва кўчманчи халқларида «қўчқорак», Фаргона водийсида яшовчи қирғизларда «қайкалак», Нуротанинг ўзбек туркманларида «мўйиз», туркманларда «чоч бўйиз» деб аталган. Бу нақш икки спиралнинг қайрилган кўринишидан иборат бўлиб, нақш композициясининг марказий қисмига туширилган. Кўй шохи нақши ҳам қўйни ардоқлашдан келиб чиққан ҳолда ишланганлигига шак-шубҳа йўқ. Демак, ёш келин-куёвларнинг уйига қўчқор шохи нақши туширилган сўзана ва рўйиждоғлар бежиз илинмаган. Уларни илишдан мақсад келин-куёв уйини безатиш эмас, аслида ёшларни турли инс-жинслардан асраш мақсадида амалга оширилган»⁵⁸⁷.

Айтиш жоизки ҳозирги вақтга келиб нақшлар тури кўпайган. Бунга «Тонг», «Совға», «Юддузча» сингари турлари номини келтириб ўтиш мумкин.

6. Юзлик – бу жараёнда худди кўрпанинг авра қисми сингари қора жун қуйилади, яъни ёйилади. Бунда кигизнинг гули устига кигизчининг хоҳишига қараб, кигизнинг олди томини тўшаб чиқилади. Бу иш дарахт новдасидан қилинган ёйиқ асбобда амалга оширилади.

7. Ора – бунда кўрпанинг аврасига пахта солиганидек кигизнинг ора қисмига турли рангсиз жунлар тўшаб чиқилади.

8. Тескари – бу жараёнда худди кўрпанинг астаридек кигизнинг орқа томонига сифатли жун тўшаб чиқилади.

9. Тепиш – бу жараёнда кигиз учун тўшалган жун устига 10 литр қайноқ сув бир хилда сепиб чиқилади. Шундан сўнг кигиз учун тўшалган жунни қий билан биргаликда маҳкам ҳолатда ўралади. Бундан кейин ўралган кигиз арқон пухта қилиб боғланади. Сўнгра камида тўрт нафар одам ўралган кигиз маҳсулотини ярим соат давомида думалатиб тепадилар.

Шундан сўнг ўралган кигиз ечилиб, кигизнинг ҳолати алмаштиралади, яъни қуйи қисми тепага олинади. Бу жараёнда ҳам камида кигиз устига 5 литр қайноқ сув сепилиб, яна ўралиб маҳкам боғланади. Ҳали таёр бўлмаган кигиз яна тўрт нафар одам томонидан думалатиб тепилади. Айтиш жоизки, кигиз

⁵⁸⁷ Сухарева О. А Орнамент декоративных вышивок Самарканда и его связь с народными представлениями и верованиями (втория половина XIX – начало XX.) // СЭ. – М.: «Наука», 1983. №6. С.78.

тайёрланадиган устахона майдони камида 4x6 метр бўлмоғи керак. Чунки кигизни қуйиш, ўраш, тепиш учун кенг ва текис майдон бўлиши керак.

10. Билаклаш – кигиз қайтадан ўралиб билак билан думалатиб чиқилади. Бу жараёнда икки киши амалга оширади. Билаклашдан мақсад кигизнинг сифати яхшиланади ва чекка қисмлари текисланади.

11. Қуритиш – бу жараёнда тайёр бўлган нам кигиз қуёш нурида қуритилади. Шундан сўнг яхши қуритилган кигиз ерга ёзилиб устки қисми ва остки қисми тозалаб чиқилади ва бу таёр бўлган кигизни тахлаб омборхонага қўйилган. Кигиз шу тарзда тайёр ҳолатга келган⁵⁸⁸.

Бизга кигизчилик тўғрисида сўзлаб берган Абдулҳамид аканинг айтишича, уларнинг аجدодлари аслида қашғарлик бўлиб, улар ўша ерда кигизчилик билан шуғулланганлар. Фарғона водийсига кўчиб келишганидан сўнг кигизчиликни шу ерда ҳам давом эттирганлар. Ҳозирда Абдулҳамид ака кигизчилар сулоласининг олтинчи авлоди ҳисобланади ва уларнинг насаби қуйидагича:

Шерали охун
↓
Турди охун
↓
Уста Қодир⁵⁸⁹
↓
Холматжон
↓
Абдуқаюм
↓
Абдулҳамид

Абдулҳамид аканинг сўзларига қараганда кигизчиларнинг пири Шоҳизинда азизлар саналган.

⁵⁸⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Абдулҳамид Холматовдан (1953 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁸⁹ Уста Қодирнинг Холматжон, Қурбонали, Азимжон исми уч ўғли бўлган.

Айтиб ўтиш жоизки, Бештол маҳалласида Бештолтепа деб аталувчи тепалик ҳамда Жийдамозор номли зиёратгоҳлар ҳам мавжуд.

Бештолтепа

Бештолтепа маҳалла қабристонни ҳудудида жойлашган. Ушбу тепаликни ҳам Тошлоқдаги бошқа тепаликлар сингари хабар берувчи тепаликлардан эканлигини айтадилар. Тепалик майдони тахминан 0,60 гектарни ташкил этади. Биз мазкур тепаликни кўздан кечириб сопол парчаларига дуч келмадик. Тўғрироғи, кеч тушиб қолаётганлиги сабабли Бештолтепани тез тарк этишга тўғри келди. Ўйлаймизки, келгусидаги тадқиқотлар натижасида бу тепалик тўғрисида аниқ маълумотларни олиш мумкин бўлади.

Жийдамозор зиёратгоҳи

Бештол маҳалласида жойлашган Жийдамозор зиёратгоҳида ҳозирда жийда бўлмай, фақат бир туп ёнғоқ сақланиб қолган, холос. Шундай бўлсада, бу ерга маҳалла аёллари тез-тез зиёрат қилгани келиб турадилар. Зиёратгоҳнинг ҳар доим супуриб-сидирилганлиги бунга яққол мисол бўлади.

Саллох

Саллох (Саллоқ) қишлоғининг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида Тожиали Раҳмонов қуйидагиларни ҳикоя қилади.

«Саллоқ маҳалласи Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, у Кўприкбоши, Бештол маҳаллалари ва Ахшак қишлоқ фуқаролар йиғининг Шакар (Бўзалар) маҳалласи ҳамда Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғинининг Тегирмонбоши маҳалласининг ўрта қисмидаги анча кенг майдонни ишғол қилади. Шимолда Марғилон–Қоратепа–Шаҳрихон катта йўлига чиқади.

Ўтмишда Саллоқ маҳалласининг майдони Варзакдаги турли катта-кичикликдаги ер майдонларидан иборат кимсасиз ҳудуд бўлиб унда бир неча кўллар ҳам мавжуд. Шунинг учун қадимги даврларда бу ерларда турли ёввойи ҳайвонлар, қушлар ва кўлларда

балиқлар мўл бўлганлигидан ов ишқибозлари учун қулай маконлардан бири сифатида хизмат қилган.

Маҳалланинг ўрта қисми нисбатан баланд бўлиб, каттагина майдонни ўз ичига олган эди. Теварак-атрофдан келган овчилар бу ҳудудга келишиб ов қилишар, ўлжаларини қўлга туширганларидан сўнг қайтиш чоғида балиқларга тўр, ёввойи ҳайвонларга қопқон, қушларга бўлса қўйилган тузоқларни пухта бўлишлари учун ерга қозик қоқишиб бир учун унга боғлаб қўйишган. Қозик учун сув бўйларига қоқилган янги кесилган дарахт шохлари вақт ўтиши билан ўз-ўзидан кўкариб азим дарахтларга айланган. Ҳозирги кунда маҳалланинг ўрта қисмида йўлнинг чеккасидаги улкан кўҳна тут дарахти ўша воқеаларнинг шоҳиди десак янглишмаймиз.

Айтишларича, ов ўлжаларини бўғизлаган, яъни сўйган кишини одамлар саллоқ деб аташган. Ўша улкан тут дарахтини саллоқлик билан машғул бўлган киши ўтқазганлиги учун бу ерни Саллоқ дея атаганликлари хусусида ривоятлар мавжуд.

Нақл қилишларича, Саллоқ маҳалласи ҳудудига биринчилардан бўлиб, Эгамберди ва Хўжамберди исми арабгузарлик ака-ука овчилар ўрнашган эканлар»⁵⁹⁰.

Айтиш жоизки, Тожиали Раҳмоновнинг Саллох номининг келиб чиқиши борасидаги келтирган фикрлари ўз навбатида айрим тўлдиришларни талаб этади. Чунки Саллох атамаси бўйича Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қуйидаги изоҳ келтирилади:

«Саллох [арабча сўз]

1. Қушхонада мол сўювчи мутахассис; қассоб.
2. Кўчма маънода каллакесар, хунрез»⁵⁹¹.

Бизнингча мазкур маҳалла аҳли орасида саллохлик яъни қассоблик касби билан шуғулланганлар мавжуд бўлганлиги боис ёхуд маҳалла ҳудудида қадимда қушхона жойлашганлигидан шу номни олган бўлса керак.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Саллох қишлоғи Марғилон уездининг Ёзёвон волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 156 нафар аҳоли истиқомат қилган⁵⁹²

⁵⁹⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁹¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томли. II. – М.: «Рус тили» нашриёти, 1981. 14-б.

⁵⁹² Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 97.

Қипчоқ ариқ

Қипчоқ ариқ қишлоғининг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида Тожиали Раҳмонов қуйидагиларни ҳикоя қилади.

«Қипчоқ ариқ маҳалласи Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, у Бектўпи, Кўприқбоши, Чек, Бўстон маҳаллалари ва Қўштепа туманининг Шоҳмирза ва Қўқонлик қишлоқлари билан ҳам чегарадош.

Қадимда Қипчоқариқ маҳалласи ҳам ён-атрофидаги бошқа маҳаллалар сингари даслаб ўзлаштирилмаган ерлардан ибрат бўлиб халқ орасида «Лўли қўриқ» номини олган. Айтишларича, бу қўриқ ерда ёз ойларида лўлилар оиласи ҳар ерга ўз чодирларини тикиб яшаганликлари учун шундай ном билан аталган экан.

Лўли қўриқ ерининг ғарбий қисмида Марғилон-Ёзёвон-Наманган йўли ўтган. Ўз даврида бу йўл анча серқатнов бўлиб, йўлнинг четида гузар, карвонсарой ва чойхоналар ҳам фаолият кўрсатган. Йўловчилар шу ерда дам олишиб, эрта тонгдан яна йўлларида давом этганлар.

Маҳалланинг шимолий қисмида ўз даврида обод ва гавжум маҳалла бўлган. Бу маҳалла нисбатан чеккада жойлашганлиги учун «Ит улиди» номини олган. Бунинг сабаби қуйидагича.

Айтишларича, шу маҳаллада яшаб ўтган нуфузли инсонлардан бири Эралибойнинг отаси Шералибой маҳалланинг энг чекка қисми, яъни Шоҳмирза қишлоғига туташ ерлари бўлган экан. Ана ўша ерларда Шералибойнинг чорикорлари ишлаганлар. Кунларнинг бирида Шералибой хотини Ашурбиби момога қараб шиддат билан:

– Эй онаси! Кун алламаҳал бўлиб қолибди-ку. Дехқонларга таомларни тезроқ олиб боринглар. Улар яна оч қолмасинлар. Шунча овқат увол бўладия, – дебди.

Шунда Ашурбиби момо эри Шералибойга норози ҳолда:

– Э ўша ит улиган ерга бориб келавериб чарчадим – деб эътироз билдирибди. Шу тариқа бу ҳудуд «Ит улиди» (Ит ўлди) деб номланган экан.

Кейинчалик Қипчоқ ариқ маҳалласининг пайдо бўлиши ва ундаги яшаш учун табиий шарт-шаротларнинг қулайлиги Ит

улиди маҳалласидагиларни янги маҳалла ерларига кўчиб бориб ўрнашларини тақозо этган. Айниқса, сизот сувларни қочириш учун катта зовурни қазилиши ҳам Ит улиди маҳалласини батамом йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлган.

Маълумотларга кўра илгариги пайтларда Қипчоқариқ маҳалласининг ерлари Қўқонлик ариғидан сув ичган. Вақт ўтиши билан Қўқонлик ариғидан келадиган сув Қипчоқариқ аҳолиси эҳтиёжини таъминлай олмай қўяди. Шунинг маҳаллага ариқ кавлаб кўпроқ сув келтириш зарур бўлиб қолган. Ўша пайтларда бу ҳудудга Қашқардан кўчиб келган аҳоли, қипчоқ уруғларига мансуб оилалар келиб ўрнаша бошлаган эдилар. Натижада экин майдонлари кенгайиб, қўриқ ерлар ўзлаштирилган. Бу ўз навбатида борган сари янада кўпроқ сувга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарган. Натижада маҳаллий аҳоли Варзак ариғидан сув келтириш учун янги ариқ қазилган қарор қилганлар. Ариқ қазилган ишларига асли ўз қипчоқ «Модогов» лақаби билан машҳур бўлган шахс бошчилик қилади. Шу тариқа ариқ қазилган ишларига қипчоқлар бошчилик қилганлари учун ариқ ва жой номи ҳам «Қипчоқариқ» номи билан юритила бошланган.

Янги қазилган Қипчоқ ариғи нафақат Қипчоқ ариқ аҳолисини балки Бектўпи маҳалласини ҳам эҳтиёжини қондира олган»⁵⁹³.

Айтишларича, қипчоқларнинг бу ерларга келиб ўрнашишлари Қўқон хонлигида юз берган қипчоқ уруши даврида юз берган. Шу сабабдан қисқача бўлсада, ўша воқеалар хусусида тўхталиб ўтсак. Тарихдан маълумки Худоёрхоннинг дастлабки ҳукмдорлик даврида (1845-1852) ҳокимят унинг қайинотаси қипчоқ бош вазир Мусулмонқулнинг қўлида бўлган. Бу ҳақда Қўқонлик маърифатпарвар, олим Ашурали Зоҳирий (1885-1938) ўзининг «Худоёрхон» мақоласида қуйидагиларни келтириб ўтади:

«Воқеан Шералихон тахтга ўлтургон кундан бошлаб ҳижрийнинг 1273 йилларигача яқин 15 йил орасида Фаргона ҳукумати тамом қипчоқлар қўлида бўлуб келган. Ҳар шаҳарнинг волий ва ҳокимлари қипчоқдан бўлгон. Чунончи, Нормухаммад додхоҳ, Жумабой додхоҳ, Мирзот додхоҳ, Ҳолмухаммад додхоҳ, Ўтанбой парвоначи ва шунга ўхшаш кишилар Тошкент, Наманган, Андижон, Шаҳрихон ва Марғилон

⁵⁹³ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

сингари ҳар бири бир неча юз қишлоқли шаҳарларни сўраб шундоқ жабр ва жафо кўрсатган эдиларким, озгина баҳона билан қанча кишиларни қўйдек сўйуб юборар эдилар. Ўша даврни «Қипчоқ замони» дер эдилар»⁵⁹⁴.

Таъкид жоизки, Худоёрхоннинг қипчоқларга қарши курашига бағишлаб ўз даврида қатор «Жангномаи Худоёрхон», «Зафарномаи Худоёрхон» сингари асарлар ҳам битилган. Масалан, Шавқий тахаллуси билан ижод қилган Мулла Шавқий (XIX аср) ўзининг «Жангномаи Худоёрхон» асарида қипчоқларнинг зулми хусусида таърифлар келтиради. Унинг асаридан баъзи бир наъмуналари таниқли олим Рашид Набиевнинг (1912-1985) «Қўқон хонлиги тарихидан» асарида келтириб ўтилган. Қуйида ана шу асардаги айрим мисраларни ўқувчилар эътиборига ҳавола қиламиз:

Оқсоқол маҳалла, хоҳ арбоб,
Ушлаб ўлдирдилар қилиб хароб.

Бўлдилар аждарҳои одамиранг,
Солдилар хон ҳукуматиға чанг.

Масжид мадраса, мазор ўлса,
Гар булар вақф барқарор ўлса.

Тавлиятликларин⁵⁹⁵ олиб ул ҳол,
Вақфини қилур эдилар лол.

Кимни боғида бош кўтарса терак,
Дер эди кес йиқит бу бизга керак.

Элга минг жафони эттилар,
Сувни деҳқон элига соттилар.

Халқ саҳрода қилса гашткор,
Анга ҳам еткурур эди озор⁵⁹⁶.

⁵⁹⁴ Ашурали Зоҳирий. Худоёрхон // Адабиёт парчалари. – Т.: «Ўзбекистон давлат нашриёти», 1926. 180-182 б. Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи. КП № 1256. РУ – 103.

⁵⁹⁵ Тавлият – вақф ерларни бошқариш, мутаваллилик.

⁵⁹⁶ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства... С. 285.

Ушбу мисралардан маълум бўладики, қипчоқ амалдорларининг хонлик ҳудудида бедодликлари борган сари ортиб борган. Бу эса ўз навбатида охир-оқибат Худоёрхоннинг қипчоқларга нисбатан чоралар кўришга мажбур этган. Натижада 1852 йили Қўқон хонлигида қипчоқларга қарши кураш бошланган. Жумладан, Марғилон ва унинг атрофларида қипчоқлар билан боғлиқ юз берган бу мудҳиш воқеалар тўғрисида Ашурали Зоҳирий қуйидагиларни баён этади:

«Қипчоқ урди-сурдисига аралашиб юрган бир киши кўрганларини мана мундоқ ҳикоя қилади:

Биз Марғилонда эдик. Пешин вақт. Масжиднинг саҳнида бир неча киши салқинлаб ўлтуриб эдик. Масжиднинг суфийси кўчада баланд овоз билан: «Ҳой мусулмонлар! Қипчоқларни қира беринглар, ўлдира беринглар!», деб қайта-қайта қичқириб келар эди.

Ҳаммамиз югуриб чиқиб:

– Эй, сизга нима бўлди сўфи? Девона бўлдингизми? Бу гапларингизни одамлар эшитиб, ҳокимга етказсалар нима қиласиз? дедик.

Сўфи бизга қараб:

– Эй сизнинг ўзингизга нима бўлди? Шу чоққача ҳеч гапдан хабарингиз йўқми? деди.

Сўнгра биз:

– Ҳа, нима гап? Қани айтиб берингчи! деганимизда у битта-битта гапирмакка бошлади.

– Қўқонда катта ҳодисалар рўй берибдир. Қипчоқларни қириш ва ўлдириш бошланибдур. Шаҳардаги қипчоқларнинг ҳаммасини шаҳардан ҳайдабдурлар. Фалон оқсоқолга хондан чопар билан хат келди. Фуқаро фармончини ўлдиргани олиб кетдилар!

Ҳаммамиз югуриб бордик. Ҳокимни кўрдик. Ноибни ва ёрдамчиларини ушлаб олибдирлар. Бирини кўзин ўйиб олиб, бирини хомага ўтқазиб, баъзиларини қўл-оёғини кесиб, баъзи бирларини бурнидан ип ўтқазиб олганлар. Шу ваҳшат билан бечораларни кўчамакўча еталаб юриб: «Ҳой золим, фалончи нима ёмонлиқ қилиб эдиким, ўлдирдинг? Фалончи нима гуноҳ қилиб эдиким, терисини сидирдинг? Болаларини етим қолдирдинг? деган сўзлар билан аччиғ-аччиғ таъна

қилдилар. Ана шу хил таъналар ва минг турли газаблар билан охирда ҳаммасини ўлдиртириб юбордилар»⁵⁹⁷.

Махсим ота зиёратгоҳи

Қипчоқариқ маҳалласида Махсим ота зиёратгоҳи жойлашган. Маълумотларга кўра Мулла Ҳасанбой ота, яъни Катта Махсим ота XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган⁵⁹⁸. Ул зот XIX асрнинг охирида Варзакнинг Ит улиди (Ит ўлди) маҳалласининг ғарбий қисмидаги марғилонлик Мулла Шамсуддин қорига қарашли теракзорнинг жанубий томонидаги кўриқ ерга келиб ўрнашган. Махсим ота бу қаровсиз, ташландиқ ерларни текислаб, тартибга келтиради. Кундан кунга у ишлов берган ер майдони кенгайиб боради. Сўнгра шу ер майдонининг ўрта қисмига каттагина ҳовуз қазिशга киришадилар. Ҳовуз қазиб бўлинганидан сўнг ўн метр чамаси ундан юқорироқда катта сув булоқ бўлиб отилиб чиқади ва тўғри оқиб ҳовузга туша бошлайди. Бу сув туфайли атрофда экинзорлар ва боғлар барпо қилинган. Шундан сўнг Махсим ота ҳовуз бўйида бир неча супалар бино этган. Орадан бир оз вақт ўтиб Махсим ота Ит улиди маҳалласининг ғарбий қисмидаги яна бир ташландиқ ерга ишлов бериб шу жойда ўзига бир хужра қуради. Бу ерда Махсим ота хузурига зиёратга келувчилар сони ортиб боради. Натижада бу ерда Махсим ота ҳашар йўли билан хонақоҳ ва масжид барпо қилади. Хонақоҳ саҳнида катта дошқозонлар ўрнатилиб, зиёратчилар олиб келган махсулотлардан ҳар куни шулон тайёрланиб бева-бечоралар, етим-есирларга тарқатилган⁵⁹⁹.

Қобилжон Худойбердиевнинг айтишича, Махсим ота эътиқодда мустақкам диёнатли зот бўлиб, қаҳратон қиш чилласида ҳам музни ёриб ғусл қилар экан.

Айрим оғзаки маълумотларга кўра, Махсим ота 1933 йилли боқий дунёдан ўтади ва ул зотни ўзларининг хужраларига дафн

⁵⁹⁷ Ашурали Зоҳирий. Худоёрхон...180-б.

⁵⁹⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қипчоқариқ маҳалласида яшовчи Турсунали Эршаевдан (1925 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁵⁹⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қипчоқариқ маҳалласида яшовчи Раҳматжон Турсуновдан (1939 йилда туғилган) ёзиб олинди.

этадилар. Тез орада унинг қабри зиёратгоҳга айланиб зиёратчилар сони тобора ошиб оради. Махсим ота уйланмай ўтганлиги учун ундан фарзандлар қолмаган. Махсим ота вафотидан сўнг ул зотнинг ишларини муриди Абдуллажон ота давом эттира бошлайди. Ул зот аҳоли орасида Кичкина Махсим номи билан номи билан машҳур бўлган.

1939 йили Кичик Махсим ота шўро ҳукуматининг вакиллари томонидан қамоққа олинад ва бир муддат ҳибсда ушланиб сўнг озод этилган. Шундан сўнг у Тошлоқнинг Қўрғонча қишлоғидаги Пиёзчилик маҳалласида яшай бошлайди. Бироқ бу ерда ҳам Кичик Махсим отага мустабид тузум ҳукуматининг одамлари сира тинчлик бермайдилар. Натижада тез орада яна қайта қамоққа олинад ва шу кетганича дом-дараксиз ғойиб бўлган.

Бундай нохушликлардан сўнг Махсим ота зиёратгоҳи қаровсиз ҳолатга тушиб қолади. У ердаги масжид бузилиб ўрнида шийпон қурилади. Айтишларича, Махсим ота ҳаётлик вақтидаёқ ўзи яшаётган қишлоқдаги масжидни фирқа аъзолари бузмоқчи бўладилар. Аммо Махсим ота унга қарши бўлган. Аммо Махсим отанинг норозилигига қарамй бир гуруҳ нопок кимсалар масжидни бузишга киришганлар. Кўп ўтмай биринчи бўлиб масжид бузилишига қўл кўтарган одам бедаво касалга чалинган қолганлари эса бевақт оламдан ўтганлар.

Айтиб ўтиш жоизки, собиқ советлар даврида жамият ижтимоий–сиёсий ҳаётида рўй берган ҳолатлар халқимизнинг муқаддас мазорлардаги анъанавий урф–одатларига нисбатан атеистик қарашлар туфайли асрлар мобайнида шакланган миллий қадриятларга салбий қарашларга олиб келди. Айниқса, собиқ советлар даврида олиб борилган атеистик сиёсат ва коммунистик мафкура туфайли муқаддас мазорлар оёқ–ости қилиниб, уларнинг айримлари бузиб ташланишига сабаб бўлган. Айнан бу даврда кишиларни мазорларига зиёрат учун боришлари эскилик сарқити ва хурофот деб кескин қораланди. Бу эса мазорлар ва зиёрат маданиятига жиддий таъсир қилган. Буни айнан Махсим ота зиёратгоҳи мисолида ҳам кўриш мумкин. Қолаверса, собиқ совет мафкурасида диний аҳамият касб этувчи муқаддас мазорларга нисбатан кескин салбий қарашларнинг мавжудлиги аҳоли ўртасида атеистик қарашларни сунъий равишда кучайтиришга олиб келди. Бу даврларда мазорларни аҳоли онгига

салбий таъсири ва унинг оқибатлари тўғрисида бир қатор китоблар ҳам чоп этилди.

Фақатгина юртимиз мустақиллика эришгандан кейингина Махсим ота зиёрати юртимиздаги бошқа муқаддас жойлар сингари яна қайта обод бўлди. Ҳозирги кунга қадар аҳоли орасида Махсим ота тўғрисида турли ҳикоятлар сақланиб қолган.

Айтишларича, қипчоқариқлик Мамажон бува Махсим отани хизматларини сидқидилдан адо қилганлиги учун Махсим ота меҳрини қозонишга муяссар бўлиб «Мамажон авлиё» номини олган экан.

Махсим ота Мамажон буванинг хонадонларига тез-тез ташриф буюриб аламаҳалгача китобхонлик қилар эканлар. Шундай ташрифларининг бири айни рўза вақтига тўғри келибди. Ул зот уй Мамажон бувани чақириб «Авлиё! Агар малол келмаса сув иситиб берсангиз. Эртага жума. Гусл ғилиб олар эдим», дебди. Мамажон бува Махсим отани айтганларини бажариш учун катта қозонда сув иситибдилар. Шошганларидан сув илиганлигини билиш учун сувга қўлларини тиқибдилар. Бу ишдан уялиб кетиб ўз-ўзига «Яхшиямки Махсим ота бу ерда эмас» деб қўйибди. Бироқ шу вақт Махсим отани «Авлиё бу ёққа келинг» деган овозини эшитибди. Уй олдига етиб келиши билан ичкаридан Махсим ота «Авлиё нима қилганингиз. Сув энди макруҳ бўлди. Бошқа сув иситиб беринг» дебди. Ўшанда Махсим отани кўрмасдан туриб бу ишдан хабар топганлиги Мамажон бувани ҳайратда қолдирибди ва ўша заҳоти сунни тўкиб ташлаб янги су иситишга киришган экан.

Нақл қилишларича, миришкор дехқон Мамажон бува ҳар йили ерининг бир бўлак қисмига қовун экиб, мўл ҳосил етиштирар экан. Пишган қовуннинг авал биринчисини Махсим отага олиб бориб ундан фотиҳа олгач сўнгра қовун узишга киришар экан. Бир йили номаълум сабаблар билан Махсим ота ҳузурига бора олмабди. Бу орада қовунлар пишиб етилиб уларни бозорга олиб бориб сотиш билан овора бўлиб қолибди. Полизда қолиб кетган хазанак қовунларни кўни-қўшниларга улашиб берибди. Сўнгра қовунзордаги ўтларни есин деб молларини арқонлатиб қўйларини қўйиб юборибди.

Иттифоқо кунларнинг бирида Махсим ота Мамажон авлиёнинг хонадонига ташриф буюрибди. Мамажон бува ул зотни келганлигидан бениҳоят шод бўлиб, меҳмонхонага бошлаб кириб

қўни-қўшниларни ҳам хабардор қилибди. Шу тариқа меҳмонхона меҳмонлар билан тўлиб дастурхон устида ширин суҳбат бошланибди. Бир пайт Махсим ота мезбонга юзланиб «Авлиё бизга аталган қовунни узиб чиқинг», дебдилар. Мамажон бува Махсим отани раъйини қайтармаслик учун қилган ишидан минг пушаймонлик билан полиз томонга йўл олибди. Қовунзорга келиб яхшилик қарасалар қалин ўтлар орасида катта бир босволди қовун пишиб ётган эмиш. Қовунни узиб олиб келар экан кўзларидаги ёш билан Махсим отанинг авлиёлик хислатига яна бир тан берган экан.

Шу ўринда таъкид жоизки, Фарғона вилоятида жумладан Тошлоқ туманидаги ҳар бир зиёратгоҳ ўзида қадимги ривоят ва афсоналарни мужассам этган бўлиб, улар зиёратчиларнинг диний ҳисиятларини уйғотишда ва шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шу боис зиёратчиларнинг руҳияти ва шахсий кечинмаларини мазорлар билан боғлиқ қарашларда яққол намоён бўлади. Маълумки, муқаддас мазорларнинг машҳурлиги унга дафн этилган авлиёларнинг кароматлари билан белгиланади. Агар авлиёлар ҳаёти мобайида кўплаб кароматлар кўрсатган бўлса демак унинг қабри ҳам шу қадар серфайз бўлади деб қаралган. Хусусан, Махсим ота мазори ва у номи билан боғлиқ жойлар тўғрисида ҳам шу сингари қарашлар мавжуд бўлиб, бунга қатор мисолларни келтириш мумкин.

Айтишларича, Махсим ота мазорига бадният одам келса қандайдир шикаст топар экан. Бу ҳақда узок йиллар туманда раҳбарлик лавозимларда ишлаб келган Мадаминжон ота Эргашев қуйидагиларни сўзлаб берган:

«Урушдан сўнг 50-йилларнинг бошига келиб экинлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида майда бўлакли ерларни бирлаштириб, катта ер майдонларига айлантириш ишлари жадаллик билан олиб борилаётган кезлар эди. Худди шундай кунларнинг бирида жамоа хўжалигимизга ўша вақтдаги туман раҳбари келиб, ишларимиздан яқиндан танишиб чиқмоқчи бўлди. Биз автоуловга ўтириб Бештол, Саллох, Бектўпи маҳаллаларидаги ишлар билан танишиб чиқдик. Қипчоқ ариқ маҳалласига ўтиб Ит улиди ҳудудидаги хароб бўлиб қолган Махсим ота мазорига келганларида туман раҳбари машинани тўхтатишни буюрди. Барчамиз машинадан тушдик. Шунда раҳбар менга юзланиб норозилик оҳангида:

– Ўртоқ Эргашев. Бу қандай ҳолат. Ана қаранг! Анчагина ер фойдаланмасдан ётибди. Зудлик бу жойни текислаб экин ерига қўшиб юборинглар. Мен эртага келиб яна сизлардан хабар оламан, – деб буйруқ бердилар. Шунда мен унга ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлиб «Бу валий зот Махсим ота мазорининг ўрни. Шунинг учун бу жойга асло тегиб бўлмайди», дедим. Аммо қанча ҳаракат қилмай раҳбар мени гапимни эшитишни истамай, ўз сўзида қатъий туриб олиб «Бўлмаган гап. Топшириқни зудлик билан бажаришга киришин», деб ортига қайтиб кетди.

Ҳаммининг кўзи менда. Бироқ мен Махсим ота мазори ўрнини текислаб ер қилишни ҳатто ҳаёлимга ҳам келтира олмасдим. Шу зайлда кеч бўлиб қолди. Эртага бир гап бўлар дедимда ўзимни бир оз чалғитмоқчи бўлиб кўзимни юмганча ухлаб қолибман. Эртасига каллаи саҳарлаб машинаннг қаттиқ сигналидан чўчиб уйғониб кетдим. Апил-тапил кийиниб ташқарига чиқсам туман раҳбарининг машинаси турибди. Ҳайдовчи мени кўриши билан машинадан тушиб зудлик билан раҳбарнинг уйига боришим кераклигини айтди. У билан тўғри айтилган жойга етиб келдим. Ичкарига кирсам каравотда туман раҳбари инграб ётибди. У мени кўриши билан кечагига номаъқулчилиги учун йиғлаган ҳолатда афсуснамо тарзида бошида зўр-базур шивирлаб «Мадаминжон, анави охурдаги бойлоқлик кўк қўчқорни олиб бориб авлиё Махсим отанинг мазорида худойи қилдиринг. Ул зот мени гуноҳимдан ўтсинлар», деди. Шундан сўнг биз қўчқорни сўйиб керакли маросимларни адо этдик. Натижада кўп ўтмай раҳбарнинг соғлиғи тикланиб яна ишига қайтди.

Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки маҳаллий аҳолининг тасаввурига кўра, зиёратгоҳнинг муқаддас эканлигига шубҳа билан қараган ёки уларга ҳурматсизлик қилганлар албатта қарғишга дучор бўладилар. Одамлар атеистик мафкура ҳукмронлиги даврида зиёратгоҳда ғаройиб қуён пайдо бўлганлигини кўриб тракторчининг аҳволи ёмонлашганлиги ёки улкан илон бульдозерни ағдариб юборганлиги ва шу сабабдан зиёратгоҳларни буза олмаганликлари ҳақида кўплаб мисолларни келтирадилар. Зиёратгоҳлар олдидан ўтиш вақтида ҳам одоб сақлаш лозим бўлган. Авваллари мазор олдидан отдан тушиб яёв юрилган бўлса, ҳозирги вақтда автомашинани секинлаштириш лозим бўлган. Акс ҳолда улар автомобил ҳалокатига учраганликлари айтилади. Бунга

мисол тарзида Олтиариқ туманидаги Зурайк момо зиёратгоҳини кўрсатадилар⁶⁰⁰.

Айтиш жоизки, бир вақтлар муқаддас деб билган мазорлар ўрнида вақтлар ўтиб йўллар ётқизилиб юборилган. Одамлар қачонлардир ўша йўллар ўрнида мазорлар бўлганлигини унутиб ҳам юборишган. Бироқ «Қари билганни-пари билмас» деганларидек ёши улуғ кишиларимиз ўз фарзандларига насиҳат қилар эканлар «фалон йўлдан секинроқ юр, бу йўл мазорнинг ўрни» дея қайта-қайта уқтирадилар. Аммо ҳар ким ҳам кексаларимизнинг сўзларига амал қилмайдилар. Оқибатда турли балоларга дучор бўладилар. Бугунга қадар ана шундай йўлларда содир бўлган автомобиль билан боғлиқ бахтсиз ҳодисани ҳайдовчилар тажрибасизлик ёки техник носозликдан деб қарашсада, кексаларимиз уни мазорда ётган улуғларни менсимай ўтганлиги учун олинган жазо деб тушунганлар.

Махсим ота зиёратгоҳида бўлса, аҳоли кўп ҳолларда илонлар билан боғлиқ хотираларни ёдга оладилар.

Айтишларича, ўтган асрнинг 80-йилларида айна пахта йиғим-терим қизғин тус олган кезде бир пайтлар Махсим ота ўзлаштирилган ердаги пахта даласига бир гуруҳ болали аёллар келиб дала четидаги теракзорга беланчаклар тортадилар. Барчаси эмизикли болаларини беланчакка ётқизиб ўзлари пахта теримига тушиб кетадилар. Орадан бир қанча вақт ўтиб болаларга боғча она бўлиб турган аёлнинг чинқириғи барчани саросимага солиб қўяди. Пахта ичидагиларнинг барчаси болалари турган теракзорга қараб югурадилар. Келиб не кўз билан кўрсаларки, ҳар бир беланчакнинг бошида биттадан узун илон осилиб турган эмиш. Аёллар жон ҳолатда беланчакдан болаларини олиб бағриларига босган бир дамда илонлар ҳам кўздан ғойиб бўлишибди. Шунда улар «Биз Махсим отадек авлиё зотнинг қадами етган бу азиз жойни топтадик. Шундан илонлар ҳам безовта бўлди», деб кўп афсус-надомат чеккан эканлар. Ўша илонлар воқеаси сабаб Махсим ота ерига ҳар бир одам таҳоратсиз келмайдиган бўлибди⁶⁰¹.

⁶⁰⁰ Абдулаҳатов Н., Азимов Б. Олтиариқ зиёратгоҳлари. –Т.: «Шарқ», 2005. 75-б.

⁶⁰¹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қипчоқариқ маҳалласида яшовчи Нейматжон Абдумаликовдан (1948 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида Махсим ота номини олган катта ерга жамоа хўжалиги буғдой экдирган эди. Буғдой етилгач, ўримга комбайн ҳам олиб келинади ва уни ўрим олдидан техник жиҳатдан кўриқдан ўтказадилар. Бу орада тушлик вақтли бўлиб барча овқатлангани ўтирадилар. «Иштаҳани очиш» баҳонасида спиртли ичимликларни ичишга ўтадилар. Натижада аста-секин ўтирганлар бир-бирларига турли олди-қочди, тутриқсиз хангомаларни айтиб бўлар бўлмасга бақир чақир қила бошлайдилар. Уларнинг бундай номаъқул ҳаракатларидан кўнгли оғриган шийпон қоровули: «Эй йигитлар! Биз ўтирган шийпон улўф валийлардан бўлган Махсим ота масжидларининг табаррук ўрни. Бунинг устига ул зотнинг мозори нақ қаршимизда турибди. Шунинг учун бундай беодобчиликларни қилмай, ўзларингизни ўнглаб олинглар», дея танбех беради. Аммо маст бўлишга улгурган одамлар қариянинг насиҳатларига парво ҳам қилишмай, маишатларини давом эттирадилар. Бир оз вақтдан сўнг комбайнни юргизиб бе бисмиллоҳ ўримга тушадилар. Аммо бир оздан сўнг комбайн тўсатдан тарақа турқ овоз чиқариб таққа-тақ тўхтаб қолади. Ўримни боришини кузатиб турган шийпондаги ўн чоғлик одам комбайн олдига югуриб борсалар агрегат бутунлай пачоқ бўлиб кетган бир ҳолат эди. Унинг қисмлари ер парчин бўлиб ётган, ҳайдовчи бўлса нимадандир қаттиқ кўрқандек дағ-дағ қалтирар, гапиргани ҳам ҳоли йўқ эмиш. Уни ўзига келтириш учун ўша заҳоти сув олиб келишиб юзига сепишибди. Бир оздан сўнг сал ўзига келиб олгач бўлгач «Мен агрегатни эркин бошқариб, ишни яхши кетаётганлигидан хурсанд эдим. Бир пайт тўсатдан буғдойлар орасидан баҳайбат узун илон ўрилган буғдой поялари билан агрегатни янчиш қисмига кириб кетганини кўрдим. Бу ҳолатдан жуда кўрқиб кетдим. Бошқа ҳеч нарсани билмайман», дея юз берган воқеани қаттиқ ҳаяжон билан сўзлаб берибди. Унинг бу сўзларидан сўнг комбайнни синчиклаб қараб чиқсалар-да, илондан ном-нишон топилмабди. Шунда йиғилганлар ўзларини Махсим отадек валий зотга қилган ҳурматсизликлари учун учун бундай нохуш ҳодиса содир бўлганлигини англаб етибдилар⁶⁰².

⁶⁰²Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Умуман олганда Махсим ота зиёрагоҳида улкан илон боғлиқ қарашлар ҳозирга қадар сақланиб қолган⁶⁰³.

Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, кишилар тасавурида илонлар муқаддас мазорларда икки хил ҳолатда намоён бўлади. Биринчиси, мазорга нисбатан ёмонлик билан қўл урмоқчи бўлган кимсаларни мазорга яқинлаштирмайди. Иккинчиси, мазордаги илон бахт рамзи деб тушунилган. Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра, аёллар ҳомийси саналган Зурайк момо (Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани) баъзан илон пари қиёфасида пайдо бўлади. Илон пари ҳар кимга ҳам кўриниш бермаган, фақат қалби пок инсонгина уни кўриш бахтига муяссар бўлармиш. Агар ўша инсон илон парини кўрган заҳоти уни ушлаб нимани ният қилса, нияти ушалади деб қаралган⁶⁰⁴.

Кишилар тасавурида мазордаги илонлар инсон тилига тушунади деб қаралган⁶⁰⁵. Маълумотларга кўра, Марғилон шаҳридаги Сочли Эшон зиёратгоҳига келган зиёратчилар аввалги вақтда бу ерда сочли илон кўрганликларини эслайдилар. Айтишларича, сочли илон бу оддий илон эмас, балки Сочли эшонни ўзи бўлиб, одамлар кўзига шу зайлда кўринган экан. Мазкур илоннинг бошида кокил бўлганлиги учун сочли илон деб аташган⁶⁰⁶.

Муқаддас зиёратгоҳлардаги илонлар билан боғлиқ қарашлар Ўрта Осиёдаги барча зиёратгоҳларга хос бўлган анънавий қарашлар жумласига киради⁶⁰⁷. Масалан, Ўрта Осиё халқларида париларни илон қиёфасида кўриниши ҳақидаги тасавурлар қадимдан мавжуд бўлиб, мазорлардаги илонлар эса мазорларни кўриқчилари ҳисобланган⁶⁰⁸.

⁶⁰³ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Қипчоқариқ маҳалласида яшовчи Турсунжон Хусановдан (1928 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁶⁰⁴ Дала тадқиқотлари. 2000 йил. Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Зурайк момо қишлоғи.

⁶⁰⁵ Жавлиев Т. Табиат инсон ва дин. – Т., 1987. 67-б.

⁶⁰⁶ Дала тадқиқотлари. 2004 йил. Фарғона вилояти Марғилон шаҳри, Увайсий маҳалласи.

⁶⁰⁷ Абрамзон С.М. Киргизы и их этногенетические и историко–культурные связи. – Д., 1971. С.310.

⁶⁰⁸ Мустафина Р.М. Представления. Култы и обряды у казахов...С.100.

Ўрта Осиё халқларида оқ илонлар муқаддас саналган⁶⁰⁹. Шу сабабдан «Илон мозор» деб аталувчи зиёратгоҳлар ҳам мавжуд бўлган⁶¹⁰.

Ҳозирга келиб Махсим ота зиёратгоҳига келган зиёратчи астойдил юракдан Худога илтижо қилса тилаклари ижобат бўлганлиги ҳақида кишилар қатор мисолларни келтирадилар. Жумладан, Абдусаттор Қодиров бу ҳақда қуйидагиларни баён этади:

«Зиёратгоҳларда қилинган дуоларнинг ижобат бўлиши тўғрисида эшитсақда, аммо ўзимиз гувоҳи бўлмаган эдик. Махсим ота зиёратгоҳида эканлигимда турмуш ўртоғим телефон қилиб, келинга деб топган қизи ўғлимизга яна ёқмаганлигидан шикоят қилиб қолди. Тўйлар қилиб келин олиш орзуси билан юрганим боис, бу хабардан анча дилим ранжиди. Бирдан кайфиятим тушиб кетганлигининг сабабини билган ҳамроҳларим Махсим ота мозорида ўғлимнинг бахти учун узундан-узоқ дуолар қилдилар. Бунинг қаранг-ки, дуолардан сўнг ярим соат ўтар-ўтмас аёлим кўнғироқ қилиб, ўғлимиз бир қизни бир кўришдаёқ ёқтириб қолиб унинг ортидан кетганлигини айтди. Шу хабарни эшитишим билан агар тўй қилсам, ўғлим ва келиним билан Махсим ота зиёратига келиб ис чиқаришни ният қилдим. Тез орада бу ниятим рўёбга чиқди»⁶¹¹.

Ўзбекистон (Бойтўпи)

Бойтўпи ҳозирги Ўзбекистон қишлоғининг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида Тожиали Раҳмонов қуйидагиларни ҳикоя қилади.

«Бойтўпи ҳозирги Ўзбекистон маҳалласи Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг ўрта қисмида, яъни Тошлоқ–Ёёзвон катта йўлининг икки тарафида жойлашган. Кўприкбоши, Чек, Тўпқўрғон маҳаллалари ҳамда Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғини билан ҳам чегарадош.

⁶⁰⁹ Баялиева Т. Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов. Фрунзе, 1972. С.28.

⁶¹⁰ Жавлиев Т. Табиат инсон ва дин... 67-б.

⁶¹¹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бектўпи маҳалласида яшовчи Абдусаттор Қодировдан (1964 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Бойтўпи маҳалласининг ҳудуди ҳам узоқ ўтмишда ён атрофдагилари каби ўзлаштирилмаган қўриқ ерлардан иборат бўлган. Бу ерга дастлаб ўзбекларга мансуб аҳоли келиб ўрнашганлиги боис «Ўзбек тўпи» деб ном олган. Ана шу аҳолининг ичида ўзига тўқ, бой бадавлат, ер ва суви етарли бўлган кўпчиликни ташкил қилган. Натижада Ўзбек тўпи Бойтўпи номи билан юритила бошланган. Ҳозирги кунда расмий ҳужжатларда маҳалла Ўзбекистон маҳалласи деб атаб келинмоқда»⁶¹².

Чек

Чек қишлоғининг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида Тожиали Раҳмонов қуйидагиларни ҳикоя қилади.

«Чек маҳалласи Варзак қишлоқ фуқаролар йиғининг ўрта қисмида жойлашган.

Қадимда маҳалла ҳудуди ўзлаштирилмаган қўриқ ер майдонларидан иборат бўлган. Кейинчалик ер ахтариб келган деҳқонлар ўзлари учун деҳқончиликка учун қулай серунум жойларни ўзлаштириб деҳқончилик қила бошлаганлар. Улар ўзларига тегишли бўлган ерларнинг бир четида омонатгина бошпана қуриб кун кечирганлар. Бироқ бундай турмуш тарзи узоқ давом этмаган. Ҳаёт кишиларни ҳар доим ўзаро алоқада ҳамжиҳатликда бўлиш лозимлигини тақозо этиб келган. Натижада одамлар сув ва йўлга яқин жойларда қўни-қўшничилик анъаналарига амал қилиш мақсадларида бир-бирларига ёнма-ён иморатлар барпо қиладилар. Улар янги жойларини «Янги чек» ёки оддий қилиб «Чек» деб ном берадилар. Натижада чекликлар маҳалласи пайдо бўлган»⁶¹³.

Тўпқўрғон

⁶¹² Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁶¹³ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Тўпқўрғон қишлоғининг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида Тожиали Раҳмонов қуйидагиларни ҳикоя қилади.

«Тўпқўрғон маҳалласи Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг марказий қисмида жойлашган бўлиб, у Бойтўпи, Чек ва Катта ариқ маҳаллалари билан қўшни. Айтишларича, бу ерга дастлабки келган аҳоли бошқа ҳудудлардаги каби тарқоқ эмас, балки тўп бўлишиб, бир-бирларига яқин ерларда бошпаналарини қуришиб, шу тарзда ҳаёт кечирган эканлар. Шунинг учун маҳалланинг номи Тўпқўрғон деб аталган дейишади»⁶¹⁴.

Бўстон

Бўстон қишлоғининг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида Тожиали Раҳмонов қуйидагиларни ҳикоя қилади.

«Бўстон маҳалласи Варзак қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудидаги энг катта маҳаллалардан бўлиб, у Варзакнинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган. Бўстон маҳалласи Чек, Тўпқўрғон, Катта ариқ маҳаллалари ва Қўштепа туманидаги Шоҳмирза қишлоқлари билан чегарадош. Шимол томони Катта Фарғона каналигача етиб боради.

Нақд қилишларича, Бўстон маҳалла аҳолисининг аجدодлари Офоқ хожамнинг муридларидан, яъни қашқарликлардан иборат бўлган.

Жой номини келиб чиқиши хусусида маҳаллий аҳоли орасида қуйидаги ривоят мавжуд. Айтишларича, бу ерга илк бор келганлардан бирининг эғнида бўз тўни бўлган экан. Уни кўрганлар бўз тўнли иборасини қўллай бошлайдилар. Шу тарзда вақтлар ўтиши билан бўз тўн атамаси бўстон талаффузида айтиб келиниб жой номи ҳам Бўстон дейилган экан.

Ўтмишда Бўстон маҳалласининг юқори қисмида Тўп терак ва Пастки Қўқонлик деб номланувчи маҳаллалар ҳам мавжуд бўлган. Ҳозирги кунда бу маҳаллалар қўшилиб кетиб Катта Бўстон маҳалласини ташкил этади.

⁶¹⁴ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Маълумотларга кўра бўстонликлар дастлаб 100 уйли оила бўлиб, ўз навбатида беш тўпга бўлинган.

Биринчи тўп – Чучмат ота тўпи бўлиб унга Қўчқор ота, Алиқул ота, Ҳасан ота, Жарқин ота авлодлари кирган.

Иккинчи тўп – Ўрта ариқ тўпи бўлиб унга Мақсуд ота, Нишонбой ота, Эргашбой ота, Саидбек, Сафар ота авлодлари кирган.

Учинчи тўп – Бой тўпи бўлиб, унга Каримбойбобо, Тоғай ота, Мирзақул, Мадазим ота авлодлари кирган.

Тўртинчи тўп – Шўрпа тўпи бўлиб, унга Душабой ота ота, Маматазим ота, Шокир ота, Абдурахмон ота авлодлари кирган.

Бўшинчи тўп – Тўп терак ёхуд Қўшабой тўпи бўлиб, унга Маматқул ота, Назирбой ота, Тошпўлат ота, Ҳолмирза ота, Онарбой ота, Ислонқул, Бобоқул, авлодлари кирган»⁶¹⁵.

Бизнингча Бўстон «Бўз тўн» атамаси билан эмас балки туркий халқларининг Бўстон уруғи билан боғлиқ бўлса керак. Чунончи, Бўстон Қипчоқ қабиласи таркибига кирувчи уруғларнинг бирининг номи бўлиб, ўтмишда мазкур Бўстон уруғи Фарғона водийси ҳудудида кенг тарқалган эди⁶¹⁶. Шундай экан жой номларини Бўстон деб аталишига, аввало, мазкур уруғ номи сабаб бўлган кўринади.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Бўстон қишлоғи Марғилон уездининг Ёзёвон волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 1003 нафар аҳоли истиқомат қилган⁶¹⁷

Бўстобод

1939 йили Катта Фарғона канали⁶¹⁸ қурилганидан сўнг қўшни Бўстон қишлоғидан аҳоли кўчиб ўтиб бу ерни ўзлаштира

⁶¹⁵ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁶¹⁶ Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в... С. 74.

⁶¹⁷ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 97.

⁶¹⁸ Катта Фарғона канали - инсоният тарихида қисқа вақт ичида бирон бир канал Катта Фарғона каналидек бу қадар тез суръатда қазилган эмас. Катта Фарғона канали 1 августдан 15 сентябрга бўлган вақт мобайнида халқ ҳашари

бошлаганлар. Шунинг учун қишлоқнинг номи Бўстонобод деб аталган⁶¹⁹. Чунончи Бўстонободнинг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида Тожиали Раҳмонов қуйидагиларни ҳикоя қилади.

«Бўстонобод маҳалласи Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг шимолий қисмида, Катта Фарғона каналининг ўнг қирғоғида жойлашган. Бу ер қадимда Бўстон маҳалласининг бир чекка қисми бўлиб асосан тўқайзор ва қамишзорлардан иборат эди. Ўша вақтларда аҳоли асосан уч тепага яқин ерларда яшашган. Бу уч тепа маҳалланинг шимолий қисмида жойлашган эди. Шу тепалардан икkitаси сал пастқамроқлари текисланиб экин ерларига қўшилиб кетган. Ғарб томондаги баландроқ тепалик

билан қазилган 270 км.дан иборат улкан сув иншооти бўлиб, Андижон, Наманган, Фарғона ҳамда қўшни Тожикистоннинг ҳозирги Сўғд вилоятларидаги жами 313 минг гектардан зиёд ерларни суғоради. Катта Фарғона каналининг ишга туширилишини бир пайтлар «Социализмнинг буюк ғалабаси» дея таъриф берган эдилар. Бироқ бу ўша мустабид тузумнинг эмас, балки, меҳнаткаш ўзбек халқининг сувга бўлган эҳтиёжи туфайли қўлга киритилган ғалабаси эди. Шу сабабдан, Катта Фарғона каналини кўриб ҳайратга тушган хорижлик меҳмонлардан бири: «Канал тимсолида биз ўзбекнинг нимага қодирлигини билдик» деган эди. Бу ҳақда И. Тўхтасинов ҳам ўзининг «Бунёдкор» номли рисоласида шундай ёзган эди: «КФК ҳақида кўп мақтовлар айтилади. Ёзилади, Миллий қаҳрамонлик! Кўз кўрмаган кўтаринкилик! Оммавий меҳнатнинг шон-шавкати! Афсонавий баҳодирлик! Ҳа, аслида, ҳам шундай бўлган эди. Содир бўлган қийинчиликлар-чи? Мураккаб муаммолар-чи? Ташкилий масалалар-чи? Ўйлаб кўринг, тарихда 160 минг кишилиқ тинч қурилиш армиясига ким раҳбарлик қила олган? 45 кунда 270 километр канал қазиб тугатилган! Қурувчилар ихтиёрида нималар бор эди ўзи? 11.881 та арава, 7.205 та кўтарма замбил-ғалтак. Асосий қуроли – кетмон. Рақамларга эътибор беринг-а. Яшаш жой масаласи... Озиқ- овқат, медицина ва маданий хизмат. Алоқа. Отларга (бир ярим минг)ем-хашак. Техник таъминот».

Ғ.Фозиловнинг «Водийнинг олмос камари» номли рисоласида Катта Фарғона канали қуйидагилар маълумотлар келтириб ўтилган: «КФК қурилиши учун давлат бюджетидан 20 миллион сўм маблағ ажратилди. Марказлашган фондлар қурилишни 15 минг кубометр ёғоч, 10 минг тонна цемент, минг тонна металл, 60 трактор, 200 автомобиль ва бошқа зарурий воситалар билан таъминлади. 1072 алоқачи, 704 медицина ходими, шунингдек, республиканинг тегишли идоралари раҳбарлари бош бўлган турли соҳа хизматчилари канал қурувчиларига хизмат қилиш учун сафарбар этилдилар. Пойтахт Тошкент ва Фарғона водийсининг ижодий жамоалари жами 1850 нафар санъаткорлар, шунингдек, таниқли шоир ва ёзувчилар қурувчиларга маданий хизмат кўрсатиш учун жалб этилдилар».

⁶¹⁹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошқоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бўстонобод маҳалласида яшовчи Тожихон Худойбердиевадан ёзиб олинди.

сақланиб қолган бўлиб «Жарқинтепа» деб аталади. Тепаликнинг бундай номланиши миришкор дехқон Жарқинбой ота Эркабоев номи билан боғлиқдир. У киши ўз даврида тепаликни ободонлаштириб дала меҳнаткашлари учун сўлим дала шийпони ва боғ-роғлар барпо қилган. Шу сабабдан бу тепалик кейинчалик Жарқинбой ота номи билан юритиладиган бўлди.

Юқорида айтиб ўтилганидек Бўстонобод дастлаб Уч тепа деб аталган. Худуд Бўстон маҳалласининг бир қисми бўлганлиги боис аҳолининг талаб истакларига кўра Бўстонобод номи берилган»⁶²⁰.

Янги гулистон

Янги Гулистон қишлоғининг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида Тожиали Раҳмонов қуйидагиларни ҳикоя қилади.

«Янги Гулистон маҳалласи Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг энг чекка шимолий қисмида жойлашган бўлиб, у Арабмозор фуқаролар йиғини ва Ёзёвон туманининг Мингчинор маҳалласи билан чегарадош. Бу худуднинг ўрта қисмидан Тошлоқ–Хонобод йўли кесиб ўтган.

Қадимда Янги Гулистон маҳалласининг ўрни Варзакнинг чекка қисми бўлганлиги боис сув муаммоси мавжуд бўлиб, ерларни ўзлаштириш анча кеч содир бўлган. Даслабки пайтларда Янги Гулистон маҳалласи ерлари жамоа хўжаликларининг чўл зонаси ҳисобланган. Ўтган асрнинг қирқинчи йилларида аҳоли аста-секин ўрнаша бошлагач кўриқ ерлар ўзлаштирилиб обод бўла бошлади ва Янги Гулистон номини олди»⁶²¹.

Катта ариқ

«Катта ариқ қишлоғининг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида Тожиали Раҳмонов қуйидагиларни ҳикоя қилади.

Катта ариқ маҳалласи Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг ўрта қисмида жойлашган бўлиб, у Тўпқўрғон ва Бўстон

⁶²⁰ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁶²¹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

маҳаллалари ва Арабмозор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қашқар маҳалласи билан чегарадошдир.

Катта ариқ маҳалласининг ўрта қисмидан Тошлоқ–Ёзёвон–Бесаранг катта йўли ўтади. Бу йў мазкур маҳалланинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб келган бўлиб, ҳозир ҳам ўз мавқеини сақлаб келмоқда.

Қадимда Варзак арағидан майда ариқчаларга бўлиниб кетган ув оқавалари ва Арабмозордан оқиб ўтган сув маҳалланинг ўрта қисмига келиб қўшилишиб ариқ тўлиб сув оқар эди. Маҳаллани шу ариққа нисбат беришиб Катта ариқ деб ном берганлар.

Катта ариқ маҳалласида Офоқхожам муридларидан бўлган Мулла Байт Охун яшаб ўтган. Айтишларича, ул зот Қашқардан ўз оила аъзолари билан кўч-кўронларини уловларга ортиб, чорва ҳайвонларини ҳайдашиб, узоқ йўл юришиб, Ит улиди маҳалласининг ғарбий қисмидаги Лўли кўриққа келиб қўним топишгач, бир оз муддат бу ерларда умр кечирадилар.

Кейинчалик Мулла Байт Охун Варзак билан Арабмозор қишлоқлари ўртасидаги Қашқар маҳалласи жойлашган ҳудудга келиб ўрнашадилар. Мулла Байт Охун кўчиб келганидан сўнг бир неча вақт ўтгач маҳаллада аҳоли сони янада кўпая бошлайди.

Мулла Байт Охунни валий зотлардан бўлганлиги хусусида шу кунгача турли ҳикоятлар эл орасида сақланиб қолган. Нақд қилишларича кунларнинг бирида Мулла Байт Охун уйларида ўтирган ҳолатида ўғилларини ҳузурига чорлаб:

– Далага боринглар. Ҳайитбой жўралари билан қовун олгани кетаяпти. Қовунларни пайҳон қилиб юборишмасин. Улар билан урушманглар. Қовунни пишганидан узиб, уларга сўйиб беринглар. Қовунга росса тўйдириб, сўнгра қўлларига ҳам бир жуфтдан қовун тутқазинглар, – дейди.

Мулла Байт Охуннинг ўғилларидан бири Комилжон отасининг сўзларини эшитиб шоша-пиша қовун пайкалининг бошига борсалар, Ҳайитбой бошлиқ бир неча қовунхўрлар бир оз ўтмай келиб қолишибди. Улар Комилжонни бу ерда кўришни сира хаёлларига келтирмаганликлари учун хижолатда қолибдилар. Чунки улар пайкалда ҳеч ким йўқлигини аввалдан билган эканларда. Шунда Комилжон қовунхўрларни хижолатпазликдан қутқариш учун Мулла Байт Охуннинг айтганларини сўзлаб берибди. Бунга эшитганларидан сўнг қовун егани келганларнинг сал

бўлмаса хушлари учаёзибди. Барчаси қилмоқчи бўлган ишларидан қаттиқ пушаймон бўлиб ортга қайтмоқчи бўлганларида Комилжон отасининг айтганини қилиб уларни роса қовун билан сийлабди. Устига устак бир жуфтдан ҳар бирига қовун ҳам тутқазибди»⁶²².

⁶²² Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Тошлоқ тумани Варзак қишлоқ фуқаролар йиғинининг Бештол маҳалласида яшовчи Тожиали Раҳмоновдан (1932 йилда туғилган) ёзиб олинди.

ҚУМАРИҚ

Қумариқ қишлоқ фуқаролар йиғинининг маркази Ҳожи ота қишлоғи ҳисобланади. 2010 йилнинг декабр ҳисобига кўра, Қумариқ қишлоқ фуқаролар йиғинида 3500 та хонадон мавжуд бўлиб, унда 12 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Умумий майдони 2225 гектарни ташкил этади.

Қишлоқнинг ижтимоий-маданий ҳаётига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда 2 та даволаш муассасалари, 3 та мактаб, 3 та болалар боғчаси, 1 та касб-хунар коллежи, 7 сартарошхона, 2 та ошхона, 15 та савдо шаҳобчалари, 2 та қассобхона 4 та хусусий тегирмон, 8 та оталар чойхонаси фаолият кўрсатмоқда. Қумариқ қишлоқ фуқаролар йиғинидан шу кунга қадар 2 нафар доктор ва фан номзоди даражасини олган олимлар етишиб чиққан.

Қумариқ қишлоқ фуқаролар йиғини Қумариқ, Обисиё, Кўсақишлоқ, Гарбобо, Қумқишлоқ, Ҳожиота, Эшакчи, Сўфи қишлоқ, Эсонобод сингари маҳаллалардан иборат бўлиб, қуйида уларнинг айримлари тўғрисида маълумотлар келтириб ўтамиз.

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда قم اريق – Қумариқ номи билан тилга олинади⁶²³.

Қумариқдаги амлоқдор, яъни солиқ йиғувчига Султон Муродбек томонидан 1869 йилда берилган ҳужжатга кўра, шу қишлоқда истқомат қилувчи Аҳрорқул юзбоши солиқлардан озод этилган. Бундан чиқди Аҳрорқул юзбоши хонлик хизматида ўзининг алоҳида хизматлари эвазига ана шундай юксак эътиборга лойиқ бўлган кўринади. Бу каби яна бир мулозим Отақул баҳодирбошини⁶²⁴ ҳам Қумариқ қишлоғида ер-мулклари мавжуд бўлиб, у ҳам Султон Муродбекнинг фармониغا асосан солиқлардан озод бўлган.

Қўқон хонлиги архивига доир 1872 йилда ёзилган ҳужжатларнинг бирида Қумариқ қишлоғидаги баъзи бир мулклари Муҳаммад Али қори, Ҳолбиби ва Мирза Қанд ясовул исмли кишиларга тегишли бўлган. Бундан ташқари XIX асрда Қумариқ

⁶²³ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. –М.: «Наука», 1968. С.30, 117, 118, 120, 122, 142, 144, 145, 147, 149, 151, 152, 155, 159, 160, 164, 168, 187, 199, 205, 207, 210, 215, 216, 220, 221, 226, 229, 266, 281, 294, 295.

⁶²⁴ Баҳодирбоши – Қўқон хонлигида беш юз нафардан кўп даста ёки тўпчибоши.

қишлоғида саййидлар хонадонига мансуб оила истиқомат қилганлиги ҳақида ушбу ҳужжатларда маълумотлар учрайди. Масалан, 1868 йили хонлик хизматида бўлган Мулла Абдужалил мирзабоши томонидан мулла Абдусаид мирзо номига берилган ҳужжатда Қумариқ қишлоғидаги ҳурматли зот Исахон тўрадан ҳар йили полиз экинларидан танобона солиғи олинмаслиги қайд этилган. Ўша вақтларда Исахон тўра сингари яна бир пайғамбарзода Саййид Муҳаммад Содикбекнинг Қумариқда ерлари бўлганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар учрайди.

1874 йилда Мавлонбек томонидан Ҳасанбек амлоқдор номига берилган ҳужжатда келтирилишича Қумариқ қишлоғидаги Абдуллабой масжидига ажратилган ерларда етиштирилган ғалла ҳосилидан хирож олинмаган. Мавлонбекнинг Ҳасанбек амлоқдорга берган яна бир ҳужжатида Қумариқдаги Ҳасанбек мергандан нотўғри олинган хирожни ярмини эгасига қайтариб берилиши хусусида сўз боради.

Маълумотларга кўра, XIX асрда Қумариқ қишлоғида Қуръон ўқувчи қорилар учун қорихона барпо этилган ва бу қорихона учун Қўқон хонлари томонидан вақф ерлари ажратилган. Аҳмад Бобо қози калоннинг солиқ йиғувчи Мулла Ҳасанбой амин⁶²⁵ номига берилган ҳужжатларнинг бирида Қумариқ қишлоғидаги қорихона учун берилган вақф ерларидан хирож олинмаслиги таъкидланади.

Обисиё

Нақл қилишларича, Обисиё – қора сув маъносини англатиб, қадимдан шу қишлоқдан ўтиб кетаётган савдогарлар ариқдан оқаётган сувни қора тусда эканлигидан таажжубланганларидан бу ернинг суви Қорасув, яъни Обисиё экан дебдилар. Кейинчалик қишлоқ ҳам шу ном билан, яъни Обисиё деб юритила бошлабди.

Бу ҳақда топономист олим Н.Охунов шундай ёзади:

«Фаргона вилояти Тошлоқ туманидаги қишлоқ. Мазкур атама тожикча об (сув) ҳамда сиёҳ (қора) сўзларидан таркиб топган бўлиб, «қора сув» маъносини билдиради. Ер остидан чиқадиган зах, сизот сувлар

⁶²⁵ Амин – амалдор, бозордаги тарози ва олди-сотди амалларни шарат асосларида назорат қилади.

оқадиган ариқ ёки жилга ўзбек тилида қора сув, тожик тилида сиёҳоб ёки обисиёҳ деб аталади»⁶²⁶.

Обисиётепа (Қумариқтепа-1)

Обисиё маҳалласи қабристонни жойлашган тепалик асида Қумариқтепа -1 деб номланувчи археологик ёдгорлик ҳисобланади. Бироқ ёдгорликни қайси даврларга мансуб эканлиги борасида ҳалига аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Чунки, тепаликнинг даврини аниқлаш борасида тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Аҳоли орасида бу тепаликни хабар берувчи тепа бўлганлиги тўғрисида айрим ривоятлар мавжуд.

Кўсақишлоқ

Нақл қилишларича, қишлоқда дастлаб кўса бир одам яшаб шу жойларни обод қилганлиги учун кейинчалик Кўса қишлоқ деб аталган экан⁶²⁷.

Бизнингча, Кўса атамаси асида этник ном билан боғлиқ бўлса керак. Чунки, Кўса ўзбек уруғлари таркибидаги аймақлардан бирининг номи бўлиб, юртимизда шу уруғ номи билан аталувчи бир неча қишлоқлар мавжуд бўлган⁶²⁸.

Гарбобо

Қўқон хонлиги архивига доир ҳужжатларда كرابابا – Карбобо номи билан тилга олинади⁶²⁹.

1872 йилда ёзилган ҳужжатлардан бирида келтирилган маълумотларга кўра, Карбобо қишлоғида хўжалар хонадонига

⁶²⁶ Охунов Н.Жой номлари таъбири... 37-б.

⁶²⁷ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Қумариқ қишлоқ фуқаролар йиғинининг Кўса маҳалласида яшовчи Расулжон Топиволдиевдан (1958 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁶²⁸ Бу ҳақда қаранг: Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: «Наука», 1976.

⁶²⁹ Бу ҳақда қаранг: Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. –М.: «Наука», 1968. С. 64, 115, 117, 118, 142, 145, 147, 149, 152, 155, 160, 163, 164, 167, 184, 188, 189, 197, 208, 210, 211, 216, 225, 229, 231, 233, 234, 235, 266, 267, 293, 295.

мансуб ака-ука Ширинхўжа ва Аҳмадхўжалар истиқомат қилганлар. Маълумотларга кўра, Карбобо қишлоғида яшовчи худди шундай хўжалар хонадони вакилларида яна бири Норхўжа бўлиб, Икромхон тўра тўқсобанинг илтимосига биноан 1874 йили солиқлардан озод этилган. Шунингдек, Карбобо қишлоғида ўз даврининг машҳур зотларидан бири Эшонжон тўрага тааллуқли ер мулклари мавжуд бўлган.

Карбобо қишлоғида XIX асрнинг ўрталарида Домулла Абдурахмон қози мадрасаси ва Хожа Калонтўра масжиди учун вақф ерлари ажратилган. 1873 йилда Султон Муродбек томонидан Мулла Муҳаммад Олим саркор номига берилган ҳужжатда мазкур вақф ерларидан хирож олинмаслиги таъкидланади.

Карбобо қишлоғида хон қўшинида хизматда бўлган мулозимларга ҳам ерлар бўлиб берилган. Масалан, 1874 йилда Султон Муродбек томонидан Мулла Муҳаммад Шокирга берилган ҳужжатда Карбобо қишлоғидаги тўбчиларга тегишли бедазорлар танобона солиғидан озод қилинганлиги таъкидланади.

1909 йилда келтирилган маълумотларга кўра, Карбобо (Гарбобо) қишлоғи Марғилон уездининг Яккатут волости таркибига кирган бўлиб, унда жами 686 нафар аҳоли истиқомат қилган⁶³⁰

Гарбобо (Карбобо) зиёратгоҳи

Гарбобо (Карбобо) қишлоғи қабристонида Гарбобо зиёратгоҳи жойлашган. Бу ҳақда Мансурхўжа Хўжаев «Шермуҳаммадбек қўрбоши» номли асарида жумладан қуйидагиларни келтиради:

«Марғилоннинг Тошлоқ депарасида, унинг чўлга уланиб кетган энг четида жойлашган бу қадимий қишлоқ бир тарафи экинзорлар, бошқа тарафи эса қамишзор ва чангалзорлар билан ўралган, ўша давр ўлчами бўйича ўртача бир аҳоли масканидир. Қишлоқнинг қадимийлигини унинг яқинида жойлашган қалъа ва работнинг текисланиб, деярли ер билан битта бўлиб кетган вайрона қолдиқларидан билса бўлади. Унинг атрофида Шилва, Рамазон, нарироқда, Яккатут, Бўстон, Яккабед ва бошқа қишлоқлар жойлашган.

⁶³⁰ Список населенных мест Ферганской области. Скобелев, 1909. С. 99.

XX аср бошларида Форбуво расмий жиҳатдан Фаргона вилоят Маргилон уезди, шаҳар атрофи участкасининг Яккатут волостидаги Рамадон қишлоқ таркибида турган. Асрнинг бошларида аҳоли рўйхатида кўра, Форбувода 172 хонадон мавжуд бўлиб, 132 хонадон ўз хусусий ер мулкига эга бўлган, қирқ хонадон эса ерсиз ҳисобланган. Аҳолиси 686 кишидан иборат бўлиб, шундан 393 нафари эркак, 293 нафари аёл эди. Қишлоқ Маргилон шаҳридан 20 чақирим, Горчакова темирйўл станциясидан 16 чақирим масофада жойлашган. Ушбу машҳур қишлоқ номи миллий-озодлик ҳаракати акс эттирилган барча манбаларда учрайди. Уни тарихчи ва ёзувчиларимиз Карбобо, Фарбобо тарзида қаламга олиб келдилар. Халқда эса у Форбуво деган ном билан машҳур. Рус тилида ёзилган манбаларда бу тилда «F» товуши бўлмаганлиги туфайли Гарбобо шаклида ёзилади.

Қишлоқдан бир оз нарида шу депарадаги уч-тўрт қишлоқ учун умумий ҳисобланган катта бир қабристон бор. Унинг ўртасида бир тепалик этагида Форбуво зиёратгоҳи жойлашган.

Совет ҳокимияти йиллари эди. Хизмат сафари ёки сайри-саёҳат юзасидан Ленинградга ҳар борганимда у ерлик таниш билишларни бир-бир йўқлаб қўяр эдим. Навбатдаги сафарларимдан бирида ҳарбийда бирга хизмат қилган бир зобит дўстимникида бир-икки соат меҳмон бўлдим. У сидқидил хизмати учун Ленинград ҳарбий округи штабига ўтказилган эди. Унинг хотини шарқшунос бўлиб, тасаввуф тарихи билан шуғулланар экан. Чой ичиб ўтирганимизда Людмила Борисовна (хотинининг исми шарифи шундай эди) савол бериб қолди:

– Маргилон шаҳри сиз яшайдиган шаҳардан узоқми?

– Йўқ, унчалик узоқ эмас, энг яқин йўлдан юрилса, етмиш километр ҳам чиқмайди.

– Ўша Маргилон яқинида Гарбобо деган жойни эшитганмисиз?

– Ҳа, у жой ҳақида кўп эшитганман ва ўқиганман. У жой «босмачилар» уруши даврида (у вақтларда миллий-озодлик кураши деган ибора ҳар жойда ҳам тилга олинавермас, фақат энг яқин ишончли дўстлар даврасидагина пичирлаб айтиларди) антисовет кучларнинг йирик қароргоҳи бўлган. Нима сиз ҳам бу уруш тарихи билан қизиқиб қолдингизми? Билишимча, соҳангиз бошқа эди шекилли.

– Йўқ-йўқ, бу жойнинг «босмачилар» уруш даврига оид тарихи мени қизиқтиргани йўқ. Биласизми, мен ўзим университетда ишласам ҳам, ишим юзасидан архивлар, илмий кутубхоналарда кўп бўламан. Салтиков-Шчедрин номли халқ кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари

бўлимида чамаси ўн тача жилдда (папкада) йиртиқ-сиртиқ қозоғлар сақланади. Улар турли китоблардан тушиб қолган алоҳида варақлар, бир қисми йиртилган турли ҳужжатлардир. Шарқшуносларнинг баъзилари бу папкаларга ҳазил тариқасида «турфа қозоғлар папкалари» деб ном қўйиб олганлар, шуниси қизиқки, асосий жамғарма материалларида айни ушбу папкалардан чиқиб қолади. Шу туфайли шарқшунослар ўз ишлари жараёнида, албатта уларни ҳам кўздан кечириб қўядилар. Мен ҳам шу папкаларни титиб ўтириб, Қўқон хонларидан бўлмиш Норбўтабекнинг бош вазири Хонхўжа томонидан Маргилон вилояти Тошлоқ депарасидаги Ғорбува қишлоғи яқинида жойлашган Хожа Пирмуҳаммад Қаландар мазорига берилган вақф мулки ҳақидаги «Вақфнома» деб номланадиган ҳужжатнинг бир парчасини топиб олдим. Ҳужжат чамамда тўрт букланган ҳолатда қаерлардадир узоқ сақланган. Вақт ўтиши билан буклов чизигидан йиртилиб, мазкур папкага унинг тўртдан бир қисмигина тушиб қолган. Қаландарлик соҳаси менинг илмий ишимга яқин бўлганлиги учун бу қаландарларнинг шахси ҳақида маълумот изладим. Айланиб-ўргилиб, кичик, узуқ-юлуқ маълумотни яна шу папкаларнинг биридан топдим. Маълумки, Туркистон ва Эронда авлиёлар, зоҳидлар, фаолиятига бағишланган умумий номи «Тазкират ул авлиё» (авлиёлар ҳақида ёдномалар) яратилган. Бу асарларнинг айрим варақлари ҳам мазкур паришон қозоғлар папкасига тушган экан. Ушбу варақларнинг бирида Хожа Пирмуҳаммад Қаландар шахси ҳақида кичик бир маълумот бор экан. Маълум бўлишича, Хожа Пирмуҳаммад XVIII асрнинг биринчи ярмида Фарғонада яшаб ўтган бўлиб, «Қодирия» сулукига мансуб зот экан. Гарчи у ёшлигига қарамай, илмда, тариқатда шайхлик даражасига етишиб қолган бўлсада, қаландарлик жуббасининг ташламаган экан. У XVIII асрнинг қирқинчи йилларида қалмоқ босқинчилари билан бўлган жангларда асир олиниб қатл қилинган экан...

Гарчи, мазор расман «Хожа Пирмуҳаммад Қаландар мазори» деб номланса-да, халқ лафзида, бу сунъий зор ичида авлиёнинг қабри мавжудлиги туфайли «Ғорбобо», «Ғорбобо» деб аталадиган бўлди...»⁶³¹.

Ғорбобо яъни Карбобо билан боғлиқ яна бир ривоят таниқли журналист Алишер Бек ҳамда Азим Дарёлар ҳаммуаллифлигида чоп этилган Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатига доир рисолада қуйидагича келтириб ўтилган:

«Тошлоқнинг Қумариқ қишлоғи депарасида етти оға-ини азиз авлиёлар ўтишган. Ўша ерда улардан учталари – Чаккатомар мазорбобо,

⁶³¹ Хўжаев М. Шермуҳаммадбек кўрбоши. –Т.: «Шарқ», 2008, – Б. 45-57.

Султон бобо ва Карбобо мазор бобонинг дахмалари зиёратгоҳга айланган. Қолганларини шу ерлик кексалар ҳам эслай олмайдилар. Карбобо азизлар ётган жойни атрофида уйлар қурилиб, кейинчалик бу ер Гарбува қишлоғи деб номлана бошланди.

Авлиё дада аттор бўлган эканлар. Бир жувон савдо қилаётиб эҳтиётсизликдан ел чиқариб қўяди. У отадан хижолат бўлиб, лоладек қизирганича буюмлардан бирини нархини сўрайди. Мазор бобо ўзларини атайлаб карлика солиб жувонни хижолатликдан қутқарадилар. Шу-шу номлари Карбобо (кейинчалик ўзгариб Гарбува) азизлар сифатида эъзоланиб келинадилар»⁶³².

Шу ўринда муҳтарам ўқувчиларимизда М.Хўжаевнинг «Горбува» ҳамда Алишер Бекнинг «Карбобо» ривоятларини қайси бирига ҳақиқатга яқинроқ?» деган савол пайдо бўлиши турган гап. Чунки одатда ўқувчига қайси бир ривоят кўпроқ таъсир этса, албатта ўшанга ишонгиси ва уни тўғри деб қабул қилгиси келади. Биз айнан ҳам шу саволни ўзимизга ҳам берган ҳолда Гарбобо маҳалласидаги кекса отахонларимиз билан суҳбатлар ўтказдик.

Маълум бўлдики, аҳоли орасида Горбобо тўғрисидаги ривоятни ҳеч ким эшитмаган. Қолаверса, Карбобо ёдгорлиги ҳеч бир даврда Горбобо номини олмаган экан. Шунингдек Гарбобо тепалигида фор изини ҳам учратмадик.

Карбобо билан боғлиқ ривоятга келсак, унинг замирида улуғ авлиёлар ҳаётида юз берган воқеалар асос бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Чунки Карбобонинг атайин ўзини эшитмасликка олиши билан боғлиқ ривоят аслида атоқли шоир, мутафаккир ва мутасаввиф олим ҳазрати шайх Фаридиддин Атторга нисбат берилганлиги тарихдан маълум⁶³³. Аммо Фаридиддин Аттор ўзининг «Тазкират-ул Авлиё» асарида бу ривоятни Шарқнинг буюк суфий шайхларидан бири Абу Абдурахмон Ҳотам Асам Юсуф

⁶³² Бу ҳақда қаранг: Алишер Бек., Азим Дарё. Буюк жиҳод, буюк мужоҳид. Ёзёвон, 1992.

⁶³³ Фаридиддин Аттор – Муҳаммад ибн Абубакр ибн Иброҳим (1148/51–1220) – форс-тожик мутафаккири, мутасаввуф шоир. Тасаввуф илмида замонасининг яғонаси шайх Фаридиддин Аттор илоҳий маърифат ғояларини тараннум этувчи 250 мингга яқин байтни битган. «Илоҳийнома», «Асрорнома», «Мусибатнома», «Ҳайдарнома», «Мазҳар-ул ажойиб» («Мўъжизаларнинг кўриниши»), «Жавҳар-уз зот», «Ҳайлож» («Ҳаёт чашмаси»), «Мухторнома», «Хусравнома», «Шарҳ ул-қалб» («Қалбларнинг изоҳи»), «Мантиқ ут-тайр», («Қуш тили») «Булбулнома», «Уштурнома», «Васиятнома», «Меърожнома», «Тазкират-ул Авлиё» («Авлиёлар китоби»), «Гул ва Хурмуз» каби асарлар ёзган.

ўғлига (852 йилда вафот этган) нисбат берган ҳолда қуйидагиларни ҳикоя қилади:

«Шайх Ҳотами Асам, қоддасалоҳу сираҳу, Балх шайхларининг улуғларидан эди. Жунайид (Бағдодий) каби азиз унинг ҳақида: «Бул замоннинг сидиққи Ҳотами Асамдир», деб айтган. Таснифлари бордир.

Муборак қулоғлари кар эмас эди. Аммо, Ҳотами Асам⁶³⁴ дейишларининг сабаби шуки, бир кун унинг ҳузурига бир нарсани сўраш учун бир хотин келди. Гаплашар экан, гафлат босиб, у аёлдан ел чиқди. Ҳотам ўзини эшитмаганга олиб,

– Баландроқ сўзлагин, қулогим кар эшитмайман, – деди, токи ул хотин хижил бўлмасин, уялмасин. Бу орада хотин саволини баланд овозда сўради. Ҳотам жавоб берди. Ўша хотин эшитиб малул (гамгин) бўлмасин деб, ўн беш йил давомида Ҳотам ўзини карликка солиб юрди. Хотин охирагга равона бўлганидан кейингина бунини давом эттиришни лозим кўрмади. Унинг кар дейишларини сабаби шу эди»⁶³⁵.

Шайх Ҳотам Асам ва Фаридиддин Аттор тўғрисидаги мазкур ривоятни Гарбобо қишлоғидаги авлиё билан боғлиқлиги масаласига келсак, бу ривоятнинг аҳоли орасида жуда машҳур бўлганлигидан деб қараш бизнингча мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бинобарин, Фарғона водийсида Увайс Қараний, Боязид Бистомий, Абдуллоҳ Ансорий, Сулаймон Боқирғоний, Шамсиддин Табризий, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Алоуддин Аттор, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор сингари тасаввуф тариқатининг атоқли намоёндалари номи билан боғлиқ зиёратгоҳлари ва улар тўғрисидаги ривоятларнинг мавжудлиги шу вақтга қадар кўплаб мунозарали саволларга сабаб бўлган. Зотан, Фарғона водийсида мазкур зотлар мазорларининг пайдо бўлишини ҳикоя қилувчи ривоятлар бир мунча ҳақиқатга тўғри келмайди. Бироқ муқаддас жойларга машҳур суфийларнинг номларини бериб улуғлаш ҳолати Ўрта Осиёда қадимдан мавжуд эканлигини назарда тутсак, биз ушбу саволга жавоб бергандек бўламиз. Чунончи, Карбобо (Гарбобо) зиёратгоҳига оид ривоятлар кейинги тарихий тараққиёт жараёнида ўзгаришга учраган Натижада Шайх Ҳотам Асам ҳамда Фаридиддин Аттор номи билан боғлиқ ривоятлар маҳаллий авлиёнинг номига кўчганлиги эҳтимолдан йироқ эмас.

⁶³⁴ Асам – араб тилида кар маъносини англатади.

⁶³⁵ Фаридиддин Аттор. Тазкират-ул Авлиё / Мирзо Кенжабек таржимаси. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 1997. 63-б.

Айтишларича, Карбобонинг асл исми Хожа Вали бўлиб юқори ҳикоя қилинган воқеа туфайли Карбобо номини олган экан. Кунларнинг бирида Карбобо уйига қовун юборади. Уйга келгач аёлига «Мен юборган қовунни олиб келсангиз», дейди. Аммо аёли Карбобога қовундан бир тилик ҳам қўймай еб қўйганликларини айтади. Шунда Карбобо «Бир тилик қовун олиб қўйишни раво кўрмаган аёл, эртага ўлганимдан сўнг менинг ҳақимга дуо ўқирмиди?!» деган фикрни хаёлидан ўтказиб эртаси кунийёқ бозор олдидаги катта ерни сотиб олиб боғ барпо этади. Йиллар ўтиб боғ мевага киргач ҳосилни барчага текин улаша бошлайди. Кейинорқ эса боғни вақф қилиб беради⁶³⁶. Қачонки дунёдан ўтгач Карбобони биринчи бўлиб ўзининг боғига дафн этадилар. Бора-бора бу катта қабристонга айланган экан.

Ҳозирда Карбобо (Гарбобо) мозори маҳалла қабристонидида жойлашган. Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 80 – йилларида Карбобо (Гарбобо) мозори ўзларини ашаддий атеис деб билган айрим вилоят раҳбарлари томонидан бузиб юборилган. Фақат мустақиллик даврига келиб зиёратгоҳ яна қайта тикланган.

Гарбобо қишлоғидаги кўҳна тепаликни ривоятларда қадимги Қува шаҳристонидида ҳумронлик қилган афсонавий Қайқубод подшо номи билан боғлайдилар⁶³⁷.

⁶³⁶ Маълум бўлишича мазкур ривоят Ўрта Осиёда яшаб ўтган бошқа авлиёларнинг ҳаёти билан боғлиқ воқеаларда ҳам нақл этилган.

⁶³⁷ Қувани Қайқубод ва Қубод номли подшоҳлар боғлаш ҳам фақат тахминлар ва ривоятлар замирида юзага келган. Зеро, зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да номи тилга олинган афсонавий Кайёнийлар сулоласининг асосчиси Кавай Кавата, яъни Кай Қубод Эронда ҳумронлик қилган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида келтирилган маълумотларга кўра, Қай Қубод эрамиздан аввалги 782 йили тахтга чиқиб 100 йил подшоҳлик қилган. Қай Қубод номи қадимдан машҳур бўлганлиги боис шаҳарларни унинг номи билан боғлаш ўрта асрларда анъанавий тус олган эди. Масалан, Ҳамза Исфажоний Амударё бўйидаги Қубодиён (Тожикистон) шаҳрини Қай Қубод бино этганлигини таъкидлайди. Эрондан ҳукмронлик қилган Сосонийлар сулоласига мансуб Қубод (488-531) исмли ҳукмдорни ҳам Фарғонада ўз номига Қубод шаҳрини бино қилиши ҳақиқатдан йироқдир. Чунки Қубод Турон заминида ўша даврларда ҳукмронлик қилган Эфталитлар ҳукмдорининг ёрдамида ўз тахтини қўлга киритган бўлиб, ўз хомийларининг давлатида шаҳар қуриши ҳақиқатга тўғри келмайди. Демак, келтирилган маълумотлардан равшан бўладики, Қувани Қайқубод ва Қубод номи билан боғлаш афсона ва ривоятлар замирида юзага келган бўлса керак.

Шаҳарни Қай Қубод деб аталишининг асосий сабаби аслида бу сўзнинг мазмуни катта аҳамият касб этган кўринади. Чунки тарих фанида жой номлари унинг

Аввалги пайтларда бу тепаликни (аҳоли уни дева деб атайдилар) атрофида тўртта кўл бўлганлигини айтадилар. Ривоятларга кўра, Қайқубод подшоси бу ерга одамларга тупроқ ташиштириб ўзи учун масус ўрда барпо қилган эмиш. Кейинчалик Қайқубод ўрдаси хароба бўлиб, аҳоли томонидан қабристонга айланган экан.

Аҳоли орасида мазкур ривоятлардан бу тепаликнинг нақадар қадимий эканлигини англаш қийин эмас. Чиндан ҳам қадимшунослар ушбу тепаликни биринчи кўришдаёқ Фарғона водийсидаги қадимги археологик ёдгорликларидан бири сифатида эътироф этишларига шубҳа қилмаймиз. Чунки Гарбобо археологик ёдгорлигида ер устида сочилиб ётган сопол парчалари орасидан милоддан аввалги II асрдан милодий II асрга мансуб қизил ангобли сопол идишларнинг парчаларини топиш муаммо эмас. Зеро, ўша даврларни ўзига хос сополлари бу қизил ангобли сополлар бўлиб, улар Фарғона водийсининг шарқий худудидан ташқари деярли барча худудда кенг тарқалган. Бу ҳақда қадимшунос олима Н.Г.Горбунованинг (1927 – 2001) илмий асарларида ўз ифодасини топган⁶³⁸. Бундай сополлар одатда чарҳда ясалар ва кундалик рўғорнинг деярли барча соҳасида қўлланилар эди (фақат ошхона идишлари кучли оловга чидамли бўлиш учун пиширилган сополни қайта ишлаш йўли билан қўлда ясалган).

Гарбоболик кексаларнинг хотираларига таянадик бўлсак, бундан 60-70 йиллар муқаддам тепалиқдан қадимги зина қолдиқларини ҳам учратиш мумкин бўлган. Айниқса қабр кавлаш вақтида бутун сопол идишларнинг учратиш туриши ўша пайтларда ҳеч кимни ажаблантирмаган. Ушбу маълумотлар албатта ўқувчиларда агар Гарбобо ёдгорлиги қадимдан мавжуд экан,

хусусиятларига нисбатан берилган бўлсада, вақтлар ўтиши билан у киши номи деб қабул қилинган ҳолатлари учраб туради.

⁶³⁸ Бу ҳақда қаранг: Горбунова Н. Г. Кугайский могильник. АСГЭ. вып. 3. 1961; Горбунова Н. Г. К истории Ферганы в эпоху раннего железа. СА.1962. № 4. Горбунова Н. Г. Керамика поселения Ферганы первых веков н.э. ТГЭ. вып. 20. 1970; Горбунова Н. Г. Кугайско-Карабулакская культура Ферганы. СА. 1983. № 3; Горбунова Н. Г. Культура Ферганы в эпоху раннего железа. АСГЭ. вып. 5. – Л., 1962; Горбунова Н. Г. Некоторые вопросы хронологии Ферганской керамики с красным ангобом. АСГЭ. вып. 13.1971; Горбунова Н. Г. О локальных особенностях в культуре древней Ферганы. СА. № I. 1970; Горбунова Н. Г. Отчёт об археологических работ Ферганского музея в 1952 году. ФОКМ. Науч. Архив. № 494.

дастлабки даврларда тепалик қандай вазифани бажарган? деган саволни келтириб чиқараши муқаррар. Биз бу саволга жавоб сифатида қадимшунос олим, академик А.Муҳаммаджоновнинг куйидаги фикрларини келтириб ўтмоқчимиз.

«Буюк ипак йўли қадим замонлардаёқ Осиё қитъасини кўндалангига кесиб ўтиб, улкан Шарқни Ғарб мамлакатлари билан боғлаган. Натижада қитъалараро бу карвон йўли бўйлаб яшаган халқларнинг ўзаро мулоқот ва тижоратлари кенгайиб, иқтисодий ва маданий ҳаёти юксалди. Бу савдо йўли узра янги-янги шаҳарлар пайдо бўлди, шаҳарларда эса ҳунармандчилик униб-ўсди. Илк ўрта асрларда халқаро савдо-сотиқни олиб борувчи ва уни бошқарувчи савдогарлар аҳли «каш-кашон» номи билан шуҳрат топди. Анвойи ҳунармандчилик маҳсулотларини узоқ ўлкаларга элтувчи минглаб туя карвонлари йўлларга тизилди. Бундай сахро кемаларини бошқарувчи карвонбошилару туякашлар, пойкору хизматчилар гуруҳи ишга киришди. Минглаб чақиримга чўзилган, тоғ даралари оралаб, қорли баланд доvonларни ошган ва сувсиз бепоён дашту сахроларни кесиб ўтганбу узоқ савдо йўллари бўйлаб қатор-қатор карвонлар, сайёҳу дарвешларнинг, турли мамлакат элчию вакилларининг муттаси қатновини таъминлаш мақсадига қитъалараро йў узра сон-саноксиз қўноқлар, равоқлар, хонақоҳлар, даштларда эса сардобалар – гумбазл ҳовузлар қурилиб, дарё кечувларига соллар ўрнатилган. Шаҳарларда катта-кичик карвосаройлар ва меҳмонхоналар қад кўтарган.

Афсуски, қадимда турли мамлакатларни боғлаган кўҳна савдо йўлида бино қилинган иморат ва иншоотларнинг кўпи асрлар давомида вайрон бўлиб, бизгача улардан ясси тепалар шаклидаги археологик ёдгорликларгина етиб келган»⁶³⁹.

Шундай экан Ғарбобо тепалиги қадимда Фарғона водийсидан ўтган Буюк ипак йўлидаги савдо карвонларни тўхтайдиган ва уларни ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этувчи манзилгоҳлардан бирнинг вазифасини бажарган. Зеро, Тошлоқ худудидаги Зангшутепа, Арабмозортепа, Қилич Бурҳонтепа Варзактепа, Тепа азизлар сингари ёдгорликлар ҳам худди Ғарбобо тепалиги каби Буюк ипак йўлининг ҳам қўналғасида жойлашган бўлиб, қадимдан савдо-сотиқнинг маданий алоқаларнинг уйғунлашувида муҳим рол ўйнаган иншоотлар сифатида ўз даврида машҳур бўлганлар. Бундай қадимги тепаликларни

⁶³⁹ Муҳаммаджонов А.Ипак йўли бўйлаб. Фан ва турмуш. 1990. № 12. 6-б.

ўрганиш, тарихимиз ва маданиятимизнинг йўқолиб кетган зарварақларини тиклаб, ўтмишимизни ўрганиш учун нақадар зарур эканлиги бугунги кунимизнинг муҳим давр талабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунга қадар тахминан 3-4 гектардан зиёд майдонни эгаллаб турган Гарбобо археологик ёдгорлигидан аҳоли қабристон сифатида фойдаланиб келинади. Бу ерга Шилва, Гарбобо, Шакар (Бўзалар), Найман-бўстон сингари қишлоқлардан маййитни олиб келиб дафн этишади.

Шермуҳаммадбек

Гарбобо (Карбобо, Гарбува, Гарби) ёдгорлиги ҳақида сўз кетганда албатта Шермуҳаммадбек кўрбоши номи тилга олинади. Чунки ўтган асрнинг 20-йиллари Гарбобода Шермуҳаммадбек қароргоҳи жойлашган бўлиб, бу жой ҳарбий машқлар ўтказиш учун қулай жой ҳисобланган. Қолаверса, Шермуҳаммаднинг беклик вақтида Гарбободаги кўрғонда атроф қишлоқларнинг халқи учун саййиллар қилиб берган. Балиқчилик Маматхўжа эшон: «Гарбободан бош кўтарди Шермуҳаммад, Эрмуҳаммад, Ислом учун жонин берди Нурмуҳаммад», деб кўшиқ куйланган бўлса, Юсуфжон қизиқдек машҳур сўз усталари аскиялар айтиб халқни қулдиришган. Кўз олдимизга ўша давр воқеаларни тасаввур қилиш учун Гарбобо ёдгорлиги бўйлаб кезар эканмиз, большевикларнинг қизил армиясига қарши курашиб юз мингдан ортиқ кўшинга қўмондонлик қилган Шермуҳаммадбек тўғрисида мухтасар маълумот беришни лозим топдик.

Маълумотларга кўра, Шермуҳаммадбек 1893 йили ҳозирги Тошлоқ туманининг Қумариқ қишлоғининг Гарбобо маҳалласида дунёга келган. Шермуҳаммадбекнинг бобоси Абдурайимбек Қўқон хони Худоёрхоннинг бекларидан бўлиб, ўз даврида хон саройида муҳим лавозимлардан бирини эгаллаб турган. Худоёрхон тахтдан кетганидан сўнг Абдурайимбек Қумариққа келиб деҳқончилик билан машғул бўлган. Кейинчалик унинг фарзанди Қўшоқбек Қумариқнинг амини бўлган. Қўшоқбек 1915 йили ҳажга боради. У ҳаждан қайтиш чоғида мусофирчиликда дунёдан ўтган. Қўшоқвой ҳожидан Тошмуҳаммадбек, Рўзимуҳаммадбек, Шермуҳаммадбек ва

Нурмуҳаммадбек исмли тўрт ўғил ва Тўфахон ҳамда Савринисохон исмли икки қиз қолган.

Шермуҳаммадбек дастлабки бошланғич таълимни ўз қишлоғида, кейин эса Марғилонда олган. Ёшлигидан зехнли билимга чанқоқ, адолатпарвар ва айна пайтда китоб ўқишга иштиёқманд бўлган. Болалигидан катта бувасинин ёнида юриб, деҳқончиликни астойдил ўрганadi. Ёш бўлишига қарамай, мироблик сирларини ҳам чуқур ўзлаштиради ва бу унга кейинги Афғонистон ва Туркиядаги ҳаётида жуда асқотади. Ўсмирлик чоғида эса Шермуҳаммадбек ҳарбий ва чавандозлик сирларини пухта эгаллайди. Кўрганларнинг гувоҳликлик беришларича, у от минишни шу қадар ҳаддини олган эдики, ҳеч қачон отни бетаҳарот минмаган экан.

1992 йили Шермуҳаммадбекнинг акаси Тошмуҳаммадбекнинг 85 ёшли қизи Ашурбиби билан бўлган суҳбат чоғида журналист Алишер Бек қуйидагиларни ёзиб олган эди:

«Амаким Шермуҳаммадбек ёзиш-чизишга, илмли, сипо, камтар, камбагалпарвар эди. Акалари Тошмуҳаммадбек дадам ва амаким Рўзимуҳаммадбек амаким билан деҳқончилик қилардилар. Қовун экишганини, пахталарни заводга ташишганини эслайман. Большевиклар зулми кучайганидан сўнг 5-10 киши бўлиб, кейин йигитлари кўпайиб кетди. Шермуҳаммадбек амаким Афғонистонга ўтиб кетганидан кейин дадам билан Рўзимуҳаммад амаким қовун полизда иш қилишаётганда НКВД ходимларни келиб бекка қўшилгансан, деб олиб кетишди. Уларни қайтиб кўрмадим»⁶⁴⁰.

Шермуҳаммадбек совет ҳукуматининг мустабид тузумига қарши миллий-озодлик курашининг илк босқичидан бошлаб жангга кирган. 1918-20 йилларда катта Эргаш ва Мадаминбекнинг ўринбосари сифатида Фарғона водийсида истиқлолчиларнинг йирик лашкарбошиси бўлган. 1920 йилнинг баҳоридан бошлаб Шермуҳаммадбек Фарғона водийсидаги қуроли ҳаракатга раҳбарлик қилган. 1922 йилнинг охирига келиб Туркистон минтақасига катта ҳарбий қисмлар ташлангач ҳам моддий ҳам ҳарбий жиҳатдан заифлашиб қолган Шермуҳаммадбек Фарғона

⁶⁴⁰ Алишер Бек., Азим Дарё...21-б.

водийсини тарк этишга мажбур бўлади⁶⁴¹. 1923 йилнинг баҳорида Афғонистонга ўтиб, бир қанча муддат Қобул шаҳрида истиқомат қилади.

Маълумки, Шермуҳаммадбек собиқ совет тузуми даврида «Кўршермат» деб аталган. Унинг бир кўзининг кўр бўлиб қолиши боғлиқ юз берган воқеа турлича талқин этилган. Шу сабабдан уларнинг айримларини келтириб ўтмоқчимиз.

Бу ҳақда Алишер Бек ҳикояси:

«Бекнинг ўнг кўзи аслида тугма кўр бўлмаган. Найнавода⁶⁴² хотинбоз, бир юлғич қозининг устидан қишлоғидагилар шикоят қилиб келишганда қозини жазолагани бир нечта йигитлари билан ўзи боради. Қози айбини бўйнига олиб, бешотар милтигини отиш учун кўзлаганда милтиқнинг затвори қайтиб кетиб, кўзини оғир жароҳатлайди. Йигитлар қўрбошини паранжи остида қизиллар қўл остидаги Скобелевга олиб боришиб, ўша ерлик бир ўрис ҳаким уни даволаган экан»⁶⁴³.

Иброҳим Карим ҳикояси:

«Гарчи Шермуҳаммадбек 1916 йилдаги «йигит олди» кампаниясида фронт орқасида ишлаш учун олинди, Россия ва Польшада бўлган эса-да, аммо у қурол билан муомала қилишни энди ўрганаётган пайтда Шаҳрихон яқинида қизиллар билан жанг бошланиб кетди. Жанг қандай бўлишига қизиққан Шермуҳаммадбек бошқалар қатори урушга бориш учун ўз понсодини кўндиради. Аммо у милтиқ отишни ҳали яхши ўрганиб олмагани туфайли ана шу жангда милтиқнинг лўкидони (затвори) орқага қайтганда, кўзига қаттиқ тегади. Мадаминбек уни дарҳол Гарбувага қайтаради. Кейин Балиқчига юбориб, рус дўхтирига даволаттирди. Бироқ Шермуҳаммадбек кўр бўлиб қолди. Бу тажангроқ, чўрткесар одамни орқаворотдан «Кўршермат» деб атай бошладилар»⁶⁴⁴.

Мансурхўжа Хўжаев ҳикояси:

«Кўп ўтмай Шаҳрихондан чопар келиб, у ерда ҳаракатда бўлган Юсуфжон қўрбошининг мактубини топширди. Мактубда маълум бўлишича, Шаҳрихон гарнизони аскарлари ароқхўрлик балосига мубтало бўлиб, ароққа пул топиш учун халқни талаб мол-мулкани тортиб олаётган экан.

⁶⁴¹ Тўйчиев Қ., Қўчқоров Т., Охунжонов О. Марғилон истиқлолчилик ҳаркатининг таниқли намоёдалари // «Марғилон шаҳри ўтмиши, бугуни ва эртаси» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Фарғона, 2007. 87-б.

⁶⁴² Найнаво Андижон вилоятидаги қишлоқлардан бирининг номи.

⁶⁴³ Алишер Бек., Азим Дарё...21-22-б.

⁶⁴⁴ Иброҳим Карим. Мадаминбек...119-б

Бу пайтда Мадаминбек ҳам Форбувада эди. У Шермуҳаммадбекни Юсуфжон қўрбошига мадад бериш учун юборди. Бу сафар ҳам тўсатдан хужум қилингани учун гафлатдаги гарнизонни енгиш анча осон кечди. Жанг охирлаб қолганда Шермуҳаммадбекнинг бешотар милтиги лўкидони (затвори) яхши ишламай қолди. Шермуҳаммадбек милтиқни яқинроқ ушлаб, лўкидонни текшириб турган эди, лўкидон яна ишлаб қолиб, ўқ отилиб кетди... Лўкидон ишлаб кетиб ўқ отилгач, тепки зарбидан ярим ой шаклидаги қўндоқнинг бир учи Шермуҳаммадбекнинг чап кўзига тегди ва уни отдан ағдариб юборди. Йигитлар уни дарҳол ердан кўтариб, кўзини қийиқча билан боғлаб, отга миндириб Форбувага олиб келдилар. Мадаминбек фурсатни ўтказмай уни балиқчига олиб кетди...

Уч-тўрт кунлик муолажадан сўнг, Мадаминбек Шермуҳаммадбекни Форбувага элтиб қўйди. Шундан бери Шермуҳаммадбекка унинг душманлари «Кўршермат» деган ном қўйиб олдилар... Ўшандан бери Шермуҳаммадбек кўзига кўзбанд боғлаб юрди. Кейинроқ эса, унинг қўшинига ҳарбий мутахассис сифатида келган турк зобитлари унга қора кўзойнак совға қилдилар»⁶⁴⁵.

Шермуҳаммадбекнинг қизи Саодатхон опа хотираларидан:

«Дадамизнинг гапларига қараганда, 1918 йили душманларга қарши чиққанларида аскарлар томонидан отилган ўқ ўнг кўзларига тегди... Дадам ва унинг атрофдагилари қанчалик уринмасинлар, кўзни қутқариб қолишнинг иложи бўлмайди, шу сабаб, ўнг кўзлари кўрмай қолади. Унгача Шермат ака дейишар экан, кейинчалик Кўршермат деб аташади... Дадамиз бу номга кўникиб қолган, ҳеч ҳам хафа бўлмасди. Бир кун: «Аллоҳ йўлида газотга чиққанымда, бу ҳодисалар бўлиб ўтди... Аммо у замонлар мен ўлсам эди, рози бўлардим, чунки шаҳид бўлардим... Аммо уни Аллоҳ менга лойиқ кўрмади, газотда кўзимдан айрилдим... қисматим шу экан, мингдан-минг розиман», деб менга айтганлар»⁶⁴⁶.

Маълумотларга кўра, Афғонистон ҳукумати 2-жаҳон уруши даврида Шермуҳаммадбекни 2 йилга (1943-1945) қамоқда ушлаб турган. Шермуҳаммадбек озодликка чиққач, Ҳиндистон, сўнгра Покикистоннинг Пешовар (1951-1955) ва Туркиянинг Адана (1955 йилдан умирининг охиригача) шаҳарларида яшаган.

⁶⁴⁵ Хўжаев М. Шермуҳаммадбек қўрбоши...102-б.

⁶⁴⁶ Мавлон Шукурзода. Америкалик ўзбеклар...236-б.

1970 йилнинг 10 март куни Адана шаҳри кўчаларини 10 мингларча одамлар тўлдирдилар. Уларнинг барчасинин кўзларида ёш қалқирди. Чунки шу куни Шермуҳаммадбек 78 ёшида юрт соғинчида дунёдан кўз юмган эди.

Ҳозирда Адана қабристониди анвойи гуллар ва ям-яшил дарахтлар остида Шермуҳаммадбек ва унинг укаси Нурмуҳаммадбек қабри жойлашган бўлиб, Шермуҳаммадбек қабрига туркча қуйидаги сўзлар битилган.

*TURKISTAN ISTIKLAL
MUCADELLE BAS KUMANDANI
GAZI SHER MEHMET BEK
78. YASHIDA 10 MART 1970
TARIXINIDE XAKKIN
RAXMETINE KAVUSHMUSTUR*

Ҳожиота

Нақл қилишларича, Ҳожи ота қишлоғининг номини келиб чиқиши шу ерда яшаб Умраминбой ота исми билан боғлиқ экан. Айтишларича, XIX асрда мазкур қишлоқда саховатли Умраминбой ота яшаб ўтган экан. У юртда қаҳатчилик юз берган вақтда ҳажга бориш ниятида йиққан барча мол-дунёсини халққа бўлиб берганлиги учун қишлоқ аҳли орасида Ҳожи ота номини олган. Шу зайдда вақтлар ўтиши билан Умраминбой ота яшаган қишлоқ Ҳожи деб атала бошлаган эмиш.

Яна бошқа бир ҳикоятга кўра саховатпеша бу инсоннинг асл исми Қўрбоши ҳожи бўлиб, Олтиариқда мингбошилиқ қилган экан. Унинг мингта оти ва мингта ҳўкизи бўлганлигини ҳам нақл қиладилар.

Чакки ота зиёратгоҳи

Ҳожи маҳаллада Чакки ота номли зиёратгоҳ жойлашган. Афсуски зиёратгоҳнинг бундай ном билан аталиши хусусида аниқ бир маълумотга эга бўла олмадик.

Эшакчи

Нақл қилишларича, Эшакчи маҳалласининг номи аввалда Эшкакчи деб аталган экан. Бунга сабаб қишлоқ ёнида Ойдинқўл деб аталувчи сув ҳавзаси бўлиб, ундан одамлар эшкак орқали ўтганликлари учун қишлоқ ҳам Эшкакчи деб юритилган эмиш. Бу ном бора-бора талаффузда Эшакчи бўлиб қолган дейишади. Бироқ қадимда савдо-сотик муносабатлари ривожланган бозорга яқин ҳудудларда, умуман олганда юкларни ташишда эшаклардан кўп фойдаланган ерларда Эшакчи номи билан юритилган қишлоқ ва маҳаллалар ҳам кўп бўлган⁶⁴⁷.

Сўфи қишлоқ

Аҳоли орасида Сўфи қишлоқнинг пайдо бўлиши хусусида куйидагиривоятлар мавжуд. Айтишларича қадим замонларда Самарқанднинг Каттақўрғон мавзесидан олти ака-ука Қумариқ томонларга келиб ўрнашган пайтларида ака-укаларнинг ичида сўфи бўлгани ҳозирги Сўфи қишлоқ ерларини ўзига ватан тутган экан. Ўша-ўша қишлоқ Сўфи номини олган эмиш⁶⁴⁸.

Бизнингча, Сўфи қишлоқ Сўфи этноними билан боғлиқ бўлиши мумкин. Зеро, 92 ўзбек қабиласининг бири бўлган сарой қабиласига мансуб уруғнинг бир бўғини Сўфи деб аталган⁶⁴⁹. Сарой қабиласи Фарғона водийсида темурийлар давридаёқ келиб ўрнашган бўлиб бу ҳақда Бобурномада ҳам маълумотлар учрайди. Элшунос олима С. С. Губаеванинг фикрига кўра, сарой қабиласига

⁶⁴⁷ Бу ҳақда қаранг: Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX - начале XX вв.). Составители: И.Юлдашев, К.Убайдуллаев, О.Д. Чехович, К.З.Хакимова. – Т.: «Университет», 2001;

⁶⁴⁸ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Қумариқ қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сўфи маҳалласида яшовчи Орифжон Ҳожиматовдан (1938 йилда туғилган) ёзиб олинди.

⁶⁴⁹ Задыхина. К. Л. Некоторые вопросы изучения этнического состава // Краткие сообщения института этнографии, т. XXXVII. – М.: «Изд-во АН», 1962. С.40.

мансуб аҳолининг асосий қисми Фарғона водийсига Шайбонийхон қўшинлари билан бирга келган кўринади⁶⁵⁰.

Эсонобод

Қишлоқ номи меҳнат ва уруш фахрийси Эсонали Ҳасанов (1902-1987) номи билан боғлиқдир. Эсонали Ҳасанов иккинчи жаҳон уруши даврида кўрсатган қаҳрамонликлари учун кўплаб жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган бўлиб, жанглarning биридаги алоҳида жасорати учун Шухрат ордени билан мукофотланган. Айтишларича, Эсонали Ҳасанов бир неча бор ўлимга рўбарў келган ва ҳар сафар ҳеч зиён-заҳмат кўрмай қонли жангоҳлардан тирик чиққанлиги учун сафдошлари орасида «Темир тан» номи билан машҳур бўлган экан.

Султон Азизлар зиёратгоҳи

Эсонобод қабристонида «Султон Азизлар» номи билан аталувчи зиёратгоҳ жойлашган. Нақл қилишларича, мазкур зиёратгоҳни Султон Боязид Бистомий номи билан боғлашиб, кўп ҳолларда Султон Баёз бува деб аташар экан⁶⁵¹. Ушбу зиёратгоҳга чор-атрофдан зиёратга келиб турадилар. Таъкид жоизки, Боязид Бистомий номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳам мавжуд. Бу ҳақда Садриддин Салим Бухороий ўзининг «Икки юз етмиш етти пир» китобида қуйидагиларни келтиради:

«Ҳазрат Боязид Бастомийнинг жасадлари Эрондаги Бастом шаҳридадир. У ерда улкан мақбара қурилган. Лекин ҳазрат Боязиднинг қадамжолари Бухорода, Навоий вилоятларида ва бошқа шаҳарларда бор. Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида Хожа Бўстон қадамжолари мавжуд. Лекин Навоий вилояти, Қизилтепа шаҳри, Бўстон қўргони

⁶⁵⁰ Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в ...С. 64.

⁶⁵¹ Дала тадқиқотлари. 2010 йил. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани Қумарик қишлоқ фуқаролар йиғинининг Эсонобод маҳалласида яшовчи Умрчаҳон Мамадалиевадан (1923 йилда туғилган) ёзиб олинди.

Мирзо Улуғбек кўчасида Султон Боязид Бистомийнинг қутлуғ қадамжолари, масжидлари, рамзий қабрлари бор»⁶⁵².

Хулоса ўрнида

Бир қарашда бошқа туманлардан деярли фарқ қилмайдиган Тошлоқ тумани аслида ўзининг бой тарихга эга эканлиги билан диққатга сазовордир. Чунончи Тошлоқ ўтмишда қадимги Қува (Қубо) ва Марғилон шаҳарлари тарихининг узвий бир қисми сифатида муҳим аҳамият касб этиб келган. Зеро, ўрта асрларда Марғилон ва Қува билан боғлиқ содир бўлган тарихий воқеалар айнан Тошлоқ ҳудудида юз берган. Шу сабабдан Тошлоқ ҳудудида олис мозийдан дарак берувчи тарихий ёдгорликлар сони оз эмас. Балки ҳали аниқланмаган ва давлат рўйхатига олинмаганларини ҳам учратиш мумкин. Чунки изланишлар давомида биз бу ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Биргина китобда катта бир туман тарихини акс эттириш мушкул иш. Баъзан бир қишлоқ тарихини ўзи китоб яхшигина китоб бўлиши мумкин. Бундай тарихга бой қишлоқлар Тошлоқ ҳудудида оз эмас.

Шундай экан келгусида Тошлоқ тарихига доир янгидан-янги китобларнинг ёзилишига умид қиламиз.

⁶⁵² Садриддин Салим Бухорий. Икки юз етмиш пир...36-б.

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

ҚАДИМГИ ТОШЛОҚ

ТОШЛОҚ ШАҲАРЧАСИ

САДДА

ҚЎРҒОНЧА

АХШАК

ЗАРКЕНТ

БИРЛИК

НАЙМАН

НАЙМАН-БЎСТОН

АРАБМОЗОР

ВАРЗАК

ҚУМАРИҚ

ХУЛОСА ЎРНИДА